

0-39700

291

БОКИЙ МИРЗО

ЎФРИНИНГ  
МУҲАББАТИ



1


**Боқиү МИРЗО**

# **ЎҒРИНИНГ МУҲАББАТИ**

**Р о м а н**

**(БИРИНЧИ ФАСЛ)**

**«НАМАНГАН» нашриёти  
2012 йил**



УДК: 821.512.133 - 31  
ББК 84(5 У36).  
М - 71

M 54

Ўзбек афти

*Шоир ва ёзуви Бокий МИРЗОнинг ушбу асари қаҳрамони ҳаёт машакқатлари, руҳий изтиробларни матонат билан сенгаб, ўз йўлимни топдим, деганде умр мъъносини хато ўйлаганини тушиниб қолади. Туғилиш ва яшашибдан мақсад - зўравонлар кўлига ўйинчоқ бўлиш эмас, қийналганларга ёрдам бериш, Ватнга хизмат унинг шын-шароратини бозондай кўтариш эканини англагач, катта моладий даромад келтирабтган ишдан воз кечиб ота юртига қайтишини ўйлади. Билагилаги куч, катта никдордаги моладий бойлиги, спортда эгаллаган маҳоратини Узбекистон учун сарф қилишга жазм этади.*


*Асарда қаҳрамонлар психологияси, феъл-атмори ва оғидига кўйган мақсади ҳаётий ҳақиқатлар фонида берилади. Ҳар бирнадаги адолат ва инсонни қадрлаш хислати эса умуминсоний туйгулар билан уйғунлаштириб юбэрнлади.*

*Асарни ўқиган ёшлар ҳаётга очик кўз билан қараш, катта мақсадлар билан киришини ўрганадилар, тақамир синонларидан бардош билан ўтиб, тўғри йўлни топишга турткни оладилар, деган умиддаминз.*

ISBN-978-9943-328-63-1

НГ 1014-2780,50-1491950  
1015-(15,0)-(03)

- Бокий МИРЗО
- «Ўзрининг муҳаббати»  
«Наманган» нашриёти. 2012.240 б.



Урал зуқса  
10-ривбс

## 1- қисм

\* \* \*

Инсон она қорнида пайдо бўлгач, қирқ биринчи куни осмондан фаришталар тушиб, умри, жинси, ризқи, кимга уйланиб, қанча фарзанд кўриши ва қаерда, қандай бандачилик қилишини пешонасига ёзиб кетаркан. Бу ҳеч ким ўзгартиромайдиган ТАКДИР! Унга кўнганлар ҳаётдан рози, Яратганинг марҳаматидан баҳтиёр яшайдилар...

Ялмоғизлар фариштага, яхшилар махлуққа айланса, мутлақо ажабланманг! Унисини Аллоҳ тўғри йўлга солган, бунисини шайтон йўлдан оздирган! Эътиқод мустаҳкам, орияти баланд бўлишиликни ЎЗИдан сўранг.

Ёмонларга инсоф, яхшиларга сабр-тоқат тилаш - эскилар иши эмас, бугунги одамлар тақдирида ҳам омад ва баҳт сингари жилва қиласди...

Қоронғулик нурга, одамзод эзгуликка ташна.

Болаликда ўрнашган иллат шайтон сингари одамни қабиҳ йўлларга бошлайди. Биз, кўпинча, ўғри ёки зинокорлар ўз ишини ҳузур қилиб бажаради, деб ўйлаймиз.

Йўқ! Улар оғир жиноятлар қилишаётганини билишади. Аммо не қилсин, ўрганган кўнгил. Разил ишларисиз дунё бир камдай туюлади уларга. Уларнинг ўз ҳаёт мезонлари, тириклик тамойиллари бор, аммо ундан кечган одамзод тўғри йўлдан кетаётганини кўриб турибмиз...

Қаҳрамоним - ЎФРИ, тақдиридан тонмайди,

ҳаром йўл билан мўмай бойлик орттирганлар мулкини ўмаради, баъзан "касби"дан нафратланади, виждони қийналади. Ана шу қийноқ имонини асрайди. Қалтис лаҳзада ажаб гўзалликка дуч келади-ю, "касби"нинг барча даҳшатини ҳис қилиб, юраги тозалана бошлайди, муҳаббат суруридан баҳраманд бўлишни истайди. Номини тозалаш учун мардлик билан қиз қалбидан жой олади... Келинг, у ёғини ўқиб кўринг, вақтингизга ачинмайсиз, мен кафил!...



Ярим тун. Атроф зулматдек қоронғу. Саксонга яқинлашған буви хуфтон намозидан кейин уйқуга кеттән. Қүшни хонада бир текис нафас олиши әшитилиб турибди. Гоҳи уйқуси қочиб, у ёндан-бу ёнға ағдарилади.

Олим ярим тунда ўғирликка түшса, пардан тортиб қыйиб, ўртага шамни ёқали-да, бемалол ишлайверади, баъзан атайлаб шамни ташлаб кетади...

Бугун ҳам шу одатига риоя қилди. Ихчам, қоп-қора спорт формаси билан бошига қора ниқоб кийди. Ой чиқмаганлығи учун ҳамма ерни зулмат қоплаган. Эрта баҳорда сотиб олган янги велосипедини минди-да, қүшни қишлоққа жүнади.

Ботир Қаҳрамон аканинг қизи Интизорда уч миллион сүмга яқин тилла буюмлар борлиги ҳақидағи маълумотни унга сотған. Асли объект ўзиники эди, аммо Қозогистондаги шериклари чақириб қолишгани учун ултуролмабди. Олимга ошириб юборди...

Манзил яқин қолганда Олим велосипедни ариқ бүйидаги ўрик тепасига илди. Шох-шабба орасида бирор күрмайди. Қолган юз метрча йўлни пиёда босди. Катта эшикнинг икки тарафидаги кузатув камерасига чап бериб, ўртада қора шарпадай тўхтади. Ҳар доим икки чўнтағида бир дастадан калит олиб юрарди. Бугун фақат бир дона холос.

Кеча тиланчи кампир ниқобида келиб, эшикдаги иккала қулф битта калит билан очилишини аниқлаган. Эшикда қолдирилган калитни эса чўнтағига солған, ҳозир ҳам шунга ишониб келган эди.

Секин ўрнидан туриб, қулфга калит солди. Хайрият! Панд бермали. Бундай вазиятда биринчи муваффақиятдан кейин муаммо чиқишини тажрибадан ўтказған Олим хушёрликни ошириди. Дарвозахона, ҳовли жим-жит. Тансоқчи ётадиган хона деразасида хира нур бор. У ухластган бўлиши, аксинча, парда ортидан ҳовлини кузатиб телевизор кўраётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Олим тезроқ нафас олади-ю, секин чиқаради. Имкони бўлса нафас олмасликка ҳаракат қиласади. Девор ортидан жудаям секинлик билан писиб юради.

Тансоқчи кузатаёттган бўлса, уни одам деб ўйламаслиги керак!

Иккинчи қаватга кўтариладиган зинапоя олдига келгунча хавотирли шарпа сезилмади. Ортилан бирор келиб, бўйнидан қисиб олиши мумкинлигини хаёлдан қочирмаган Олим орқасига бир қараб олди. Ҳовлида тинчлик. Билинрабилинмас шамол лараҳт баргларини шитирлатади. Ток барглари орасида енгил овоз чиқариб эсади. Бу Олимга қўл келади.

Аввалги режасига кўра, у Қаҳрамон миллионнинг уйига кўча тарафдан тушмоқчи эди. Лекин деразаси "Акфа" экан, фикридан қайтди. Уйдагилар тансоқчига ишониб бемалол ухлашларини, у ҳам ярим тунда мудраб қолиши мумкинлигини, агар уйғоқ бўлса, бўйнидаги нозик томирига уриб ҳушидан кетказишини ният қилиб, ҳовли томонни танлаган эди. Тансоқчини яхши танийли. Бир вақтлар бокс тўғарагига қатнаган, эпчил ва бақувват бола. Ҳарбий хизматдан қайтгандан кейин ишсиз юргани учун қариндоши Қаҳрамон aka тансоқчиликка олган. Олим у билан юзма-юз келиб курашмаган бўлса, имкониятларини яхши билади. Бир-икки марта шаҳар болалари билан уришганини кўрган, аммо айтарли мақтайдиган жойи йўқ. Агар у билан юзма-юз келиб қолса, бемалол пачоғини чиқариб ташлайди.

Зинапоядан ярим қават кўтарилгач, бироз тўхтаб атрофга қулоқ солди. Тинчлик. Иккинчи қаватга стиб боргандан кейин эса эшик тагида нафасини ростлади. Хайрият, коридор қулфланмаган. Ушлагичини пастга босиши билан очилди. Чўнтағидан латта олиб кроссовкаси тагидаги чангларни артди... Коридорга кириб, эшикни беркиттгач, бир нафас дам олди ва ташқарини текширувдан ўтказди. Сўнг тўғри ва ўнг қўлдаги хонага кириладиган эшик олдига стиб ичкарига қулоқ солди. Одам шарпаси йўқ!

Тўғрида - Интизорнинг хонаси. Ёнида укаси яшайди. Олим тўғридаги эшикка яқинлашди. Аввал қулф тешигидан ичкарига қаради. Хонани мовийранг лампочка ёритиб турибди. "Эй, Худо! Ўзинг қўлла, ноумид қўйма!" Олим қавзани пастга босиши билан эшик очилди... У қимматбаҳо мебеллар, тури ҳашамларга эътибор бермай Интизор ётган диван тепасига келди. Ҷош тарафига ўтиб, бобоси қабридан олинган тупроқни устига сепди...

Катта-катта буюмлар күзга ташланса-да, мовийранг лампочка жиҳозларни айқаш-уйқаш қилиб юборгандай, у истаган нарсаларни эса бу ёруғда топиб бўлмайди.

Интизор девор томонга қараб ухлаёттан эди. Олим шамни ёқиб, дераза олдилаги столга жойлаштириди. Хона ёришиб, шоҳона жиҳозлар, гиламлар, мебеллар, сўнгти русумдаги парда унинг эътиборини тортмай қолмади. Ўнг тарафдаги кичкина столга компьютер ўрнатилган. Олим хаёли чалғиганини сезди-ю, дарров ҳушини йиғиштириб олди. Қаерга ўғирликка кирган бўлса, ҳеч қачон асосий мақсаддан чекиниб, бошқа нарсаларга ҳуши кетмаган. Бугун кутилмаган воқеа шарпасини сезгандай, юраги безовта.

Диван ёнидаги тумбочка каттагина экан. Устида тилла занжир, исирға ва олмос кўзли узук турибди. Олим кувониб кетди. Ботир алдамабди. Тилла соат қаерда экан? У тумбочка торгмасини очиши билан қиз "Иҳим" дегандай овоз чиқарди-да, осмонга қаради ва шам ёруғи юзини яққол ёрита бошлади. Усти очилиб қолган, тунги кўйлаги ламка услубида тикилгани учун кўкрагининг тепа қисми ва билаклари очик, олмадай сийнаси ниҳоятда чиройли эди. Олимнинг юрагида алланарса "жиз" этди. Тилла соат эсидан чиқиб, қизга астойдил термулди. Ажабо! Киз Европа рассомлари чизган гўзлаллик маъбудасига ўхшарди! Ўзидан меҳригиё ва тароват таратиб, қуёнга ўхшаб нафас оларди. Қошлири нозиккина, қоп-қора, киприклари узун, юзлари оппоқ, лаблари кулиб тургандай мулоим. Чап юзидағи мошдай холи жозибасини янада ошириб турарди. Қизга маҳлиё бўлган Олим ҳинд киноларидаги латофатли маъшуқаларни эслаб, нима учун келганини ёддан чиқариб қўйди.

У қизга астойдил тикилса, илгари қаердадир кўрган, аллакимни эслатаверди. Аммо ким? Шунақа қизни қаерда кўрган? Ё ўзини кўрганми? Унда нега бирорга ўхшатяпти? Нега эсига келмаяпти? Жуда-жуда қалбига яқин, худди жилмайиб юракка кириб келаётганга ўхшайди. Э, ҳаааа, эслади! Каратэ бўйича республика чемпионатида учинчи ўринни олганида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ҳоким номидан чақириб, совғасаломлар берганди. Ўшанда деворда фойтунда кетаётган аёлнинг суратини кўрган, тагига қараса, "Нотаниш аёл.

"Крамский" деб ёзиб қўйилган эди. Олим унинг бекиёс гўзаллиги-ю, мағрур табассумидан ҳайратланиб, шунақа чиройли хонимлар қаерларда яшайди, деся хаёл сурган эди. Назокатли қиёфаси, мағрур табассуми узоқ вақт хаёлидан кетмаган, ҳатто тушларига кириб чиққан эди. Мактабдан унга ўхшаш қизни излаган, аммо тополмаган. Ҳатто бошқа шаҳарларга мусобақага боргандা ҳам ўхшашини учратмади, у ягона экан! Интизорнинг унга ўхшашлигини кўриб ҳайрати икки чандон ошиб кетди.

"Қиз болаям шунчалик чиройли бўладими?! Осмондан тушган фариштага ўхшайди-я!". Гарчи бўёқ сургилмаган бўлса ҳам лаблари қип-қизил, жингалакка мойил соchlари ёстиғи узра ёйилган, оппоқ бўйнига чирмашган, йигиттинг эҳтиросини жунбушга келтираётган эди. Енгил нафас олиши ўзига ярашарди. Олим ана шундай хаёллар сурib турганда қиз яна боягидай овоз чиқарди-ю, у томонга ўтирилди ва йигит тезлик билан парда ортига яширинди.

Қиз уйгониб қолса, шарманда бўлишдан кўрқмас, чиройига тўйиб термулиш барча қўркувдан устун турарди. Бармоғи билан пардани сурib, Интизорга қаради. Ҳаяжонлари жунбушга келар, қиздан кўз узолмасди. Юзи билан босиб ётган ўнг қўли оппоқ, бармоқлари чиройли. Олим уни силагиси, иложи бўлса ўпид олгиси келарди. Аммо тўсатдан нимага келгани эсига тушди-ю, хаёлини йиништира бошлади. Лекин зум ўтмай, яна иродаси бўшашиди. Юраги қафасга тушган күшдай типирчилаб, хаёли остин-устун бўлиб кетди.

Номаълум куч сеҳрлаб, мақсадидан чекинтираётган эди. Олим кучини тўплаб қизга яқинлашиди. Диванга бир қадамча қолганда ўзини кўлга олди. Аммо шу пайт кутилмаган янгиликка дуч келди. Деворда Интизорнинг каттагина сурати турар, расми ўзидан гўзал эди! Нигоҳларида "Нотаниш аёл"никидай мағрур табассум жилва қилар, қошлари алланарсадан чимирилган, яноғи томонга янги чиққан майсадек чўзилган киприкларида мафтун қилувчи сеҳр бор. Борлиғидан ёшлиқ ифори, завқ-шавқ, қайноқ туйгулар уфуриб турарди.

Кизга тааллуқли яна бирор нарса кўриш умидида хонани кўздан кечирди. Столда китоб, дафтар варағига ёзилган хат бор. Кўз югуртириди. "Интизорбегим! - деб бошланганди

мактуб, - севгимни рад этаверманг, менга турмушга чиқсанғиз, ҳақиқий маликадай яшайсиз. Хоҳласанғиз, Гавайи оролларида "асал ойи"ни ўтказамиз, истасанғиз Париж, Рим, Лондонни сайр қылдирман!..." "Үххү! Ваъдалар зўр-ку! Хат кимдан?" Шу савол билан мактуб охирини ўқиди. "Сизни жоидан севиб қолувчи Шоҳбоз".

"Шоҳбоз! Вой абллаҳ, бу ерда нима қилиб юрибсан? Яна йўлимдан чиқдингми? Ҳали шошмай тур!" Олимнинг юрагига рашқ хангари санчилгандай бўлди. Ўзини чалғитиш учун очиқ турган китобга назар ташлали. Қиз Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" романининг Наташа Ростовага бағишлиланган қисмини ўқиётган экан!

Қизнинг исми ИНТИЗОРБЕГИМ...

У диванда Наташа Ростовага ўхшаб ётар, нигоҳларининг мағрурлиги тик ўсан узун киприклиридан билиниб турар, ундан кўз узиш қийин эди.

Олимнинг юрагини нотаниш, аммо қайноқ туйгулар эгаллаган, тумбочкадаги тилла буюмлар кўзига кўринмас, ухлаётган гўзал ҳаммасидан қимматли, баридан азиз, қалбida уйғонган ҳиссиётлар булоқ сувидай тоза ва ширин эди...

У биринчи марта гўзаллик олдида ҳайратга тушди, тиз чўкди. Қиздаги чирой, нафосат ва латофат қалбини ларзага солиши, тоза ва самимий муҳаббат уйғота олиши ва нималарга қодирлигини тушунди, тушунди-ю бу қудратли туйғу олдида лол бўлиб қолди.

Аммо ҳозир шошилиш керак эди. У расм, китоб ва хатни қўйнига солиб, қизга яқинлашди. Олдида тиз чўкиб, юзларига термулди. Латофатли чеҳрасида янги жозибани сезди: қошлари қоп-қора, киприкли рассом чизгандек, тизилган майсадек узун, лаблари булбул қўйнига қўл solaётган фунчани эслатар, билинар-билинмас мўрти ўзига ярашган, юзидаги тиниқлик ва бегуборлик улғайиб келаётган энг тароватли ҳуснни, нафосат ва бахти ифодалаб турарди.

У қизнинг юзига юзини яқинлаштириди, яноғидан тараалаётган илиқ тафтни сезиб, юрагини сархушлик қоғлади. Нафас олмай, енгил титроқ ичиди юзидан бир марта ўпди-ю, ортига бурилди ва шамни ўчирди...

Олим ҳовлига чиқиб, тансоқчи хонасида чироқ ўчганини кўргач, юраги "шув" этди. Вужудини ҳадик чулғади.

Хүшёрликни ошириб, қаддини бироз тиклаб олди. Аммо дарвоза томонга бурилиши билан забардаст құл боши узра тушиб, бүйнідан қисди. "Тансоқчи!" Нафас олиши қийинлашиб, оёғи титради. Аммо үзини құлта олиб, уни бошидан ошириб отди. Тансоқчи ерга чалпак бўлиб тушди. Аммо ўрнидан туриб Олимга ташланди. Олим құлтиғидаги расмни ерга қўйиб, рақибининг қўлини қайирди-да, киндигидан пастга тепди. Тансоқчи бир қўли билан унинг социдан чангллади. Олим оғриққа чидаб, унинг қўлини бор кучи билан қайирди. У Олимнинг сочини қўйиб юбориши билан бўйнига зарб еди ва "шилқ" этиб йиқилди...

У нарсаларни қўйнідан олиб, хонтахтага қўйди. Интизор мағрур табассум билан термулар, "Мени севган битта сиз эмас, ошиқларим сочимнинг толасидан ҳам кўп!" деётгандай чимирилиб турарди. Олим расмни қўлига олиб силади, ҳавас билан узоқ тикилди. Ҳиссистлари ғалаён кўтарарди. Вужудини аллақандай ёқимли, соғинчга ўхшаш туйғу эгаллаб борар, бундай түғёнга илк бор дуч келгани учун моҳиятини теран англолмас эди. Фақат қизни севиб қолганини, энди усиз туролмаслигини, туйғулари миллион-миллион сўмлик тиља буюмлардан қимматлигини тушуниб, бошини эгидида, хаёл дарёсига фарқ бўлди...



Олим 7-синфда таҳсил олаётганда ота-онасининг бирбирига меҳри қолмади. Рұҳан бошқа-бошқа одамлар эканини тушуниб етишгандан кейин ортиқча азоб чекиши, умр охиригача ёқимсиз феъл-атворга чидаб, игна устида юргандай яшашни хоҳлашмади. Отаси юрагида анчадан бери сақлаб юрган, оиласый турмушга нұқта қўядиган гапларини очиқ айтгач, онаси монелик қилмади. Аччиқ гапларсиз икки томонга тарқаб кетишиди. Ўрталаги қаровсиз, эгасиз ниҳолдай Олимни бувиси олиб қолди.

- Пешона экан-да! - деди буви ҳасратга чўмиб. Бу гапни Қозогистонга кетган ўғли Санжарга айтдими, Россияга равона бўлган келини Настаринга гапирдими, азоб-уқубатлар остонасида чўчиб турган тирик стим нсварасига айтдими - Олим аниқ билмай қолди... Билганда ҳам изтироб чекаётган

қалби пароканда руҳиятининг олис кенгликларидан, қоронғу пучмоқларидан ўзи истаган таскинни тополмас, дунё ва одамлар, ҳаёт ва келажак тамойилларини кўз олдига келтиролмайдиган бола учун бу нарсалар жумбоқлигича қолаверарди...

У камтап, индамас бўлиб қолди. Бувиси эрталаб уйғотганда юрагида умидсизлик, руҳиятида тушкунлик сезади, ҳаётнинг аллақайси қатламларидан шодлик ва кувонч оқиб келишини истаса-да, ўзини овутадиган туйғу, сұянадиган ишонч тополмайди.

Мактабга индамай бориб келиб, бир йилни ўтказди. Синфдошлари унинг борлиги, йўқлигини кўпам ҳис қилишмас, янги кийими йўқлиги учун байрамларда бирор гуруҳга қўшилиб, сайдга чиқмас эди.

Саккизинчи синфни битираётганда бувиси буюрган оғир ишларни ҳам бажара бошлагач, ўзини катта бўлаётганини сезди. Кекса аёлнинг меҳрини, рағбатини ҳис қилиб, кўксида қадр тушунчаси бўй кўрсатди.

Энди бир йилдан бери пул жўнатмаётган отасини тез-тез эслайдиган, онасини сўрайдиган бўлиб қолди. Бувиси унга маъюс қарап, неварасининг янги ўсиб чиқаётган тикондай саволларига жавоб беришдан ўзини олиб қочар эди. Пенсияси зўрга икковларига етарди, шунда ҳам оиласда, рўзғорда камчиликлар бисёр эди.

Онаси бир марта Россиядан қўнғироқ қилиб, Олимни нариги уйига келиб туришини, гаплашмоқчи эканини тайинлаган экан. У эртаси куни айтилган вақтда борди. Онасининг овозини эшилди-ю, йиғлаб юборди.

- Қачон келасиз, ойи?! Нега мени ташлаб кетдингиз? Дадам ҳам келмаяпти! - деди-ю хўрлиги келиб аппаратни қайтиб берди. Бироздан кейин онаси яна қўнғироқ қилди. Аммо ўпкаси тўлиб, ҳўнграб йиғлаётган Олим гаплашишини хоҳламади. Бир йилдан бери ҳатто овозига зор қилган онаси энг ширин ва заҳарли нарсага ўхшарди. Йиллар давомида боланинг соғинчи қаҳрга, нафратга айланиб ултурган эди. Каравотга бошини қўйганча йиғлайверди. Ҳеч ким юпатса олмади. Бу вақтда онаси бувиси билан гаплашиб алоқани узуб қўйган эди. Холалари ялинса ҳам қолмади. Бувисининг олдига кетди. Ҳеч кимни кўришни, юпатишини истамас,

йиғлаб-йиғлаб ичини бўшатишни хоҳлар эди. Уни бирор киши ҳам тушунмас, қалби ғам-алам, тушкунлик ва ишончсизлик билан тўла эди. У ҳаётни, одамларни, яшашни, мактабни ва болаларни ёмон кўриб қолди. Бирорта бола дўст бўлмаслигини, ҳамма кийимингга, чўнтакдаги пулингга қараб ошна бўлишини ўйлаб, ўкиниб кетди. У ўзини болалар кўчага отиб юборган ташландик кучукдай ҳис қилар, ҳеч кимга керак эмаслигини ўйлаб, баъзан ўзини каналга ташлашни режалаштирас, уйларидан нарида жойлашган тўрт қаватли "дом"нинг томидан ўзини ташламоқчи бўларди. Лекин булар иродасизликдан ўйланган чоралар эканини сезиб, ўзини кўлга оларди.

Саккизинчи синфни битираётганда синфдошлар боғдаги музқаймоқ дўконида ўтироқчи бўлишди.

- Кўшиласанми, Олим? - деди қўшни синфдоши Карим, - болалар уч мингдан пул тўплашяпти...

- Бувимдан сўрайман...

Синфдошлар билан маза қилишни хоҳлаётган бўлса ҳам бувиси пул беро маслигини ўйлаб, ўзини тийди. Аммо юрагида ўқинч, алам пайдо бўлди...

Синф раҳбарининг туғилган кунига совға олиш учун беш минг сўмдан пул тўплашаётганда индамай кетиб қолди. Аммо ортидан болалар анча гап қилишганини эшилди. Кунларнинг бирида бувисининг топшириғи билан у узоқ қариндошлариникига дастурхон ташлагани борди. Қайтища боғдаги музқаймоқ дўкони ёнидан ўтаётисб, синфдоши Сардорни ота-онаси ва синглиси билан чиройли столда музқаймоқ еб, мусиқа тинглаб ўтиришганини кўрди-ю, юрагини алам туйғуси тирнаб ўтди. Ҳўрлиги келди. "Нега мен шундай оиласа туғилмадим, пешонамга ёзилгани факат ғам-алам, камситиши?" - дея ич-ичидан ҳасрати тошиб келди. Улар боғдан чиқиб, "Нексия"га ўтиришди. Сардор Олимни кўрди, аммо сўрашиш тугул, ҳатто қайрилиб қарамади...

Олимнинг назарида ҳамма баҳтиёрлик, шодлик ва қувонч учун туғилган, факат ўзи етишмовчилик, камситилиш, меҳрсизлик азобини тортиш учун дунёга келгандай эди. Афсус, ўзини қаёққа урмасин, вазияти ўнгланмас, даврасига дадил кириб кетолмас эди. Баҳтиёр ва хушчақчақ болаларга,

умуман ҳаёт гаштини суроёттагандарга чексиз нафрат билан қаради. Она тилидан йил якунидаги ёзма иш учун келишганида унинг дафтари қолмаган, бувисидан пул сўраганда беролмаган эди.

Ўқитувчisi:

- Сенда доим шу аҳвол, а? - дейа раҳми келгандай гапирди. Отаси ҳоким ўринбосари бўлиб ишлайдиган Шоҳбоз бу гапни бошқача тушуниб:

- Гадой... - дейа пичирлади. Буни қизлар, болалар эшилди. Олимнинг қалбига найза санчилгандек, руҳияти ларзага келди. Шоҳбозга нафрат ва ғазаб билан қараганча ўрнидан турди, гавдаси кичиклиги учун уришиб енголмаслигини билиб, синфдан чиқиб кетди. Ўқитувчининг "қайт, мен дафттар бераман!" дейишига қулоқ солмади. Номус, ор ва ғурур юрагини ларзага солар, ўпкасини тўлдирап, у эса ғазаби, нафратини кимга сочишни, кимдан мадад кутишни билмасди. Мактаб яқинидаги кўл бўйига бориб, роса йиглади. "Нима қилсам, пулим кўп бўлади, Шоҳбоз ва ошиналарим мени камситмайди?"

"Кучли ва шафқатсиз бўл!"

Овоз ичидан келдими, панада туриб бирор гапирдими, аниқ билолмай атрофга аланглаётганда яна такрорланди. Овоз танишдай, шиддат билан чиқар эди.

Мехр тополмагани учун кимлар айборлигини ўйлашдан кўра, келажакда камситганлардан қасос олиш ва отасининг пули билан керилиб юрганларга кўрсатиб қўйишни қўнглига тутди. Ҳаётда енгиги чиқиши учун кучли ва шафқатсиз бўлишга қарор қилди ва бу овозни яхшилаб эслаб қолди...

Эртаси куни танаффусда Шоҳбознинг сумкасидан ўн минг сўм пул ва қўл телефонини олди. Пулни яширди, аппаратни деразадан гулхонага улоқтириди...

Кейинги танаффусда хонада жанжал бошланди. Синфа қий-чув, ҳамма бир-бирига гумонсираб қараашлар...

Шоҳбоз пули билан телефонини тополмай саросимада қолди. Сўраб-суриштиришди, ҳеч ким мен олдим, демади. Охири синф раҳбарини чақиришди.

- Гумонинг кимдан? - деди у.

Ҳамма жим. Шоҳбоз болаларга бир-бир қараб чиқди-да, Олимда тўхтади.

- Шу олган, күзидан билиб турибман! - деди у томонга яқынлашиб.

Үзини босиб индамайгина ўтирган Олим унга нафрат билан қараб қўйди-да, ўқитувчининг гапини кутди.

Шоҳбознинг ота-онаси байрамларда ўқитувчиларга совасаломлар бергани учун ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган, унга барча ўқитувчилар ён босиб юришар эди.

- Сен олдингми, Олим? - деди ишонмайгина синф раҳбари.

Олим сирини яшираётгандай аввалига индамади. Сўнг бирдан дадиллашиб.

- Нега мендан гумонсирайди? Мен олмаганман!

- Сумкасини титиш керак! - деди Шоҳбозга ялтоқланиб юрадиган Санжар.

Сумкаси, чўнтаклари титилди, ҳатто китобининг қатлари эринмасдан қараб чиқилди, аммо пул ҳам, телефон ҳам топилмади. Олим оқланган маҳбусдай дадиллашиб. Синфда юзи ёруғ бўлди. Шоҳбоз тухмат қилгандай изза тортиб қолди. Аммо миясида Олимдан бошқаси олмайди, деган фикр йўқолмади

Дарслар тугаб, болалар уйга кетгандан кейин Олим пулни яширган жойидан олди, аппаратни гулхонадан топди. Бузилмаган экан! Эртасига сәк шаҳар марказида арzonгаровга сотиб юборди... Бу - биринчи ўғирлиги эди...

Олим арзимаган пулга муҳтоҗликдан, бувисидан пул сўраш азобидан кутулди..

Тўққизинчи синфга ўтганда Тоҳирнинг туғилган кунида Шоҳбознинг чўнтағидан ўттиз минг сўмни шундай усталик билан олдики, эртаси куни у:

- Кеча аллақайси мараз ўттиз мингимни "шумо" қилибди!

- дея ҳайратини яширолмади. - Шунча эҳтиёт қилсам ҳам билмай қолибман, қойил-э, наҳот ичимизда профессионал ўғри бўлса?!

Кўпчилик Олимдан гумонсираган бўлса ҳам уни айблай олмади.

Кунларнинг бирида Олим Шоҳбозлар оиласи қариндошиникига тўйга кетади, деган хабарни эшилди ва панада пойлаб турди. Қоронги тушгандан кейин Шоҳбознинг хонасидан икки юз доллар пул ва янги курткасини ўғирлаб чиқди. Шоҳбоз буни мактабда гапиролмади. Аммо у билан

якка қолишганда:

- Сен яқында бир тийинга зор юардинг, янги кийимларга, базмларга пулни қаердан оляпсан? - деди ўғирликларга ишора қилгандай.

- Дадам билан ойим беш юз доллар жўнатишган, яна саволлар борми? - деди кўзига дадил қараб. Шоҳбоз бир оғиз гапиролмади. Олим уни мот қилгани, ўғирлиги омадли келганидан хурсанд эди. Бундан ташқари, чўнтагидаги пул унга куч ва жасорат бераётган эди.

Олим синфдошларидай гавдали, қўрқмас, унчамунчасини бир зарб билан йиқитадиган бўла бошлади. Пахта мавсумидан кейин ўзининг кучли ва шафқатсиз бўлиш ҳақидаги шиорини эслади-ю тумандаги каратэ клубига қатнашга киришди. Етимликнинг оғир йилларида иродаси синовдан ўтган Олимнинг танаси чайир эди. Қўрқмас, кучлиликка интилаётганлиги яна бир карра куч берар эди. Олти ойдан кейин туман мусобақасида биринчи ўринни олди. Буни ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам кутишмаган эди. Синфдошлари ҳурмат билан қарайдиган, ҳайқадиган бўлишди. Вилоят мусобақасида унга тенг келадиган топилмади, олтин медаль билан келганда эса мактаб фахрига, туман ардоғидаги каратэчига айланди. Республика мусобақасига тайёргарлик жараёнида учта катта ўғирликка қўл урди. Биринчисида наша савдоси билан шуғулланадиган "Асқар босс"нинг тилла занжири, иккинчисида Ислам "процентчи" (катта пулни фоизга берарди)нинг минг долларини, учинчисида эса Зумрад "долларчи"нинг икки минг уч юз долларини ўмарид чиқди.

Афсус, республикада биринчи ўринни олиш нияти амалга ошмади. Учинчи ўрин насиб этди. Аммо туман ва мактабдагилар совфа-саломлар, мақтov ёрликларига, мадху саноларга кўмиб ташладилар. Яқиндагина бироннинг назарига тушмаган, чекка-чеккада болаларга қўшилолмай юрган бола ҳамманинг тилидан тушмайдиган голибга айланди. Энди Шоҳбоз ҳам, унинг ёнидагилар ҳам ялтоқланиб келишар, тушликка таклиф қилишар, аммо унинг пули кўплигидан ҳайратга тушишмас эди...

Ўнинчи синфда ҳам турли мусобқаларга қатнашиб

турди. Республика даражасида шұхрат қозонолмаган бўлса ҳам ўз қуввати, эпчиллиги ва салоҳиятини ушлаб турди. Бироқ баҳорда аллақандай мусобақада қўшни қишлоқлик ўзига ўхшаган Ботир деган етим бола билан танишиди-ю, анча ўзгариб қолди. Ботир Умар миллионернинг янги "Нексия"сини олиб қочишни таклиф қилди.

- Қирғизистонга олиб ўтиб сотамиз! - деди у.

Аммо Олим ишонмади.

- Битта "Ласетти"ни шундай қилганман, - деди Ботир, - постдагилар билан ўзим гаплашаман, менга далда бўлиб турсанг бас, фойда appa!

- Қанча қолади?

- Сенга уч минг "кўки"дан тегади!

Олим қизиқиб қолди. Шоҳбозларни товони билан янчиб ташлайдиган вақт келганини ўйлаб, рози бўлди...

Аммо улар машинани сотиб келгандаридан кейин изларига тушган орган ҳодимлари уч кунда топиб олишди. Икковларини қамаб қўйишиди.

Олим каратэчи сифатида ҳатто вилоятда ҳам танилгани учун туман раҳбарлари ўртага тушиб, уни жазодан кутқариб қолишиди. Аммо номига ёпишган "ўгри" деган тамғани ҳеч ким йўқота олмади. Уни ҳурмат қилаётган синфдошлари, маҳалласидаги ўртоқлари бошқача қарайдиган бўлишиди. Буни сезган синф раҳбари: - Олимжон ёшлиқ қилди-да, - деди синфда, - ҳаммаям адашади. У хатосидан тўғри хулоса чиқариб олган!

Аммо Олим тўғрисидаги шубҳалар кучайди. Каратэдан топган обрўси туфайли уни ҳеч ким "Олим ўгри" демаса ҳам, шаҳардаги ўғирликлар унинг номи билан боғланиб улгурган эди...

У мактабни битириб, ўқишга киролмади. Ишламай, ўқимай юргандан кейин кўпчилик назаридан тушди, мусобақаларга чақирмай қўйишиди, чунки янги, ёш истеъдоллар баландроқ чўққиларни забт эта бошлашган эди. Кераксиз тошдай бир чеккада сурилиб қолгани асабига тегарди. Бу қисмат Олимга алам қилиш билан бирга, кучли ва шафқатсиз бўлиб эришган натижаларини эсга солар эди...



Шоҳбоз мактабни битирғандан кейин институтга киришга күзи етмади. Отасидан катта пул олиб, бизнес қилишни режалаштируди. Лекин дағаси пул берішдан аввал университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига хужжат топширишни талаб қилди.

- Үқимасант бўлмайди! - деди Ҳамидулла ақа унга жиддий қараб, - Дипломсизларни амалдорликка қўйишмайди, келажакда итнинг кейинги оёғи бўлиб юрмоқчимисан? - деди у шаҳодатномасини олган куни.

- Киролмасам болалар олдида шарманда бўламан, дада, - деди ўзича дарсларга қатнашмаганини яшириш учун. Дадаси эса:

- Бир йўлини қиласиз! - деб уни кўндириди.

Имтиҳон куни Шоҳбоз билдики, савёллар мураккаб, ўнлаб мавзулар унинг учун мутлақо бегона. Лекин дағаси ваъдасига биноан "йўлини қилди". Кичкинагина "Нокиа"ни бериб:

- Уйимизда тарих, инглиз тили, ўзбек тили ўқитувчиси менинг телефонимда бўлади. Саволларга жавобни телефонда оласан, - деди.

- Қандай?... ҳайрон бўлди Шоҳбоз.

Тарих ўқитувчиси тушунтиргандан кейин у ҳамма сирни англаб етди. Ва имтиҳон куни улар айтганидай иш тутди. Натижалар эълон қилинганда бу усул ёмон эмаслигини тушунди: шартнома асосида ўқишига кирибди...

Ўн беш кунча ўқилгач, талабаларни чекка туманга пахта теримига олиб кетишиди. Аммо у далага бормаслик учун тиббий маълумотнома, протокол тайёрлаб овора бўлмади. Масъул одамга юз доллар қистириб, икки ой бизнес қилиб юраверди... Ўқиши бошлангандан кейин ҳам ёлчитиб дарсга бормади. Таҳсил олишга юрагидан қизиқмагани учун дарслар зерикарли, тушунарсиз, ҳатто керақсиздай туюлар, назарида институтда ўқимасдан ҳам катта пул топиш, данғиллама уйлар қуриб, рақибларни синдириб, бой-бадавлат яшаш мумкин эди. Дадасининг фикрича, институтни битириб диплом олмаса, амал зинапояларидан кўтаришмайди. Ҳатто тузукроқ ишга олишмайди. Расмий ташкилотлар, хусусан, ҳокимият олдида обрўси бўлмаган одамни эса кўпчилик

ҳурмат құлмайды. Шоғбоз дадаси билан тортишмайды, аммо фикрларини тұғри деёлмайды ҳам. Кези келганды нима айтса "Хұп бүләди" дейди-да, ишини битириб кетаверади. Бизнесда, таниш-билишлари ўртасида ўз ўрнини әгаллашида отасининг обрүси, амалидан фойдалангани учун унча-мунча гапларига ғашы келса ҳам бош иргаб күя қолади.

**Баъзан:**

- Институтни битирсант, фалон ташкилотта жойлайман, иккى йил ишлаб прокурорга ёрдамчи бўласан, кейин терговчиликка ўтказдирман, озгина қунт қылсанг, шаҳардаги нуфузли шахсга айланасан, - дейди. - Лавозиминг бўлса, одамлар тўрга ўтқазишиади, кўча-кўйда икки букилиб салом беришади. Ишлари тушганда ўзингни жиддий, виқор билан тутсанг, оёғингни ўпишиади, оғзингга сиққанини келтириб беришади. Бир марта топган пулингни оддий одамлар бир йил эшакдай ишлаб жамғаради!

Ҳамидулла ака буларни кўп гапирган, аммо самарасини кўрмагани учун қайта-қайта айтаверади. "Ҳали ёш-да! - деб ўйлади, - сал эси кириб амалнинг мазасини тушунгандан кейин ўзи олдимга келиб, "Дада, фалон жойни гаплашиб беринг!" деб ялинади".

Лекин Шоғбоз кечгача машина чопиб, катта-катта пул топишни, ўзи хоҳлагандай яшаши истайди. Унинг фикрича, уйларинг данғиллама, пулинг кўп бўлса, охирги русумдаги машинада юрсанг, одамлар соянгга салом бераверади. Аксинча, галстук тақиб олифта юрсанг, идорада саккиз-ўн соатлаб ишлаб, аллақандай тадбирларда қофоз тўлдириб чопсангу мирқуруқ бўлсанг, гадой ҳам бир тийинга олмайди... - деб ўйлашдан чарчамайди.

У дадаси таништириб қўйган одам билан бозордан арzonга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, давлат таъминотидаги муассасаларга қиммат нархда сотади, пулини унинг фирмаси ҳисобига тушириб, эртаси куни ўз ҳиссасини нақд пул билан ўзлаштиради.

Бир йил шугулланса, "Ласетти" олади. Бундан ташқари, дадасининг ҳимоясидаги фермердан иккى гектар ер олди ва эрта баҳорда картошка эктириди. Омадини қарангки, ўша йили картошка қиммат бўлиб фойданинг тагида қолишиди. Шаҳардан бир хонали квартира ва яшти "Некемя" харид қўлди.

Alisher Navoiy

Имтиҳон мұаммодан бўлмай қолди. Уч юз долларни синов дафтарчасига солиб, таниш домлага берса, ҳамма баҳоларини қўйдирив беради. Энг мұхими, баҳолар "беш" бўлиши шарт эмас... Ҳомий илтимосига кўра, ҳар замонда институтда бир-бир кўриниб қўйса бас!...

Ана шундай кунларда Шоҳбоз институтдан қайтаётган Интизорни кўрди-ю, юраги "жиз" этди. Пулдан бошқа нарсани тан олмайдиган йигит уни суришиди: дадасининг имкониятлари Ҳамидулла аканикидан ўн баробар катта экан!! Аммо тушкунликка тушмади. Факультетга излаб бориб, маҳалладошлари орқали у билан танишди. Аввалига айрим кунлари, бир-икки ҳафта ўтгандан кейин ҳар куни дарсдан чиқишини пойлаб, машинасида олиб кетадиган бўлди. Интизор мақсадини тушуниб қолди. Музқаймоққа, тушликка таклиф қилиб, совға-саломлар беравергандан кейин ўзини торти.

У факультет олдидаги кутиб турганда Интизорни дадасининг "Мерседес" и олиб кетар, баъзан орқа эшикдан қочиб қолар, тасодифан учрашиб қолса, қариндошимизникида қоламан ёки ўртоғимникида дарс тайёрлаймиз, деган баҳона билан машинасига чиқмас эди. Сабаби, Шоҳбоз машинада олиб юришу, совғалар билан яхши кўришини билдирган бўлса ҳам унинг кўнглини сўрамаган, ҳатто кимни севиши билан қизиқмаган эди. Қолаверса, унинг инсон ва ҳаёт қадрини пул билан ўлчашини қиз аллақачон тушуниб етганди. Интизор - бундай йигитларни ёқтирумайди... Фикрича, сўнгги русумдаги "иномарка" машинани ҳаракат қилган ҳар қандай одам олиши мумкин, уйларини данғиллама курса бўлади, катта пулга эриша олади, аммо яхши дўст, қалбингни тушунадиган садоқатли ўртоқ бўлолмайди, маънавий бойликка заҳмат чекиб эришилади. Одамийлик қоидаларини ҳалол яшаб, инсонлар билан муомала қилиб ўрганилади. Буни унга ўттиз йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган бувижониси ўргатган.

Олимдаги хатни Шоҳбоз бир ҳафта олдин ёзган бўлса ҳам, Интизор ҳалигача жавоб бермаган, ҳатто бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди. Лекин у ортидан юравериб, қўнғироқ қилавсериб, SMS жўнатавериб жонига теккани учун Интизор бу ишни бир ёқлиқ қилмаса бўлмайди, деган қарорга келди...

Дугоналаридан маслаҳат сўрашни эп кўрмади, китоблардан нажот излаб, "Уруш ва тинчлик"ни қўлга олди. У бир вақтлар шу роман асосида ишланган бадий фильмни завқ билан томоша қилган, Андрей Болконский ва Наташа Ростова ўртасидаги қайноқ муҳаббат, Пьер Безуховнинг пинҳоний ва омадсиз севгиси, жазманлар муносабати ва ёзишмаларига роса қизиққан эди. Бу воқеалар китобда қандай ифодаланган? Зора, саволимга жавоб топсам, деган умидда мутолаа билан банд эди...



Олимнинг мақсади уч миллион сўмлик тилла буюмларни ўмариш эди. Муҳим маълумотларни етказгани учун Ботирга икки юз минг узаттан. Энди баридан кечди...

Мақсаддан чекиниб, қалб амрига бўйсунган Олим эрталабгача ухламади. Руҳиятини эгаллаган ларза алангацай гувиллаб борарди. У ўзини қўлга олишга қийналар, тасодифнинг сеҳрли шуъласи дунёдай кенг кўнтилнинг барча пучмоқлари, хилват гўшаларини ёритган, у дақиқа сайин ёрқинлашиб борарди. Ташқарига чиқиб, ҳовлини айланди. Яна хаёлида уйқудаги малика! Кўчага чиқиб осмонга термулди: ой ўрнида Интизор жилмайиб турибди!. Ҳовлисида ариқ бўйида ўтири: қиз кўшиқ куйлади. Шамолда шитирлаган япроқлар эмас, Интизор севги тўғрисида шивирлаётгандай

Жойига кириб ётганда бувиси бомдод тадоригини кўра бошлади. Намозни ўқиб бўлиб, уйга киргач, эрталабки бадантарбия билан шугулланиш ўрнига неварааси ҳамон ухлаб ётганидан ҳайрон бўлди. Икки йилдан бери бунақасини кўрмаган...

- Олимжон, болам! Ўзингмисан?
- У чўчиб уйғонгандай кўзларини қисиб, бувисига ўгирилди.
- Шунчалик чарчаб нима иш қилдинг?
- Эна, - ўзини уйқусирашга солди у, - ухлаб қопман!
- Турақол, болам, ҳозир чой дамлайман!

Бувиси ҳеч нарсани сезмаганидан севинган Олим кийиниб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлида у ёқдан бу ёққа югурап:

- Бир, икки, уч, түрт! - деб машқлар бажарар, бүртиб чиққан мускуллари тараңглашиб борарди. Ўтириб турғанда, оғини осмонга қилиб, икки құли билан ҳовлининг бу бошидан у бошигача юрганда ҳам, ҳовлини айланиб юрганда ҳам күз олдидан Интизор кетмас, ҳамма ишини кузатиб, илҳом бағишлиб, түйғуларини дарёдан тошириб турғанга үшарди. Туни билан бир дақықа күз юммай, дам олмаган бўлса ҳам машқларни ғайрат, шиддат билан бажарар, Интизорга бўлган ҳиссиятлар куч-қувватини ошириб-тошириб юбораётганга үшарди...

Лекин юрагини ғаш қилган, дарди дунёсини зулматга тўлдирган бошқа бир ғам бор эди. Бу - Шоҳбознинг хати! Берган ваъдалари...

Кечаси Интизорнинг суратини томоша қилиб бўлгандан кейин хатни қайта - қайта ўқиб чиқди. Гоҳ юраги музлайди, гоҳ тандирдай қизиб кетади. "Менга розилик берсангиз ўзингизга яхши! Мабодо... Қандай қилиб бўлса ҳам ниятига етадиган одамман!" Хат сўнгида юракнинг найза тешиб ўтган суратини чизган ва "Бугун дарсингиз уч пара, 12:30 да бўшайсиз, мен факультет йўлагида кутиб тураман. Уйга келгунча ҳамма гапни гаплашиб оламиз. Хўпми, асалим?!" билан якунланган эди.

"Интизор алданиб қолмасмикин?" Унинг ташвиши шундан эди.

\* \* \*

Интизор умрида Шоҳбоздай хира пашшани кўрмаган. Дарсдан чиқса ҳам, уйда юрганда ҳам, тўйга борса ҳам тинчитмайди. Телефонда қўпол-қўпол гапирса ҳам суйкаланаб келаверади. SMSларига жавоб бермаса ҳам жўнатаверади. Шундай кунларда дугонаси "Уруш ва тинчлик" китоби тўғрисида гапириб қолди. Киносини эслади-ю, шаҳар кутубхонасидан романни топди.

Бу йил биринчи курсни тугатаётгани учун хаёлида фақат ўқиш, ўрганиш, инглиз тилини мұкаммал эгаллаш. Европа мамлакатларидан бирига бориб таҳсилни давом эттириш.

Юраги тор, инжиқ бўлишига қарамай сабрли. Дадаси ҳамма шароитни яратиб кўйган бўлса ҳам талтайиб кетмайди,

мўлжаллаган ишини охирига етмагунча кўнгли тинчимайди. Ўтган ҳафта курс раҳбари инглиз тилидан 200та сўз ёдлайсан деган эди. Иш билан бўлиб бажаролмади. Оила кечки таомга ўтирганда у келмади. Онаси Дилобар бир неча марта:

- Кизим, овқатинг совиб қоляпти! - деса ҳам стулдан турмади.

- Инди (укаси шундай деб чақиради) стулга ёпишиб қолган! - калака қилди укаси.

Барибир у келмади. Уч-тўртга печенеъ билан бир стакан кофе олиб, хонасида дарс қиласверди.

- Бунақада касал бўп қоласан-ку!

Онасининг зорланиши натижা бермади. Икки кун ишлаб, раҳбарига топшириқни айтиб бергандан кейин кўнгли жойига тушди.

Кечки пайт ёқтиргмаган дугоналари чақириб келса, бир соат фийбатлашишдан китобни афзал билади.

Дарсхонасига бирор киши кирса-ю, ҳеч нарсага тегмай чиқиб кетса ҳам дарров фаҳмлайди. Нарсасининг жойи ўзгариб қолса, зарур китобини олган бўлса жанжал-тўполон қилиб юборади. Ҳаммаси жойига тушмагунча тиним билмайди.

Ўша куни "Уруш ва тинчлик"нинг Наташа Ростова билан боғлиқ бўлимини мутолаа қилаётган эди. Бир неча саҳифа ўқигандан кейин вужудида чарчоқ сезди. Үрнидан туриб уйқу қочирадиган машқлар билан шуғулланди. Озгина ўқигандан кейин уйқу ва чарчоқ вужудига бостириб кира бошлади. Кўзи юмилиб кетавергани учун саҳарда туриб ўқишга қарор қилди. Эрталаб турганда хонада нимадир содир бўлганини сезди. Бегона ис туйди. Аммо нималигини англаб етмади. Сўнг китоби йўқолганини билди. Уни излаб чарчагач, девордаги сурати фойиб бўлганини, бироздан кейин эса Шоҳбознинг хати қанот чиқариб учиб кетганини фаҳмлади.

- Ким олган бўлиши мумкин? - таажӯубланди у, - укам Шуҳрат эшикни очмайди. Ойим олмайдилар. Дадам хонамга назар солган эмаслар... Ўғри кирганда тақинчоқларимни йиғишириб кетарди. Хўш, ўғри деса ўғримас, соғ леса соғ эмас, ким?

Юрагида чўчиш, кўрқишга ўхшаган аллақандай ёқимсиз туйғу пайдо бўлди. Ҳовлида пойлоқчи бор, шу чоққача бемалол

ётиб турган, буюмини йүқтөмөгөн эди. Бу - биринчи ҳодиса! Қыз күнглини ғаш қылган иккинчи зарба - йүқтөлгөн буюмлар оддий, аммо фақат ўзига тегишли. Компьютер ёки телефон аппарати, тилла буюмлар гумдон бўлганда оила мулки сифатида ҳамма қайғурарди. Ичини икки карра ғаш қилаётган ҳодиса - Шоҳбознинг хати йўқолганини ота-онасига айтотмайди. Китоб - янгисини топса бўладиган нарса... Аммо нафақат ота-онаси, ўзи яхши кўрадиган расми изсиз кетгани ўйлантириб қўиди. "Расмимни китобга кўшиб олиб кетган! Уйдагиларга билдиримай пойлоқчидан секин сўрайми?..."

Уни ҳайратда қолдирган иккинчи ҳодиса - ҳар кунгидан кеч уйғонди! Анчадан бери бунча ухлаганини, ланж, бўшашиб турганини эслолмайди! Нисга шунаقا, сабаби бўлиши керак-ку?!

Саволларга жавоб тополмай ташқарига чиққанида пойлоқчи Наримон ака итга овқат бераётган, нигоҳларида тунги ҳодиса билан боғлиқ аломат қўринмасди. Интизор яна сичковлик билан унга тикилди.

- Тингчликми? - атайлаб сўради у.

- Ҳаммаси жойида, Индихон, асал! - одатдагидай эркалаб жавоб берди пойлоқчи.

Унинг сўзи Интизорнинг хаёлини остин-устун қилди. "Тўхта! Шоҳбоз хатида "Асал ойи" ни гапирганди. Ўша келмадимикин? Ўтган ҳафта "Расмга тушайлик, ё битта расмингиздан беринг", деб сўраганда рози бўлмаган. Шунинг учун расмни ўғирлаб кетган, дейлик, унда хат билан китобни нимага олади? Ё зериккан, бошқасига ўтиб кетган!"

Нонушта охирлаб қолганда хонага Наримон кириб келди.

- Безовта қилганим учун узр, - деди оила бошлиғига, - Яrim тунда бўлган воқеа ҳақида билдириб қўймоқчиман!

Интизор унга ялт этиб қаради. Ўзи билан боғлиқ гап бўлишини ўйлаб, ҳушёр тортди. "Ўғирланган нарсалар ҳақида билармикич?"

- Қандай воқеа? - ҳайратланди Қаҳрамон ака.

- Соат иккilarда ҳовлида бир қора шарпани (кейин билсан ниқобли одам экан) кўриб қолдим, ўрмалаб уйга кирди, озгина ўтгач, яна шу тахлит ортига қайтди. Дарвозага яқинлашганда ортидан бориб бўйнидан бўғдим. Аммо эпчил экан, қочиб кетди (У гафлатда қолганини ўғрининг

эпчиллиги билан хаспүшламоқчи бўларди гўё). Бирор нарса ўғирлаганини сезмадим. Олишаётганда қўлтиғидан расмга ўхаш нарса тушди. Қочиб кетгач, тополмадим. Худди хаёлда, ё тушда содир бўлгандай тез ўтди. Эрталаб ҳаммани соғсаломат кўриб хотиржам бўлдим, аммо сизга айтиб қўйишни вазифам деб биламан.

Кутилмаган воқеадан ҳамма ҳайратда қолди. Кимнидир кўнглидан "Наҳотки!", биронникидан "Йўғ-э!", яна бошқасиникидан "Бўлиши мумкин!" деган таажкуб ўтди. Ким қандай қабул қилганини бирданига билиб бўлмаса ҳам хонани оғир ва саросимали жимлик эгаллади. Кейин бир-бирларига "Сен билмадингми?" дегандай қараб олишди. Ҳатто ҳаммаларида қўрқув пайдо бўлгани яққол сезилиб турарди. Ота-она қизидан хавотирда.

- Ниқоби қанақа экан? - болаларча қизиқиш билан сўради Шуҳрат кўзлари ёниб, - кинодагига ўхшаган қорами? Ечиб олганингиз-да, мен кийиб юардим!

Интизор бироз ваҳимага тушди. "Қора ниқобли одам! Хонамта кирганини сезмаганимга ҳайронман! Бояги фикрим хато экан. Шоҳбоз бунчалик эпчил эмас, лаққа гўшт. Демак, ўғри кирган! Ё у одам ёллаганми?!" Интизор бу фикрларимни ёнимдагилар билиб қолмасин, дегандай аввал кўзларини юмиб олди, сўнг ерга қаради. Аммо ҳадик, ваҳима аралаш туйғулар кўзларига изтиробга ўхшаб қалқиб чиққанини кўпчилик кўрди.

Наримон парво қилмай:

- Шунинг учун, - деб давом этди, - қимматбаҳо нарсаларни кўздан кечириб қўйсангизлар!

Қаҳрамон аканинг юрагини хавотир қоплади. "Янгилик! У ким, нега кирган, шаҳарда Наримондан кучли, Наримондан эпчил одам йўқ-ку? Бир гап бор! Чорасини кўрмаса бўлмайди".

- Так, послушайте меня, - оила аъзоларини ўзига қаратиш учун столни чертди Қаҳрамон ака, - ҳамма ўзига тегишли нарсаларни кўздан кечирсин, айниқса, онаси, сен сандигингни қара, тилла буюмларингни кўздан кечир, кимнинг нимаси йўқолган бўлса тезда айтсин! Давай, бистро!

Душмандан ҳимояга отланётган аскарлардай бирданига қўзғалишиди.

Дадасининг овози ваҳимали шиддат билан чиққани учун Шуҳрат билан Интизор қўрқув аралаш Наримонга эргашиши.

- Наримон ака, мен билан борасиз?- деди у.
- Йўқ, аввал мен билан!

Уларнинг назарида, қора шарпа хонаси бурчагида бекиниб, ёлғиз одамга зиён етказадигандай туюларди.

Интизор эркалангандай Наримонни қўлидан ушлаб хонасига бошлади. Эшикка етганда орқасига ўтиб олди.

- Бошланг! - деди қўли билан елкасига туртгандай суреб.

Хона ўртасига етишгач, Интизор ҳамма ёқни кўздан кечирди.

- Так! Компьютерим жойида! - деди қўл билан кўрсатиб. - Кийимларим турибди. Тилла тақинчоқларим тумбочкам устида, телефонимга тегмаган. Э, - деди тўсатдан кўзларини катта-катта очиб Наримонга қарапкан, - расмим йўқ-ку! Наҳот, у расмимни олган бўлса?!

Кўзлари порлаб туришида "Расмим ўзимга ўхшаб гўзал, шунинг учун ҳатто ўғри ҳам олиб кетибди", деган қувонч бор эди.

- Бошқа нарсаларни ҳам қаранг! - деди Наримон ҳушёр бўлишга ундан, - ўғри фақат сизнинг расмингиз учун кирмагандир!

- У менинг расмимга маҳлиё бўлиб, бошқа нарсаларга тегмаган бўлса-чи?! - қувноқ кайфиятда қошларини учириб ҳазиллашди Интизор.

- Дадангизнинг айтганларини қилинг.

Қиз қолган нарсалар жойида турганига ишонч ҳосил қилди, аммо пойлоқчининг кўнгли тўлмаганидан ғаш эди. Шу пайт "Уруш ва тинчлик" китоби эсига тушди-да, зудлик билан столга қараб:

- Ий-я! - леди ҳайрат тўла кўзларини катта-катта очганча,
- ўқиётган китобим қани?

- Қаерда эди? - Наримон чўчиганидан тезлик билан савол берди.

- Мана, шу стол устида, очиб қўйгандим.

У столни кафти билан кўрсатди. Сўнг муҳим нарса эсига тушгандай, қувонч ва ҳайрат билан кўзларини катта-катта очди.

- Э, энди билдим, бизникига китобсевар ўғри тушган! Интизорнинг кўзлари порлади, фикридаҳ ўзи кулиб юборди.

Қаҳрамон акага бу ҳақда гапиришганда аввал жиддий тортиб қолди, кейин қулимсиради:

- Жааа, ғалати, а?

Отаси ўйланиб қолганда Интизор тилга кирди.

- Столимда ярми ёнган шам пайдо бўлиб қолган.

- Шам?! - ота қўрқиб кетди, - оддий шамми?

Отанинг кўзига қора матога ўранган, кўзлари ёнган, башараси суюк арвоҳ кўрингандай бўлди.

- Магазиндаги шамдан!

- Арвоҳ-парвоҳ кирмадимикин? Сен ҳушёр ухлардинг-ку!

- Билмадим... Яна... - Интизорнинг ранги оқариб титрагандай бўлди, - бош тарафимга майин тупроқ сепилган...

- Ие, бу нимаси? Кўрайлик-чи?

- Вой ўлай, энди нима бўлади? - оғзига кафтини қўйиб ваҳимага тушди хизматкор аёл.

"Кизимни бир Худо асрабди!" - хаёлидан ўткаэди ота-она бараварига..

Ҳамма шошганча алланарсаларни пицирлаб Интизорнинг хонасига кирди.

Қаҳрамон ака шамга қўл теккизмасдан ҳар томонидан қараб кўрди, чўчийдиган, ваҳимали нарса сезмади. Аммо ёстиқдаги сийрак тупроқни кўриб таажжуби, ваҳимаси ортди.

- Нимага сепади? Тавба??

Ҳамманинг бадани жимирилаб кетди. Сехр-жоду, афсунга ўшаган нарса бор бу ерда. Интизор онаси олдига бориб қўлидан ушлади. Онаси елкасига қўлини қўйди. У институт талабаси бўлса ҳам ота-онасига ёш боладай эди.

- Кўрқма, қизим!...

- Худо паноҳида асрасин! - пицирлади хизматкор аёл.

Бошқа хоналардан ҳеч нарса йўқолмаган. Қаҳрамон ака Интизордан хавотир ола бошлади. Уғри расм билан китобга кирадими? Тупроқни нега сепган, шамни ташлаб кеттанини қандай тушуниш керак? Ёмон илми - амал қилганми?

- Уша одамнинг бирор белгисини эслаб қолмадингми? - Наримонга нажот билан қаради у, - масалан, гавдаси ё

овозини?

Отаси гапни тутатиши билан Шұхрат илиб кетди:

- Үргимчак одамға ўшамасаканми ўша нинза?
- Ақа, - деди беш ёшли синглиси Диана унга қараб, - үргимчак одам қанақа бўлади?

Қаҳрамон ака "Гап қўшмай туринглар-чи!" дегандай ўқрайди.

- Қоронғида илғаб бўлмади. Яшин тезлигига қочди...

- Изи борми?

- Оёғига латта боғлаган!

- Наҳотки, сендеқ эпчил одам қўлдан чиқариб юборсанг?!

Наримон ўйланиб қолди, ҳамма жавоб кутаётгани учун яшин тезлигига фикрлади ва кўнглидаги гапни айтишга қарор қилди.

- У оддий ўғри эмас, бақувват спортчи. Мени ғафлатда қолдирганига ҳайратда қолдим... Очигини айтсам, у профессионалга ўҳшайди...

- Кузатув камераси тасвирга туширганими?

- И耶, дада, - янгилик яратгандай қўзлари чараклаб кетди Шұхратнинг, - шуни қўрайлик, нинзанинг қанақалигини биламиз, давай!

- Шұхрат ака, нинза нима? - яна гап қўшди қўзларини катта-катта очиб Диана.

Ҳаммалари қўришди. Аммо тасвир қоронғилиги учун ўрининг бўй-басти, қиёфаси, юриш усулини аниқлаб бўлмади. Ҳовлидаги асосий чироқ ўчирилганига эса ҳеч ким эътибор бермади...

Яна битта "Нега?" деган савол пайдо бўлди. Бироқ ҳеч ким жавоб тополмади. Наримонга кундузи ухлашни буюриб, Қаҳрамон ака хизматкорга юзланди:

- Бизнинг ётоқни Йиңизорнинг ёнига кўчиринг! Ҳа айтгандай, бутунги воқеа тўғрисида кўчадагиларга бирор оғиз ҳам гапирилмасин! Тушунарлимис?

Ҳаммалари ўқишига, ишга, боғчага тарқалишди.



Бир неча кундан бери Олимни ғам ўртайди, аммо ҳеч кимга гапиролмайди. Кечалари уйқуси келмайди. Ота-онаси ташлаб

кетгандан кейинги ҳаётига бир қур назар ташлади. Нима күрди? Болалик ва ўсмириликдаги таҳқирлар, камситишлар, етишмовчилик ва хўрланишлар, меҳрисизлик...

Бувиси ота-она ўрнини босишга уринди, бироқ қули калталиги билиниб қолди. Саксонга яқинлашган кампир энг муҳим нарса - МЕХРни аямади. Болалигига тўкин ҳаёт беролмади-ю, сабрга, қийинчиликларга чидашга ўргатди.. Лекин Олим кучли ва шафқатсиз бўлишни ҳаётдан ўрганди. Тўғри, ўгри деган ном олди, аммо кўпчилик унга бу сўэни гапиргани кўрқади. Ортидан шивир-шивир қиласди, аммо Шоҳбознинг гапини ҳисобга олмагандага уни бирор киши юзма-юз келиб, бу сўз билан ҳақорат қилган эмас.

Олим виждони билан юзма-юз қолганда икки нарса билан ўзини оқлади: ҳалол, меҳнаткаш одамлар мулкини ўғирламаган, порахўр, бировлар ҳаққини ноқонуний ўзлаштириш билан катта пул топадиган, маҳалла-кўй, қишлоқ назаридан қолганларни аямасдан тунаган. Масалан, "Аскар босс" аллақаердан наша олиб келади ва гумашталари орқали маҳаллада соттиради. Ўспирин, ёшларни нашавандга айлантираётгани учун уни оналар қарғаб, оталар энасини ахтариб сўқади, аммо бирор киши ўзига гапирмайди, органга ёзиб бермайди. Олим унинг пулларини ўмариди чиққанда ота-оналар қасосини олгандай, ички ишлар ходимлари қилолмаган ишни қилгандай енгил тортган, ҳатто бу иши ўғирлик эканини эсдан чиқарган. Исмат "процентчи" эса боласи оғир касалга чалинган, ўғли қамалиб қолган, машинасида бировни уриб юбориб оғир вазиятга тушганларга ўттиз фоиз кўшиб қайтариш шарти билан қатта қарз берган. Айниқса, у Россиядан ёлғиз ўғлининг ўлигини олиб келиб кўмишга пул олган кекса аёлни қарзи кўпайиб кетгани учун ўтирган уйини тортиб олиб, ўзини кўчага ҳайдаб чиқаргани учун одамлар назаридан қолган. Олим унинг пулини ўғирлаб, ўзини айбдор сезмаган... Ўзини ўғирликдан келадиган пул звазига эмас, ҳаётдан ўз ҳаққини олиб яшаётгандай ҳисоблайди. Аммо виждон тубида бу тўғри йўл эмаслигини сезиб туради. Виждоннинг ўша нозик жойи баъзан оғриб қолади. Юраги изтироб, укубат билан тўлади. Ҳаётга муҳаббати сўнади, ўзини иродасиз, нотавон ҳисоблаб қайгуга ботади. Бу иш жонига теккан, аммо катта-катта

харажатларини қолпайдынан бошқа хунар тополмаслигини ўйлаб давом эттиришга мажбур. Минг ағсус!

Бугун Интизор ҳақида, янги чиққан майсадек ниш ураётган севгиси ва унинг келажаги ҳақида ўйларкан, ўғирликка құл уриб катта хато қылғанини, бу ҳақорат уни умр бўйи таъқиб қилишини ўйлаб, юраги остин-устун бўлиб кетди. Кун сайн, соат сайнин муҳаббати аланга олиб боряпти... Энди нима қиласди?

Университеттега киргандан, оиласи бўлганда қиз билан танишарди. Ҳозир оилалар ўртасидаги катта тафовут, улкан жарлик бу ниятни амалга оширишга изн бермайди. Бошқача айтганда, у қизга муносиб эмас! Аксига олгандай, унга бўлган туйгулари мой сепилган оловдай кун сайн, соат сайнин кучайиб боряпти.

Ҳамон бувисиникида яшайди. Ота-онаси билан беш йилда икки марта учрашди. Шунда ҳам меҳрини сезмади... Улар алоҳида-алоҳида оила қуришган, Олимнинг тақдиди билан қизиқишимайди... Айниқса, каратэчи бўлиб танилгандан кейин муаммоларини ўзи ечаётганидан хурсанд бўлишди, одамлар орасида у билан фахрланиб, гурурланиб қўйиши, аммо унга янаям эътиборсиз бўлиб қолиши. У бирор марта ота-онасидан ёрдам сўрамаган, олдига ялиниб бормаган...

Ўша куни қизнинг ҳовлиси билан ўзлариникини солиштириб кўрди. Уларники қаср бўлса, буларники кичкинагина қулбага ўхшайди. Олдига мақсад қўйди: пул топиб, уйларни қайта қураман, қизникуга ўхшаган данғиллама бўлмаса ҳам, тўртта ўртоғим келса уялмаслигим керак!

Бир неча кундан бери бирор ишга қўл ургиси келмайди. Ота-онаси ажраб кетганининг оқибатини энди сезяпти. Ўшанда бувиси:

- Яхшилаб ўйлаб кўр! - деганди икковига. - Боланг тирик етим бўлади, бошқалар олдида ўксийди. Икковингдан нафратланишидан кўрқмайсизларми?

Бувиси ёзғирди, бошини тебратиб ағсусланди, ҳатто кўзига ёш олиб Худога илтижо қилди. Авлиё бувиси ўтган ва бутунги қийинчилклар, қайғу-аламни кўра билган экан-да! Буни Олим энди тушуняпти!

У кечқурунлари кўчага чиқиб айланади, ҳеч кимга сирини

айтолмайди. Қайтиб келиб, ярим кечагача "Уруш ва тинчлик"ни ўқыйди. Интизорнинг нигоҳи тушган саҳифаларини силаб кўради. Кўзига суртади. Наташа Ростовада Интизорнинг гўзаллиги, ҳис-туйғулари, шўх ва кувноқлигини кўради. Пъер Безуховда ўз қалбини, ошкор қилинмаган севгисини туйгандай бўлади.

Соатлаб суратига термулади. Аммо қониқмайди. Шундай кунларнинг бирида ўзини овутиш, юрагини ёзиш учун "Ёшлар маркази"га, дискотекага бориб қолди.

Мусиқа садолари зални титратиб, деразаларни зириллатиб юборади. Шовқин-сурон, шўх-шодон қийқириқлар, бир-биридан уялиш-тортинишини билмайдиган ёш йигит-қизлар билан тўлган эди каттакон зал. Ўттан йили бу ерга бир марта келган, шовқинга тоби йўқлиги учун кетиб қолганди.

Ҳозир майка-шортик кийган, бир-бири билан қулоқлашиб, бемалол ўпишиб рақсга тушаётган ошиқ-маъшуқлар тимсолида беҳаёлик билан эҳтиросларини қондиришига интилаётган шилқимларни кўрди... Тинимсиз реп қўшиқлар, рок мусиқа янгъар, бири тугар-тугамас иккинчиси бошланиб кетарди. Чарчашини билмайдиган ёшлар гоҳ эчкидай сакрайди, гоҳ маймундек эмаклаб ўйнайди. Олим бир-иккита танишлари билан четда томоша қилиб турди. Шериклари қизларни рақсга тортиб кетди. Дераза раҳига суняниб йигит кутиб турган қизлар Олимга қараб-қараб кўяр, уялмай-нетмай унинг қадди-қоматига суқланиб термуларди. Русча ашула тугаб, буюртмага биноан туркчаси бошланди. Сўнгра зал тўридаги микрофонга жиблажибонга ўхшаб кийинган бир йигитча борди-да:

- Друзья, я поздравляю нашу любимую Инди с днём рождения и приглашаю её на цыганский танец. Пожалуйста Инди, Интизор! - деди иккала қўлини кўтариб.

Йигитчанинг охирги сўзи Олимнинг юрагида жаранг бериб юборди. Наҳотки, Интизор шу ерда бўлса?! Ўша Интизормикин?

Саҳнага қоматини икки томонга бураб енгил ҳаракат билан Интизор чиқди. Ўша экан! Йигит қўлини ўпиб, белидан ушлади. Ҳамма қарсак чалиб икковини кутлади. Зални хуштак, қийқириқлар босиб кетди. Лўлича рақс улар учун ўйлаб топилгандай эшилиб, тўлгониб, ҳамма талантини ишга

солиб ўхшатиб қўйиши. Интизор ухлаёттанды Олимга мулойим, камтаргина кўринган эди. Аслида шўх, шаддод, қувноқ, ўйин-кулгуни севадиган қиз экан. Кўзлари хумор боқар, нигоҳларида юракни ўртаб юборадиган сеҳр борга ўхшарди. Уялмас, елкаларини учирив муқом қилганда кўкси йигитникига тегар, аммо ўзини тортмас эди.

Олим шундай рақсни ўрганмаганига илк бор афсусланди. Яқинда мактабни битирган бўлса ҳам катта одамлардай фикрлаши, бу ёшлардақа ўйнашни ўзига эп кўрмагани учун катта одамга ўхшаб кетарди... У рақс охиригача Интизордан кўзини узмади. Бутун вужуди, бор ҳис-туйғулари билан унга интилар, ҳатто уларга яқин бориб қолганини сезмаётган эди.

- Ҳоо, йигитча, - деди аллаким туртиб, - қизни тешиб юбормагин, секинроқ қара!

У орқасига ўгирилди: Шоҳбоз!

Кўлини узатиб тургани учун сўрашиб қўйди. У ўзини бу ернинг каттасидай тутар, нигоҳларидан менсимаслик, кибру ҳаво балқиб турарди.

- Танишингиз келяптими?  
- Буни сенга ким айтди?  
- Унга яқинлашма, каратэчи бўлсанг ўзингга. Бўйнингни қайриб қўяман!

Шоҳбоз қўполлик, пўписа билан гапиради.

Олим ўксинди. Синфдошлиқ ҳурмати қани? Наҳотки кўнгил сўраш мумкин эмас? Лекин бу ишни ўзи ҳам амалга ошириши мумкинлиги эсига тушиб қолди.

- Саломатлигинг яхшими, оғайни? Ўқиб турибсанми?  
- Яхши... - беларво ишшайди у.  
- Айланиб келувдим... Сен унинг шахсий қўриқчисимисан?  
- деди Олим қиз томонга ишора қилиб.  
- Кимлигимни ўзим биламан. Четроққа чиқ! - Шоҳбоз уни туртиб ўтиб кетди.

Олим хатни эслади. Шоҳбоз "Нега ўғирлаб чиқдинг?" деб қўполлик қилаёттандай тулоди унта... Юрагида алам туғилиб, муштини тугди. Бармендан "Кола" олиб майдалаб ўтириди, бирданига тўполон бошланиб кетди. Болалар ва қизлар икки томонга ажralиши, уришаёттандар ўртада, қий-чув, бақир-чақир бошланди. Улар бир-бирини йикитганда, тепганда қизлар гоҳ завқдан, гоҳ қўрқиб қий-чув солар,

олишаёттнларга мусиқа файрат берәёттнгага ўхшарди.

Бири Шоҳбоз, иккинчиси боя Интизорни табриклаган дўсти...

- Ажратиш керак, акс ҳолда милиция келса икковини олиб кетади.

Олим ўртага отилиб чиқди-да, уларни икки томонга сурди. Лекин иккаласи аламзадалик билан бир-бирини уришга интилар, орада Олимга ҳам бир-икки мушт тушиб қоларди. Олим хулоса қилди: ажратиш учун уларни уриш керак!

Олим хитойча усул билан бирининг оёғидан чалиб йиқитди. Шоҳбоз бир уриб эзиб қўядигандай Олимга ташланди. Олим чап берди, Шоҳбоз мувозанатини йўқотиб томошабинлар ичига кириб йиқилди. Қизлар ва болаларнинг масҳарали кулгусидан ғазбланиб ўрнидан турди-да, Олимнинг ёқасига қўл чўзди. Лекин Олим кафтининг қирраси билан билагига уриб итариб юборди. Шоҳбоз оғриқдан ингради. Иккинчи марта йиқилгани алам қилди, ғазаби қўзгалди. Бор кучини ишга солиб Олимга отилди, аммо бу сафар башарасига шундай мушт едики, кўзидан ўт чиқиб кетди.

- Санжар!!!

Санжар билан Мурод икки томондан Олимни қисиб кела бошлашди. Аммо Интизор қараб турганда Олим енгилишни истармиди?! Шунинг учун икки дақиқада уларни тавбасига таянтириди ва дискотека қаҳрамонига айланди. У қўлинни силаб чеккага чиққанда боя Интизорни табриклаган дўсти келди.

- Қойилман, оғайнни! Раҳмат, сенга, танишиб қўяйлик, Мен Индининг энг яқин дўсти Равшан бўламан!

- Олим...

Улар қўл олишишди. Олим бу ҳали ҳеч нарса эмас дегандай тутарди ўзини. Аммо кутилмаганда бирор елкасига шундай урдики, яшин теккандай ерга қалишиб қолди. Қўли билан сакраб турәёттнда орқасига тепки еб, суяги зирқираб кетди. Бундай ҳолатдан чиқиши мукаммал ўзлаштирган Олим орқасига ўтирилди-ю, Шоҳбознинг ишонган половони Ўқтам (каратэчи)ни кўриб, ҳайратдан қотиб қолди! У билан бирор марта уришмаган, ҳатто юзма-юз келмаган эди. Нима жин уриб у Шоҳбознинг қўриқчисига айланганидан таажжубда юрарди.

- Сен аралашма, Ўқтам! - деди у кафтини кўтариб, - бунақа

майдакашлик бизга ярашмайди!

Ўқтам Олимнинг тагдор гапига қулоқ солишдан кўра, Шоҳбознинг топширигини бажаришни афзал кўраётгани қарашларидан сезилиб турар, ўз йўлига хиёнат қилаётгани ҳам норози қиёфасида акс этганди...

Ўқтам кутилмаганда Олимнинг биқинига солди. Зарба унчалик ботмади. Олим унга газаб билан қараб турар, эсингни йиғиб ол, биз курашчилармиз, қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, деган маъно бор эди кўзларида. Аммо Ўқтам эътибор бермади. Муштини Олимнинг башарасига йўллаганида Олимнинг темирдай қаттиқ панжалари унинг билагидан ушлаб қайирди.

- Ўқтам, ўзингни бос! Ҳамма бизга қарайпти. Ишонган одамингнинг олдида шарманда бўлма!

- Сендан енгилгандан кўра, рўмол ўраганим яхши!
- Қачондан бери менга душман бўлиб қолдинг?
- Шоҳбозга қарши юрганингдан бери!
- Аблаҳ! Унга ишонма, хато қиласан!

Олим уни қўйиб юборди. Аммо шу заҳоти бўйнига тушган муштдан гандираклаб кетди. Қулоғи жаранглаб кўзида юлдузлар пайдо бўлди. Кейинги мушт кўксига тушгани учун нафас олиши қийинлашди. Энди у андиша қилиб ўтирасди. Фазаби тоша бошлаган, кўз олдиаги душманни енгмаса, ўзи Интизорнинг олдида шарманда бўлишини ўйлаб, қўлларини чангак қилиб, кўксини баланд кўтарди. Башарасига калла қилмоқчи бўлган Ўқтамга чап бериб ерга ийқитди. Уни, туриши билан сакраб орқа бўйнига тепиб, оғзи билан ерга қулатди. Аммо у ҳам сўнгти кучи қолгунча рақибини енгишга қарор қилган одам қиёфасида эди.

Кутилмаганда милициянинг ҳуштаги эшитилди. Жанжалкашларга қўшиб томошабинларни ҳам 15 суткага қамаб қўядигандай ҳамма ҳушёр бўлиб қолди. Бирор қулоқларига шивирлаб буйруқ берганда мусиқачилар бирдан чалиб юбордилар. Ҳеч нарса бўлмагандай ҳамма рақсга шўнгигб кетди... Шапкасини қўлига ушлаб олган милиция ходими рақс тушаётгандарга назоратчига хос жиддийлик билан назар ташлади-да, зални айланди. Дискотека одатдагидек давом этаётганига ишонч ҳосил қилиб, ташқарига равона бўлди. Олим ҳеч кимга эътибор бермасдан Интизорни

қидирап, Шоҳбоз атрофида ўралашиб юрган бўлса бирор чорасини кўраман, деган ниятда эди...

У учинчи марта айланниб келганда кўча тарафдаги дераза ёнида Интизор Равшан билан рақс тушаётганини кўрди. Шоҳбоз шериклари билан шум ниятда дискотека тугашини кутиб атрофида айланадиганини Равшан билан Интизор сезган, аммо эътибор бермаётган эди. Уларнинг ғоғилигиги Олимнинг ғашини келтира бошлади.

Мусиқа борган сари авжига чиқди, бирорлар қийқиради, ҳуштак чалади, қўшилиб ашула айтади, "Acca!", "Браво!", "Окей!" деган қийқириқлар эшитилади, қизлар кулади, ҳиринглайди. Рақсга тушаётганлар ҳам терлаб пишиб эчкидай сакраб, маймундай айланышади...

Олим ташқарига чиқди. Тугмасини ечиб тоза ҳавога кўксини тутди. Йўлнинг нарёғида Шоҳбознинг қора "Нексия"си. Ёнида қўшни маҳаллалик Мурод аканинг қаймоқранг "Запорожец" и "савлат тўкиб" турибди. Олим уни дискотекага келаётганда АЁҚШдан бензин куйиб турганда кўрганди. Ҳозир Олим машинага кўзи тушганда Мурод аканинг машина тутишини ҳавас билан эслади. Иккита симини туташтирса ўт оладиган бу "тойчоқ" билан шаҳарда юрса кўпчилик эътиборини тортмай қолмасди... Орқа ойнасига нафис парда тутган, пасти ва тепасига сиёҳранг қалин йўл торттирган, кузовининг икки томонига орқани кўрсатадиган чироили ойнак ўрнаттирган, салонини ҳам ақиқа тўйига келтирилган бешикдай ясатган эди. Машинани доим тозалаб минади, орқадаги фараларига гард юқмайди...

Вақт ярим кечага яқинлашса ҳам залда ўйин-кулги тўхтамас, ҳамма ёқни ларзага солган мусиқа, шодон қийқириқлар ва аллақандай ажнабий сўзлар ойналарни тешиб чиқиб, кўчаларни забт этган, онда-сонда ўтаётган одамларнинг ғашига тегар, таажжубини оширап эди. Олим зерикди, миясини уйга бориш хаёли банд эта бошлади, аммо Интизор ичкарида рақс тушаётгани, ҳали-бери кетмоқчи эмаслигини билгани, Шоҳбоз ёмон ниятда Интизорни кузатаётганини кўриб туриб, ташлаб кеттиси келмади.

Шу пайт дискотека залидан аввал Интизор, сўнг Шоҳбоз чиқди. Олим ўзини дарахт панасига олди. Улар кичик хиёбондаги ўриндиқча ўтиromoқчи бўлишди, аммо Интизор

Күнмади шекилли, йўлда давом этишди. Қиз қайтмоқчи бўлди, аммо Шоҳбоз қулидан ушлаб тұхтатди. Бояги икки шриғи яқинларига келган, кўзига қараб туришар эди. Бирдан у ар жонланиб, кутилмаган воқеа содир бўлди. Қизнинг оғзини беркитишида-да, бири белидан, иккинчиси оёғидан ушлаб, машинага босиши. Олимнинг юраги ўйнаб кетди. Дараҳт панасидан чиқиб югурмоқчи бўлди, аммо уччаласига кучи етмаслигини билиб тўхтади. Машина ўрнидан силжиши. Олим яшин тезлигига "Запорожец" эшигини очди-да, икки симни бир-бирига туташтириб, уларнинг ортидан қува кетди...

"Нексия" шаҳардан чиқиб, тоғ йўлига бурилди. Олим секинроқ юрар, гоҳ тезлар, баъзан орқада қолиб чалғитмоқчи бўларди. Яхшиямки яrim тун, ортидан қуваётганини сезишмайди.

Олимнинг юраги ҳапқириб кетди.

"Қаерга, нега олиб кетяпти, зўравонлик билан номусига тегмоқчими? Аблаҳ, қиз бола билан гаплашишга ақлинг етмагани учун лайчаларингни ишга соляпсанми?!" Олим жаҳл устида ҳар хил фикрларни ўйлар, уларнинг мақсадини билиш, чангалидан Интизорни күтқариш учун дунёнинг нариги чеккасига боришга тайёр эди.

"Ё Интизорнинг унга мойиллiği бормикин? - кутилмаганда хаёлига шу фикр келди, - кўчага бемалол чиқди-ку, аввалдан алоқаси бўлса, Шоҳбоз Равшандан рашк қилдимикин?"

"Нексия" бир хил тезликда олға интилар, Олим эса уларни кўздан йўқотмаслик учун газни охиритгача босарди...

Машина тоғ қишлоғидан ўтиб, ўн километрча юргач, сой буйидаги кичик йўлга бурилди. Замонавий фин усулида қурилган дала-ҳовли эшиги олдида тўхташгандан Олим шапкасини бурнигача бостириб, зарур иш билан кетаётгандай юз тезликда ўтиб кетди. Кўздан йўқолгандан кейин чапга бурилди-да, дараҳтзор ўртасида машинани ўчирди...

Ва оёқ учида буталар орасидан дала-ҳовлига яқинлашди. У шошилиши керак. Интизорни қаерга олиб киришяпти, неча киши бор, кимлар кетиб, кимлар қолади - ҳаммасини билиши керак. У оёқлари, қўллари ва тиззаларини тиконлар тилиши, кийимларини буталар илиб қолишига қарамай шошиларди.

Ниҳоят, етиб келиб, деворгул шохларини икки томонга ёриб ҳовлига қаради Құл-оёғи арқон билан, күзи қора мато билан боғлаб, оғзига латта тиқилған Интизорни ҳовлидаги каравотта ётқизиб қўйилган, инграётганига парво қилмасдан ҳаммалари алланарса исташарди.

- Топдим! - деб бақириб юборди Санжар овозининг борича суюнганидан қалитни боши узра кўрсатиб. Шоҳбоз билан шериги ялт этиб қаравади.

- Секинроқ, овсар! Бу ер катта холангнинг уйи эмас! Опкел!

Шоҳбоз уйни очиб шерикларига имо қилди. Улар Интизорни кўтариб кириб кетишиди. Олим деворгулдан сакраб ўтиб деразага яқинлашиди. Хона чироги ёқилгани учун парда орасидаги икки энлик очиқ жойдан ичкари кўринарди. Интизорни диванга ётқизишиди. Икки шериги бошқа хонага ўтиб кетишиди Шоҳбоз Интизорнинг оғзидаги латтани олиб ташлади. Овозлар ташқарига эшитилади.

- Ифлос, еч қўлимни, сен эркак эмассан! Қўлимни еч деяпман сенга, ҳали ҳаммаси учун жавоб берасан.

- Ўзингизни босинг, асал қиз! Ҳозирча менинг қўлимдасиз. Озод бўлганингиздан кейин ҳар қанча хунарингиз бўлса кўрсатаверасиз.

- Сени ўзим бурда-бурда қилиб ташлайман.

- Во-бўй, ҳали шунақа ваҳшиймисиз?

- Сени адо қилиш учун йиртқичга айланаман. Ифлос, уйимизга ўғирликка тушган, расмим билан китобимни ўғирлаган сен экансан-да! Севгингга икки дунёда ҳам ишонмайман. Яна мени Гавайи оролларига олиб борармиш! Шу ерни Гавайи ороллари?!

- Тўхтант-тўхтант, асалим. Қанақа расм, қанақа китоб? Тушунтириб гапиринг, бу ишнинг тагига етмасак бўлмайди. Ахир, иккимизга алоқадор гаплар.

Шоҳбоз ишшайиб, Интизорнинг яқинига ўтиреди. Иягидан ушлаб бошини кўтарди. Шу пайт Интизор унинг бетига туфлаб юборди. Шоҳбоз караҳт бўлиб қолди. Чап юзидаги тупукни артгунча ўнг юзига ундан каттароғи келиб тушди. Энди Шоҳбознинг жаҳли чиқа бошлади.

- Ҳей, қиз, ўзингни бос! Акс ҳолда аяб ўтирумайман.

- Сендан қўрқадиган одам эмасман! Керак бўлса эртага ишонган тоғларингга қўшиб йўқ қилдириб юбораман.

- Шунақами ҳали? Балки унгача ўзингиз йўқ бўлиб кетарсиз. Мақсадимга эришиб сойга улоқтириб ташласам, отангиз тугул бобонгиз тирилиб келса ҳам тополмайди.

Интизор тўхтаб қолди.

Шоҳбоз у томонга сурилди. Аммо Интизор сасеиқ нарсадан иргангандай ўзини тортиди. Ўрнидан туриб стулга ўтириди.

- Сен билан чиқиб кетганимни Равшан кўрган, бир соатдан кейин уйга бормасам, дадамга хабар беради. Дадам ернинг тагидан бўлса ҳам мени топтиради. Шарманданг чиқади.

Шоҳбоз жиддий тортиб қолди. Аммо аҳволини билдирумаслик учун ўзини бемалол тутарди.

- Вой-бўй, кўрқиб кетдим! Дадангиз нимага қодирлигини ўйлабсизу, бизнинг қўлимиздан кўпроқ иш келишини хаёлга келтирмабсиз-да, асалим?!

Интизорнинг телефони жиринглаб қолди. Чўнтагидан Шоҳбоз олиб ўчирди-да, сим картасини олиб иккига бўлиб ташлади.

- Менинг рухсатимсиз бирор билан гаплашмайсиз!

- Ифлос, мараз! Сен менга хўжайин эмассан!!

- Сиз асалим, ҳозирча кийикка ўҳшаган нарсасиз, беш кун ётганингиздан кейин мушукдай мулойим бўлиб қоласиз!

- Беш кундан кейин сен ҳам сичқондай инингга кириб кетиб чиқолмайдиган бўласан!

Тўсатдан Шоҳбознинг телефони жиринглади.

- Эшитаман, дада!

- Шаҳардаман..

- Онамнинг юраги? Қачон? Касалхонада?

- Бораман, дада! Ярим соатда етиб бораман!

- Хўп, дада, хўп!

Шоҳбознинг ранги оқариб кетди. Саросимага тушган одамдай нима қилишини билмай қолди.

- Санжар!

Хонада у пайдо бўлди.

- Сен қоласан, мана бунга калланг билан жавоб берасан!

- Есть, начальник!

- Аммо эсингдан чиқмасин, бу фақат менга тегишли нарса! Бироннинг тирноғи текканини билсан, калласини олмай қўймайман, тушундингми?

- Тушунмай ўлибманни, наҳот бизни тупой деб ўйласангиз, Шоҳбозек!

- Бўлди, бас қил!

Шоҳбоз ташқарига чиқаётганда Олим деворгул ортига сакради-да, буталар орасидан уларни кузатди. Машина чиқиб кетгач, Санжар дарвозани қулфлали. Сўнг уйга кириб ёндаги хонадан чойми-кофеми олиб чиқиб ича бошлади. Интизор унга алланарсалар деди, Санжар иршайиб жавоб қайтарди-да, оёқ-қўли боғлоғлик ҳолдá диванга оёғини осилтириб, ўтқизиб қўйди.

Олимнинг хаёли остин-устун бўлиб кетди. Қисқа вақтда рўй берган воқеалар, Шоҳбознинг Интизорга нисбатан зўравонлиги юрагини ларзага келтирган, газаб ва нафратини оширган эди. Шоҳбоз гўё Олимнинг юрагини суғуриб олиб таҳқирлагандай, номусини яксон қилгандай туюлар, адолатсизлик олдида ўзини ожиз қолгандай сезар эди. Ярим соат ўйланиб ўтирди. Шафқатсиз ва кучли бўлиш ҳақидаги қарорини эслаб, юрагида газаб ва жасорат ўт олди...

Хозир кириб борса, Интизор ўзини кўрсатиш учун роль ўйнаяпти дейиши мумкин.

Уни чалғитиб, ташқарига чақирса-чи? Қизни ташлаб чиқармикин? Бу атрофда икковидан бошқа одам йўқлигини яхши билади-ку!

Олимнинг мақсади: ўзини танитмасдан қизни озод қилиш! Кучли ва шафқатсизлигини, бундан ташқари, озгина ҳийлани ишга солмаса, ҳеч нарсага эришолмайди.

- Санжар, Санжар!

У чўчиб, стаканни столга қўйди-да, ташқарига отилиб чиқди.

- Бир минутга қараб қўй! - у ниқоб ичидан, оғзига қўлини қўйиб гапирувди - овози бегона эшитилди. Дараҳтлар орасида тургани учун кимлигини таний олмади.

- Кимсан? Бу ерда нима қиляпсан?

Пардаси орасидан тушаётган нурда Санжарнинг қўзлари чақчайди, бегона ҳовли бурчагига якка боришта қўрқаётгани аниқ билиниб турарди. Олим ниқоб устидан кийган қора

шапкани бурнигача бостириб, Санжарга яқынлашди. У ортига тисарилаёттандан жағи остига зарб берди. Ҳушидан кетиб йиқилиши билан боя мүлжаллаб қўйған катакка судраб кирди ва зулфинини сим билан танғиб ташлади.

Олим Интизорнинг олдига кирганда қўлини ечишга ҳаракат қиласар, аммо улдасидан чиқолмай қийналар эди. У ниқобли одамни кўрибоқ жони чиқиб кетай деди.

- Кимсиз, нега келдингиз? - ўзини ортга олди қиз.

Ранги оқариб титраб кетди. Тисарилиб, бақирмоқчи бўлди.

- Сизни боғлаб қийнашларини хоҳламайман. Шаҳарга, уйингизга кетамиш!

- Лагмон илманг, анавиларнинг шериги бўлсангиз керак. Менга қўл теккизманг.

Интизор Олимни ниқоб тешигида йилтираб турган кўзига қараб танимоқчи бўлар, аммо кўз бир нуқтада турмагани учун таниёлмади.

- Сизга қўл теккизмасдан арқонни ечсам майлими?

Қиз индамали, аммо ҳайр ва қўрқув тўла кўзларини ундан узмасди.

У Интизорнинг қўл-оёғини ечди. Қиз озод бўлгандан кейин ҳам унинг кимлигини билолмади, халоскорлик ортида ёмон ният бор, деб ўйлаётган эди.

- Қўрқманг, Интизор! - деди самимий оҳангда у, - сизни кутқариб, уйингизга эсон-омон етказмоқчиман, холос!

Овоз унга танишдай, самимий эшитилди ва юрагида илиқ бир туйғу, ишончга ўхшаган ҳис пайдо бўлди. Олим унинг қўлидан ушлаб, шиддат билан ташқарига бошлади. Стол ёнидан ўтаётганларида Интизор симкартаси синдириб ташланган телефон аппаратини олди.

Машинага етиб келгунча ҳам гапиришмали.

- Ўтиринг!

Бўйруқ оҳангига айтилган гапдан Интизор ҳайрон бўлиб турганда у эшикни очди.

- Очдан ўлмаслик учун қаттиқ нон ҳам ейилади, Интизорхон!

Ярим йўлга етишгунча иккови ҳам гап бошлашга сал тортинди. Қиз нотаниш одамнинг мақсадини тушуниб етолмас эди.

- Сиз шаҳарликмисиз?

Ҳаяжон ва таажужуб билан берилған савол қовушмайгина эшитилди, аммо бошқа дурустрагини ўйлаб тополмагани учун қыз ўзидан норози бўлди.

- Аҳамияти йўқ!

- Ниятингиз тоза бўлса, ниқобингизни олсангиз!

Овозидаги ялиниш ва илтимос Олимда яхши кайфият уйготди, қолаверса, шаҳарга яқинлашиб қолганларидан ниқобини счиб, олдинги ўриндиқقا ташлади.

Интизор унга ҳайрат билан тикилди. Ва дискотекадаги воқеалар лоп этиб хаёлига келди. Равшан билан Шоҳбозни икки томонга сурниб ташлагани, сўнг Шоҳбоз билан жангини эслаб мийифида кулди.

- Боя Равшан билан Шоҳбозни ажратганингизни курган қизлар сизга ҳавас билан қаращи... Лекин Шоҳбозни ёмон шарманда қилдингиз-да!

- Килмишига яраша еди!

- Тўғри гапирдингиз, бунақаларни роса тумшуғини ерга ишқаш керак!

- Улар сизни нега олиб келишди?

- Ўзим ҳам билмайман, Шоҳбоз анчадан бери ортимдан юради.

- Сиз-чи, уни ёқтирасизми?

- Э, номардларни жиним сўймайди.

Суҳбат кутилмагандан узилиб қолди. Шундоғам кам гапираётган Олим Интизор олдида жиддийлигини йўқотмаслик учун фақат йўлга қарапди.

Ўғри фақат нарсаларини олиб кетгани, Наримонни чалғитиб қочгани Интизорнинг ёдига тушди. Шу маънода қарагани учун Олим "Мен у эмасман!" дегандай шундай қаттиқ тикилдики, Интизор нотўғри хаёлга бориб, яхшиликка ёмонлик билан жавоб берадигандай чўчиб кетди...

Ўн-ўн беш дақиқадан кейин шаҳарга этиб келишди. Интизор қалбининг бир чеккасида боя пайдо бўлган ҳадик ҳамон йўқолмаган. Бу одам уни тўғри уйига ташлашига ишонқирамай келаётган эди.

- Қаерда турасиз? - деб сўрагандан кейин эса, у хотиржам бўлди. Дарвозаси олдига келиб машинадан тушаркан, қайта-қайта раҳмат айтиб бугунги воқсани бирорвга айтмасликни илтимос қилди.

- Эртага учрашсак бўладими? - деди қиз унинг кўзига қараб.

- Нега?

- Сизда ишим бор.

- Ҳозир айтаверинг.

Гап оҳангидага кескинлик билан бирга меҳр ҳам борлигини Интизор сезди.

- Илтимос, мен учун озгина вақт ажратсангиз.

Олим бир нуқтага тикилиб озгина тургандан кейин Интизорга қаради.

- Эртага соат учда "Таманно" кафесида учрашамиз!

Интизор ёш қизчадай севиниб уйга кириб кетди...



Шоҳбоз касалхонага етиб келганда дадаси жонлантириш бўлими ҳовлисида у ёқ-бу ёққа бориб келар, асаби чарчагани билиниб туарди. Гулхона ёнидаги ўриндикда иккита холаси, тоғаси, синглиси шивирлашиб гаплашишар, кўнгилсиз воқеани кутаётгандай кайфиятсиз эдилар.

- Дада, тинчликми? - Шоҳбоз машинадан тушибоқ савол берди Ҳамидулла акага.

Игна устида турган отага малол келди, аммо хотинининг қариндошлари олдида бир соатдан бери топилмаётган ўғлини койишни вазият кўтаролмаслигини тушунди шекилли, паст овозда жавоб берди.

- Онанг ёмон бўлиб қолди...

Қўзларида "қаерларда санғиб юрибсан?" деган ғазаб яширинган эди.

У холалари ва тоғаси билан сўрашди. Ҳамма ўтиргандан кейин Санобар холаси тескари ўгирилиб турган Ҳамидуллани нигоҳи билан имлади.

- Узига келгандан кейин нима гаплигини айтар!...

Акрам тоға гапни доноларча илиб кетди.

- Сабабсиз оқибат бўлмайди, жиян!

Шоҳбоз пичингни тушунмади, холалар "Манави тўнғизга етиб бордимикин?" дегандай Ҳамидуллага қарадилар. У эса ўзини бошқа нарсани ўйлаётгандай кўрсатиш учун даврага ўтирилди.

- Худо шифо берса ажабмас! Врачлар қараб туришмайды...
- Болаларининг бахтига яхши бўлсин...

Санобарнинг гапида энди тузалса, болалари учун яшайди, деган маъно борлигини Ҳамидулла тушунди. Аммо хотин киши билан ади-бади айтишни эп кўрмай, бош врач идораси томон кетди.

- Эрталаб ойим яхши эдилар! - ўзига гапиргандай бўлди Шоҳбоз.

Санобар Ҳамидулланинг кетишини, синглиси ҳақида кимдир гапиришини кутиб тургандай шиддат билан гап бошлади.

- Анави тўнғиз амалдор бўлсаем ўзини босолмайдиган хилидан экан!

Ҳамма сергакланди.

- Шу ёшдаям мегажинларга илакишади- я!

- Э, опа, - деди тога қўлини қилич қилиб силтаркан, - бунга ақл киргунча кўсага соқол битади. Қилса, билдирамасдан қиласвермайдими?

- Ҳамма гап шунда-да!

Юзларини нафрат ва жирканиш қоплаган Санобар ўзича поччани жеркиди:

- Шундоқ катта лавозимлик одамга ярашадими шу иш?!

Мунаввар хола Шоҳбознинг синглисини "Ичкаридан хабар ол", деб жўнатиб юборгач:

- Опам кўчада қўшнилар билан гаплашиб ўтиrsa, ўйнаши қўнфироқ қилиб: "Ҳамидулла акамни бўшатиб кўймасант, соғ қўймайман!" дебди. Телефоннинг овози баланд экан опам ер ёрилмабди, ерга кирмабди. Уйга кирибди-ю, ярим соатдан кейин юрагини ушлаб йиқилибди. Яхшиям қизи бор, дарров "Тез ёрдам" чақирибди...

Шу пайт жонлантириш бўлимидан чиққан ёши катта врач, икки томонга аланглаб:

- Ҳамидулла ака қанилар? - деб қолди.

Санобар опа сергак экан.

- Нима гап? - дея шошилиб олдига келди, - мен Сурайёнинг синглиси бўламан!

Врач бир нафас мулоҳазага берилиди. Нималарни ўйлаёттани уларга тахминан маълум эди.

- Айтаверинг, доктор! - деди Муяссар опа.

- Очиги, беморнинг ҳолати яхши эмас, қўлимиздан келганини қиляпмиз. Оғир вазиятдан чиқолмаяпти. Яна бир кун кутамиз, чиқа олса, ҳамманинг баҳти!

- Нима қилиш керак, айланай? - деди кўзига ёш келган Санобар. - Қараб турмайлик, дори-дармон дегандай...

- Э, ҳаммаси бор, керагича қиляпмиз, фақат руҳий зарбани кўтаролмаган, юрак томирлари ёрилиб кетган. Узига келиши қийин кечяпти... Кутимаганда вазият яхши томонга ўзгариши ёки оғирлашиши мумкин. Ҳаммасига тайёр туринглар...

Муяссар опа Шоҳбозга қаради. Кўзларида қайғуриш аломатини кўрмади. Врач кириб кетди. Ҳамманинг кўнглидан кейинги ишларни маслаҳатлашиш фикри кечиб, скамейкага ўтиришди.. Ҳеч кимдан садо чиқмас, беморнинг аҳволини яхшилаш учун ҳеч нарса қилолмасликлари ташвишга солар, дилдан "Наҳотки, битта келин олмай синглимиш ўлиб кетса!" деган фикр ўтар эди...

Уч соатча олдин - эрталаб Санобар кўргани кирганда ранги кесакдай оқарган Сурайё шифтга қараб ётар, кўзларидан нур кетган эди. Саломлашишга ҳам курби қолмаган синглиси у томонга бир қайрилди-ю, кўзидан ёш сизди, йигламсираб:

- Опа..? - деди холос. Дилядагини айттолмай қийналаётгани сезилиб турарди. Сал кувватга киришини кутиш керакка ўхшайди, деб ўйлаётган Санобар врач кириши билан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Уни бетоқат бўлиб кутишаётгани учун эшикдан кўриниши билан ёпирилиб келдилар.

- Тузукми?

- Ўзига келгани ростми?

- Нима деди?

Санобар вазиятни тушунтириди. Ҳамма бўшашиб қолди.

- Ака, - деди хиқиллаб у, - Сурайё одам бўлмайди, шекилли... - Йиғи аралаш овози ҳаммага таъсир қилди.

Бироздан кейин у куюниб йиглаб юборди. Сингиллар қўшилгандай бўлди. Аммо тоға ўзини қўлга олиб, ҳаммани юпатишга киришди.

Қалтис вазиятларда ўзини тутишни ўрганмаган Шоҳбоз меровга ўхшаб ортига ўғирилди-да, бош врач томонга - дадасининг ортидан кетди... Ҳамма унга қаради.

- Ҳеч бўлмаса шунисини ўйлантиrolмаса-я!..
- Биз ҳаракат қилсак, тўйини кўради...

- А?
- Нима?

Озгина вақт ўтгач, Ҳамидулла ака келиб ичкарига кириб кетди ва бир соатча чиқмади. Ҳамманинг юзида ташвиш, қалбида изтироб.

Кутилмаганда эшик олдида пайдо бўлган Ҳамидулла ака хушхабар айтмоқчидай, бироз жилмайди.

- Хайрият, ўзига келди!

Тунд қиёфалар ёришиб кетди.



Интизор хавотирлана бошлаган ота-онасини тинчитди, аммо кўзларига қаролмай хонасига кириб кетди. Улар қизнинг ҳар кунги келиши деб ўйлаб, руҳиятида содир бўлган ўзгаришларни сезмай қолишиди. Майда-чуйда янгиликлар билан кутиб олалиган Диана билан Шуҳрат аллақачон уйкуга кетишган, ҳоналари берк эди.

Интизорнинг уйқуси келмади. Бошидан кечирган асабийлик, кутилмаган тажовуз, кинолардаги асирадай дала-ҳовлига олиб кетилиши ва тўсатдан пайдо бўлган ҳалоскор йигит хаёлини эгаллаб олди. "У қаердан пайдо бўлди? Ортимиздан кувиб келганими ёки қўшни дала-ҳовлида дам олаётган бўлса, сезиб, бегараз ёрдам бердимикин? Ия, мен нималарни уйлаяпман, у биз билан дискотекада эди. Равшан билан Шоҳбозни ажратаман деб урган, Шоҳбозни шармандаларча одамлар орасига улоқтирган шу эди-ку! Каратэчи ё боксчиларга ўхшаб бақувват, елкадор экан! У Шоҳбозни қаёққа йўқотдийкин?"

Миясида бир-бирига ўхшамайдиган саволлар ўйнар, аммо бирортасига жавоб тополмас, воқеалардан қаттиқ таъсирлангани учун уйқу элитса ҳам хаёлга тўймас эди...

Олимнинг мардлиги ва самимияти Интизорга Шоҳбознинг ваҳший ва босқинчилигидан кучлироқ таъсир қилди.

Босқинчилар қўлидан озод қилиб, уйига ташлаб қўйди, аммо ҳеч нарса талаб қилмади. Эркакка хос бундай мардликни Интизор тушуниб етган ва ҳозирга қадар бундай жўмардликка

дүч келмаган, дүстлари ва танишлари орасидан бундайларини күндузи чироқ ёқса топилмас эди. Шунинг учун озод бўлишдан кўра Олимнинг жўмардлиги қалбини шодлик ва қувонч билан тўлдирган эди.

Ҳақиқий йигит шундай бўлиши керак, деган фикрга келиб, севиниб кетди. Қиз қалбida янги саҳифа, жозибаси билан тортиб турадиган, мардлик шавқи билан йўғрилган дунё очилди. Ҳаёт ва тирикликтнинг, олам ва одамнинг бундай ҳайратомуз қирралари борлигидан таажжуб ва ҳайронликда эди у.

Олим билан бўлган воқеа кинога ўхшаган лавҳа эмас, кутилмаган жасорат, халоскорлик эканини тушунди. Аммо унинг замирида нима ётганини ҳамон англаб етмади. Бу нима? Оддий ва беғараз мардликми ёки мақсади кейин аён бўладиган саҳнами?

Интизор саволларга жавоб топишга ожизлигини тан олди. Ёш, тажрибасиз эканини ўйласа ҳам қониқмас эди. Тутал хулосага келолмай қалби таскин топмас, лекин воқеа хотирот сандигида ноёб гавҳарга, денгиз остидан топилган инжудай руҳиятини шавққа тўлдирап эди.

Тонгга яқин кўзи илинди. Эрталаб онаси кириб уйғотмагунча ўрнидан қўзғалмади. Дивандан тушиб, қўлларини осмонга қилиб ҳузур билан керишар экан, руҳиятида қувонч бор эди. Ўзини бир неча ёш улғайган тасаввур қилди. Юрагида оила аъзоларидан яширган, мабодо эшитишса, қойил қолдирадиган ширин хотиралар пайдо бўлганидан хурсанд. Воқеалар таъсири узоққа чўзилиши мумкинлигини ўйлаб, ювингани чиқиб кетди...

Интизор хонаси ёнида телефонда гаглашаётган Наримонни кўрди-ю, Шоҳбоз сим картасини синдириб ташлагани ёдига тушди. Ота-онаси билмай туриб янги рақам олиши керак!

- Опаа! - деразадан қичқирди Шуҳрат.

Интизор чўчигандай "ялт" этиб овоз келган томонга қаради.

- Сизни сўрашяпти! - деди у телефон гўшагини кўрсатиб.

- Ким экан?!

Кўнгироқ кечаги воқеалар билан алоқадор эмасмикин, дея ташвишлангани учун югуриб келди у.

- Эшитаман.

У ёқдан пичирлаган, шивир-шивир, ноаниқ овоз эшитилди.

- Гапириңг, тилингиз чиққанми?

Алоқа узид қўйилди. Қизнинг назарида, Санжар ёки Шоҳбоз Йиғизор уйдами ёки бошқа ердами - билмоқчи бўлаётган эди. Ота-онаси шубҳаланмасликлари учун укасига қичқирди:

- Шуҳрат!!

Сумкасига китоб солаётган укаси унга қаради.

- Ким қўнғироқ қилувди?

- Битта дўстинг!

- Қаёққа гумдон бўлди?...

- Билмадим...

Ҳамма ўз иши билан машғул эди...



Олим машинани жойига қўйиб, уйга равона бўларкан, воқеаларни Йиғизордан бошқаси билмаганига севинди. Мақтаниш ёшидан ўттани учун ўзини тийди. Аммо хаёлини турли фикрлар қамраб, саволлар миясида ари уясидай тўзир эди.

"Таманно" кафеси ҳар доимгидай мижозлар билан гавжум. Алоҳида столда шивирлашиб сирлаштаётган ёшлар, очилиб - сочилиб ўтирган болалар, катта ёшли аёллар музқаймоқ еб, салқин ичимлик ичишар, ҳаётдан лаззатланар эдилар. Атрофдаги айлана кўлда ўрдаклар сузиб юрар, баъзан ғалати овоз чиқариб қўйиши мижозлар эътиборини тортмай қолмасди.

Йиғизор етиб келганда Олим уни кутиб ўтиради.

- Вақтида келдим шекилли? - жилмайди у.

- Кўп кутмадим.

- Таклиф қилган одам сифатида кутиб олишим керак эди...

- хижолат чеккандай сўзларди қиз.

Олим ўзини сипо тутгани учун вазиятни бепарволик билан ўтказиб юбормоқчи бўлди. Аммо Йиғизорнинг пардоз-андоз қилмаса ҳам "Нотаниш аёл"дагидай гўзаллиги ҳушини олдида, кийимларига қаради.

Кеча дискотекада кўрганида оқ футболка ва жинси шимда эди. Рақс тушишга қулай бўлсин деб шундай кийинганини Олим тушунди.

Ҳозир оқ кофта билан юбкада очилиб кетибди!

- Очик гап, ўша куни ҳаяжонда эдим, - ерга қараб мулойимлик билан сўзларди у, - дурустроқ раҳмат айттолмадим, ҳатто исмингизни сўраш эсимга келмабди.

- Ҳечқиси йўқ,

Олим гапни тутатмасдан Интизор илиб кетди.

- Оиламиз номидан сизга раҳмат айтмоқчиман, сиздан миннатдормиз.

- Арзимайди Интизорхон, мен жасорат кўрсатганим йўқ. Ўртимдаги ҳамма йигит сизга ёрдам қўлини чўзарди.

Олим Интизор гап қўшмасин дегандай, бир нафаслик сукутдан сўнг давом этди.

- Фақат бир нарсани билмоқчиман?

- Нимани?

- Улар билан қандай алоқангиз бор? Сизни нега боғлаб олиб кетишиди?

Интизор бу саволларни кутганди. Махсус жавоб тайёрлаб қўймаган бўлса ҳам нима дейишни биларди.

- Очиги, Шоҳбоз анчадан бери ортимдан юради...

- Сизга ёқадими?

- Ёққанда бунақа воқеа рўй бермасди.

- У сизни севади шекилли..

- Билмадим, хат ёзаверади, жеркиб бераман, ортимдан қолмайди. Менимча, у севгини тушунмайди.

Олимнинг сўрамоқчи бўлган нарсалари кўп эди, аммо қизни зериктириб қўймаслик учун гапни тўхтатди. Шу пайт қиз сумкасидан қоғозга ўроғлиқ нарса олиб йигитнинг олдига қўйди.

- Сиздан миннатдорман, шу нарсани сизга олиб келувдим, ишлатарсиз

Олим қоғоздаги пул эканини тушунди: "Бойваччаларнинг қизларига хос қилиқ!"

- Нима?

- Ҳар ҳолда нима олаёттанимни билсан бўладими?

- Пул..

- Канча?

- Юз минг!

Олимнинг юзида истеҳзо пайдо бўлди.

- Нархим баланд-ку! Арзийдиган иш қылм дим.
  - Құлимни қайтарманг, aka!
  - Интизор ўнғайсизланди. Олимга қараашлан уялар, хатосини тушунгани қизариб кеттанидан билиниб турарди.
  - Миннатдорчилик билдиришнинг замонавий йўлини танлабсиз, Интизорхон!
  - Сизга ёқади деб ўйлагандим.. Машинага бензин қўйгансиз.. Хато қилган бўлсанм узр.
  - Узр керак эмас, бир оғиз раҳмат кифоя ва унумтандеки, одамгарчилик, бегараз ёрдам бундай ҳисоб-китоб қилинмайди!
- Интизор бешбаттар қизарди. Юрагида аллақандай ёқимсиз туйғу ҳис этиб, қўллари билинар - билинмас титради. Олим ўрнидан турди-да, пул ёнига телефон аппаратини қўйди.
- Кечак машинада қолиб кетган экан!

Интизор унга қараб кўзларини жовдиратди. Самимий жилмаймоқчи бўлди, аммо уддасидан чиқолмади. У йигит бирорнинг буюмига кўз олайтирмайдиган, қалби тоза инсонлигига тан берди.

- Сиз билан танишиш мен учун баҳт! Пулни, - бироз тўхталгач, унга узатди, - асраб кўйинг, талабасиз, аскотади! Мен пул олиш ёки ўзимни қаҳрамон қилиб кўрсатиш учун сизни кутқармадим, сиздай чиройли қизга адолатсизлик ва тажовуз қилишларига чидаб туролмадим! Кўришунча хайр!

Интизор хаёлини йиғишириб кузатмоқчи бўлиб қўзғалганида Олим узоқлаб кеттанди. Сўнг стол устидаги пул билан телефонга қараб йиғлаворай леди. Бугунги учрашув - беш йил институтда ўқигандан кўпроқ сабоқ берди унга. Бир неча ёш улғайтириди...

Агар у келмаганида Шоҳбоз номусига тажовуз қилиши, бир умр баҳтсиз яшашга мажбур этиши мумкин эди-ку!

У туйғуларини жиловлаб, ўтган воқеаларнинг барча даҳшати-ю, бутун моҳияти билан қайта идрок этишга уринарди. Руҳиятига теккан зарба эса жиддий ўлашга монеъ! Лекин Олимнинг гаплари хамон кулоқлари остида жаҳанглар, одамийлик ва имондан дарс бераёттандай эди.

Унинг юрагини ҳазин туйғулар қоплади.

Шоҳбознинг ҳайвоний мақсадига эришмоқчи бўлганини ўйларкан, қиз болага буюмдай муносабатда бўлиш иллати бўртиб турганлигидан нафратлана бошлади.

Қани энди, кўринмас милтиғи бўлса-ю пешонасидан отиб ташласа! Одамзод битта бемаъни, разил кимсадан қутуларди...

Олим эса, катта баҳтсизликдан асраб, оддийгина миннатдорчиликни қабул қилиш билан кифояланганига ҳайратда қолди! Тоза виждони, инсонни қадрлаш, эрки ва туйғулари, ор-номусини асраш фазилати кучлилигидан хурсанд бўлди. Аммо юрагининг бир чеккасини ғашлик, ноҳуш туйғулар қоплади: Олимга пул бериб хато қилди, виждони олдида уялди... Пул узатиш ўрнига исмини ва маңзилини сўрамаганига афсусланди.. Юраги сиқилди. Хато деган изтироб қалбнинг нозик жойини тирнаб ўтди. Энди нима қиласди? Кимга кўнгил ёради? Воеани икковидан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳасратини ёстиққа айтсинми? Олимнинг дили оғриганини ўйлаб, қайғуси оши.

Хатони тузатиш учун уни қаердан излайди? Ўзиям осмондан тушгандай ҳаётига кирди-ю, ғойиб бўлди!

Интизор ухломади, Олим олдида уялишдан қутқарадиган режалар ўйлади...



Шоҳбознинг онаси Сурайё оғир ҳолатдан чиқиб олди. Аммо иккинчи инфаркт мураккаб ва оғир кечгани учун эрта-индин ўлиб қолаётгандай кўнглига қил сиғмас, ҳеч кимни кўришни истамас эди. Кайфиятини сезган Санобар врач олдига маслаҳатга кирди.

- Бу касал, - деди дангал у, - ҳар дақиқада беморни олиб кетиши мумкин!

Аёл најот истаб кўзига қаради.

- Нима қилиш керак?

- Синглингизга Худо узоқ умр берсин, аммо ҳаммасига тайёр туриш керак!

Катта синглиси олдига кирганда Сурайё хаста товуш билан нола қилди.

- Ўлиб қолсам, болаларим нима бўлади? Ҳатто Шоҳбозни уйлантирмадим.

Санобар юпатди, аммо дилидагини тилига чиқармаса бўлмасди.

- Уйлантирайликми, опа?

Сурайё кўзига ёш олди.

- Қолганлари нима бўлади?

- Яхши бўп кетасиз, ҳаммасини ўзингиз уйлаб-жойлайсиз!

Эртароқ тўй кўриб, ҳаммасини унутасиз, демоқчиман-да!

Кечқурун сингиллар, Акрам тоға маслаҳатга тўпланишди.  
Аввалига Ҳамидуллани чақиришмади. Аммо Акрам тоға:

- Усиз мумкин эмас! - деб туриб олди. - Тўйни у қиласди!

Кейин вазият жиддийлигини билсин бойвачча!

Маслаҳат узоқ давом этмади. Сайёра касалхонадан чиққунча Шоҳбозни унаштирадиган, кейин тўй қиласиган бўлишди.

- Ҳамидулла, сиз тайёргарлигингизни кўраверинг!

Кечки пайт Ҳамидулла ўғли билан кутилмаган суҳбат бошлади.

- Ойингнинг касали оғир, - деди ўғлига аллақандай маҳзун товушда, - ҳеч бўлмаса сенинг тўйингни кўрай деяпти.

Шоҳбоз дадасига маъносиз қараб кўйди. Врачнинг гапи ёдига тушиб:

- Яхши бўп қолади дейишганди-ку! - деб минғирлади.

Ҳамидулла жаҳлини босди.

- Кўнгил учун гапиришганини тушунишинг керак. Сени уйлантиришга қарор қилидик.

Шоҳбоз ялт этиб дадасига қаради. Кўз олдига "Мерседес" да у билан ёнма-ён кетаётган оқ либосли Интизор келди. Сўнг ҳовлисида тасаввур қилди-ю, қувониб кетди. Жилмайиб, уялтанидан ерга қаради. Ҳамидулла ака мийигида қулди.

- Кўз остингга олганинг бўлса уялма, совчиликка борамиз.

Дадам Интизорга совчи бўлса, қуруқ қайтмаса керак деган фикрга борди.

- Эртага айтсанам, майлимни? - деди анча сукутдан сўнг.



Ҳамидулла ака оиласига келин олиш қанчалик заруратга айланган бўлса, Қаҳрамоннинг қизига совчи келиши шунчалик кутилмаган воқеа бўлди.

Қаҳрамон Акрам тоға билан Ҳамидулла акани кираверишдаги ҳашаматли меҳмонхонада қабул қилди. Улар Европа жиҳозларини кўриб оғизлари очилиб қолдигина эмас,

биз қудаликка муносиб эмасмиз, шекилли, деган фикр ўтди мияларидан. Ҳатто мақсад эсдан чиқиб, шаштиларидан тушиб қолишиди. Акрам тога Ҳамидуллага "амалдор бўлиб керилганинг билан топганинг Қаҳрамоннинг битта хонасидаги мебелча эмас-ку, бу одам сени назари илиб, қизини берармикин", деган маънода қаради.

Дастурхонда кеча узилган банандан тортиб дengизбўйи кокосигача бор. Полга тўшалган тўққиз метрлик тоза гиламни ўзича беш миллионга баҳолади. Учта деразадаги парда салкам бир миллиондан эканини эътиборга олмай иложи йўқ. Тўрдаги катта экранли оригинал "SAMSUNG"га кўзи тушганида Тошкентдаги ҳомийсиникида кўрганларини эслади. Уз уйидагилар оддий буюм эканини ўйлаб, ерга кириб бораверди. Аммо оддий буюмларни томоша қилаёттандай тутарди ўзини.

Қаҳрамон уларни жимгина кузатди. Сўнг "Мадонна" пиёлала чой узатиб, хушларига келтирди.

- Келинглар, хизмат, акалар?

Улар аввал гапни қайсинимиз, нимадан бошлаймиз дегандай бир-бирларига қараб олишиди. Сўнг:

- Қулчиликка келдик, укажон! - дели Акрам тога.

- А, лаббай? - ҳеч нарсани тушунмади Қаҳрамон.

- Интизорхон, чиройли, одобли, ўқимишли қиз бўлган деб эшишиб катта сингилнинг, Ҳамидулла акангизнинг ўғлига сўраб келдик!

"Э, гап бўёқдами?" - ўйлади Қаҳрамон. Аммо вужудини хайрат алангаси чулғади. Қизига совчи келиши тушига ҳам кирмагани учун юрагини нотаниш, аммо энтиқтирувчи, айни дамда орзиқтирувчи туйфу қоплади.

- Шоҳбозбек якка ўғил, ўзимизда университетда ўқийди...

- Очиги, бунақа таклиф билан келишингизни кутмагандим. Қизим... - бироз тўхталди Қаҳрамон, - ҳали жуда ёш, уй-рўзгор ишлариниям билмайди, турмушга тайёр эмас, кўполроқ қилиб айтганда, у ҳали бола...

Тога мийифида кулиб, Қаҳрамонга қаради.

- Үн саккизга кирган қизни бола деб бўлмас, укажон. У эсини таниган одам!

- Балки шунақадир! Аммо ҳали биринчи курсниям битиргани йўқ! Ҳозир беролмайман!

Орага сўз билан ифодалаб бўлмайдиган сукунат чўки. Тоға билан Ҳамидулла кўз уриштириб олишиди.

- Ўқиши масаласи сизни ўйлантирмасин, ука! - юмшоқлик билан сўз бошлади Ҳамидулла, - келин-куёв бирга қатнайверади.

- Биз лафзида турадиган одамлармиз!

Қаҳрамон нокулай аҳволдан чиқолмай ҳайратда эди.

Қизалоқдай ҳар куни бўйнига осилиб шўхлик қиласидиган Интизор қелинликка яқинлашиб, ўзи ҳам катта одам бўлиб қолганини ўйлаб, аввал севинди. Лекин ҳали қизни бериш етти ухлаб тушига кирмаганини совчиларга қандай тушунтиради?

Ҳозир у яна бир нарсани англади. Нафис гунчадай очилаётган қизини бегонага қандай бериб юборади? Наҳотки бағридан юлиб кетишса? Йўқ, Интизор - қалбидаги шаффоф туйгу, ҳар кўрганда бир олам қувонч бағишлиб турадиган ноёб гавҳари-ку! Оиласининг нури, саодат юлдузи! Шундай хазинасини бирорвга бериб хотиржам юра оладими?

Кечагина уни богчага кўтариб олиб бораради. Тарбиячита узатаётганда у отасининг бўйинини қўйворгиси келмас, ишдан келганда "Адажон!" деб ёпишиб оларди. Ҳозир ҳам отасини яхши кўради: дўстими, акасими, тенгқурими - билиб бўлмайди. Кап-катта бўлса ҳам эркаланиб бўйнидан қучоқлайверади. Тортиниш кераклигини хаёлига келтирмайди. Ота-онаси ҳам уни еру кўкка ишонишмайди: ўқишидан кеч қолса ёки бирор ўртоғиникига кетса, гоҳо кутубхона ёки дискотекадан кеч қолса, кўзлари тўрт бўлиб кутиб туришади. Келгач, чиройли табассумини кўриб, тим қора, жингалакка мойил соchlарини силаб олишгандагина хотиржам тортишади. Қиз - ҳамма нарсадан нозик, ноёб, қимматли эканини ўзларидан бошқа одам тушуниб етмайди.

У икки ёшга тўлганда алоҳида диванда ухларди. Яrim кечада ота-онаси хабар олгани келиб, ўзига билдиримай соchlарига, қошу киприкларига қараб тўйишмас, оғлоқ юзини, қалин соchlарини силаб кўришарди. Кўз тегмасин, деб кўйишарди...

Қизи дадаси билан телефонда кўп гаплашади. Отаси ҳам арзимаган баҳонада қўнғироқ қилиб, уни назорат қиласиди. У ҳам отаси (Қаҳрамон чиройли йигит, Интизор айнан унга

үшшайди)ни бирорлардан қаттық қызғанади. Ишхонасига борганды котибаси хонасида бұлса тикка бостириб киради да, гап билан чүқіб чиқарып юборади ва отаси билан құлтиқлашиб тушликка кетади. Ишхонадагилар "Иккінчи дадамга яқынлашма!" деган маңынан тушунади, аммо унга бунинг қызығи йўқ! Дадасига ҳеч ким яқынлашмаса бўлтани!

Қаҳрамон хаёлларини йиғиштириб олди.

- Қизим ҳали ёш, беролмайман! - деди қатъий қарор келган одамдай.

Ҳамидулла ака кескин, рад жавобни кутмаганды, кайфияти тушиб кетди. Акрам тога хотиржам қабул қылди.

- Укажон, кесиб кўймант! Сиз бермайман, биз олмаймиз, десак ҳам ўлдузи тўғри келиб турган бўлса, тўй бошланганини, ёр-ёр айтиб, карнай-сурнай чалинганини билмай қоламиз!

- Йўқ, йўқ! - деди Қаҳрамон Интизорни бугуноқ олиб кетишидигандай чўчиб. - Тўй бўлмайди, қизим ёш, уч йилдан кейин университетни битиради, икки йил магистратурани ўқигандан кейин узатаман!

Кутилмаганда совчилар икки кундан кейин яна остоңада пайдо бўлишди. Қаҳрамон ижирғанди. Аммо хотинининг маслаҳати билан яхши қабул қилишга мажбур бўлди.

- Қандай шарт кўйсангиз розимиз, фақат йўқ демант, яна келишимизнинг жиддий сабаби бор!

Орага оғир сукунат чўқди. Қаҳрамон ҳеч қандай сабаб керак эмас, деб турувдиямки, Акрам тога раҳмини келтирадиган оҳангда гап бошлади.

- Укажон, синглим оғир касал! - деди эзилгандай. Сўнг "Касал бўлишига мана бу дарди йўқ кесак, ишқи йўқ эшак" сабабчи дегандай Ҳамидулла акага қараб қўйди. Қаҳрамон тушунди. Кўнглидан қизимни шу эшакка бераманми, деган фикр ўтмасин, дегандай тога камчилигини ёпа бошлади.

- Тўйдан кейин синглим оттадай бўлиб кетади, қизингизни гулдай келин қилади. Ҳамидулланинг иши кўп, уйда меҳмонга келгандай ётиб кетади.

Қаҳрамон пичинг остидаги маңынан тушунди. Тогага билинар-билинмас бош иргаб қўйди-ю, ерга қаради.

- Куруқ қайтсак, унга оғир зарба бўлади! - давом этди тога.  
- Бир нарса бўлса балога қолманг, иним!

Ҳазили беүхшов чиқди, ғашига тегса ҳам Қаҳрамон парво қылмади. Лекин Сурайёнинг юраги ушлаб қолса, бутун шаҳар Қаҳрамон қизини бермагани учун шу фожиа рўй берди, деб уни гуноҳкор қиласидандай ваҳимага тушди.

- Энди иним, ота-боболаримиз жойидан чиқса, ёшига қараб ўтиргасликни маслаҳат беришган.

Қаҳрамон Акрам тоғага жиддий разм солди.

- Мен бир ўйлаб кўрай!

- Бу бошқа гап! - севинганидан баланд овозда гапириб юборди тоға, - қизни униб-ўсадиган жойга узатсангиз, хотиржам бўласиз, иним!

\* \* \*

- Инди билан Олим "Таманно"да кофе ичиб, суҳбатлашиб ўтирган экан! Олим унга телефон аппарати билан юз минг сўм пул берди!

Санжарнинг гапи Шоҳбозга ҳақоратдай эшитилди. Фазаби ортиб, кўзига қон тўлди. "Наҳотки, машхур миллионернинг қизи Инди аллақандай бир гадой, ўғри билан апоқ-чапоқ бўлади-ю, мен ёнига ҳам боролмайман?! Тагимда "Ласетти", пулим етарли, ҳамма шартларига кўнаман. Аммо у хатларимга жавоб бермайди! Қамаб қўйган жойимдан сирли тарзда қочиб кетади! Олим ўгрининг нимаси афзал? Нафсониятимга тегиш учун у билан яқинлашдимикин?

Э, тўхта! Индини балки Олим қутқаргандир?! Санжарни хушидан кетказиш қўлидан келади. Овсар! Катакка қамаб кетсаем, кимлигини билмаса-я!"

Шоҳбоз Санжарга юзланди. Усиз вазиятдан чиқолмаслигини билгани учун нафратини яшириб, унга яқинроқ сурилди.

- Олимни қўрқитиш ёки бутунлай йўлдан олиб ташлаш керак! - маслаҳат берди Санжар.

- Сенингча осон ишми бу?

- Уддасидан чиқса бўлади!

Санжар гуноҳини ювиш илинжида лаганбардорлик қилаётганини сездириб қўйди.

- Бефаросатликни йигишириб, оғзи маҳкам иккита одам топ...

\* \* \*

Олим овқатланиб бўлиб телевизор кўрмоқчи эди. Бачкана сериаллардан зериккани учун ташқарида айланиб келиш фикри туғилиб телевизорни ёқмади. Бувиси эса боягина аллақандай эскича китобни варақлаб ўтирувди, ҳозир қараса, кўзи илинибди.

У ялангга чиқди. Узум барглари орасидан тўлин ойнинг ёрқин мўралаши Интизорнинг чараклаган нигоҳдарини эслатарди. Енгил шабада баргларни шитирлатади, осмондаги юлдузлар одам завқини кўзғамоқчи бўлгандай басма-басга жимиrlайди. Йигит эътиборини тортиш учун сирли жилмаяётган рақобатчи қизлардай кулиб қарайди. Олимнинг қалбини Интизор билан боғлиқ ширин туйгулар қоплади. Ток тагидаги сўрига узала тушиб ётаркан, яқиндагина "Таманно" кафесидаги учрашув фикру хаёlinи қоплаб олди. Ўшандан бери уни кўрмади. Аммо бугун-эрта муқаррар учрашиб қоладигандай ишонч билан хотиржам юради. Ҳозирча йўллари туташмаяпти, орада қизгин соғинч пайдо бўлишини кутаёттандай...

Олим музaffer жангчидай қиз уятчанлик ва изтироб аралаш миннатдорчилек билдирганини эслаб, мийигида кулиб қўяди. Айниқса, пулни олмай, ёнига телефон аппаратини қўшиб бергандан кейинги Интизорни кўз олдига келтираркан, ўзида маънавий қарздорлик ҳиссини туйганини сезди. Ва ўртада нозик ришта пайдо бўлганидан севиниб кетди. Ришта ҳамон бор ва иккаласи бир-бирини ўйлаёттанини сездириб турибди.

Бу воқеа Олимнинг кўнглини кўтарди. Мақсадига етиш учун катта қадам ташлаганидан руҳидаги тушкунлик, хиralик йўқолгандай бўлди. Аммо ортиқча хурсанд бўлмай, курашни тўхтатмаслик шартлигини ўйларкан, рақибларни ўзи якка енгишга кўзи етмай юрагида мужмал ҳиссиёт туғилди. Бу ҳиссиёт ғашликка, тушкунликка айланди. Аммо миясига бир фикр келди-ю, юрагида умидворлик уйғонди. Қизга зўрлик ишлатиб, катта-катта ваъдалар бермасдан, хайриҳоҳлик ва холис ёрдам билан меҳрини қозона бошлади! Қизнинг эътибори Олимга куч берди, рақибларда ҳасад, умидсизлик

үйғотди. У нажотни билагидан әмас, орадаги риштадаң кутади...

Бирор чақириб, хәсслари бұлинди. Ой түлишиб, ҳамми әкни қаҳрабо нур билан چулғагани учун ташқары чироктарни үчириб қўйғанди. Ёққиси келдию, кўзи ўргангани учун эшикка юрди.

- Ким?

Бувисининг "Бемаҳал келган бсхосият бўлади", деган мақолини эсласа ҳам жавоб кутмай, зулфинні туширди. Эшикни очиши билан икки қора шарпа ёпирилиб қирди-да, бошига қўпол нарса билан уриб, миясини чайқалтириб юборди. Бири оғзини ёпди, иккинчиси эпчиллик билан қўлинни орқага қайирди, кейин найдо бўлган учинчи шарпа оёқ-қўлига арқон солди... Зум ўтмай уни машинага ётқизиши...

Қайси томонга, қанча юришганини билмайди. Ҳушига келиб, оғриқдан инграгандан яна боягидай зарба еди...

Бу сафар қўзини очса, қоронги кенгликлаб ётибди. Бояги ой, бояги юлдузлар, шаббода... Фақат Ингизорни элашшинг иложи йўқ. Аъзойи бағдани тепки еган одамдай зирқирав, моматалоқ бўлган жойлари гинимсиз азоб берарди. Икки-уч қадам нарида оппоқ "Ласетти", таниш овозлар... Сал нарида икки киши чуқур қазияпти. Ярим тунда, қул оёғи боғлиқ одам ёнида ўра кавланиши ёқимсиз ва хунук кайфият үйғотди. Нега кавлашяпти?! Олимнинг қўксини қўркув, ваҳима чулғади... "Эҳ, маразлар, мақсадииг нима? Нега зўравонлик қиласан? Якка гаплашишдан кўрқасанми? Агар ёлғиз ушлаб олсан, ейман!"

- Санжар!
- Эшитаман!
- Анави гадойни турғаз!

Санжар пилдираб келди-да, уни чўққалатиб қўйди. Сўнг "Хизматингизга тайёрман!" дегандай қаддини ростлади. Шоҳбоз Олимнинг олдига келиб, қичқирмоқчи бўлган жўжахўроздай қаддини керди.

- Интизорга яқинлашма, бўйнингни қайриб қўяман деганим эсингдами?

Олим бор кучини тўплаб бошини кўтарди-да, Шоҳбозга нафрат билан тикилди.

- Эй гадой, сендан сўрайпман?

- Мен гадой эмасман! Оғзингта қараб гапир!!  
"Қани энди құлим ечилса-ю, битта усул билан әнанғни  
Учқұрғондан күрсатсан!"

- Санжар. Эшитдингми, бу - гадой эмас экан! - у масхара  
билан гапиравар, Олим олдида тиз чўкиб турғани учун ҳақиқий  
зўравондай атрофига бемалол айланарди.

- Индига пул билан телефон берган одам гадой бўлармиди?  
- лаганбардорликни жойига қўйди у.

- Қиз менга қарашилигини била туриб, нега кафеда  
чойлашиб ўтирганингни билсак бўладими?

- Бизга хўжайн эмассан?

**Ўра** ичидан ўлик гапирғандай хунук овоз эшитилди:

- Эчкининг ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашаркан!

Олим бир бошга бир ўлим, дея аллақачон тақдирга тан  
берган, најотни фақат Худодан кутаётган эди.

- Қўлимдаги қушчани учириб юборасану, оғзимни очиб  
қолаверар эканман-да, шундайми?

- Узинг биласан!

- Сен нимани биласан унда?

Олим дадиллик билан ичидагини гапириб олишга қарор  
қилди.

- Қиз болага зўравонлик қилишга ҳаққинг йўқлигини  
биламан!

- Яна нимани биласан? - Шоҳбознинг ғазаби аланга  
олаётгани, масалани бир ёқлик қилишга баҳона қидираётгани  
яққол билиниб турарди, - Айт, яна нимани биласан?

Олим куттирмай жавоб қилди.

- Қўлимга тушсанг жигарингни эзив, кўчада юролмайдиган  
қилиб кўйишими биламан!

Шоҳбоз бу гапни кутмаганди. Ҳозир қўл-оёғи сирли  
равишда ечилиб, уни эзив қўядигандай чўнтағига қўл солди.  
Олим кўз очиб қараганда унда ростмана тўтпонча турарди.

- Эй, болакай, битдими? - чуқур қазиётгандарга бўйинни  
чузди у. - Унга аталган ўқ пешонасидан киришта шошиляпти!

- дея Шоҳбоз қуролни Олимнинг пешонасига тиради.

- Начальник, бироз шошманг. Беш минутда тайёр бўлади,  
аммо "соққа" ни тайёрлайверинг! - бошини кўтарди сарик  
сошли одам.

- Эшитдингми, гадой! У нима кавлаётганини биласанми?

- Билишим шарт эмас!

- Билиб қүй - сенинг қабринг!

Бу гап Олимнинг миясига зарб билан урилди ва нозик томирларни зириллатиб юборди.

"Наҳотки, отиб ташлас! Ўлиб кетсам, бувимга ким қарайди? Боқиб катта қилган, олдида қарзим қўп. Оғир кунидя ярамай, бўйнимда қарз билан кетаманми? Парвардигор, ўз паноҳингда асра!"

У Шоҳбозга қаради. Кўзида шаҳд эмас, ишончсизлик ва қўркув бор! Олим дадилланди. Фазаб билан тикилганча тураверди. Аммо шу пайт миясига фикр келиб қолди.

- Бу қабр менга катта, сендай чўчқадай семирган ҳаромхўрларга мос келади.

Тоқати тоқ Шоҳбоз муносиб жавоб қилолмаслигига кўзи етиб, Санжарга қаради.

- Санжар, - деди у ақлий ожизлигини яширишга уриниб. - Сени катакка қамаб кеттани учун қасдингни олмоқчийдинг, шунақами?!

- Вақти келди демоқчимисиз, дўстим! - ёйилиб кулди у. - Бир хумордан чиқайми?

- Билганингни қил!

Осмон қоронгилаша бошлади. Қонталаш булувлар ёқимсиз кайфият туғдиради...

Санжар сакраб туриб Олимнинг елкасига тепди. Кейин миясига, башарасига, кўксига, қорнига, хуллас дуч келган жойига тепиб чарчаганда у "шилқ" этиб йиқилган, оғир-оғир нафас оларди. Санжар бақлашкадаги минерал сувни устидан қўйиши билан Олим ўзига келди. Шоҳбознинг имоси билан Санжар уни боягидай турғизиб қўйди.

Тўсатдан бўри увлади. Шоҳбознинг кўзларига қўркув тўлди. Энди иккитаси кетма-кет увлади. Бу сафар яқиндан эшитилганга ўхшарди. Кавлаётганлар ташқарига чиқишиди. Бўрилар галаси бостириб келаётгандай орада ваҳима, саросима бошланди. Олимни судраб чукур оғзига, тупроқ ўюми устига омонат ўрнатишиди. Кўнглидан қўркув чекинаётган эса-да, оёқ-қўлида титроқ бор.

Олим кўзини ярим очиб, тўппонча ўқталиб келаётган Шоҳбозга қаради-ю, ҳаммаси тугади дегандай кўзини юмди. "Аблаҳ, қўрқанидан отиб қўйса-я! Ном-нишонсиз ўлиб

кетаманми? Ынқ, бўлиши мумкин эмас! Эй, Худо, үзинг жонимни омон сақла, мен улсам бувимга ким қарайди? Одам бўлиб ундан қарзимни қайтаришим керак! Банданг бўлиб сенга биринчи марта илтижо қиляпман, ҳозир қўлимдан ҳеч нарса келмайди, аммо үзинг ҳаммасига қодирсан! Эй, Парвардигор, етимга раҳм қил!"

Олим кўзини очганда, пешонаси олдида совук қуролнинг оғзи турар, тепкидаги бармоқ титрарди...

Бу қўркув Олимнинг миясига ҳаёт маъносини, аччиқ ҳақиқатни, яшаш замирида одамзодга номаълум туйгуларни эслатиб қўяётгандай эди. Чунки бу титроқ, бу қўркувни Аллоҳ берган. Бу иккаласига ҳам НАЖОТ! Ажабки, бириси ўлдиришдан, иккинчиси ўлишдан қўрқиб титраяпти. Бу қўркув ортида нима бор? Ҳаётга муҳаббатми, душманга нафратми? Ҳозирча иккови ҳам бу ҳақда ўйламаяпти. Аммо ўша муҳаббат, ўша нафрат борлигини ларзага солиб турибди!

Бўри яна кетма-кет увлади, яна, яна... Кейин борлиққа оғир сукунат чўкли. Вазият шундай таранглашдиди, соч толасига боғланган қилич бош узра осилиб турганга, нафас тегса узилиб, ҳамма бошни кесиб кетадиганга ўхшарди...

Учта томоншабин отилган одамнинг қандай ўлишини яхшилаб қўрмоқчидалай нафас олмай кузатишар, бўрилар увлаганда ичини қўрқув сидириб ўтар, шошилиш кераклигини эслатаётганга ўхшарди. Санжарнинг тоқати тоқ бўлди. Шоҳбоздаги қўркувни, бирданига одам ўлдиришни сиедиролмайтанини сезиб, яқинига келди.

- Битта фикр туғилиб қолди.

Унинг кўзлари фожнали боқаётганга ўхшар, наша чеккан одамдай қизариб кетганди...

- Нима дейсан? - Шоҳбознинг титроғи кучайди.

- Шу гадойнинг ҳаром қони билан қўлингизни бўймасангиз дегандим.

- Гапир!

- Анави увлаётган бўрилар очга ўхшайди, шуларга раҳм қилинг, гадойнинг гўштига бир тўйишиарди..

Шоҳбоз тўппончани туширди. Елкасидан оғир юқ қулагандай енгил тортиди. Осмонга бир қаради-да, енгил хўрсинди. Чамаси, одам ўлдириш азобидан кутқаргани учун шеригидан хурсанд эди.

- Катақдан чиққанингдан бери калланг яхши ишләяпти, маладец!

У қуролни чўнтағига солди. Аммо кутитмагандан омонат турган Олимни бир тепиб чукурга тушириб юборди. Гурс этиб қулаган Олим инқиллаган, сўнгра "виққ" деган овоз чиқарди. Шоҳбоз тупроқ устида оёқларини кериб, қаддини ростлаб турганда бир шиша пиво узатишиди.

- Ичинг, енгил тортасиз, дўстим!

У бир кўтаришда ярмини симирди-да, қолганини икки букланиб хушсиз ётган Олимнинг устидан қўйиб, шишасини ташлаб юборди...



Интизор курс раҳбарининг бўш вақтини топиб, хорижда ўқиш қоидалари ҳақида суриштириди. Америкадаги иш даври, курсдан хорижга ўқишга ўтганлар тўғрисила маълумот олди.

- Бу йилги курсни тугаллаб, "Оксфорд"га топширсам бўладими?

- Ҳали тайъ эмассиз, Интизор! - деди Воҳид Эргашевич, - яна олти ойликдан икки курс ўқишингиз ва берилган топшириқларни равон бажарадиган бўлишингиз керак.

- Яна шунча қатнайманми? - ҳам ажабланиб, ҳам сабрсизлик билан сўради у. Фикрича, бу йил курсни тугатсан ю, дарров Англияга ўқишга ўтиб кетса, тезда битириб келиб, ҳаммани қойил қолдирса!

- Шошилманг, Индихон, - эркалаб шаштидан тушира бошлади Воҳид Эргашевич, - ҳозирча, асал, севги-певги, дискотека, ўйин-кулгини йиғиштириб, устингизда ишланг, изланинг! Курсни битириб имтиҳонимдан ўтсангиз, ўзим дуо қиласман, дунёдаги истаган университетда ўқиш хуқуқини қўлга киритасиз! Янги келганда анча гур эдингиз. Ҳозирча сизда ўзгариш яхши, анча ўсгансиз, кўз тегмасин!

Бу гап Интизорга далда берди, тил ўрганишга аввалгидан кўпроқ ишонч, гайрат билан киришиб кетди. Бутун Воҳид Эргашевич совға қилган янги қўлланмани варақлаб чиқди-ю, янгиликлардан қувониб кетди. Кечки пайт уйга боргандан эса, совчилар ҳақида эшитди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушиб, мақсадлари, гўзал орзуларидан мосуво бўладигандай қўрқиб



кетди (Совчилар биринчи марта келишганида унга айтишмаганди).

- Эрга тегмайман! - деди онасига қатыйй, - ўқийман, хорижға кетаман! Ўша наркоман Шоҳбоз ўзига ўшаган хотин топиб олсин.

- Подадан олдин чанг чиқармагин, қизим, биз ҳам бермоқчи эмасмиз!

- Дадам ўйлаб күраман, дебдилар-ку!

У ўзини жойига юзтубан ташлади-да, оёқ-күллари билан диванни уриб, жазавага тушиб йиглаб юборди. Айникса, Шоҳбоз номусига тегмоқчи бўлиб, зўрлик билан дала-ховлисига қамаб кўйганини эслаб, нафрати тошиб кетди.

- Қизим, даданг шунчаки йўлига гапирганлар, тушунгинг!

- Унақаларни, - бошини кўтариб онасига ўтирилди у, - кўчадан ҳайдаш керак, ўғли фирт ифлос, кўришниям хоҳламайман!

Шу пайт коридорда пайдо бўлган Қаҳрамон мийигида кулиб, оstonада бироз турди-да, ичкарига кирди.

- Қизим, нима гап?

Қиз отасини кўрди-ю, югуриб келиб бўйнига осилди. Қайноқ кўз ёшлари ёногини ювиг, ота кўксига томар, муҳаббати фожиадан қутқариб қоладигандай отасини маҳкамроқ кучоқлар, қўйиб юборгиси келмас эди.

- Унга бермайман денг! - зарда билан эркаланди у, - бермайсизми, а, адажон?!

- Бўлди, йиглама, қизим! Сендай асал қизни бегонага топширадиган аҳмоқ йўқ!

- Сўзингизда турасизми, ваъда берасизми?

- Сен бемалол ўқийвер, совчиларни қайтиб келмайдиган қилиб жўнатаман!

У отасидан бир қадамча узоқлашиб, ерга қаради.

- Раҳмат, адажон, сизни яхши кўраман!

Улар чиқиб кетгандан кейин сумкасидан Воҳид Эргашевич берган кўлланмани олиб, компьютер олдига ўтириди...

Кўз ёшларини артиб, киприкларини қуритаркан, юрагидаги оғир дард йўқолиб, ўзини енгил тортганини ҳис қилди. Фикри тиниқлаши, ҳар доимгидай машгулотига иштиёқ билан кириши...



Олим ҳушига келганида тагида қолган қўли увишиб, жимиirlаб оғрир, сұяклари зирқираётган эди. Секин-аста кўзини очиб, мияси тиниқлашгач, борлиқни идрок этишга киришди. Атроф тинч, сокин. Осмондан қора булутлар тарқалган, улар осмон юзини артиб кетгандай, тўлин ой баҳти очилган қиздай кулиб турибди, юлдузлар чараклаб, ёрқин кўринарди. Аммо вазият бўрон олдидағи денгиз сокинлигига ўхшарди.

Бўрилар увлаши эшитилмайди. Вазмин сукунат қўйнида аллақандай ваҳима, фожиага боғлиқ воқеалар яширингандай руҳиятига игна санчиб азоб беради. У вужуди эзилаётгандан толиқди. Кечкурундан бери еган калтаклари, кўрган хўрлиги, эшитган ҳақоратлари асабини, толиқтирган, ғазабини жунбушга келтираётганди. Спорт билан шуғулланмаган оддий одам бўлганда оёқ-кўли, кўкраклари синган, ҳеч бўлмаса лат еган бўларди. Каратэда чиниққани бугун илк бор жонига оро кирди.

Чуқурда ётаверган билан бирор кутқариб олмаслигини тушуниб, атрофга аланглади, вазиятдан чиқиш йўлини ўйлай бошлади.

Бу ёнга ағдарилгач, бош тарафида ой нурида ялтираган алланарса кўринди. Елкаси билан сурилиб қаради: Шиша! Оғзидан пиво ҳиди анқияпти. Қувониб кетди. Оёғи билан деворга тирилиб, кўлини унга яқинлаштириди. Ушлади-ю, қўли тангиб ташлагани учун синдиrolмади. Орқаси билан сурила-сурила тош излади. Ниҳоят, боши қаттиқ нарсага урилди. Уни жаги билан шиша олдига юмалатиб келди. Бир марта кескин силтанди-ю, шишани синдириди. Севинганидан орқаси билан бир айланиб, каттагина синифини ушлади. Аммо шошгандада арқонни эмас, кафтини гарчча кесиб олди. Ҳовучида иссиқ қон оқди, асаби зўриқиб тургани учун оғриқ сезмасди. Бутун иродасини тўплаб, ярим соатда оёқ-кўлини озодликка чиқарди. Шукр, деб ўрнидан турмоқчи эди, шундоқ тегасида аллақандай ҳаракатни, сўнг қора шарпани илгади. Кўрқа-писа назар ташлади-ю, юраги титраб кетди. Тишларини ғижирлатиб, азоилга ўхшаган бўри турарди! Ой нурида товланиб иблис қиёфасига кирган, кўзидан ўлим руҳи

ёғилаётганга ўхшарди. "Хақиқий жанг энди бошланади, шекилли..." У юрагига бостириб кирган құрқувни енгиш, озгина күч тұплаш нияти билан қимир этмай ўтираверди. Бүри аввал ғингшиганга ўхаш овоз чиқарди. Маконимга нега келдинг, дегандай, ҳужум олдидан инсонни авраш учунми, ҳийлакор қиёфага кирди.

Олимнинг миясига бүри ҳақида әшиттәнлари қуюндай ёпірілди. Оч бўлса одамни ейди. Тўқ бўлса, озгина ўйнашиб, сўнг қорнини ёриб ташлайди. Ҳамла қылмасанг, тегмаслиги мумкин...

Вазият мавхум, бўрининг муддаосини ҳам тушунмайди. Фақат бир нарсани, ваҳший билан ёнма-ён - ҳаёт ва ўлим ўртасида омонат турганини, душманидан ожиз эканини тушунди.

Бўри олд оёқлари билан чангитиб, чуқурга тупроқ тушира бошлади. Бироқ лаҳза ўтмай қилиғи ўзига ёқмади ёки одамни қойил қилолмади шекилли, елкасини учирив, бошини икки томонга қимирлатиб ўйнади. Шу билан бирга тушунарсиз овоз чиқарар, мулоқотга киришишга қийналаётгандай таассурот қолдиради.

Олим бўрининг бундай ҳаракатларини аввал кўрмагани учун ҳайрат ва таажжубга чулғанди. Ўзи ҳам унга жавобан нимадир қилишни ўлади. Аммо жонсиздек тек туриш икки томонлама фойдалигини тушуниб, кипригини ҳам қимирлатмади.

Бўри осмонга қараб увлади... Олим қўрқиб кетди: шерикларини чақирса тилка-пора қилиб ташлайди! Лекин жонивор қандай тез бошлаган бўлса, шундай тез тутатди. Олим "Энди у қандай ҳунар кўрсатаркин?" деб ўйлаб турувдиямки, бўри ҳандақ бўйлаб юра бошлади. Олим ҳүшёр тортиди. Бўри ҳужумига тайёр туриш учун ўтирган кўйи унга қараб айланарди. У икки марта айлангач, бўри хириллаган овоз чиқарди-ю, бирдан тўхтади. Ноҳақликка чидолмаётгандай олд оёқлари билан тупроқни чангитиб, бўрига ярашмаган ингичка овоз чиқарди, сўнг бирдан тинчиб, қаддини кутарди. Ҳужумга тайёрланаётган жангчидай жиддий тортиб қолди. Кўзлари ёнарди. Оғзини очиб тишларини ғижирлатди. Ва... ва... кутилмаган шиддат билан Олимга ташланди!

Олим ҳужумни куттани учун ундан тезроқ ҳаракат қилди да, бўрининг олд оёқлари орасидан икки қўлини узатиб, омбурдай бармоқлари билан бўйнидан шундай қисдики, бўрининг ўткир тирноқли оёқлари унга етолмай қолди. Аммо бўри ҳам бақувват эди. Шиддатли ҳаракат билан унинг қўйлагини йиртиб ташлади ва кўкраги, қорнини тирнади. Оғзини очганда хириллаган, қўрқинчли овоз чиқарар, бундай овозни илк бор яқиндан эшитаётган Олим бешбаттар титраб кетарди. Унинг тишлари ўткир, қўрқинчли, ҳар қандай жонзотга ботирса тирик қўймайдиган сиёқи бор эди.

Томоғини тсмир қўллар қисаётгани учун бўри нафас олишга қийналар, жонининг борича типирчилар эди. Олим уни бақувват ваҳший деб биларди, аммо бунчалик шиддатли, кучли, ақдли ва айёрликда тулкини орта қолдиришини ўйламаган эди. Озгина бепарволик қилса, тагига босиб, бўғиздан оладиган кучи бор. Бояги ингичка овозлар, бачкана ҳаракатлар ҳийла эканлигини Олим энди тушунди. У бўри олдида ожизлигини сезди, аммо енгиш ва яшаш иштиёқи, кучли ва шафқатсизлиги билакларига куч берди. Ҳозиргacha ўзида сезмаган, ҳатто мусобақаларда орзу қилган кучни ҳис қилди.

Бўри қўлидан чиқиб кетса, уни тилка-пора қилиб ташлаши аниқ. Олим янги куч ва абжирлик билан бўғиши давом эттириди. Орқаси билан йиқилиш арафасида бўрини ҳандақ деворига қисиб олди. Бўри нафас олишга қийналиб, калласини у ёқ-бу ёққа силтаганда оғзидан сўлак сочилар, тили оғзининг бурчагидан осилиб бораради. Энди у орқа оёқларида Олимнинг қорнини, сонини тирнар, кийимларини титиб ташлаётган эди. Тирноғи ботган жойларидан қон оқарди.

Олим оғриққа парво қилмас, душманни ҳеч бўлмаса хушидан кетказиш учун маҳкамроқ бўғарди. Охирги кучини тўплаб, сўнгги марта силтаганда бўри бўшашибди, дами ичига тушиб кетди. Бир неча сониядан кейин эса вужуди шалвираб тинчиб қолди. Олим уни айёрлик қилаётган деб ўйлаб, бояги тош билан чарчагунча бошига урди. Сўнг шиша синиги билан кекирдагини кесиб ташлади...

Олим бўрининг бўғиздан оқаётган қонга қараб, ҳали ўлмаганилигини сезди, сесканди. Қон қорамтири, иссиқ... Негадир ичгиси келди. "Бу шафқатсиз ва кучли ҳайвон,

қонини ичсам, кучимга күч күшилади, ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан күркмайман!" Бу истак қатый қарорға айланиб, оғзини бўрига яқинлаштириди. Иккала қўли билан унинг жағини осмонга қаратиб, водопроводдан сув ичаётгандай бўрининг қонини сўриб ичди. Уч-тўрт марта ютингандан кейин оғзига юнг кира бошлади, ёқимсиз, шилимшиқ таъм сезиб бошини кўтарди. Лаблари атрофидаги қонни артэётганда эса, кафтидан сизаётган қон бўрининг қони билан қўшилиб кетди...

Осмонга қараб, енгил тортгандай "Оҳҳҳ..." лаб юборди.

- Кечир, жонивор, - деди уни ўлдиргани учун айборлигини оқламоқчилик. - Қонингга ташна эмасдим, начора, ғажиб ташлашингдан кўрқиб шундай қилдим!

Хотиржам тортганда тирналган жойлари оғрий бошлади. Ҳаракатланса сезилмайди, ўтиrsa оғриқ кучаяди. Сен туфайли шундай бўлди, дегандай чўзилиб ётган бўрига қаради. Каттагина, кулранг экан. Мағлублиқдан уялгандай кўзларини юмган, бўғиб ўлдирмаганингда қорнингни ёриб ташлардим, дегандай ўткир ва кўрқинчли тишларини кўрсатиб ётар, танаси совиб бораётгани учун бўрилик жозибаси йўқолаётган эди...



Олим бу жойларни яхши билмайди, аммо катталардан кўп эшитган: илонлар, катта-катта эчкиэмарлар, бўрилар изгиб юради. Саккизинчи синфлигига иккита қўшниси билан шувоқ чопгани келган. Аммо дашт бошидан қайтишганди. Ҳозир кўз илғамас жойларда инсон ҳам, уй ҳам кўринмаётгани учун чўл ўртасида тургандай сезягти ўзини.

Бироз мўлжал олгандан кейин бир туп дараҳтга қараб юра бошлагандан узоқдан машина чироги кўринди. Умид юлдузи чараклагандай кувониб кетди. Ҳайрият, йўл яқин! Қишлоқقا етиб олса бўлади. У калласи танасига илиниб қолган бўрини қулоғидан ушлаб, орқалаб олди. Бўғиздан оққан қон қорнидан думигача из қолдирган, танасининг бошқа жойларидан ажратиб турарди.

Олим қадамини тезлаштириди.

Машина яқинлашганда бўриларга ем бўлгандан кўра,

хайдовчининг жаҳлини чиқариб бўлса ҳам кетиб олай, деб йўл ўртасида хайкалдай туриб олди.

Хайдовчи кетма-кет сигнал чалди. Сўнг сескинлади. Яна бетўхтов сигнал берди. Аммо Олим қимирламади. Учинчи сигналдан кейин арвоҳ эмаслигини кўрсатиш учун бир қўлини кўтариб, "Тўхта!" деди. Машина буфери тиззасига урилгудай "қийий" иллаб тўхлади.

- Қишлоққа олиб кетсангиз! - деразадан калласини суқиб хайдовчига сўз қотди у.

Хайдовчи бўри тирнаб, қон қотиб қолган жойларига қўрқап иска назар ташлади.

Сукут аломати ризо деб тушунган Олим шиддат билан эшикни очди-да, олд ўриндиққа, қалтирай бошлаган хайдовчининг ёнига ўзини ташлади. Шундагина ҳаётига хавф солиб турган фожиа ортда қолганидан кўнгли жойига тушди. Тиззасидаги бўри жасадини олд ўриндиқлар орасидан орқага ошириб ташлади. Хайдовчи унинг қонли қўлини кафтига олиб сўрашаркан, ваҳима тўлган қўзларини чақчайтириб, норози қиёфада ўқрайди.

- Овчимисиз? - деди титроқ овозда.

- Йўқ! Овчиям, арвоҳ ҳам эмасман! Худонинг марҳамати билан тирик қолган оддий одамман! Қўрқманг, бўри ўлган, орқангиздан ташланмайди. Мен сизга зиён етказмайман!

Қишлоққа етиб келишганда тонг ёриша бошлаган, уфқда шафақ товланарди. Куз яқинлашгани учун намхуш шамол эсар, сарғайган барглар онда-сонда эринчоқлик билан қовжираган майсалар устига қўнаётган эди. Бирордан кейин шаҳарга кириб бориши. Йўллари икки томонга экан. Аммо шу ҳолда гавжум шаҳарда машинадан машинага ўтиш нокулай.

- Шоҳбозникига ташлаб ўтсангиз! - илтимос қилди Олим унинг манзилини айтиб.

Хайдовчи вазиятга бўйсунди.

- Шуни олинг! - деди етиб келгандан кейин Олим миннатдорчилик билдиргандай пул узатиб. Аммо ҳайдовчи пулга қарамади.

- Қийналганга ўхшайсиз, ёрдамим текканидан хурсандман!

- деди у самимий.

- Мени нақ ўлимдан - бўриларга ем бўлишдан асрордингиз.

Раҳмат ақа, бир умр әслаб юраман...

- Демак, бу ёрдамни пул билан ўлчаб бўлмайди, - деди ҳайловчи маъноли жилмайиб, - дуо қилинг, Худо ўз паноҳида асрасин!

Олим биринчи марта дарвоза қўнғироғини босгандага жавоб бўлмади. Яна тақрорлади. Йичкарида аввал уй эшиги очилди. Кейин тапочкалик одам шарпаси эшитилди. Зулфин туширилгач, калит шириқлади. Сўнг остоңада Шоҳбознинг ўн олти ёшлардаги чиройли синглиси Зарина пайдо бўлди.

- Ассалому алейкум, келинг, ақа ...

Олимга назари тушиши билан қизнинг ранги ўзгариб, орқага тисарилди. Бироқ бўрининг оғзидан чиқиб турган ханжардек тищларидан қанчалик қўрқмасин, қизиқиш устун келиб ҳайрат билан тикилиб қолди.

- Ука, Шоҳбозни чақириб юборинг!

Қиз эшикни ёпиб яшин тезлигига фойиб бўлди. Бироқ зум ўтмай эшикнинг бир қанотини очиб мўралади. Майдалаб ўрилган узуни соchlари силкиниб, Олимга яққол кўриниб турар, уни янаем назокатли кўрсатарди.

- Ақа, бўри ҳақиқийми?

Заринанинг порлаб, чақнаб турғын кўзларидага ҳайрат кўпроқ эди.

Бегуборлик ва гўзаллик уйғунлашган юзига қараган Олим исга келганини ёддан чиқариб қуяй деди. Қизга яна бир қараб, табассумга мойил кўзларидага юрагига чўф тушган одамнинг ҳиссиётларини кўргандай бўлди.

- Мана, ушлаб кўринг!

Олим бўрини осилтириб унга узатмоқчи бўлувди, қиз ичкарига кириб кетди.

Олимнинг тошиб турган ғазаби бироз босилди. Кечаги воқсаларни ҳаёлидан ҳайдашга, Шоҳбоз билан бир умр эсдан чиқмайдиган тариқа гаплашиб қўйиш учун бутун идрокини совуқонлик билан ишга солишга уринарди. Бўрини чап кўлига олди. Қиз кўрганларини ичкарида гапирмадимикин?

Шоҳбоз остоңага келиб, қалқиб тушган одамдай бирдан тўхтади.

- Олим!!

Ҳайрат ва қўрқувдан бақириб юборганини билмай қолди. Кўзлари пиёладай бўлиб, ранги оқариб кетди. Тили калимага

келмас, ҳатто нима қилишини билмас эди.

- Бўри еб кетди деганимидинг?!

Шоҳбозга Олимнинг гапи мурданинг эмас, терговчининг сўроғидай эшитилгандан кейин хушига келди.

- Йўқ, мен...

- Эркак бўлсанг, ташқарига чиқ!

Шоҳбоз оёқлари қалтираб, икки қадам олдинга юрди. Олим эшикни ёпди. Аммо шу пайт қайта очилиб, кўзлари хавотирга тўлган Ҳамидулла ака чиқди ("Қиз энди гапирган!" - хаёлидан ўтказди Олим). Олимга қаради-ю нима гаплигини тушунмай, бир неча дақиқа гапиролмай қолди. Сўнг ўзига келгандай, ижирғаниб бир Олимга, бир Шоҳбозга қараб вазият жиддийлигини англади, икковини ичкарига бошлади.

- Бу ким, нега шу кўйга тушган? - Ҳамидулла ака Шоҳбозга таажжуб билан қаради.

Шоҳбоз жавоб беришга ожиз эди. Ҳайрат ва қўрқув руҳиятига чуқур киргани учун хаёлини йигиштириб ололмаган, воқеаларни идрок этиш қобилияти йўқолганга ўхшарди.

Олим нафрат қайнаб турган кўзларини Шоҳбоздан олиб, Ҳамидуллага тикди. Боягина ноинсоний хўрликларни бошдан кечириб, салкам ўлим остонасидан қайтган одамнинг қарашлари даҳшатга тўла. Ҳамидулла ака бир сесканиб, билинар-билинмас ортга тисарилди.

- Мен - ўғлингизнинг синфдоши Олимман!

Унинг идроки теран, тафаккури қиличдай кескир эди.

- Олим?! Ҳалиги каратэчи-я?!

- Худди ўзи!

- Нега бу ... - Ҳамидулла ака боягидан кўпроқ таажжуб билан яна ўғлига ўқрайди.

- Сиз совчиликка бораётган Интизор билан кафеда ўтирганим учун номард ўғлингиз учта лайчаси билан мени чўлга олиб бориб, отиб ташлаб, кўмиб келмоқчи эди. Аммо бўриларга ем бўлар деб очиқ гўрга ташловди, Ҳудо асради. Бўрини ўлдириб, орқалаб келдим!

Олим бўрини дарвозахонадаги сўрига ташлади. Ота-бона калласи илиниб турган ваҳшийни томоша қила бошлаганларида, Олимнинг шиддатли овозидан хушига келди.

- Аммо унұтмагин, Шоқбоз! Сен кавлатган гүр очиқ турибди. Кимга насиб қылған бўлса, ўша кўмилади. Назаримда, у сени кутяпти! Гўрковларнинг меҳнати увол кетмасин десанг, ахир пул бергансан-а, яна бир марта номардлик қилсанг қифоя!

Ҳамидулла ака ғазабланиб турарди.

- Шу гаплар ростми? - ўғлига ўшқирди у.

Шоқбоз бир нарса деб пичирлади-ю, ҳеч ким тушунмагач, ерга қаради.

- Ростми, Шоқбоз?!

- Жа, унчаликмас...

- Ёш болага ўхшамасдан дангал жавоб бер!

Шоқбоз бир дадасига, бир Олимга қаради-да:

- Жавоб беришни хоҳламайман, умуман бу болани кўришниям истамайман! - деб шартта ҳовлини тўсисб турган пардани кўтариб ичкарига кириб кетмоқчи бўлувди. Олим уни ушлаб қолди (Шу пайт парда ортидаги Заринага кўзи тушди. Қиз уялиб, ўзини четга олди).

- Эй, итдан тарқаган ифлос, ўзинг қазиган чоҳга ўзинг тушасан!

Олим бўрини орқалади-да, дарвоза олдида тўхтади.

- У гўрда ётгинг келмаётган бўлса, мана бунинг, - орқасидаги бўрига ишора қилди, - шериклари тирик, улар менлай гадони ғажищдан ор қилди, аммо сендай бадавлат бўрдоқини мазза қилиб ейди, омон бўл, синфдош!

Олим эшикни қарсиллатиб ёпганида, ота-боланинг орсизлик балқиб турган кўзлари пиёладай очилган, мияси карахт эди...

\* \* \*

Уч кундан бери Олимнинг хаёли остин-устун. Гоҳ бир нуқтага қараб ўйга толади, гоҳ телбага ўхшаб ўзига гапириб юради. Баъзан руҳий зарба таъсиридан чиқолмаётган одамдек беҳуш. Бувисини "Тунда овга борувдик, бўри ташланди", деб алдади, аммо бувиси вазиятни тахминдан билиб бўлганди. Ундаги кайфиятнинг ўткинчилигини тушунгани учун сўроққа тутишни лозим топмаган.

Кутилмаган воқеа Олимнинг дунёқараши, ҳаёт тўғрисидаги

тушунчаларини, инсон ҳақидағи тасаввурларини бутунлай ўзгартыриб юборди.

"Хаёт, умр нима?

Худо беради, қайтиб олиш ҳам унинг құлида!

Унда инсон нега бошқалар құлида ўйинчоқ бўлади?

Бойлар камбағалларни истаганича хўрлаши, оёқости қилиши мумкинми? Уларга ким ҳукуқ берган? Долларларими ёки лавозимми? Балки иккаласидир??

Наҳотки, Шоҳбоз шунчалик аблаҳ бўлса? Ўн йил бир устоздан сабоқ олган, яхши-ёмон қуналарда, болаликда катта бўлган одам ўз синфдошига нисбатан шунчалик ёвузлик қилиши мумкинми?

Бир қизни деб мени итдек отиб ташламоқчи бўлди - я! Ниятига еттанида ном-нишонсиз ўлиб кетардим? Хуғимни талаб қиласидиган одам йўқлиги учун шу ишга қўл урдими? Унинг жазосини ким беради? Ҳеч ким! Дом-дараксиз йўқолганлар қаторига қўшилиб кетавераман! Фақат Аллоҳина одил ҳукм чиқаради, бандасидан најот йўк!

Аллоҳ асрари: мен - гўр оғзидан қайтдим!

Аллоҳ асрари: Шоҳбоз қотил даражасига етолмади! Яраттан Парвардигор дилга кўркув солиб жиноятдан қайтарди.

Бўриларга ем бўлишимга бир баҳя қолди. Ҳаракат қилмаганимда суюгимгача ражиб ташлаган бўларди! Муҳаббат неча хил, ранги қандай? Шоҳбозники оппоқ, менини қорами? Уники ғолиб - қадрли, менини мағлуб - хорми?! У муҳаббат деб ўлдириши, мен ўлиб кетишм мумкинми? Бу қанақа муҳаббат? Аслида икки қалбдаги туйғу - муҳаббат бўлса, ёмонликка ундумаслиги керак-ку! Демак, биримизники ёлғон! У нега жанг қиляпти? Болалигидан ҳаммадан устун, олдинда бўлиб ўрганган одам катта бўлганда паст юришни ор билгани учунми? Сохта гурур жиноятга бошлияптими?"



Интизорнинг совчи хабарини кўз ёш билан кутиб олиши Қаҳрамонни қаттиқ ташвишлантириб қўйди. Ҳатто "ўйлаб кўраман", деган гали ранжитгани таажжубга солди. "Кизлар, одатда, ўзига ёқмаган йигитдан совчи келса ҳам кувониб

Қаршилайди, дугоналарига тұлиб-тошиб мақтанади, "харидор"лар сафи кенгайиб бораёттанидан боши осмонга етади. Аммо Интизор Ҳамидулланинг ўғлидан келган совчиларни нега бунчалик ёмон қаршилади? Севган йигити бормикин? Наҳот, оиласи билмаса! Онасига айтганмикин? Йўқ, билганда менга айттарди. Балки унинг севишини йигит билмаслиги учун уйдагиларга билдирамандир?"

Қаҳрамон хотинидан бу ҳақда сўраганида, у ҳеч нарсани билмаслигини, умуман Интизор йигит ҳақида гапирмаганини айтганда Қаҳрамон янам кўпроқ таажжубланди. Уйга кирган ўғри ва совчиларга қизнинг муносабати орасида боғланиш йўқми, дея ўйлана бошлади. Аммо маъно тополмади... Кейинги вақтда рўй берган кутилмаган воқеалар кўнглини фаш қиларди.

Эртаси куни нонуштадан сўнг Интизор "биринчи пара дарсим йўқ", дея шошилмай жўнаёттандан дадаси хонасига мўралади.

- Қизим!

Интизор чўчиб кетди.

- Кираверинг, дада!

- Ҳар эҳтимолга қарши бир нарсани сўрамоқчийдим.

- Бемалол, дада!

- Совчилар келганидан бунчалик хафалигингни

тушунмаяпман... шунга...

Интизор ҳамма гапни айтишга уялишдан ташқари, дадам билиши шарт эмас, деб ҳисоблар, қолаверса, ёқимли хотира сифатида қалбига ўрнашган саргузаштларни Олимдан бошқаси билишини истамас эди.

- Мен у болани танийман, дада, оиласизга тўғри келмайди.

- Ахир, дадаси...

- Тўғри, дадаси амалдор одам, - ерга қаради Интизор, сўнг бошини даст кўтариб, - лекин ўғли фирт нашаванд! - деди.

- Аниқ биласанми?

- Инсон ҳаётини пул билан ўлчайдиганлар хилидан. Мени тушунмайди. Унинг учун пул - биринчи ўринда, мен эса орзу-мақсаларимни ҳамма нарсадан устун қўяман!

- Балки уни яхши билмассан!

- Йўқ, дада, сиз уни менчалик билмайсиз. У муаммоларини зўравонлик билан ҳал қилишни оддий ҳол тушунади.

XXI асрнинг замонавий одами бунақа ўйламаслиги керак.

- Демак, хафалигинінг бопшқа сабаки йўқ, а?

- Йўқ!

Икки кундан кейин Олимнинг Шоҳбозлар гурӯҳи билан олишгани, бўрилар хужумидан омон чиқиб, ҳеч қандай куролсиз кулрант ваҳшийни ўлшириб, орқалаб келгани ҳақида шаҳарда овоза тарқалши. Бу талабалар срасида ҳам тап-сўз бўлганидан кейин, Интизорга етиб борли ва у Олим билан учрашмоқчи бўлди. Маҳалласида яшайдиган Нигорадан манзилини билди-ю, дўсти Равшандан учраштиришни илтимос қилди. Яна "Таманно" кафесида юзма-юз келишиди.

Ўзига ўхшаган чиройли дугонаси Нигина билаъ келган қиз унинг аҳволини кўрди-ю, чўчиб кетди.

- Сиз билан шу ҳолатда учрашмоқчи эмасдим, лекин кутимаганда чақиришингиз ўйлантириб қўйди.

- Кейинги вақтда бошингииздан кечган воқеалар одамни ларзага солали, Олим ака!

Олим ҳаяжонланиб кетди. Интизор биринчи марта уни Олим ака, деётган эди. Нақадар чиройли айтаркан бу сўзларни! У тўлқинланиб кетди. Интизор у ҳақда ўйлаётгани қанчалик ғуур багишаётган бўлса, учрашувга чақиргани бошини осмонга етказганди. Йигит тунов куни пайдо бўлган ришталардан бекорга умид қилмаганини энди тушунди.

- Шунақа, Интизорхон. Асли буни хоҳдамаган эдим.
- Қандай қилиб?
- Ҳаммаси кутимаганда содир бўляпти.
- Мени қутқариб келишингиз ҳам тасодифми?
- Шундай деса ҳам бўлаверади. Машинага босиб кетилаётганингизни тасодифан кўриб қолдим-ку!
- Ўйлабманки, мени олдиндан танийсиз...
- Ўша куни дўстингиз табриклаганда, исмингиз менга шундай ёқдикни, бундай исмни биринчи марта эшишиб ҳайратга тушдим. ИНТИЗОР! Ота-онангиз зап топишган экан-да!
- Кутимаганда шунақа бўп қолган... - мийигида қулди қиз. - Сиз билан учрашишдан мақсал - анави бўри билан боғлиқ воқеаларни батафсил айтиб беришингизни илтимос қилмоқчийдим!

Олим ўйланиб қолди. Мақтанчоқлик бўлмайдими?

Менимча, сирли қолавергани яхши! Башқалардан эшиттани дуруст!

- Унчалик қизик әмас! Лекин нега бунчалик қизиқыпсиз?
- Сүрасам майлими?

Олим унга жиддий қаради. Гап нимадалигини билган ёки билмоқчи!

- Бемалол.
- Бу воқеалар мен билан, мени күтқариб олишингиз билан боғлиқ әмасми?

Олим жавоб беришгә шошилмади. Учрашувга келаётганды Интизордан бу савонни куттан, аммо жавоб ўйламаган экан! Гапни бошқа мавзуга буриб күя қолсинми?

Түгри келмайди. Дугонаси ҳам қизиқиши билан қараб турибди.

- Сизга Шоҳбоз совчи қўйганини билмаган эканман!
- Уша абллаҳни, - асабийлашиб кетди қиз, - ўзиниям, совчилариниям кўрарга кўзим йўқ!

- Нега?
- Босқинчи, зўравон, нашавандни ким кўришни истайди?

Ақлли-хушли одам севганини қўл-оёғини боғлаб, дала-ҳовлига бегона одам билан ташлаб кетадими?

Дугонаси қизга ачиниш ва хайриҳоҳлик билан қараб, Олим билан "Кўрмайсизми?" дегандай кўз орқали гаплашиб олди...

Олим Шоҳбознинг севгиси соҳталиги ҳақидаги кечакиши қизиқиб қолди.

- Ўзингизни босинг, Интизорхон! Отангиз совчиларга рад жавобини бериб күя қолсинлар!

- Э, Олим ака, - ўзини яқин олиб ҳасрат қилгандай бўлди қиз, - совчилариям ўзи сингари сур, сийқа! Қизимни бермайман, десалар ҳам келаверади!

- Бечора ошиқ! - мийигида кулди у Интизорнинг дугонасига қараб бояги хайриҳоҳликка жавоб қилгандай. - Юрагидан урган бўлсангиз керак-да!

- Вой-вой-вой! Уша кишида юрак борми? Севги нималигини тушунадими ўзи? Пулдан бошқа нарса кўзига кўринмайди-ю!!

- Йўғ-э! Ахир сизни деб, одам ёллаб мени ўлдириб чўлга кўмиб ташламоқчи бўлди-ю!

Олим бу гални қандай айтиб юборганини билмай қолди. Интизор учун эса кутганидай янгилик бўлиб чиқди.

- Ростданми? - у қаттиқ ҳаяжонда эди.

Олим фойдаси тегар, деган маънода бироз сирни очмоқчи бўлди.

- Орангизда қоработирдай турган эмишман! Улар уч киши эди. Сизни қўл-оёғингизни боғлаб, машинага босгандай, мени ҳам уйдан ярим кечада олиб кетдилар. Кўзимни очсан, чўлда ётибман, улар ёнимда менга қабр қазишаётган экан!

Қиз дугонаси билан кўз уриштириб олди-да, ҳайратдан кўзлари чақнаб кетди.

- Кейин-чи?

- Нега Интизор билан кафеда чойлашиб ўтирибсан, деб пешонамга тўппонча тиради.

- Наҳотки!

- Ақли-хушимда йўқ ишлар...

Олим озгина ёлғонни аралаштирсам, улар янаем қизиқиб қолишика керак, деб ўйлади. Хаёлида айланадиган фикрлардан бирини саралаб, таъваккал айтиб юборди.

- Мендан Интизорни севасанми, деб сўрайтти, тавба!

- Сиз нима дедингиз?

- Ҳа, нима жавоб қилдингиз? - дугонаси ҳам унга чиройли жилмайганча қўлини жағига тираб сўради. Олимга тобора қизиқиб бораётгандари сезилиб турарди.

- Интизор севса арзийдиган, гўзал қиз дедим!

- Яна-чи, билсак бўладими?

- Севишингта хўжайин эмассан, дедим!

- Тўппа-тўғри айтибсиз! - деди дугонаси.

Олим сұхбатни чукурлаштирмаслик учун мавзуни бошқа томонга буришга интилди.

- Асли биз шунчаки танишлар, холосмиз!

- Кейин нима бўлди, Олим ака? - дугонаси майин овозда сўради.

- Отишта кўрқиб, бўриларга ем бўлар деди-ю, очиқ тўрга ташлаб кетди. Анчадан кейин хушимга келиб, шиша синиги билан энди қўлимни ечишимни биламан: тепамда кулранг бўри турибди!

- Войий!

- Кўрқмадингизми?

- Қарашилари ваҳшиёна бўлса керак, а?
- Кўрққанимдан кўрқмай қолдим...
- Қизлар кулиб юборишиди.
- Менга ташланиши билан бўйнидан бўғиб, ўлдириб қўя қолдим.
- Ўшанда тирнаб таишладими? Ҳозир ўлиги қаерда?
- Уйда. Қизиқ! Сизларга ким айтди?
- Бизгами?

Айтсаммикин, деб Интизорга қаради дугонаси. Ундан садо чиқмагач:

- Шоҳбознинг синглиси Заринадан эшитдик! - деди Олимнинг кўзига термулиб, - Бўрини кўрган экан, ичига сидиролмай қўнфироқ қилди. Кейин сиз ҳақингизда гапирди.

Олим нималар деганини сўрамоқчи эди, аммо ўзини босди. Кераги йўқ! Лозим бўлса ўzlари айтишади, айтишмаса ҳам биламан: ҳайратини яширолмаган...

Олим улар шунчаки қизиқиш учун келишгани, асосий гап тутаганини сезди.

- Мени ишларим бор эди, қизлар!

Олим кутилмаганда "Ўртоғингиз билан танишириб қўймадингиз-ку!" дегач, шуни хоҳлаб турган Нигина қўл узатиб исмини айтди. Интизор эса, "Мунча шошмасант", дегандай чимирилди.

- Вақtingизни олганимиз учун узр, Олим ака! - Интизор чиройли табассум қилди. Нигоҳларида қисқа суҳбатдан қониқмаганлик акс этган, Нигина олдида дилидагини айттолмагани учун ёлғиз келсан бўларкан, деган ачиниш ҳам сезиларди. Аммо у дугонасида бошқача кечинмалар пайдо бўлганини сезмади...

Хайрлашгач, қизлар шаҳар марказидаги катта йўлга бурилишиди, Нигина гап сакълолмади.

- Танишинг зўр экан-а?
- Нега?
- Даҳшат ишларни қилса ҳам мақтаниши билмайди-я!
- Интизор фаҳрлангандай, уни анчадан бери биладигандай:
- Э, у камтар бола! - деди.
- Бир нарсани кузатдингми?
- Нимани?
- Келишган, ўқтам йигит экан, аммо кўзларида дард бор!

- Сезмабман! - ўзини бепарволикка солди Интизор.
- Сенга қараса, дард йўқолиб, ҳаяжон пайдо бўлишига эътибор берганмисан?
- Билмасам...
- Назаримда, - Нигина мийифида кулиб унга қаради, - сени яхши кўради...

Нигинадаги ҳавас, қизиқувчанлик, Олимга нисбатан аллақандай туйгулари пайдо бўлгани яққол сезилиб турарди.

- Менда Олим ака яхши таассурот қолдирди.

- Сездим! - сал қошини чимириб кўйди Интизор.

Нигина уйига бурилгандан кейин Интизор руҳиятида тушуниб бўлмайдиган жараён бошланди. Олим Шоҳбоздан фарқли ўлароқ, унинг қалбидаги илиқ туйгу уйфотаётганди. Бу туйгу - миннатдорчилик ҳисларими, мардлигидан ҳайратланишми - аниқ билолмаётган, аммо Нигинада лабдурустдан ёрқин туйгулар туғилганига ғаши келаётган эди. Айниқса, уйга боргунича "Келишган, ўқтам йигит экан", деган гапларини эслаб, кўксига рашкка ўхшаш нарса ғимирлагандай бўлди... Уйига етай деганда орқасидан кузатиб келаётган машина и кўрди-ю катта йўл четидан йўлакка ўтиб олди. Аммо машина тўғрисига етганда тўхтади.

- Хо, яхши қиз! - бу Шоҳбоз эди.

Интизор қарамаса ҳам таниди, аммо эътибор бермади.

- Кунингиз ўша ўғрига қолдими, асал қиз! Кўрқмай ёпишаверинг, кўча-кўйда киссавурлик қилса ҳам сизни боқиб олади! Аммо у сизни қачонгача ҳимоя қиласкин? Бир кун пешонасидан дарча очиб кўйсанам, олдимга ялиниб келасиз!

- Олим акам унгача сени ўзинг қазиган гўрга тиқиб кўймасин, номард!

Интизор кутилмаганда қандай гапирганини билмай қолди.

Машина тезлаб, кўздан йўқолди.

Унинг юраги остин-устун бўлиб кетди. Нега унақа деди, ҳақиқатан ўғрими? Ўхшамайди-ку! Ичи куйганидан айтдимикин? Аммо нега айнан ўғри деди, ичувчи ёки нашаванд демади? Билмаса гапирмаса керак!

У Олимни ўзига тансоқчи ҳисоблаётганини Шоҳбозга айтиб юборганидан қанчалик севинган бўлса, янги туйгуларига хиralик аралашганидан кўнгли ғаш бўлди. Устида Шоҳбознинг гапларини хато, туҳмат дейди-ю, ичида

"Наҳотки Олим ака шунақа бўлса?" деган ғашлик қийнайди.

Остонадан ҳатларкан, Олимга нисбатан тоза ҳиссиётлари булоқ сувидай қайнаётган бўлса, Шоҳбоз айтган bemаза гаплар қалбга иғнадек санчилаетган эди...



Олим қизлар билан хайрлашиб, уйга келганидан кейин қалбини қайғу чулғади. Уйлари кўримсиз, эски ва нураб тушаётганини ҳозир кўраётгандай уялиб кетди. Анчадан бери қайта қуриш, Европа услубида пардозлашни ният қиласди, катта пул кераклигини ўйласа юраги сиқиласди. Мардикорликка чиқиб дуч келган ишни қиласётган, шаҳар четроғида ёки туманда фермер хўжалигидан катта-катта иш олаётган эди. Аммо бир неча ойда ортиргани уста пулигаям етмайди. Чўлдаги воқеадан кейин эса ишга боролмаяпти. Жароҳатлар секин йўқоляпти, ҳали кучга киргани йўқ. Биронкида қаролдек ишлаётганини қизлар билиб қолса, шарманда! Бошқа нима иш қиласин? Маълумоти йўқ, "ёғлироқ" ишга жойлаштириб қўядиган амалдор қариндошлиари ўзидан бўшамайди. Ёлғиз бувисининг қўлидан нима келарди?

Уй қуриш учун нима қилиши керак?

Битта танишига маслаҳат солувди:

- Россияда ишлаб келиш керак! - деди. Ўзи уч йилдан бери Москва атрофидаги районлардан бирида яхшигина, инсофли тадбиркор билан ишлаётгани, маошидан ташқари қунлик харажатлар ва озиқ-овқатта дурустгина маблағ берәётгани ва шошилинч уйга бориш зарурати туғилса, ҳатто йўлкира билан тъминлаётгани ҳақида сўзлаб қолди. Истаса, уни ҳам олиб кетиши мумкин. Олим аввал эътибор бермади. Кечқурун ўйлаб қараса, бошқа йўл йўқ! Кекса бувисига фикрини айтди. Бувиси йиллаб хорижда юрган, ҳатто ота-онаси бандачилик қиласа ҳам келодмаётганларни эслаб, хўрсиниб қўйди.

- Сенга суюниб қолгандим, болам, - деди дардини ичига ютиб, - мабодо ўлиб қолсан, мени ким кўмади?!

Кўз ёшини снги билан артиб, чуқур ўйга толди. Олимнинг раҳми келди, аммо бувисига далда берди.

- Буви, сиз ҳали тетиксиз! Худо хоҳласа, юзга кирасиз, дадамга құнғироқ қилиб айтаман, бирорта боласи сиз билан яшаб туради.

- Э, болам, беш кунлигим борми-йўқми, Худо билади. Озгина шошмасанг, мени ўз қўлинг билан қўйиб, маросимларимни ўтказиб кетасан!

Уша куни Олим бувисига индамади. Аммо Россияга бориш фикридан қайтмади. Бир неча кундан кейин:

- Дадам ўз оиласи билан овора. Бизга ёрдам беришни хаёлига келтирмайди. Ўзим пул топиб уйни қайта қурмоқчиман, буви!

- деди қатъий ниятли одамдай унинг кўзига тик қараб.

Бувининг кўнгли ёришди. Раҳматлик эридан қолган уй ҳақиқатан ўзи каби қариб-чуриди. Ўғли неча йиллардан бери четда ишлайди, беш танга орттирганини билмайди. Шу туришда яна бир неча йил турса икковини том босиб қолиши мумкин! Шунинг учун бобомерос ҳовлини обод қилишни ўйлаган набиранинг йўлини тўғсиси келмади. Баҳонада ўйланишга тайёргарлик кўриш ниятини фаҳмлаб қолди. Тирик юрсам набира келиним қўлидан чой ичармикинман?

Буви кечки овқатдан кейин секин-аста гап бошлади.

- У ерда нима қилмоқчисан? - дея кўзига тикилди.

Олим ҳаммасини ўйлаб қўйган эди.

- Ошналарим билан курилишда ишлаймиз!

- Тирикчилигимиз ўтиб турибди-ку, болам, бегона юртларда нима қиласдинг?

Гап оҳангода барибир кетасан деган маъно бор эди...

Олим эртаси куни ошнасига "Борадиган бўлдим", деб айтиб келганини бувисига гапириб турувдиямки, кўчада бирор чақирди. Овози нотаниш. Юраги "шув" этди. Ушанда ҳам нотаниш овоз чақирган, ташқарига чиқар-чиқмас оғзини бўғиб, қўл-оёғини боғлаб олиб кетишган эди. Аммо ҳозир купла-кундузи-ку, нега кўрқади? Қолаверса, бу овоз эркак кишиникига ўхшамайди. Ингичка!

Барибир ҳадик билан ташқарига мўралади. Эшик ортига кўзи тушиши билан оғзи очилиб қолди. Интизорнинг дугонаси Нигина битта ёш бола билан кутиб турарди! Тавба! Нима қиласди бу ерда?

- Ассалому алайкум, Олим ака!

- Ваалейкум...

- Яхшимисиз? - қыз уялғаннамо сүрашарди. Аммо бирдан дадиллашди. - Ҳайрон бўлманг! Сиз ўлдирган бўрини кўргани келдик, майлими?

Ҳайрати ортиб бораётган Олим рад этолмади.

- Майли, аммо, жа, сиз кўрадиган ажойиб нарса эмас!

- Барибир қизиқ! Айниқса укам, - болани имлади у,- эшиггандан бери туролмай қолди.

Нигина эски танишидай ўзини яқин олаётгани, Олимга нисбатан ўтган кунги қизиқиши кучайиб бораётгани сезилиб турарди.

Олим уларни ичкарига бошлашдан уялди, "Мен ҳозир", деди-да, уйга кириб кетди. Бўрини ҳиди кела бошлагани учун бугун - эрта терисини шилиб, ўзини кўмиб ташламоқчи эди. Танаси қотган, тиши ботган тили бир томонга осилган бўрини икки қулоғидан кўтариб чиққанида Нигина телефон аппаратида аввал расмга олди, камерасини ишга солиб, ҳамма томонидан тасвирга туширди. Кейин Олим билан иккала қулоғидан кўтариб тургандай суратга, тасвирга тушди. Тайинлаган бўлса керак, укаси уни Олим билан бир неча марта эринмай тасвирга туширди. Нигина энг яқин одамидай тортина мас, иложи борича унга ёпишиб ҳаракат қиласади. Кайфияти шундай қувноқ эдикни, бўри ва у билан расмга тушишни ўйлаб топганидан беҳад баҳтиёрга ўхшарди.

- Опа, мен ҳам! - деди укаси.

Сўнг улар безовта қилғанлари учун қайта-қайта узр сўраб, йўл бўйида турган оппоқ "Нексия"га чиқишиди. Нигина уни юргизди-ю, Олимга қўлини силкиб хайрлашганча, аъло кайфиятда учиб кетди. Ҳайрати тарқамаган Олим беш дақиқада бўлган воқеадан бешбаттар ҳайратланиб, бўри мурдасини осилтирганча, оғзини очиб, эшикка суюниб қолаверди...



Интизор Нигина билан хайрлашгандан бери камган. Ҳазиллашиб турган Наримон илмоқли гап ташлаб кўрди, ҳеч қандай натижага бермади. Очилиб-сочилиб юрган қиз бирдан кар-соқовга айланганига ота-она ҳайрон, онаси савол берив, жавоб ололмади. Ҳамма овқатланаётгандага энг кўп

гапни у гапиради, ҳозир эса оғзига талқон сөлтәнләй жим. Кичкина Диана таажжубини яширолмайды:

- Ойи, - дейди ҳеч нарсани билмангандай, - опам гапиролмайдиган бўлиб қолганми?

- Унақамаас! - чўзиб гапни илди Шуҳрат, - бир ҳафта гапирмайман деб дугонаси билан гаров бойлашган, ютиб чиқмоқчи!

- Опа, нимадан ўйнагансизлар? - чиндан сўрайди Диана.

Қаҳрамон ака ҳазилни йиғиштир, дегандай жиддий қараб кўйди.

- Опангнинг дарслари кўп! - деди онаси ҳақиқий ҳолатини дадасидан яшириш учун, - бажаролмай ўйланиб юрибди, тушундингми?

- Ичидা дарс тайёрлаётган! - яна шумликни бошлиди Шуҳрат кулимсираб.

- Ичидা дарс тайёрласа бўладими?

- Ўқисанг биласан!

Интизор нонушта тутамай туриб кетди. Хонасига кириб диванга ўзини ташлади-да, хаёл уммонига гарқ бўлди. Ярим кечада тоғдан келишаёттанда Олим ниқобини отгач, юзида маъно, кўзларида теранлик ва йигитга хос ўқтамлик кўринганини эслади. Телефон аппарати билан пулни қайтариб: "Буларни олиб қўйинг, талабасиз, асқотади", деганда аллақандай меҳр, ҳиссиёт билан гапирганини энди тушунди. "Интизор севишга арзидиган, гўзал қиз" дегани хаёлида жонланганда қалбидаги ширин туйгулар булоқ сувидай тошиб кетаёттанга ўхшайди, "Севишимга хўжайин эмассан!" дегани қулоги остида жарангласа, терак бўйи кўтарилгандай, ҳавода учиб юргандай бўлади... Олим билан боғлиқ ҳиссиётлари қисқа вақтда жонланиб, жунбушга келиб, хаёлини бутунлай банд этганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо юрганида ҳам, ётганида ҳам ширин азоб берәётган нотаниш туйгулардан сездики, у севиб қоляпти... Бу туйгу кун сайин қалбини, бутун борлигини эгаллаб, хаёлидан ҳамма нарсани ҳайдаб чиқаряпти. Севги тўғрисида ҳозиргача билмаган тушунчалари миясига жойланяпти, руҳиятида туғилган гўзал ва ширин манзараларни тушуниб, ҳис қилиб тўймаяпти. Оромига қонмаяпти. Аммо Шоҳбознинг ўғри дегани ғалати... Буни эсласа юрагидан озгина жойи совиб кетади. Душман атайлаб

кўксига найза ботираётганга ўхшайди. Нигинанинг гаплари хаёлига кслганда эса рашк бўрони қўзғалиб, юрагини остин-устун қилиб ташлайди. Нима қилсин? Қай биро ҳақида ўйласин, бирини ўйласа, иккинчиси уланиб келаверади, кейин учинчиси хаёлига ёпишиб олади! Ҳатто хаёллардан зерикиб, безор бўлиб кетгандай, аммо барчаси ширин ва беғубор, улардан воз кечса қалбидаги майсалар остидан щивирлаб оқаётган булоқ сувларига ўхшаш гўзал қўшиқдан жудо бўлаётгандай, ҳаёти ҳувиллаб қолаётгандай сезади ўзини...

Китобларда, шеърларда ўқиган севги эди бу! Наташа Ростова Андрей Болконскийни севиб қолган давридаги ҳолатини энди тушуниб боряпти. Қизгинанинг нозик кўнгли, кўксига дарёдай мавж урган гўзал туйгуларини англаб етятпти. Шундай ширин, шафқатсиз ва гўзал экан бу туйғу! Атиргулнинг тикони бўлгани каби севги ҳам азоблари билан юраркан!..

Олим энг гўзал, кучли, ақсли, саховатли одам, ҳаётнинг мазмунини дунёда унинг борлиги ва қиз қалбига муҳаббат солгани белгилайди. Худо уни Интизор севиб қолсин, дугонасидан рашк қилсин, севги азобларини тотиб кўрсин учун Яратганга ўхшайди...

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин у хаёлларини деярли бошқаролмай, севги шиддатига ўзини ташлаб кўйди. Ўйчан ва паришон, барча масъулиятли ишларни унугтган, янги муҳитга кириб, касал бўлган одамдай ёқимли азобини тотиб кўра бошлади. Олим ҳаёлидан кетмас, ўқишига боришни истамас, ҳатто овқат сиси келмас эди. Қорни очганини билмайди, хаёлан у билан гаплашаверади, назарида, у Интизорни севади, тоқقا фақат уни кутқариш учун чиққан, севги жасорат бергани учун ҳеч нарсадан қўрқмайди, Интизор учун яшайди, ҳозир ҳам у кечираётган жараёнлар бағрида ўртаниб юриди.

Интизор унга кўнғироқ қилмоқчи бўлди, аммо рақами йўқлигидан қийналди. Шундай дақиқаларнинг бирида Нигина қўнғироқ қилиб:

- Ажойиб янгилик! Оғзинг очилиб қолади, Инди! - деди.

Интизор осмондан ой тушибди, Тинч океани суви қурибди, қор одам топилибди, ҳозир сени кўргани борармиш, деса

бунчалик ҳайратта тушмайды. Аммо Нигина келиб, Олим билан тушган расмини, бўрининг суратини кўрсатгандан севгилиси билан сұхбатлашгандай севиниб кетди. Бутун дунё шодлик ва кувончга тўлиб, олам гўзаллиги кўзларига йигилиб келди.

Аммо Нигина у билан суратга тушганидан алам, изтиробга чулғанди. Ҳатто йифлагиси келди. Касаллигини баҳона қилиб, зарда билан кириб кетмоқчи бўлиб турганда дардига малҳам бўладиган фикр келиб қолди: телефондаги тасвирларни ўзиникига ўтказиб олди! Аммо рашк ўтида қоврилиб, дугонасини ёмон кўриб кетди. Ҳаёлига келмаган ишни ўйлаб топганидан ижиргана бошлади.

- Ўйлари қаерда экан? - аччиқ билан сўради Инди.
- Шаҳардан чиқаверишдаги айланада йўл бошида, эски кўк эшик! - деди ғуур билан, - борадиган вақтингни айтсанг, машинамда обориб келаман!

Нигина Интизор қалбига олов солаётганига сираям парво қилмасдан гапиради.

- Ўзим топиб оламан!

Унинг ғаши келганини Нигина сезди, аммо эътибор бермасликка ҳаракат қилди.

- Ихтиёринг! - бироз чимирилиб гапирди у.

Нигинани кузатгач, Интизор ўтиrolмади. Олим акаси билан ёнма-ён тасвирга тушгани, елкаси унга тегиб турганини кўриб, юраги ёниб кетди, дугонаси у билан яқин бўлганидан таажжубда эди. Ҳатто уни мен севаману, дугонам яқин одамига айлантириб олибди, дея ўзини камситилгандай сезарди.

Дадаси ишдан келгандан кейин Наримон билан машинасида Олимнига "китоб олгани" борди. Кутимаган ташриф Олимни Нигинаникidan кўпроқ ҳайратда қолдирди. "Тавба, бутун гўзал қизлар йўқлайдиган кунмикин?"

- Сираям кутмагандим! - деди Олим сўрашгандан кейин.
- Нигинага ҳам шу тапни айтдингизми, Олим ака?

Интизорнинг соғинч ва изтироб тўла хумор кўзлари гина билан Олимга қадалди. Олим уни тушуниб, ич-ичидан севиниб кетди. Воқеалар сценарий бўйича рўй берастгандай эди. Унинг ҳаёт тарзи, дунёқараши билан ўзиники ургасида катта фарқ борлитини англаб, бугунги ҳолатидан таажжубга

тушган сайин каратэчи ўртоғининг "Севган қизинг сенга қарамаса, дугонаси билан яқин бўл! Ичи куйганидан сени тортиб олишга интилади!" деган гапи эсига келаверди. Олим Нигина билан Интизор орқали танишгани, унинг ўзи олдига келганини ўйлаб, воқеа атайлаб ташкил қилингандай таассурот қолдира бошлади.

- Дугонам билан расмга тушасизу, менга мумкин эмасми?

Интизорнинг бояги гинаси чин эканлигига ишонтан Олим ўзида янги куч, ишонч тия бошлади. Кутилмаган омад руҳиятига куёш нуридек чароғонлик берганидан баҳтиёр, зулматдан чиққан одамдай эркин ва кудратли эди. Тушимми-ўнгимми дегандай унга ҳайрат билан боқар, бутунги омадни чўлда чеккан азоблари эвазига тақдирнинг мукофоти деб тушунар эди...

Олим бўрини олиб чиқди, Интизор билан шундай тасвирга тушдикни, Нигина билан тушганидан минг чандон ўтиб кетди. Аммо Интизор Нигинадан кўрқоқ экан. Бўри тирилиб, тишлаб оладигандай Олимга маҳкам ёпишиб олди. Тишларига қараганда ҳайрати ортиб, юрагини кўркув қоплайди.

- Энди расмга тушмайман! - деди Олим жиддий тортиб.
- Нега? - деди қиз ҳайрат тўла кўзларини Олимга тикиб.
- Бугун кечқурун терисини шилиб, ўзини кўмиб ташлайман!

- Қаерга кўмасиз?
- Шаҳардан ташқарига.
- Энди-чи?
- Шоҳбозга яхшилик қилмоқчиман!
- Қандай қилиб?

- Нима бўлган тақдирдаям Шоҳбоз - синфдошим, у қаздирган чоҳга бўрини кўмаман! Менга ёмонлик қилган бўлсаем, яхшилик қилаверай, бир кун инсофга келиб, узр сўраса ажаб эмас!

- Унга раҳм қилманг, Олим ака, ёмонлик қайтади! - дононоларча гапиради. Унинг қайғуси тушунарли эди.

- Бу гапингизни ўйлаб кўраман! Аммо мен инсонга яхшилик қилиб ўргангандман.

Шуҳрат машина олдига кетганидан фойдаланиб, Интизор Олимга сирли қаради. Жиддий гап сўрамоқчилиги тушунарли эди.

- Бир нарсани сўрасам хафа бўлмайсизми?

Олим аввал юзини четга бурди. Қиз ўзи билан боғлиқ муҳим чалкашликини ечиб олмоқчи эканглигини сезиб ўйланиб қолди, сўнг бироз жилмайди:

- Хафа бўлишдан кечроқ туғилганман! - деди. Интизор уни дарахтга ўрнатилган ўриндиқча бошлади. Ёнма-ён ўтиришгандан кейин кутилмаганда Олимнинг қўлини ушлади.

- Шоҳбоздан эҳтиёт бўлинг, у - абраҳ одам!

- Биламан!

- Ҳаммасини билмайсиз! У сизни менга ёмонлади.

Интизор болаларча соддалик билан гапирав, Олим бир кулиб, бир меҳри товланиб унга термулиб турарди.

- Нима деди?

- Вой, нима дейишга ҳайронман. Ҳалиги...

- Айтаверинг, яхши гап эмаслигини биламан.

- Ростданми? Аммо хафа бўлиши йўқ. А? У сизни ўғри деди!

Интизор қизариб кетди, айбдордек уялди. Ва тезда Шоҳбозга нисбатан нафратини ифодалай бошлади.

- Ифлос экан у! Сиздан кўнглимни қолдириш учун гапирган!

- Рост бўлса, мендан совиб кетасизми?

Олим унга синовчан, дилидагини кўзидан билиб олмоқчидай қаради.

Интизор ўйланиб қолди. "Нима десам бўлади? Ўринни севмайман, шаҳзода бўлсаям ташлаб кетардим, дейинми? Тўхта, қалбим нима деркин?" У қалбини тинглади: "Сизни барибир севавераман", деган садо келгандай бўлди.

- Менимча, сиз унақа эмассиз! - ўзича Олимни оқлагандай бўлди. Аммо ичига "Шоҳбознинг гапи рост бўлса-чи?" деган шубҳа пайдо бўлди.

Қиз Олимнинг ўғри эмаслигига ишонарди, тўғрироғи, шуни хоҳларди. Аммо севгани учун иллатидан кўз юмаётганини тушуниб етмаёттан эди. Орага сукунат чўкди. У шу қадар оғир ва юракка ботувчи эдики, ҳеч ким бузишга журъят этмаётганга ўхшарди. Йккови бир-бирини нималар ҳақда бош қотираётганини аниқ билмас, Шоҳбознинг гапи орага совуқлик солиши мумкинлиги уларни

ташвишлантырмас эди. Ниҳоят, Олим ўзини құлга олди.

- Интизор!
- Эшитаман, Олим ака!
- Эртага дарсдан кейин соат учда "Таманно"да учрашсак майлими?

Интизор Олим акаси учрашувга чорлаётгани ва иккөвларига тааллукلى мұхим гап айтмоқчилигини ўйлаб, болаларча севиниб кетди.

- Албатта учрашамиз! Сизга айтадиган бир дунё гапим бор.

- Наҳотки!
- Ичим тұлиб кеттан! - ҳазиллашды қыз.
- Бүшатишга ҳаракат қиласман, албатта, құлимдан келганича.

Олим Интизорни кузатиб уйга киргач, юрагининг ўнг томонида Интизорнинг ёқимли чеҳрасини, чап томонида Шоҳбознинг хотинчалишлик билан ёмонлаётганини күрди. "Шу ифлосга раҳм құлмасам бұларкан. Гапиролмайдиган бұлгунча уриб, абжагини чиқаришим керак эди". Сұнг ҳовлисига қаради-ю, күнгли вайрон бұлди. Дераза бүеклари офтобда қовжираб кеттан, деворлари нураётган, эскириб, ҳақиқий тул хотиннинг уйига ўшаб қолған эди... Юрагини алам қоплади. "Нега мен данғиллама уй қуришга қодир эмасман?" У муштини тутиб уйга кириб кетди...



Олим кетгач, хоналонда таранг ва нохуш вазият пайдо бўлди. Ҳамма гапни эшитган, вазиятни тушунган Зарина акасини номардликда айблади. Олим камбағал бўлса ҳам одамгарчилликда ундан устун эканлыгини айтиб, акасининг ғашига тегар, жаҳлини чиқаради. Шоҳбознинг орияти қўзғалар, хатосини тушунишга ҳаракат қиласади. Ёшгина, чиройли синглиси Олим ўғрини деб, акаси билан тортишаётганини ҳазм қилолмас, аччиғи келарди.

Ҳамидулла ака ўз обрусыни ҳам ўйлаб ўғлини керагича сўқди ва Олим билан алоқани тиклаб олишга мажбур қилди.

- Ҳеч қачон! - деди Шоҳбоз керагидан ортиқча фурур билан,
- мен гадойдан кечирим сўрамайман, жанжални бартараф

этишни ҳам истамайман. У - ўғри, кассоб, ўқувчилик даврида телефонимни, пулларимни ўғирлаган, аммо туюни ютиб думини кўрсатмайди.

- Сен буни исботлаганмисан? Далилинг борми?
- Йўқ! Исботлаш шарт эмас! Олим - ўғри! Тамом-вассалом.
- Кечириб қўясиз, ўғилчам, - деди Ҳамидулла ака унинг олдига келиб кўрсаткич бармоғи билан чаккасига нуқиб, истеҳзо ва нафрат билан гапираркан, - бу дунёқараш билан мошпоягаям боролмайсиз! У мардикорлар билан прокуратурага шикоят ёзса, ҳаётига тажовуз, жонига қасд қилганингиз учун панжара ортига кетишингиз, мениям ишдан мосуво қилишингиз турган гап, тушундингизми?

Шоҳбоз қўрқиб кетди. "Панжара орти" сўзини эшишиб, юраги шув этди. "Зўравонлик билан Интизорни дала-ҳовлига қамаб қўйганини эшилса, дадам қай аҳволга тушаркин? Хато қилдим-да. Нега миям ишламай қолди?"

- Олим Интизор билан Санжарни қўлга олиб, прокурорга ёзса, мени дадам ҳам кутқаролмайди, - дея ўйлади-ю, ўзини кўярга жой тополмай қолди.

Ҳамидулла ака гапи таъсир қилганидан севинди. Ва совчилик масаласида Акрам тоғасининг "Сиздай одамга бермаса-я, амалдорларниам хурмати қолмабди-да!" деган гапи эсига тушиб, аламини ундан олиш фурсати келганини англади.

- Шунақалигингдан мендек обрўли одамга Қаҳрамон қиз бермади. Ислодга қўйдинг, доно ўғлим, тушундингми?!

У бошқа гапирмади. Шоҳбоз зил кетиб, срга қараганча ўйланар, Олимдан кечирим сўрашдан кўра, шаҳардан чиқиб кетиш яхшироқ туюларди.

Ҳамидулла ака йигилишим бор, деб чиқиб кетиши билан эшик ортида ҳамма гапни эшишиб турган Зарина кириб келди.

- Дадам ҳақдар, Интизордан "Мени ёқтирасизми?" деб сўраганмисиз?

- Э, - деди Шоҳбоз нима гапиришини билмасдан ижирғанаркан, - сен қолувдинг менга насиҳат қилмаган! Йўқол!

- Йўқолмайман, акамсиз, тушунишингизга ёрдам бермоқчиман!

- Ўзим яхши биламан!

- Билсангиз, нега Индига зўравонлик қилдингиз! Нега кўнглини олиш ўрнига қўл-оёгини боғлаб, дала-ҳовлига ташладингиз? Ўйлаб кўринг, менга бегона йигит шундай муносабатда бўлса, нима қиласдингиз? Айтинг?!

Шоҳбоз уялиб, бирор тушунмайдиган тарзда қўл силтади-ю, гапиролмади.

- Яхшиямки, Индининг Олим акаси бор, - таъна билан давом этди Зарина. Гап оҳангиди "Афсуски, Олим ака меники эмас!" деган маъно бор эди. Шоҳбознинг ғаши келди, Олимга нисбатан нафрат түйди қалбиди.

- Сизга қойил қолмадим, нега Олим акага ўхшаб мард эмассиз?! Одам севгилисими эҳтиётлаши керак, тушундингизми?!

Зарина Шоҳбозни мот қилиб қўйди. Таънаси акаси кўксига бигиздай санчилди, орини қўзгади. Яна бир-иккита сўз эшилса, портлаб кетгудай аччиқланди. Аммо синглиси ҳақ, ёш бўлса ҳам кўзини очиб қўйди. Шоҳбознинг тишини-тишига қўйишдан бошқа чораси қолмади. "Бу қаердан эшилган, дадамга айтмадимикин?" Тили қисилган одамдай Заринага писиб, зимдан қаради. Кўзларида ноҳақликка қарши исён бор. Бу - хатоларига қаршилигини, уни бостириш учун Олимдан узр сўраши кераклигини тушунди! У узрини қабул қиласмикин? Адоватни ўзи туғдириб, ўзи бош эгиб борса, дўстлари олдида обрўси бир пул бўлмайдими?

Омад қўлдан кета бошладимикин? Шунча вақт ота далласи билан ишлари олдинга босганди, энди назаридан қоляптими, нима қилиш керак? Маслаҳатлашадиган, вазиятни бартараф этишга ёрдам берадиган дўст борми? Умуман, сирини ташқарига чиқармайдиган дўст топиладими дунёда?

Бу саволларга жавоб тополмайди. Чунки пулдан бошқа ишонгани йўқ! Сигингани ҳам, юргургани ҳам пул, кечак-ю кундуз ўйлагани пул. Аслида Интизорни чин дилдан севмайди, уни ёқтиради. Агар пул билан қизни ёнма-ён қўйилса, у пулни танлайди! Таассуфки, қизни танласа, пулни ақл билан топиш мумкинлигига фаросати етмайди... Заринанинг муомаласи замирида шу мантиқ борлиги учун у енгилди, жавоб қилолмай қолди. Негаки, нияти пулдан иборатлигини бошқалар билса, хашаги очилиб қолишини тушунса керак!

- Интизор опанинг ўрнида бўлганимда сизни судга берардим! - шадлодлик билан сўзларди Зарина, - чунки сиз шунга муносибсиз! Бундан ташқари, Олим ака энди сиздан қасдини олса керак!

Синглисининг гапларини индамай тинглаётган Шоҳбоз "қасд" сўзини эшишиб, бирдан чўчиб тушди.

- У билан гаплашгандай ўйлайсан-а? - ичидан тошиб келаётган қўрқувни яширишга уринди у.

Шоҳбознинг попуги пасайиб, юрагини ваҳима қоплади.

- Унгаям зўравонлик, босқинчилик қилгансиз, - боягидан кўпроқ шиддат билан давом этди у, - сабабсиз қалтаклагансиз. Ҳатто ўлдирмоқчи бўлгансиз. Бошқанинг ҳаёти сизга ўйинчоқми? Ўзингиз одамсизу, бошқалар чумолими? Кечириб қўясиз, акажон, "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил", деган мақолни унутмасангиз яхши бўларди! Хайр, омон бўлин!

Шоҳбоз Зарина айтган аччиқ ҳақиқатни ичидан тан олди. Аммо ғафи келди. Кўп китоб ўқиши натижасида синглиси дунёни унга нисбатан теран, кенг тушунганига бир ҳавас қиласа, бир ёмон кўриб кстарди...

Зарина чиқиб кетди. Шоҳбоз чукур ўйга толди. Вазиятни таҳлил қиларкан, ваҳимага туша бошлади.. Олим қасос олса, янчиб ташлайди. Чунки у бақувват, эпчили.

У ёмон ишга кўл урганини ҳис қилган сайин ваҳимага тушар, отиб ўлдириб қўйганимда, шерикларимдан биттаси албатта сотарди, бундай қилмагандан ҳам жиноят бир куни фош этилса, елкамда гуноҳ билан узоқ йилга қамалиб кетавсрардим, деся титраб кстарли.

Бундан ташқари, мактабни битиргандан бери ўқишини иккинчи даражали ишга айлантириб, фақат пул топишни, нима қилиб бўлса ҳам ниятга етишни ўйлабди-ю, инсонийлиги шаклланмаса, одамларни ва ҳастни яхши билмаса, улкан муаммолар келиб чиқиши, ўзи ҳам фожиалар гирдобида қолиши мумкинлигини ўйламабди. Катта пул топиб, сўнгти марказдаги машина минса, чиройли кийиниб юрса, одамлар хурматимни жойига қўяверади, деб хато ўйлаганини, назарга тушиш, мақсадга етиш учун адолат туйғусини тўғри англаши, одамзод тан олган тўғри йўлдан бориши зарурлигини энди англаб стяпти. Молу давлат ақл қўзини кўр қилиб қўйгани етмагандай, келажагини тўғри

белгилаш салоҳиятини ҳам емириб ташлабди...

"Кечирим сўраб Олимнинг олдига бораймикин?" - кўнглидан ўтказди оҳиста, лекин бироздан кейин "Ҳеч қачон!" деб юборди. Аммо кўнгли таскин топмади. Иккиланавериш эса миясига бошқа фикрларни келтиради. Олимдаги қасос фикрини йўқотмаса, эрта-индин фожиа бостириб келадигандай қўрқа бошлади. Сабаби оддий: Олим ўлса, қолиб кетадиган, йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ, аммо мени ўлдирса, топган пулларим, машинам кимларга қолади, деган изтироб вужудини чулғаб олди. У дунёда ҳамма нарсага чидайди, аммо бойлигидан ажрашни ўлгандан ёмон қабул қиласди. Шоҳбознинг кўз олдидা ўз фожиаси намоён бўла бошлади....



"Интизор, кўзингизга қарасам, фикрларим пардай тўзиб кетади. Шунинг учун хат ёзяпман.

Мен яқинда Россияга ишлагани кетаман. Қачон қайтишимни билмайман. Юрагимдаги гапларни айтмасам қайтгунча чидамайман.

Шоҳбоз тўғри айтибди. Мен ҳақиқатан ўғриман! Ўша куни сизларникига уч миллионлик тилла буюмларингизни ўғирлаш учун киргандим. Аммо чиройингизга маҳлиё бўлиб, қаттиқ севиб қолдим ва мақсадимни унугиб, сиз ўқиётган китоб, Шоҳбознинг хати ва энг муҳими, расмингизни олиб орқамга қайтдим! Шундан бери сизни ўйлайман, ҳаётимнинг бир кунини ҳам сизсиз тавсавур қилолмайман! Аммо...

Шундан бери "Унга муносиб эмасман!" деган аччиқ сўз қийнайди мени. Сиз бой оиланинг қизи. Мен ўғри, камбағал бир етимчаман! Аммо севиш учун бой-камбағал бўлиш шарт эмас, тўғрими?! Сизни севиш баҳтми- баҳтсизликми - ҳозирча билолмадим. Аммо тенги-тенги билан деганларидаи, дадангиз мени күёв қилмаса керак, деб ўйлайман!

Лекин нима бўлган тақдирдаям сизга бирор таҳдид қилишини истамайман, Шоҳбозни шундай жазолайки, бир умр кўзингизга қаролмасин!

Менга ачинишингизни истамайман. Ўз мақсадларим бор.

Шу йўлда ишлайман. Ҳайр".

Олим "Таманно" кафесига келганида Интизор анчадан бери кутиб тургандай туюлди. Интизорнинг кўзлари порлаб, кайфияти кўтарилиб кетганини сезди. Бироқ у жиддийлигини йўқотмади. Қиз ҳавас билан сўрашди, Олим одмигина қўл узатди. Сўнг хатни берибоқ, ҳаммасини ёзганлигини айтиб кетиб қолди. У билан суҳбатлашишни кечадан бери кутаётган Интизор Олим акаси нега бундай қилганини тушунолмай, алам билан қолаверди.

Хатни ўқигандан кейин эса ҳайрат ва таажжубдан карахт бўлиб қолди.

Интизор шу чоққача ўзини бойнинг қизи деб ўйламаган, ҳамма биздек яшайди, деган фикрда юради. Оиласининг бойлиги, фаровон яشاши Олим акасидан узоқлаштирас экан, ҳозироқ бундай ҳастдан воз кечиши, оддий одамлардек яшашни ўрганиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўрди. "Дадам унга бермасмикин, мени баҳтли бўлишимни ўйласа бундай қилмайди. Ҳозиргacha кўнглимта қараган, балоғатга етиб, турмуш қурадиган пайтим келганда менга тескари бўлиб олмаса керак! Ҳамма айтганларимни муҳайё қилган дадажоним севганимдан жудо бўлишимни хоҳламайди. Камбағал деб бермаса, ўзим кўндираман. Севганимдан бошқаси билан яшамайман! Ҳадсмай олий маълумотли бўламан, ўзимни севмаган, танимаган одамга топшириб қўймайман. Олим акам мени ҳимоя қила олади. Кучли, юраги тоза, мард йигит, дунёда унақаси бўлмаган, бўлмайди ҳам".

Энди унинг Россияга кетиши масаласи уни қийиноқса сола бошлади. "Усиз қандай чидайман? Ишсиэликдан кетаётган бўлса, дадамга айтиб жойлашишига ёрдам беришим мумкин-ку! У билан очиқ гаплашиб олишим керак!"

Хат охиридаги иккита гап унга қаттиқ таъсир қилди. Юраги тошиб, севинганидан қайта-қайта ўқиди: "Севган қизимга бирорвлар таҳдид қилишини истамайман. Шоҳбозни шундай жазолайманки, сизга қўлини текизиш тугул бир оғиз тапиrolмайдиган бўлсин!"

Интизор ҳаммадан кучли, рақибларини янчиб ташлайдиган йигити борлигидан фахрланиб қўйди...



Олим кейинги пайтларда ҳунарсиз, ишсизликдан күп сиқиладиган бўлиб қолди. Кучли, ақл-хушли бўла туриб, ёмон яшашни ўзига эп кўрмас, камбағалликни ҳақорат деб тушуна бошлаган эди. Мардикорликда йигирма тўрт соат ишлагани билан шароитини яхшилашга қўзи етмади, баъзан аччиғи келиб, бозорга бормай уйга қамалиб ётарди. Ота-онасидан хафа бўлади, гоҳо ўйлаб-ўйлаб, ночор ҳаёти ота-она хатоси эмас, қисмат эканини тушунади-да, қайси йўлдан боришни билмай қийналади. Бир вақтлар кучли ва шафқатсиз бўлишни ўйлабди-ю, ўз билими билан олий ўқув юргига киришни нега ўйламаган? Худо пешонамга яна нималар ёздийкин, деган изтиробли саволлар билан ёруғ, баҳтли кунлар келишини истайди...

Синфидаги ўттизга яқин бола ўқиган бўлса, фақат унинг ота-онаси ташлаб кетган, кўплари ўзига тўқ, бадавлат оиласнинг болалари эди. Уч-тўрттаси камбағаллиги учун қалака қилганида аччиқланиб, газаби қўзғалар, раҳми келганлар эса орини қўзғар эди, бундай лаҳзалардан у жуда қўрқар, имкон қадар ўзини олиб қочар эди. Ҳолатини бирор тушунмайди, аммо ўзи чуқур англайди: гурури баланд! Ҳеч кимдан кам эмаслигини қўрсатиб қўядиган вақти кслади. Меҳнатим билан келажагимни қураман, деган ният ила яшайди. Назаридаги, ҳадемай ўзини тиклаб олиб, бош эгмасдан яшаш баҳтига эришадигандай сеззади ўзини...

Кейинги кунларда янгиликни кузатяпти. Қувватга тўлиб, рақибларни, тўсиқларни бир ҳамла билан янчидан ташлайдиган шиддат пайдо бўляпти танасида. Эрталабки машқларни иккى баробар кўпайтирган бўлса ҳам чарчамайди. Ўзича машқ куроли қилиб олган оғир темирларни қийналмай қўтаради. Ёмонлик қилганларни бир зарб билан ағдариб, иккинчи бош кўтармайдиган қилиб кўйишни истайди. Танасидаги шижоат, ёввойи куч билан баланд деворлардан бир сакрашда ўтиб кетади. Ҳозир мусобақадаги рақиблари бўлса, уч минутда довдиратиб кўйгудай қудрат сезади ўзида... У Шоҳбоз билан ҳисоб-китоб қилиш мавриди кслганини тушунди.

Кечга яқин уйига излаб борганда бир неча дақида ўтмасдан

Шоҳбоз остоңада пайдо бўлди.

- Узим сени қидириб бормоқчи эдим, оғайни! - деди кутилмаганда у, - ўйласам катта хато қилган эканман. Ўн йил бирга ўқиган синфдошлар ёвлашиб юрсак уят-да! Энди кўзим очилди.

Олим найрангни тушунди. Аммо нега тилёғламалик қилаётганинг тагига етолмади. Кўзларида қувлик яширингани учун мақсадини билишга қийналди

- Иккаламиз холи жойда гаплашиб олсак!

- Ҳаммасига тайёрман! - деди Олимнинг гапи тугамасдан Шоҳбоз, - болаликдаги хатолар ҳеч нарса эмас, Олимжон, энди ақлимиз кирганда дўст бўлиб яшашимиз керак-ку, тўғрими?

"Кеча пешонамга тўппонча тираб жаҳаннамга жўнатмоқчи эди, бирдан синфдошлиги эсига тушиб қолибди-я? Шайтондан дарс олган шекилли..."

- Шаҳар ташқарисига чиқсан дегандим...

Олимнинг назарида, Шоҳбознинг кўнглига ёмон фикр келмади ёки келган бўлсаям усталик билан яшира олди. "Мен машинани олиб чиқай", деб гаражга томон юргизда:

- Таксида борсак яхши эмасми? - деди Олим йўлига гапираётгандай.

- Тайёр машина, сен билан менга хизмат қилиши керак-да!

Шаҳар ортда қолди, Шоҳбоз Олим қаерда гаплашишни мўлжаллаганини тушунмай бир кўчага, бир унга қарап, мақсадини тушунмай, хавотири кучайиб борарди. Андижонга буриладиган катта чорраҳага етишганда:

- Чапга бур! - деди Олим буйруқ оҳангидা.

Озгина юргач, кимсасиз дала бошланди, йўл четидаги тутларни ҳисобга олмаганда, далага ҳеч нарса экилмаган, тутлар ортида салкам ҳовлидай ерга соя ташлаб турган чинор шамолда салобат билан чайқаларди.

- Тўхта! - деди боягидан баландроқ овозда Олим.

Шоҳбознинг қўрқувдан ранги оқариб, хавотири кучайганини Олим сезди. "Юраги йўқ экан!". Чинор тагига боришгач, қўрқувнинг зўридан Шоҳбоз чўчқага ўхшаб, хуриллаб нафас оларди.

- Чўллаги ботирлигинт қаёққа йўқолди?

Шоҳбоз Олимнинг кўзига қараб шафқатсизлик, жиловлаш қийин бўлган ваҳшийликни кўриб кўрқиб кетди. Танасидан хужумга тайёрланган бўрининг шахди ёғилиб турарди.

- Ширин сұхбат қургани келмаганман, - деди Олим унинг тўғрисига келиб кўзини қадаркан, - бир нарсани сўрамоқчиман.

- Бемалол, сендан кечирим сўраб, орамизни тозаласам дегандим....

Шоҳбознинг овози титрар, Олимнинг важоҳатидан кўрқаётгани яққол сезилиб турарди. Орага оғир сукунат чўкли. Шоҳбоз гап бошлашга чўчирил, иллати борнинг илиги қалтирайди, деганларидек, оёғи куйган товуқдай типирчилар эди. Юраги бетоқат бўлди. Саросимаси кучайиб, зимдан Олимга қаради. У ҳиссиз маҳлукдай ғазабга минган, яхши гап шахидан қайтаролмас эди. Чимирилган кўйи бир ерга, бир унга қараши юрагини тешиб юборай дерди. "Эҳ, бирор нарса десант-чи!" Назарида, бу сукунатга чидашдан кўра, жаллод кундасига бош тутиб берган яхшироқ эди!

- Ўша куни нега отмадинг? - деди Олим шиддат билан,

- қўл-оёғим боғланган, ночор эдим?

"Хайрият!" - анча енгил тортди Шоҳбоз.

- Биласанми, дўстим, одам ҳар хил вазиятга тушарканда, - гапни айлантира бошлади у, - бировларнинг гапига кириб хато қилибман...

- Сен аниқ жавоб бер!

- Тўғри, озгина кўрқитиб қўймоқчи бўлдик, аммо...

- Чайналма!

- Қарасам, кераги йўққа ўхшади. Ахир, синфдошим-ку, дедим ичимда...

- Хотинчалишга ўхшамасдан дилингдагини гапир!

- Хато қилдим, мени кечир, дўстим!

- Кечирадиган иш қилдим деб ўйлайсанми?

- Сен билан яккама-якка гаплашишдан мақсад нималарга қодирлигингни билмоқчиман! Чўнталингдаги тўлпончани чиқар!

Шоҳбоз тўлпончани берди. Қўли қалтирас, вужудида дармон қолмаган эди.

- Энди отиш навбати менга, лекин мен отмайман, чунки юрагингда мардлик бўлмаганидек, бу матоҳингда ўқ йўқ!

Олим кутилмаганда Шоҳбознинг башарасига мушт туширди, у бир чайқалди-ю, йиқилмади, аммо иккинчи мушт бўйни аралаш тушганда додлаган кўйи орқасига қулади, тупроққа беланиб башарасини ушлади.

- Тур ўрнингдан, чўчқа!

Олим ўхшатиб тепганда Шоҳбознинг додлашга нафаси етмай қолди. Семиз чўчқадай ерга ағанади, тупроққа беланди.

- Тур деяпман, сенга!

Буйруқ тепкидан кучлироқ экан, Шоҳбоз инқиллаган кўйи ўрнидан турди. Башараси таниб бўлмас даражада чанг эди.

- Ўлиб кетганимда хурсанд бўлардинг, ростми?

- Мен, мен...

- Мени учта лайчанг билан олиб келувдинг, мен ўзим, оёқ-қўлингни боғламасдан машинангда олиб келдим. Кучинг бўлса кураш!

- Курашолмайман...

Олим уни зарб билан тепиб, чўккалатиб кўйди. Сўнг бир қўлида сочидан чаигаллаб, икки бармоғи билан бўйнидан бўғди. У хириллаб юборди. Бош ва кўрсаткич бармоғини гўштли бўйнига - кекирдаги ортидан ботиаркан, кўзлари олайиб, нафас ололмай қолди. Олим энганиш унга даҳшатли кўзларини қадади.

- Мен чўлда бўрини ўлдириб қонини ичганман, энди сеникини ичаман!

Бу овоз шу қадар хунук ва қўрқинчли чиқдики, ундан ўлим нафаси келаётгандай эди.

Олим кутилмаганда кучга, газабга тўлиб борарди.

Бироздан кейин рақиби ўлиб қолмаслиги учун темирдай панжасини сал бўшатди. Шоҳбознинг кекирдаги эзилиб йўтал келди, бўғриқиб, ялтираб кетган башараси кўкариб борарди. Бир-икки нафас олиб, сал ўзига келгандан кейин Олим яна бўғди. Шоҳбоз оғриқ ва ҳаво етишмаслигидан даҳшатли қоронгуликка тушиб қолди, ер чир айланиб миясига азроилнинг гурзиси урилди. Зулмат ичидан илонга ўхшаган даҳшатли маҳлуқ учиб келди-да, юрагига тишини

ботирди. Танасида оғриқ шу қадар күчли әдіки, чала-чулпа қолган онги билан тушунишича, жони чиқиб кестишига бир баҳа қолди.

- Ҳаётинг менга керак эмас, қийноқларинг учун товон тұлайсан!

Шоҳбознинг жони күзига күрінди. Ҳаёт ва ўлим орасида қолганини ҳис этиб, калласини аранг қимирлатди. Тирик қолиш учун ҳамма нарасага тайёр эди.

Олим бүйнини бүшатғандан кейин Шоҳбознинг вужуди шалвираб, үзини ташлаб юборди, тинмай йұталар, бўғизланган молдай ерни чангитарди.

- Тур ўрнингдан, ҳезалак!

У турмали, гапиришга, гавдасини күтаришга иродаси етмади. Кўзи қорайиб, борлиқни идрок этишдан маҳрум бўлгандай беҳол старди. Олим унинг юзини осмонга қаратиб, икки бетига шапатилади. У алланарса деб гудранди. Боши айланар, кўнгли бехузур бўлиб, қайт қилгиси келарди. Олим тутқатор тагидаги сувдан ҳовучида олиб келиб башарасига сепди. Шоҳбоз ўзига келди. Аммо саволга жавоб берадиган сиёқи йўқ. Кутимаганда айёргик қилаётганини сезиб қолди.

- Гапимни тушундингми ё ўлиб кетаврасанми?

Олимда тирноқча шаҳм-шафқат йўқлигини сезган Шоҳбоз дарров машинаси, пулларини ўлади. "Мен ўлсам, кимга қолади?" Фойидан куч келгандай ўрнидан турди ва Олимга ялина бошлади.

- Жон дўстим, илтимос, мени кечир, нима десанг тайёрман, ортиқ қийнама, юрагим касал!

- Бетингга чертса қон томади, ўйин қилма! Юрагим эмас, онам касал десанг ишонаман!

- Ҳа, онам касал...

Бу гап номигагина айтилгани учун Олимнинг жаҳлини чиқарди. Яна Шоҳбознинг бўғзига панжаларини ботирди.

- Кекирдагингни суғурсам, томирингни узиб, қонингни ичаман!

Еввойи қўрқув юрагига қуюндай ёпирилиб кириб, Шоҳбознинг юрагини япроқдай титратди. Башарасида аянчли из қолдириб, дунё азобларини эслатиб қўймоқчидай жонини оғритди.

- Гапимни эшит: ҳозир кетамиз, икки соатдан кейин беш миллион сўм пул билан Олчазор бекатида турасан, у ёдини кейин гаплашамиз! Бирор кишига айтсанг, истаган вақтимда жонингни оламан! Аяб ўтирмайман, тушундингми?

Душман олдида ўлимдан қўрқкан одам хор-зорликка маҳкум бўлганидек, у ҳам титраб-қақшаб бош иргади ва Олимнинг бунчалик шафқатсиз ва кучли бўлиб кетганидан доғда қолганини алам билан тан олди...



Интизор ҳиссиётга берилишни хушламайди. Дадасига ўхшаб, муаммоларни реал шароитда ҳал қилишга ўрганганд. Ўзини, бировларни қийнаш, ялинтириш табиатига ёт хислат. Мақтанчоқликни кўтарга кўзи йўқ, кибру ҳаволи қизларни жини сўймайди. Фақат гўзаллиги учун орқасидан юрадиган йигитларни сўкиб беради, улар билан учрашишни, гаплашишни ҳам истамайди. Дугоналаридан бирортаси унинг бўш юрганини, бачкана гаплар билан валақлашиб ўтирганини эслолмайди.

Олимнинг хатини олиб уйга келганидан кейин руҳиятидаги тушкунликни йўқотиш имкони борича ўтган воқеаларни ўйламасликка ҳаракат қилди.

Нигинанинг феъл-автори ўзиникига ўхшагани учун у билан кўпроқ гаплашади. Бошқалар билан яқин эмас. Икки кундан бери Олим акаси билан гаплашишга баҳона қидираётганди. Кеча кечқурун Нигина янги таклиф билан кўнфироқ қилгандан кейин у билан боғланишга баҳона топилганидан севиниб кетди...

Севги баъзи камгап, бир чеккада ғимирлаб юрган қизларни шаддод, чаққон, ҳамма нарсага қизиқадиган қилиб қўйганидек, ташкилотчи, уддабурро қизларни эса камгап, одамови, хаёлпараст қилиб қўяди. Интизор қалбига севги нури тушган кундан бошлаб, иккинчи тоифа томон ўтди. Камгап, ўзи истаган одам билан хаёлан сухбат қуар, севги тошқинлари кўзларида зоҳир бўлаётган маъюслик, баъзан эса ўйчан табассумларда равшан кўриниб туради. Курсдошлари ҳайрон, гоҳо ҳазиллашиб,

тегажоқлик қилишиб, кўксиде севги оловини ёқсан қаҳрамон исмини сўрашали. У тил учида турган сўзни айтмайди, дугоналар эса кўзлари тубидаги Олимнинг суратини кўролмайдилар, нигоҳларида ёзилган исмни ўқий олмайдилар. Тиниб-тинчимас қизлар Нигина орқали ҳаммасини билишгандан кейин эса, устаси фаранг қизга ҳавас ва ҳасад билан термулиб қоладилар... Бир қитмири қиз эрта келиб, аудитория доскасига "Олим Интизорга интизорми, Интизор Олимга интизорми?" деган тез айтиш ёзил, "Ким уни нафас олмасдан беш марта айтолса, Интизор йигити билан бўрини ўртага олиб тушган расмини кўриш баҳтига мусассар бўлади!" деб ёзил қўйибди. Бу гап иккинчи "пара" тугамасданоқ факультетга овоза бўлди. Кўпчилик бир неча марта машқ қилгунларича танаффус тугади. Интизор кулимсираб қўя қолди...

У дарс, курс машғулотларига лоқайд. Раҳбари ўзгаришлардан норози.

- Индихон, - дейди мийифида кулиб, - хаёлингиз паришон бўлмасин!

Киз аввал ерга қарайди, сўнг кечирасиз, дегандай Воҳид Эргашевичга кулиб қўяди.

Үйда Наримон гап сўраса, ўнтасидан биттасига аранг жавоб беради. Ваҳоланки авваллари ҳазиллашавериб Наримонни зериктиради. Кеча кечки пайт у: "Бизнинг Индихон оғизга талқон солиб олган, Диана, опангга сув бермасанг бўлмайди!" дея ҳазиллашади. Укаси Шуҳрат эса "Индини уйимизга тушган ўғри - нинза сеҳрлаб кетган, ҳуши ўзида эмас!" дея кулади. Диана мен ҳам опамнинг ёшига борганда шунаقا бўлиб қолармикинман, дегандай ажабланиб қарайди. Аммо Интизор одатдагидай мийифида кулиш билан жавоб қайтаради.

Бир неча кундан бери Олим акасининг уали телефони йўқлигидан хуноб. Қизларга ўхшаб тез-тез қўнғироқ қилгиси, SMSлар жўнатгиси, учрашув белгилашда фойдалангиси келади. Қолаверса, Олим акаси ҳол-аҳвол сўрашини, қизғанишини, чиройли гаплар билан кўнглини кўтаришини истайди. Кеча орқа партада ўтирган Ҳилоланинг йигити SMSга қўшиб, икки банд шеър жўнатгани ҳаммага овоза бўлди.

Сен ҳаммадан чиройлисан,  
Лобаргинам, гўзалсан.  
Овозингдан дилим яйрар,  
Ширингинам, асалсан.

Фариштадай суратингга  
Термуламан, тўймайман.  
Ота-онанг бермаса ҳам  
Уйланмасдан қўймайман!

Ҳилола кўзлари ёниб, кулимсираб севгидан сармаст бўлади,  
ҳавас қилаётганидан еттинчи осмонда юргандай.

Баъзан шундай сиқиладики, ота-онасига телефонимни  
йўқотиб қўйдим деб, Олимга бергиси, ўзи янги олгиси келади.  
Аммо Олим акасининг аччиғи келишидан чўчиди. У мағрур,  
бўйсунмаслигини ilk кунлардаёқ сезган, муомалада  
эҳтиёткор эди.

Кечкурун кўзи юмилиши билан туш кўрди.

Олов ловуллайди, чарсиллайди, кўкка ўрлайди. Иссиқ ҳаво  
нафасини қайтариб, Йиңизорни ердан қўтаради. Атрофида  
аланга аждарҳодек ютаман дейди, аммо жизғанак қиласидан  
гулхан ўртасида ердан қўтарилиб, бир тушиб турса ҳам бирор  
ерига ўт илашмайди. Фақат олов тафти баданини, қалбини  
мисдай қиздиради, нафас олишни қийинлаштиради. Дунё  
оловдан иборатлигини миясига қўйиб қўймоқчидай атрофида  
очиқ жой қолдирмай ўраб олади. У олов ичидан чиқиб  
кетишни ҳам, қизиб тураверишни ҳам билмайди...

Ўйғониб, димланиб қолганини сезади-да, кўрпани устидан  
отиб юборади, ҳансираф нафас ола бошлайди. Бирор атайлаб  
димлаб қўймадимикин, дегандай атрофга алантгайди. Сал  
ўзига келгандан кейин нима бўлаётганини идрок қила  
бошлайди...



Олим яқиндаги кафеда овқатланиб, "Олчазор"га келганида  
Шоҳбоз машинада ўтиради. "Тез келишини кутмагандим.  
Жон ширин-да!"

У атрофга аланглади. Шубҳали одам күрінмади. Тез бордида, әшикни очиб, олдинги ўринлиққа ўтири.

- Ҳайда! Йұлда ҳеч кимга тұхтамайсан, тушундінгі?

Олим унга зымдан назар солди: яхшилаб ювинибди. Тақдирга тан бериш ва қийинчилікларга күникиш түйгуси из қолдирған юзи сүлғин ва руҳсиз эди. Бошқача айтганды, оғир касалликни бошдан кесирған нимжон одамға ўшаб қолғанди.

- Пул қани? - сўради Олим бироз юришгач. Шоҳбоз бир чўчиб тушди ва орқага имо қилди. Ўриндиқда пул тұла цеплофан халта турарди.

Шоҳбоз камғап бўлиб қолган, совуқ кайфиятли эди. Айтған пулини жонимни суғурғандай олиб келдим, энди мени азобламайди, деган ишонч бор эди. Бояги ялинчоқтик, айёрлик ниқобидаги лаганбардорлығи йўқолған, юз-кўзларида афсус ва аламға ўшаган шарпа кезарди. Олим бирор фитна йўқмикин, дея хавотирлана бошлади.

Бояги чинорга етишгач, машинадан тушишди. Олим олдинда кетаётган бўлса ҳам слим халта күтариб орқасида бораётган Шоҳбозни кузатарди. Тұсатдан шубҳали ҳаракатини сезди-ю, ҳушёр тортди. У шидлат билан кўлини кўтарғанда мақсадини тушуниб қолди ва қўлидан ушлали-да, елкасидан ошириб отди. Кўчқордай семирған Шоҳбоз орқаси билан "их" деб ерга тушди, қўлидаги овчилар пичоги учиге кетди. Пулларнинг ярми елим халтадан чиқиб атрофга сочилди.

- Душманлигинг рост! Иккинчи марта жонимга қасд қиляпсан, ифлос!

Олим оёғи билан кўкрагилан босди. У қаршилик кўрсатишига ожиз, нафас олишга қийналиб, чангдан йұтаға бошлади. Бир лаҳза ўтмай жағига тепки тегиб, додлаб юборди.

- Энди энантта роль ўйнаб берасан, иблис!

Олим аяб ўтиրмади. Очиқ гўрга тепиб юборганини эслаттида, чўккалатиб тспди. У чидамсиз болага ўшаб ғингшиб йиғлар, баъзан бўкириб юборарди. Аммо Олим шафқат қилишни хаёлига келтирмасди.

- Қонингни ичмаганимга шукр қил! Тур ўрнпнгдан!

У баданлари қақшаб оғришидан ўлиб қолаётганга ўшаб қўрқар, бармоқларини бўғзимга ботирмасин дегандай итоат қиларди. Руҳи сўнган, Худо унга раҳм-шафқат берсин, эсон-

омон уйга етиб олай, деган умидда эди.

- Чўқкалаб ўтири!

Шоҳбоз титраб-қақшаганча тиззалаб ўтириди... Шафқатсизликка юрак олдириб қўйганди.

- Еш боладай калтак симай дессанг, қимиirlамай ўтирасан! Акс ҳолда ҳаётингга нуқта қўяман.

У беш юз, мингталик пулларни слим халтадан тўқди. Ўнлаб, юзлаб купюралар бир марта ҳам ишламаган, яп-янги. Одамнинг кўзини ўйнатиб, дилини боғлаб олаётганга ўхшайди. Шоҳбоз кўлдан кетаётган пулларига очлик ва фожиали руҳ билан қарап, имкони бўлса уларни Олимга бермасдан ютиб юборгиси келарди. Кўзига аччиқ ёш тўлди: пулни олай деса, Олим қонингни ичаман, деб турибди, олмаса, пулга қўшиб юрагини суғуриб олаётгандай асаблари қақшайди. Чорасиз, чидолмасдан мияси гангиг бошини срга урди, дод деди. Кўзига тупроқ кириб, қароги ачишиди. Чиқмаган жондан умид - бошини кўтариб Шоҳбозга қаради, у тириклай ютмоқчи бўлган илондай тикилиб турибди. У бошини эгди...

Олим пулларни ёйиб, оёғи билан эзди. Сўнг хотиржам устига ўтириди.

- Сигаретдан ол! - деди Шоҳбозга қараб.

Шоҳбоз кўйлак чўнтағидан "Палмал" узатди, ичидаги ёндиригич (зажигалка) бор эди.

Олим оғзидан халқа-халқа тутун чиқариб, Шоҳбозга пуллади.

- Бу ерда қанча?

- Беш миллион...

- Каммасми?

- Ишонмасант санаб кўр!

Шоҳбознинг Олимга муносабати ўзгарди: "Энди беш миллион сўм пули бор! Беписанд ўтиришига қараганда уйида бундан кўпроғи бор шскилли. Ичидан пишган! Уни душман эмас, шерик қилсан бўларкан! Оғдириб олсан, фойдаланса бўлади!"

Олим ўрнидан туриб, қаддини керди.

- Пулларни тахлаб елим халтага сол!

Бироздан кейин Олим пулларни тагига қўйиб ўтириди-да, Шоҳбознинг кўзига қаради.

- Айланан йүл билан машинани шу ерга олиб кел!

Шоҳбознинг ори келди, фуури янчилган одамдай қимирламади, Олим буйруқни қайтарди.

- Пулни олдинг, бўлди-да, энди, оғайни, мен хизматкоринг эмасман-ку!

- Шунақами?!

Шоҳбоз кўз очиб юмгунча тушмуғига тушган зарбдан кўғирчоқ айиқдай икки метрга учиб кетди. Кўзларидан ўтишиб, ўзини йўқотиб кўшишига сал қолди. Иккала қўли билан тиралиб туришга интилаётганда тепасида девдай Олимни кўрди-ю, юраги зирқирай бошлади. Ва шу заҳоти бўғзида Олимнинг темир панжасини сезиб:

- Опкеламан, ҳозир опкеламан! - деди хириллаб.

Шоҳбоз юрак олдириб қўйганидан машинани миниб қочишни ўйламас, Олим эртага бўғиб ташлашидан қўрқар эди.

Машина тупроқ чангитиб, чинор тагига келиб тўхтади.

- Баклашкада бензининг борми?

- Бор...

- Олиб кел.

У юхонадан бензин олди.

- Машинадан нарида тур!

Шоҳбоз эшикни очиқ қолдириб узоқлашди. Олим ҳайдовчи ўриндиғидан бошлаб, унинг олдигача бензин қуийб келди. Қолганини ўриндиқларга тўкиб юборди. Шоҳбоз бирор жонини сугуриб олаётганлай қалтирас, гапиролмас, ортиқча ҳаракат қиласа дабдаласи чиқишини, Олимга мутлақо кучи етмаслигини ўйлаб, вужуди бўшашиди.

- Утири! Битта чигал масалани ечишимиз керак!

- Майли... - шартига кўнса машинаси ёнмай қоладигандай умид билан рози бўлди.

- 1-кичик туманда фоҳишахона очгансан!.

Чўккалаб тескари ўтирган Шоҳбоз ток ургандай, ялт этиб қаради. Ер тагида илон қимирласа билади, бу иблис дегандай гудраниб, писмайиб қолди. Аммо бирорта гапини инкор қилолмас, алдаш учун баҳонаси йўқ эди.

- Уч ой олдин қишлоқда яшайдиган узоқ қариндошим Диёрани арзимаган сабаб билан илинтириб, номусига теккансан, сўнг қўшмачингга топширгансан.

- Нима?! Мен-а?!

Шоҳбоз охирги сўзни айтиб бўлиши билан жагига тушган темир муштдан қулоғи жаранглаб, башараси зирқираб кетди. "Гапирмасам бўларкан!"

- Нотуғри десанг, ҳозир гувоҳ обкламан, аммо қизнинг бувиси илигингни ражийди, шундогам у сени кеча-ю кундуз қарғаяпти... У арз қилиб борган орган ходими зиёфатингни еб, "қизни никоҳимга олганман", деган эртагингга ишониб кетаверибди! Оз-моз қистирган бўлсанг керак, тўгрими?

- Гуноҳингни ювишга битта имконият бор!

Зулматдаги одам игна учидай ёруғликка умид билан қарагандай Шоҳбоз Олимга тикилди.

- Бир ой ичидаги тўй қилиб ўша қизга уйланасан!

- Нима?! - кўзлари пиёладай бўлиб кетди Шоҳбознинг, - мен-а?

- Ҳа. Сен! Қизга наша чектириб, номусига теккан одамни айтяпман! Агар бўйин товласанг, гувоҳлар билан прокуратурага ёзади, фоҳишахонангни фош қиласиз, ўзингни панжара ортига жўнатамиз, амалдор отанг ҳам кўшилиб кетиши мумкин!

Шоҳбоз устидан бирор бир пақир сув қўйгандай музлаб қолди. Терговчи сўроқ қилаётгандай юраги ҳапқирди. Оёғи титрар, тили калимага келмас, жиноятини тан олишни истамай, ҳақиқат олдида ожизлигини сезиб тиззалари қалтиради. Вазият таранг: рад этса темир мушт ейди, тан олса шартига кўнишга мажбур! Тавба, ҳаёт шунақаям бешафқат бўладими? Ўз нафси ва ҳаловати ортидан туғилган муаммо оёқ-қўлига киshan солиб беряпти! Бир ёқда ўлиб улгурмаган виждан қийноққа соляпти, гуноҳи оғир ва қўплигини эслатиб турибди. Қўринмас куч, ҳаёт йўлини чархпалакдай айлантириб, азоил ўрнига Олимни келтириб қўйганига хуноб! Терговчига оғизига сиққанини бериб иш битирса бўлади, аммо Олим азоил сингари бешафқат, ҳеч кимни тан олмайдиган қайсар!!

Шоҳбоз кўргуликдан тўйиб кетди. Нима учун бу азоблар бошига келаётганига ҳайрон. Иш қилаверибди-ю, жавоб беришни ўлламабди. Нега? Буни ўзи ҳам билмайди.

- Гапимни тушундингми?

- Ҳа, - аранг гапиради у.

- Шу бугун қызни яхшилаб кийинтириб, бувисиникига олиб борасан, бир ҳафта ичидә уч хонали квартирандан бирини номига ўтказдириб, унға совчи жүнатасан, түйни ота-онанг белгилайди. Тушундінгми?

- Ҳа.

- Үйин қылсанг, үйингни күйдираман! Машинанг, пулларинг күл бўлади!

Шоҳбоз вазиятни ўз фойдасига ҳал этиш учун ҳеч қандай имкон қолмаганини сезгач, юрагини аччиқ изтироб сидириб ўтди.

Олим пулларни олиб, йўловчи машинага ўтираётганда Шоҳбоз машина эшикларини очиб, чангни қоқаётган эди...



Интизор Наримон билан Олимникига борганда кун ботаётган, жанубга чоғланастган қалдирғочларнинг видо ноласи эшитиларди. Фариб, кўримсиз эшик олдида тўхтаркан: "Эй, Худо, Олим акам уйида бўлсин!" - дея дилида такрорлади. Эллик метрча узоқда Наримоннинг кузатаётганини сездида, ўзини ичкарига - эшик ортига олди. Сўнг Олим акасини чакирди.

Дарвозахонада осмондан тушган малакдай турган қызни кўрди-ю. Олимнинг оғзи очилиб қолди. Бугун бошидан кечирган воқеалари етмагандай, янги саргузаштлар кутиб турганини сезди-да, олдига боришини ҳам, ўрнида тураверишни ҳам билмай бир-икки қадам юрганда Интизорнинг соғинч тўла кўзлари ўзига тортиб олди, юрагида мұхаббатнинг ширин тотини сезди.

- Кутмагандим, Интизор!

- Яхшимисиз, Олим ақа!

Яқинлашишганда бир-бирларига ёқимли шамоллари урилиб, соғинч ҳидини туйишиди.

- Олим ақа,- деди маъюс кўзларини унға тикиб Интизор, - агар таклифим ёқмаса мен жинни қызни кечиринг!

- Тинчликми?

- Нигина икковимизни Тошкентта туғилган кун кечасига таклиф қилди. Бирга бориб келамиزمи?

- Наҳотки, иккимизни? Мен у билан бор-йўғи икки марта кўришганман, холос-ку!

Интизор отни қамчиласга тушди.

- Сизни бошлаб боришимни илтимос қилди. Қолаверса, бирга борсак мени хурсанд қиласардингиз, Олим ака! - дея нозланиб тўлғонди Интизор. Ишвали табассуми ўзига ярашар, Олимдаги жиддийликни синдириб юбораётган эди.

- Уларнинг оиласи биз билан жуда қалин!

- Қариндошмисизлар?

- Аласи билан дадам беш йил Германияда ишлашган. Кейин Тошкентда кўшни бўлиб яшаганмиз.

У Олим акасининг кўзига қараб, рози бўлиши мумкинлигини сезди.

- Иккаламиз Тошкентни мазза қилиб сайр қиласардик...

Олим бир неча йил олдин каратэ мусобақасига боргандан меҳмонхонада ётган, марказий кўчалардан ўтиб мусобақа залига борганини эслайди, холос. Телевизорда кўрсатишадиган осмонўпар бинолар, машҳур хиёбонлару, газеталарда мақталадиган боғларини мириқиб томоша қилмаган. Кафеда бемалол музқаймоқ емаган, хиёбонларда сайр этмаган. Ўшанда мактабни битирганимдан кейин Тошкентни шошилмай айланаман, иложи бўлса, бир неча кун яшайман, деб ният қилганди. Ниятига стиш учун кенг майдон очилди, бунинг устига севган қизи таклиф қиляпти. Бундан катта баҳт борми дунёда?! Оламнинг қизиқлигини қарангки, катта амалдорнинг ўғли совчи жўнатса розилик бермаяпти, мендек тирик етим болани ўзи сайрга таклиф қиляпти. Бу баҳтми, тасодифми?

- Мен билан боргингиз келмаяптими? - гина аралаш сўради қиз.

- Нега?

- Ўйланиб қолдингиз-ку...

Юраги тошиб кетаётган Олим розилигини қай йўсин билдиришни билмас эди. Ҳаяжонланар, қиз юрагининг бир парчасига айлангани учун бағрига босиб фунчадек лабларидан ўпиб олгиси келарди.

- Борганим бўлсин!

Олим унга қўл узатди. Интизор унинг бўйнидан кучоқлади-да, юзидан чўлп этиб ўпиб олди. Олимнинг боши

айланиб, юраги сархушлик билан түлди, қизнинг дадиллигидан фахрланиш пайдо бўлди.

- Олим ака! - деди Интизор ўйчан, хижолатомуз. - Илтимос, битта қўл телефони олсангиз, гаплашиб турардик.

- Бир оғиз гапингиз, асалим!
- Бугун мендан бахтли одам йўқ!
- Нега?
- Ўйлаган ишларим ҳаммаси рўёбга чиқяпти.

Қиз қарсак чалиб, ёш болалек сакрар, турган жойида айланар эди. Яна Олимни ўпиб олди. Фўдайиб тураверишни эп кўрмаган Олим қизнинг бўйнидан қучоқлади-да, ўзига тортди. Сочларининг ёқимли ҳиди, танасидан тараалаётган ҳарорат, иссиқ нафас шижаотини ўйғотиб юборди. Қизни бағрига босганида, қовурғалари қисирлаб кетгандай бўлди. Интизор Олим акасининг бунчалик бакувватлигини хаёлига келтирмаган эди. Қовурғалари оғриган бўлса ҳам энтикиб, "Охҳ..." деди, холос...

Иигит қучогида туриш бахт ва лаззат эди, умрида илк бор кечираётган бу сархуш дақиқаларни Тошкентда рўй беришими истаган эди, аммо пешонасига олдинроқ ёзилганидан янаям хурсанд ...

- Олим ака, раҳмат сизга...
  - Нима учун?
  - Тақлифимга рози бўлдингиз-ку... Мен дунёдаги энг бахтли қизман!
  - Мен энг бахтли йигит!
- Улар қўл олишиб, яна қучоқлашиши...
- Эртага телефон олишим билан қўнғироқ қиласман!
  - Мен SMS жўнатаман! Рақамларимни эслаб қолинг....



Ҳамидулла ака кечқурун ўғлини абгор ҳолда кўриб қўрқиб кетди.

Бирор марта кўчадан бундай келмаган, йиллар давомида оила ардоғида ўсган боласи ташвишли аҳволда бўлса-да, ўзини бспарволикка солди. Бироқ кутилмаган ҳолат ортида кўнгилсизлик борлигини ўйлаб, оғзига мум солиб кетаверишни эп кўрмади.

- Тинчликми?..

- Ҳа... - бўшашиб гапиради у, - болалар билан озгина ҳазиллашувдик...

Ҳамидулла ака ҳаммани енга оладиган, ҳар қандай бакувват тўсиқларни бузиб ташлашга қодирлигини ўғли яхши англайди. Шу чоққача топган пул ва обрўни дадаси туфайли қўлга киритганлигини ҳам тан олади. Бироқ ҳозирги дақиқаларда Шоҳбознинг фикри ўзгарган, ҳақиқат ва кучли шахслар олдида дадаси ҳатто Олим ўғричалик эмаслигини тушунганидан бехабар эди. Ҳамидулла ака бир вақтлар ўғлининг чўнтағига жарақ-жарақ пул солиб қўявериби-ю, кутилмаган зарбаларга, қийинчиликларни енгишга қодир қилиб тарбиялаш хаёлига келмабди!

Кейинги кунларда Шоҳбоз инсон шахсан кучли бўлмагунча, ота-она, қариндош-уруглар фожиадан асраб қололмаслигини англади. Кечадан бери ҳаёт ва унинг мазмунини ўйлаб чарчади, нотўғри яшаётганини тушуна бошлади. Ким бўлишидан қатъий назар, чегарани бузиб, одамлар нафсониятига тегса, ҳурматини сунистеъмол қиласа, ижтимоий жазодан отасининг амали, обрўси асраб қолса-да, жабрдийдалар қасосидан қутқаролмаслигини - аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлди. Буни отаси, оиласи ҳам, ҳатто университет ва катта-катта пул топиш йўлидаги усталиклари эмас, оддий ўғри синфдошининг темир муштлари, нафрат тўла нигоҳлари ўргаттани алам қилди!..

- Сени биринчи марта бундай кўришим...

- Йигитчиликда бўлиб тураркан-да. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади...

- Мендан бирор ёрдам дегандай..

- Керак эмас, барча муаммони ўзим ечаман!

Ҳамидулла ака ўғлидаги ўзгаришни сезди. Кечагина дўмбоққина Момиқжон бўлиб ота паноҳида юрган ўғли бугун қийинчиликларни енгиб, навбатдагисидан осон ўтиш йўлини излаётганидан, ҳаётга янгича кўз билан қараётганидан хурсанд...

- Ҳамма ишда эҳтиёткорлик керак, ўғлим!

- Тушунаман...

- Олийгоҳ талабаси башарани кўкартириб юрса ярашмайди, бир-икки кун ўқишга борма...

Хафтада бир марта университетда күринаадиган Шохбоз эндү ўн кун қорасини күрсөтмади. Аммо уни ўқиш эмас, Диёрага уйланиш масаласи ўйлантирап, муаммони ўзим ечаман, деб катта кетганидан афсусланаётган эди.

Онаси касалхонадан чиқди, қариндошлар назарида у согайиб кетгандай, Шохбозни уйлантириш масаласи кун тартибидан тушиб қолгандай, бошقا қызга совчи бўлиб бориshmади. У тоғаси ё холасидан бирига "Диёрани севиб қолдим!" деса, иш осон битиб кетар... Аввал қиз билан гаплашиши, Олим айтгандай бувисиникига олиб бориб қўйиши керак! Лекин қариндошлар Диёранинг кимлигини билгач, "Топганинг ўшами?" деса ерга кириб кетмайдими? Онаси: "Орзу-ҳавас билан шунча йил бир фоҳишани кутганимидим?" деса, дадаси: "Кимлигини суриширганмидин?" дея еб қўйгудай ўқрайиши турган гап! Кейин совчилик ҳам, тўй ҳам бўлмайди, Олим эса... Шохбоз уни ўйласа, бўғзига темир бармоқларини ботиришлари, тошдан қаттиқ мушти билан аямай уришлари, энг ёмона хун талаб қилишлари ёдига тушиб, юраги титираб кетади. Энг ёмона, эзилган, кўкарған жойлари йўқолиб кетади, беш миллион сўм пул заҳри эса юрагидан бир умр кетмаса керак, чунки бу пулларга юрагидан бир парчани қўшиб бергандай бўлганди. Агар келажакла ундан қасос олиш имкони туғилса, шу пул учун азоблайди, ундан ўн баробар кўпроқ ундиради...

Кечга бориб Шохбозни ор-номус, жиноят ва фаҳш билан булғанган фуур безовта қила бошлади. Ўзим зўрлаб номусига теккан, фоҳишахонада ёмонотлиқ қилган қизни қандай хотин қиласман? Таниш, ошна-офайнилари эшитса, кети билан кулмайдими? Ҳатто томи кетган, дся масхара қилишади! Беш кундан кейин талоқ қиласман, вазиятдан чиқиши учун уйланганмай, деб ҳаммага тушунтира оламанми? Бундан кўра, бирор жойга қочиб кетгани ёки қизни йўқотиб юборгани яхши эмасми? Ё Олимнинг зўравонлигини ички ишларга айтсинми? Нима лейди? Унла фоҳишахонаси ҳам фош бўлали. Мардикорларни ишга солиб органга ёёса, қўшалоқ жиноят билан панжара ортига кетаман-ку! Бу ишларни "босди-босли" қиласи лесам, минглаб долллар керак, бундай пул менда йўқ!"

Шохбоз кўкарған жойларига дори қўйиб, икки кун уйда

ётди. Бирога гапирмас, ўйланар, ичи қоронғу, саволларга узук-юлуқ жавоб берарди. Учинчи куни Зарина ҳол-аҳвол сұрамоқчы бўлиб кирганда бошини чангллаганча чукур қайғуга ботган эди.

- Ҳамма тушкунликдан чиқиш йўлини қидирса, сиз бешбаттар бўласиз, нима гап?

- Ҳеч гап..
- Сизни бунақа қўрмаганман...
- Бўп туради. Ўтиб кетади.

- Янгилик: Интизор Олим ака билан Тошкентга Нигинанинг туғилган кунига кетаётган экан!

Шоҳбоз аввал эътибор бермади, кейин "Наҳотки,вой иблис,вой ифлос!" дея аламзадалиги қўзиб, ғазаби тошиб кела бошлади. Нафрат тўла нигоҳини синглисидан олиб қочар экан, иложисизликдан ичи ёнэрди. Хонада айланар, ўзини босишга ҳаракат қиласа ҳам, қизариб-бўзариб кетганидан Заринанинг кўзига қаролмас эди.

- Зиёфат "Флоренция" ресторонида бўларкан, ҳамма қизларнинг оғзида шу гап.

- Ўзимизда қиласа камиб қолишарканми?
- Дадаси Германиядан келиб, уларни чақиртирибди.
- Олимнинг Нигинага ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку!

Зарина ўйчан қиёфада кўзларини ўйнатди-да, акасига бир қаради:

- Менимча, - деди кўрсаткич бармоғини лабига босиб ўйланаркан, - Нигина Олим акани яхши кўрса керак!...

Шоҳбознинг ичиқоралиги бешбаттар кучайди. Кўринмас куч юрагини ғижимлагандай ўзни кўярга жой тополмай қолди. "Шу исқиҳт ўғрини нега қизлар яхши кўради-ю, мендек ўқиётган, тагида янги машинаси бор йигитта ўнг қарамайли. Ҳатто Зарина ҳам Олимни тилидан қўймаяпти

- Борса-боравермайдими, менга нима? - деди тўсатдан Шоҳбоз кўлинин икки ёнга ёзиб, силтаркан.

Зарина акасига ачинди. Чиқиб кетиш олдидан кўнглини кўттармоқчи бўлди.

- Ака, шунгаям қоврилиб юрасизми? Келишган, бадавлат йигитсиз, сизни ундан чиройли қизлар севиб қолишига ишонаман!

Шоҳбоз юрагига назар солди: бўм-бўш! Аввал ҳам унга нисбатан ҳис-туйғу бўлмаган, ҳозир ҳам шунчаки қизиқдан, холос! Нега уни деб калтак еди, бойлигидан ажради, обрўси тўкилди? Энг чиройли қиз билан юряпман, деб ҳаммани қойил қолдириш учунми? Манмансираб бировлардан кам кўринмаслик учунми?

Ҳамманинг ичини кўйдириб, энг зўр машинани минди, сўнгти модадаги кийимларни биринчи кийди, олий даражали ресторонларда майшат қилди, аммо нима учун энг чиройли қиз билан юролмади, пули, обрўси каммиди? Чиройли, келишган эмасмиди? Йўқ, ҳаммаси жойида! Тенгдошлари орасида унга тан бермаган одам кам! Ҳатто кўплари изидан боришга, ёнида юриб, пул топиш, иш битиришни ўрганмоқчи! Аммо Интизор нега ёқтирумади? Ҳатларига жавоб бермади, отаси қизини беришдан бош тортди.

Шоҳбоз бу саволларга жавоб топмагунча уйдан чиқишини истамас, ўтган ҳёти, Интизор ва Олим билан бўлган воқеаларни бирма-бир таҳлил қилишга уринарди. Аммо воқеалар илдизи, занжири ва оқибатларини мулоҳаза қилиб, ечимини тополмас эди. Ўйлашдан, хаёл суришдан чарчаб, ухлаб қолди.

Қанча ухлаганини билмайди. Қоронгуликда теран, аммо нотаниш қиёфа элас-элас кўрипди. Кўзлари маъноли, аммо таънакор боқарди.

- Ҳар қандай қиз мардликни ёқтиради!

Овоз ғафлат бандасига чалинган мис қўнгироқдай жаранглар, руҳнинг туман қоплаган бурчакларига етиб борарди.

- Интизорга севаман деб хат ёздинг, аммо уни севармидинг?

Шоҳбоз чўчиб тушиди, жавоб бериш кераклигини тушунди.

- Севардим...

- Ёлғон гапирма, уни севмагансан, у эса севишингни куттанди, чунки ўзи ҳам севиб қолишини истаганди.

- Наҳотки?

- Аммо сен "Шоҳбоз университетдаги энг чиройли қиз билан юряпти!" деган шов-шувни истардинг, холос. Юрагингни пул ва бойлик ҳирси эгаллаган. Интизор барини сезди ва сени ёмон кўриб қолди.

- Хатларимга жавоб бермади-ку?  
 - Асираликка ким тоқат қилади? Ҳатто "Кавказ асираси" да ҳам рози бўлмаган-ку!

- Тўғрими?

- Ҳа . . .

- Олимга қилган ёмонлигинг учун жазойингни олдинг!

- У ошириб юборди...

- Аксинча, сенга етолмади!.. У - кучли ва шафқатсиз, тўппонча ушлагандага қўли қалтирамайди. Бир уриб нариги дунёга жўнатиб юборарди, аммо сени аяди...

- Темирдай панжалари билан бўғганида ўлиб қолай дедим.

- Жонинг фойдага қолди, аммо ўкувчилик давридан бери камситиб, ҳақоратлаганинг учун ҳали анча товон тўлайсан!

- Оладиганини олди, кейинги шарти оғир бўляпти!

- Шартни бажарсанг, сенга муносабати ўзгаради, гуноҳингни қон билан эмас, талбир билан ювган бўласан! Имкониятдан фойдаланиб қол!

- Фойдаланмасам-чи?

- Фойдаланмасам нима бўлади?

Овоз қоронгуликка сингиб кетди, Шоҳбоз кўзини очганида кўринмас одам билан суҳбат ўнгидами, тушида содир бўлдими - билмай қолди! Атроф жим-жит, деразадан мўралётган юлдузлар имлаётгандай басма-бас жимиrlайди. Ой нурида товланган борлиқ қаҳрабо сукунат бағрида сайр қилиб юрган кемадай салобат билан нафас олади.

Шоҳбоз кимдан маслаҳат сўрашни билмайди, ота-онасига айтишга юраги дов бермайди. Отаси: оиласиз нуфузини кўтариш ўрнига суюқоёқ қизга илакишиб, пастга тортяпсан, дўст-душман олдида обрўйимиз тўкилишини ўйламайсанми, демайдими? Онаси: келинсиз ўтаманки, бу қизни осто намга йўлатмайман, дейиши турган гап! Холалари ва тоғаси бўлса: ўрикни силкитсанг, ўрик тўкилади-да, дадасиям... дея елка қисадилар. Ўртоқлари эса: "янги филиал очибсан-да, дейди"...

Шоҳбоз Йиңизорга яқинлашиб, пулларидан ажралди, обрўсини йўқотди, энди фоҳиша қизга уйланишга мажбур! Ишлари нега чаппа кетаётгани миясига сигмайди! Айбини тан олгиси келмайди. Вазиятдан чиқолмаётганинг сабаби

- айбини тан олмаётгани эканини билмайди:

У эрталаб бошқа одамга айланиб қолгандаи, Худога таваккал қилди. Сочини "Орфлейм"да ювиб, чиройли кийинди, янги туфлисини оёгига илиб, Нигор қўшмачиникига борди.

Коридор тўғрисидаги хонада кўйлакка тутма қадаб ўтирган қизга қўзи тушди-да, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Нигоҳлари ёқимли, қош-қўзи қоп-қора, қадди-қомати келишган.

- Келинг, Шоҳбоз ака!

Шоҳбоз аввалига танимади, аммо кўзларидан Диёра эканини билгандан кейин ҳайрати икки баробар ошиди. "Наҳотки, шу қиз Диёра бўлса?! Очилиб кетганини қаранг! Нега ўша вақтда сезмадим?.."

Бир лаҳзада қиз ҳаётини остин-устун қилган, номини шармандалик билан қоплаган воқса кўз олдига келди.

...Машъум лаҳзалар... Дисрани пул билан алдаб-сулдаб шаҳардаги квартирасига олиб келган, қўполлик ва ҳирс билан бағрига тортганда қиз қандай воқса рўй беришига ақли етмай, кўнгли фожиани сезиб, кучогида типирчилаб қолган, ихтиёри қўлдан кетиш олдидан қўркув ва эҳтирос билан унга ёпишган эди. Шоҳбоз ниятига стгач, тўшакда йиғлаб ўтирган қиз бокиралигини, ҳатто бирор йигитга бўса бермаган беғуборлигини сезган ва юрагида илиқ туйғу пайдо бўлган эди. Қиздаги ёқимли эҳтирос ва йигитдан нажот кутиб бағрида ширингина йиғлашидан ҳам аллақандай ҳаловат ва қайноқ эҳтирослар туйганди. Озгина вақт ўтиб, бу туйғу йўқолди. Қиз орқали пул топиш учун квартирага келтириб ташлаганини ўзи билмай қолди. Ҳозир қизга астойдил термулар экан, ўша ёқимли туйгулар ва қайноқ эҳтирос тўғён қила бошлади. Беихтиёр унга қўл узатди. Кафти, бармоқлари ёқимли, юракда беҳаловат туйгулар қўзғайли. Бир марта кўзга тикилиб, уялгандай ерга қараши ўзига ярашган, фақат кийимлари кенг, ярашиқсиз эканидан оп қилгандай тортиниб турарди.

Шоҳбоз "Танимабман, кечир", дёёлмади. Қўшни хонадан отилиб чиққан Нигор эса ҳаяжонини яширолмай, Шоҳбозга лаганбардорлик қила бошлади.

- Вой келинг, Шоҳбозбек! - Нигор унинг елкаларини силади ва Диёранинг чиройига ҳайрат билан термулиб

турганини сезди-ю, уни меҳмонхонага бошлади.

- Акангга чой қўй! - буйруқ берди аёл Диёрага. Қиз ошхонага кириб кетганида улар журнал столчаси ёнидаги креслога ўтиришганди.

- Келинг, йигит! - деди яна Нигор унга "Кўнглингиз ишрат тиладими?" дегандай иршайиб қааркан, - ишларингиз яхшими?

- Ёмон эмас! Анави қизни чақиринг!

Шоҳбоз саволга ўрин қолдирмади.

Қулида сочиқ билан кирган Диёра диванга ўтиреди.

- Нега кийимларинг хароб?

Диёра ерга, Шоҳбоз эса Нигорга саволомуз қаради.

- Хизматкор ясан-тусан қилиб юрмайли-ку! - деди Нигор аилақандай беписандлик билан.

- Нега хизматкор бўлади бу?

- Ўзидан сўранг!

Шоҳбоз қизнинг леярли яроқсиз ҳолга келган кийимларига, оёғидаги эски шиппакка разм солди. Кафти ва бармоқлари қорайиб кетган, кўзида ҳорғинлик, ҳаётидан норозилик яққол сезилиб турарди. Уни бошқа қизларга солиштирганда чўрининг ўзи! Бойникида қора меҳнат билан кун кўраётган асранди, етимча қизга ўхшайди.

- Нега бунақа юрибсан?

Бир неча сония фикрларини жамлади-да, Шоҳбозга тик қаради. Бундай фурсат келишини анчадан бери кутаётган эди.

- Мени келиб кетувчи бузуқ эркакларга муносиб деб ўйлайсизми? Мен молхонага қўйиб юборилган гунажинманми? Асло! Ҳор-зор бўлиб, бир парча нонга зор бўлган тақдиримда ҳам аёлни сотиб олиб роҳатланадиган эркакларга ўзимни топшириб қўймайман, сиз билан бўлган воқеа биринчи ва охиргиси!

Шоҳбоз ҳайрат бармоғини тишлаганча Нигорга қаради.

- Келгандан бери бирорта эркак билан бўлишга кўндиrolмадим!

- Ростданми?

- Қаттиқ ганирдим, сўқдим, ҳатто хонага судраб икки шалалоқ урдим! Лекин у "Олажон, бир умр чўрингиз бўлай, аммо бу ишни қилолмайман", деб ётволиб ялинди. Иккала

квартирангиздати қызларнинг кийим-кечагини ювали, озиқовқатини пиширади, чўри қатори юрибди.

- Алдамаяплизларми?
- Бу ишларни сизга айтмаслигимни ўзи илтимос қилган! Ҳозир мавриди келгани учун гапирдим-да!

Шоҳбоз Диёрага қаради. Юзидан бегуборлик, маъсумалик балқиб турар, илонлар ичида тирик юрган қуёнга ўшарди. Шоҳбоз тошиб келаётган севинчини яширишга ҳаракат қилиб, юзини тескари ўғирди. Аввал Шоҳбознинг жаҳли чиқса керак, деб ўйлаган Диёра вазиятни дарров фаҳмлади.

- Опа, мендан гап яширсангиз, аяб ўтирумайман!
- Үзидан сўранг!
- Ростми, Диёра?

Шоҳбознинг гаплари шошилинч оҳангда чиққан бўлса ҳам самимий ва унинг ростлигига ишонч туйфуси билан тўла эди.

- Бошқа йўлим йўқ эди...

Шоҳбоз қип-қизарганча ўрнидан даст туриб кетди. Қиз олдида катта гуноҳ қилганини, ҳозир уни ювиш имкони туғилганига шукронга айтиётган эди.

- Кийимларингни йигиштир, бу ердан кетамиз!

Шоҳбоз қиз бола лиbosлари қиммат туришини билмаган экан. Юз доллар етса керак, деганди. Замонавий қызларга ўхшатиб кийинтириш учун икки юз доллар сарфлашига тўғри келди. Аммо Диёра ҳар бир кийимни кийгандан кейин келинчакдай очилиб борар, Шоҳбознинг юрагига тобора чукурроқ жойлашарди. Қадди-қомати келишган, истараси иссиқ, шодликдан табассум қилганда жозибаси янгича жило чиқарадиган парирухсорга ўшарди. Ҳатто ўзини осмонда санайдиган Интизор ҳам олдида ип эшолмасди...

Узини ифлос, жирканч ҳаётдан асраб, Шоҳбоз кўнглига покиза туйғудек ўрнашган бўлса, энди у қадрласа, севса арзийдиган, бир умр ардоқлашга муносиб инсон қиёфасига кирганди. Шоҳбоз ҳар лаҳзада унга боғланиб борарди. Қиз синовдан сабр билан ўтиб, шармандалиқдан сақланиб қолгани, ҳаёсини йўқотмагани учун Шоҳбоз чексиз миннатдор эди. Энг муҳими, бир неча кунлик изтиробларига чек қўйилди...

Уни икки қур кийим-бош билан бувисиникига ташларкан, кўлига бир даста пул берди.-

- Иложи борича күчага чиқма, сендан ўзим жабар олиб турман! - деди.
- Нима гап, Шоҳбоз ака? - ташвишли оҳачигла сўз қотди у.
- Ҳозирча ҳеч нарса демайман, аммо бир нарсани айтишим мумкин: энди Нигорникига бормайсан!

Диёра кўнглида аллақандай енгиллик, майин туйгулар пайдо бўлди. Ҳақоратни ҳастдан кутулиб, одамга ўхшаб яша вақти келгани учун ўпкаси тўлиб кетди, хўрликлар, камситилиш ва оғир меҳнатлар ёсига тушиб кўзида ёш милтилиди. Аммо кўз ёшини орқага қайтариб юбориш учун куч-бардош топди. Шоҳбозга билинтиrmади. У билан хайрлашаркан, аввалини беписандлик ва кибру ҳағони эмас, ўзи номусига теккан қизга ачиниш, ҳастга очик кўз билан қарашиб пайдо бўлганидан хурсанд эди...

Бувиси уни янги либосларда кўрди-ю, ёқасини ушлаб қолди, ғубори тарқай бошлади, уйдан кетаётганда кўримсизгина эди, энди тўлишиб, кийимлари ярашганидан ял-ял ёниб кетибди. Буви Шоҳбозни қарғай бошлагандан Диёра оғзини ёпди.

- У бошқача бўп қолган, буви! Менга меҳрибончилик қиляпти, ёмон гап айтмай туринг...

Шоҳбоз бир қарорга келиб, уйга стиб борганда дадаси телефонда аллаким билан гаплашаётган эди, ўғлининг кўзига қараб, ўзгариб қолганини сезди...



Диёранинг онаси ошқозон раки билан кутилмагандан ҳастдан кўз юмгандан кейин отаси ёш хотин олиб, "дом"га кўчиб кетди. У бувисининг - Олимнинг онаси га хола бўлмишнинг кўлида ўси.

Олим Диёрани кичкиналигидан гоҳ-гоҳ маросимларда кўтар, улғайишган сайин катталар келажакда уларни бириктириш мўлжалида юриштанини сезарди. Ёш эди, қолаверса, бирорта қариндоши юзма-юз "Диёрани сенга олиб берамиз!" демагани учун кулоқقا чалинадиган гапларга унчалик эътибор бермади, аммо юрагининг бир чеккасида "У ҳам ўзимга ўхшаган бечора экан!" деган фикр пайдо бўлди. Йиллар ўтиб, Диёра кўзга кўриниб қолгач, Олимнинг

диққатини тортарди-ю, қыз сифатида унчалик қизиқтирмади. Баъзан унга хаёлчан қараб қўярди-ю, эр хотин бўлишларига ишонмас, негалигини ўзи ҳам билмасди. У мактабни битирганига бир йил бўлгач, рамазондан олдин уйларига аммаси йўқлаб келди. Бувиси:

- Қариб қолдим, Олимжон мендан кейин сарсон бўлмасин, уни Диёрага унаштирсак - дегач, аммадан садо чиқмади. Нега оғзига талқон солгани эса кейин маълум бўлди. Ошнаси Орифнинг айтишича:

- Шоҳбоз уни . . .

У ёғи ўзингизга маълум!

Шоҳбозга нафрати кучайди. Воқеаларни аввалдан кўнгли сезган экан...

Олим Орифнинг гапидан бери ўзини ҳақоратланган, камситилгандай сезади. Шоҳбоз бошқа қизларга эмас, нима учун айнан Диёрага зўравонлик қилди, Олимни камситиш учунми, ёки чиройли қыз шу қисматта дучор бўлганми? Балки Диёра катта бўлгандага енгилоёқ бўлиб қолгандир?

Олим Диёранинг маҳалладошлари, таниш-билишларидан мактабда ўқиган даври, кейинги ҳаёти ҳақида суриштириди. Бувиси билан камбағал яшаган, вақти-вақти билан хотинларга қўшилиб мардикорликка чиқсан, Шоҳбоз картошка эккан йили у билан танишиб қолган ва Шоҳбоз уни алдаб... ниятига етган!

Шундан бери Олим қасос ниятида юрди, аммо бу билан Диёранинг ҳаёти изга тушиб кетмаслигини сезди. Аввал Диёрани Шоҳбоз ботқоқдан чиқаради, кейин тилла узукдаги ахлатни тили билан тозалаган каби қыз номига ёпишган иснодни йўқотади! Шоҳбоз Диёрага уйлангандан кейин уни ноёб гавҳардай асраб юришга кўндиради. Кўнмаса, унга қарашли мол-мулкни Диёрага ўтказдириб, ўзини гадой қилиб кўчага чиқариб қўйиш қўлидан келади...

Шоҳбоз бу режани билмайди, билса мол аччиғида ё ўзини бир бало қилиб қўяди ё таваккал Олим билан курашади.

Олим шаҳардаги энг қимматбаҳо, асл кийим-кечаклар сотиладиган супермаркетга бориб, костюм-шим, кўйлак, туфли ва ҳоказолар харид қилди, камера, фотоаппаратли телефон олиб "Ucell"га уланди. Дўкондан чиқиши билан Интизор билан боғланди.

- Эшиштаман! - деди Интизор оддий овозда.

- Менман Интизор, Олим...

- Вой Олим ака, телефон олдингизми, номёргиз шуми?

Интизор Олим акаси билан биринчи марта телефонда гаплашаётгани учун ҳаяжонланиб кетди, қувноқ кайфиятидан унга юқтириб улгурди.

- Сизни деб олдим!

- Билардим, хурсандман! Фақат-чии? - овозида ноз ва қизғониш бор эди.

- Хўш?

- Бошқа қиз билан гаплашмасангиз...

- Вой-бўй, рашқчимисиз, асалим? - ҳазиллашди севинган Олим.

- Бошқача тушунманг, чин кўнгилдан айтяпман!

- Бу гапда бир хил маъно бор, холос...

Интизор уялиб, ерга қаради. Аммо фикрини жамлагандан кейин кеча айтмоқчи бўлган гаплари ёдига тушди.

- Олимжон ака, - деди бирдан жонланиб, - Тошкентта эртага тушдан кейин жўнаймиз, факультетимиз олдига келсангиз!

Воқеалар тезлашиб кетганидан у шошиб қолди.

- Мунча тез?

- Нигинанинг туғилган куни-ку!

- Интизорхон, - деди Олим озгина сукут сақлагандан кейин. - Шахсан таклиф қилмаганига боргим келмаяпти!

Интизор чўчиб кетди.

- Ака, - чўзиб гапирди у, - мен учун бормайсизми? Ёнингизда юришга арзимайманми? Наҳотки, севган одамингиз билан дунёнинг нариги чеккасигача кетолмайсиз?

Олим кутилмаганда ўзини ноқулай сезди.

- Сиз учун тайёрман, аммо ёнингизда юришга арзиманми?

Интизор ҳазилни тушуниб, тезлик билан давом этди.

- Э, Олимжон ака, эртага тушдан кейин кўришамиз. Келишдикми?

- Яхши!



Ҳамидулла ака ўғлининг гапларидан ҳайрон бўлса ҳам

үйлаб' күришга мажбур әди. Қарындошлари "Сурайё катта ўғлининг түйини күрса, беармон ўтарди", деб шоңилтирасттан әди. Тезроқ қыз топайлса-ю, ўғилній уйлантириб қутулсам, деб юрган вақтда Шоҳбознинг гапи мойдай ёқди. Қизнинг етті пуштини сурыштиришга вақти етмади. Уч марта совчиликқа бориб, Диәранинг бувисидан оқлык олди.

- Түйга шошилтирмайсиз! - деди буви совчилар кетаётганды, - ҳали ҳеч нарсамиз йўқ!

- Э, онажон, - деди Ҳамидулла ака уни хотиржам қилишга уриниб, - түйга қуш ҳам қанот қоқибди дейдилар, қариндош-уруғлар қараб туришмас! Ҳаммаси қовушиб кетади. Қолаверса, бизга ҳеч нарсанинг қераги йўқ! Шоҳбоз топарман-тутарман бола! Бир йилга қолмай рўзғорни бутлаб олади.

- Шунаقا-ку-я... - чайналди буви, - расм-русм, урф-одатлар бор, бирор кулмасин дейман-да!

- Шундай қизни катта қилиб берганингизга раҳмат, түй биз томонда бўлади, биз берган юқ билан маросимларни ўтказиб оласиз!

- Сиз нима десангиз шу-да, болам!

Диёра ҳайратда: наҳотки Шоҳбоздай кибру ҳаволи бола мендай бечораҳол қизга уйланса?

Бувиси ҳайрон:

- Бир балоси бўлмаса шудгорда қуируқ на қилур!

Икковлари гоҳ хурсанд, гоҳ ҳайронлик кўчасида саргардан. Буни бирор уюштираётгандай, эрта ё индинга сир очиладигандай, қалбдаги умид йўқолиб, аввалги ташвиш, аввалги ҳаёт бошланадигандай...

Уни катта жойга узатиш тугул, оддий түй қилишга маблағ йўқ. Кийим-кечак, латта-путта, түй учун озиқ-овқатга пенсияси урвоқ бўлмайди.

Буви оқлык беришга берди-ю, ҳамма ташвиш елкасига ағдарилгандай бўлди.

Оқлык берадиган куни ўғлини қидирди, "дом"га борди, ишхонасидан излади, аммо тополмади, колледжа ўқийдиган невараасидан сурыштирди.

- Уч ой олдин Россияга кетганлар!

- Телефонини айтгин!

Буви Москвага кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтириди, түй учун ёрдам беришини сўради.

- Уч кундан кейин Диёра номига минг доллар жүннатаман! деди охири.

Буви бунча пул нимага қодирлигини билмаса ҳам оқдик бергани үчүн ўғди хафа эмаслигидан севинди. Ҳатто "Сиз ёмон жойга берармидингиз, ойи!" дөя күнглини күтарди.

Бувининг қалбини соат сайин севинч ва шодлик эгаалаб борарди, қийналиб бокқан етим набираси катта жойга, бадавлат оиласа тушаётгани, оғир кунлар ортда қолиб, баҳтлисаодатли дамлар бошланыётганидан бөши осмонда. Шодлиги Диёраникidan зиёда! Сабаби: бир оёғини гүр тортиб турганда қызни эгасига топширияпти! Ҳар ўтиришгандың унга насиҳат қилишдан чарчамас, қызниң құлоқ солаётганидан насиҳатларимни оляпти, деб хурсанд бўлар, дуо қиласди.

Диёра баҳтдан сархуш, саодатдан дилхуш. Бир вақтлар номуси топталиб, аламли, изтиробли кунларни кечирган бўлса, бугун ўзини энг баҳтли қиз деб ҳисоблади. Номусини топтаб, алам гирдобига ташлагани учун Шоҳбозни энг разил, абллаҳ, виждонсиз одам дерди. Кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Нима бўлди-ю, унга инсоф кирди. Нигор қўшмачиникидан олиб, бозорда қўғирчоқдай кийинтириши, бувисиникига ташлаб, бир неча кундан кейин ўз номидан совчилар юбориши етти ухлаб тушига кирмаган, бошқача айтганда бу Худонинг кўрсатган марҳамати, мўъжизаси эди. Баъзан бу тушими-ўнгми, билолмай қолади. У бир йўла икки муаммо: Нигор қўшмачиникида яшаш исноди ва оғир меҳнат, беномуслик маломатидан қутулади. Куёв бокира эмассап, деб таъна қиломайди!

Келажагига соя согтан қора булувлар йўқолиб, умр осмонида баҳт қуёши чараклаш арафасида!

Лекин кун ўтган сайин эна-боланинг таажжуби қуюқлашар, катта жойдан келган совчилар тобора сирлилик кашф этиб бораётгандай эди. Шоҳбоз унга беписанд қараб, номусига тегди; сўнг Нигор қўшмачиникига ташлади. Энди, унга ўйланяпти! Бу иш тагида ўйин борлигини сезган Диёра Шоҳбоз севиб қолишига ишонмайди, чунки у ҚАЛБ одами эмас! Факат пул ва бойлик билан мақсадга етиши аллақачон исботланган. Бироқ шундай одам орадан анча вақт ўтиб совчи жўнатиши миясига сифмаётган бўлса ҳам хурсанд! Шоҳбознинг инсофга келгани тасодифми, тагида сирли

сабаблар борми - ҳануз тушунолмаяпти!

Икковлари түй қақида қариндошларига хабар берішиди. Эртасига уй күтаришиди, кичкинагина ҳовлини супуриб-сidiриб, деворларини оқлаб, тайёргарликни бошлаб юборошиди...



Түғилған кунни нишонлашга кетаётгандарнинг кайфияти баланд. Машиналар бир-бирини қувиб ўтса, құл силкиб қийқиришади. Ўзіб кетишганидан севинишиб, ҳазил-мутойиба билан ортда қолғанлар устидан күлмоқчи бўлишади. Қамчиқ довонида муazzам тоғларга ҳавас ва иштиёқ билан мафтун боқишиди. Тоза ҳаводан тану жон яйраб кетди. Жарликда шарқираб оқаётган сой чиройидан ҳайрат дарёсига фарқ бўлишади. Тош қояларга ўйиб, бўр билан ёзилган исмларни ўқиши учун бир нуқтага тикилишади. Аммо машина тез кетаётгани учун охиригача ўқиёлмай афсус чекишиди. Бироз тўхтаб, ўзлари ҳам номларини эсадлик учун ёзиб қолдиргилари келади. Довоннинг энг баланд жойига еттандада ҳаммалари видеога, суратга тушишиди. Тоққа тирмашиб, арчалар тагида дам олишиди.

Интизор Олимдан ажрамайди. Нигина ўзига оғдириб оладигандай, құлинине қўйиб юбормайди. Расмда ҳам, видеода ҳам ёнма-ён туришиди. Олим ўзини сипо, вазмин тутади, аммо Интизор завқ-шавқини яшиrolмайди, жаннат чиройи ва нафасидай ўраб турган ям-яшил оламга боқиб, гўзал, пурвиқор тоғларда севгани билан юрганидан севинчи тошиб кетади. Қизлар ичини қўйдириб, машинада ҳам ёнма-ён ўтиради. Ўзини чарчаганга солиб, акасининг елкасига бошини қўйиб, кўзларини юмади Энди Олим ҳам акаси, ҳам севгани! Ҳаёт чорраҳаларида акага эҳтиёж сезди, юрагида унинг меҳрини туймоқчи бўлди, забардаст акаси бор дутоналарига чин юракдан ҳавас қилган эди. Худо уни Олим етказди, қизлар ҳавас қиласиди, гоҳо ичи қўйиб ҳасад қилаётганидан Интизор бир олам завқ-шавқ туди, гурури осмон қадар юксалгандай бўлади.

Видеога олаётган йигит Нигинанинг қариндоши экан, түй-базмлар, түғилған кунларда тасвиррга тушираркан, ҳозир

ҳам саёҳатни ҳар томондан суратга олди, бетакрор ва шодлик билан чулғанган соатларни тасмага муҳрлади.

- Қайтганимизда дискка кўчириб бсрасиз! - дейишли ёшлар қизиқишларини яширомлай.

- Бизникида кўрамиз! - деди ҳаяжон билан Олимнинг кулини ушларкан Интизор, - дадам Германиядан оригинал DVD олиб келганлар! Сизга ҳам алоҳида дискка кўчирамиз, бувингиз билан кўрасиз, мени таниб оладилар.

Олим хурсандчилигини яшириб, мийифида кулди.

Нечоғли баҳтиёрлигини ҳис этса ҳам, унтилмас дамлар узоқ давом этмаслигини ўйлаб кўнгли ғаш бўлади. "Интизор куни яхши ўтаётганидан ичига сигмайди! Аммо совчи жўнатсам, дадаси менга бермаслигини хаёлига келтирмайди. Охиригача сева олармикин? Ёки эрмак учун пинжимга кирдимикин?"

Интизорга қараган сайин биринчи учратган дамларини эслаб севгиси аланг олади, гўзал табассуми, янги гиёҳдай беғуборлигини қайта кашф этиб, юрагини тотли туйғулар қоплаб олади. Қўллари, билакларини ушлаб, хушбўй соchlарини ҳидлаганда йигит қалбини ром этувчи жозибаси, иссиқ нафасини туйиб, янги оlamга тушиб қолгандай сархушликка чулғанади. Тошкентгача шу кайфият оғушида юрди. Ресторанда, сокин жойларда суҳбат қуришаётганда ҳам ҳиссиётлари баҳор тошқинларида авж олаётганини, қайноқ кечинмалар ва муҳаббат ифоридан маст бўлди.

Икки қалб севги риштаси билан пайваста эканини ҳамма сезди, аммо бу жараённи аввалдан билишгани учун эътибор беришмади. Ҳамманинг туйғулари ўҳашашлигидан алоҳида эътиборга ҳожат йўқقا ўҳшарди. Соядай эргашиб, бир оғиз сўзига маҳтал бўлган йигитлар бир чеккада қолиб, фақат Олимгина Интизордай гўзалнинг севгисига сазовор бўлганига goҳо таажжуб, goҳо ҳавас билан зимдан қараб қўйишарди...

Кеча гўзал ўтди. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Ўйин-култига тўйишиди. Соатлаб эчкидай сакрашган бўлса ҳам ҳеч ким чарчамади, баҳорий кайфият юракларни тарқ этмас эди.

Интизор кеча мобайнida Олимга бошқа қизларни яқинлаштирумади. Чунки унинг қоматини, ўзини тутишию, мағрур қарапларини ҳавас қилмаган қиз қолмади. Қизларнинг суқланиб боқишлиари Интизорнинг раşкини

келтирап, у эса Олимнинг ҳар бир ҳаракати, нигодини эътиборидан қочирмасди. Олим парво қилмас, унга қараб: чин дилдан севишига ишонди, ҳатто бу ҳаракатлари билан бир умр содик бўлишигага ҳам кўзи етиб қолди, аммо орадан вақтлар ўтиб турмуш қуришларига отаси рози бўлмаслитини ўйларкан, юрагининг бир чеккаси кам сояси билан қоплана бошлади. Кейинчалик Интизор ҳам бу муаммодан изтироб чекишини ўйлаб маъюс тортиб қолди... Интизор буларни хаёлига ҳам келтирмас, мусиқа тўлқинларига мос тўлғонар, севгилиси билан ўйнаб завқ-шавқ олаётганидан баҳтиёр, вақти чоғ ўтаётганидан хурсанд эди. Юз-кўзларидан шодлик ёйлар, қизлар ҳавас ва ҳасад қилаёттанидан боши осмонда эди.

Нигина шаънига илиқ гаплар, мақтовлар ёғилди.

Кеча охирига етганда ярим тунга яқинлашган, ҳеч ким Тошкентдан кўнгил узиб кетгиси келмасди. Жуфт-жуфт бўлиб шаҳар айлангани чиқишиди. Интизор акасининг пинжига кириб олган, Олим сал тортиниб ҳаракатланар, қизнинг ёшлик ҳарорати билан қайнаган танаси унга ҳузур берар, бағрига интилишлари эса туйғуларини жўш урдирарди. Одамлар сийрак хисбонга етганда қиз беш - олти қадам олдинга чиқди-да:

- Олимжон ака! - дея ўнг қўлини кўтарди.
- Эшитаман.
- Сиз Россияяга кетмайсиз!

Бўйруқ оҳанги Олимнинг орини қўзгади.  
- Нега? - сал овозини баландлатди. Интизор унга эркалана бошлади.

- Соғиниб қоламан, бундан ташқари жонгинам, сизсиз яшолмайман!
  - Наҳотки...
  - Ўқишини ташлаб ортингиздан кетиб қоламан!
  - Расмимдан бериб кетаман... - кулимсиради Олим.
  - Жонсиз қофозга қараб соғинчим ёзилмаслигини биламан.
- Олим Интизорга жиддий разм солди. Кўзларидан ошуфта кайфият ёғилаёттанини кўриб уни бузгиси келмади.
- Тез-тез телефонда гаплашиб турамиз.
  - Келинг, Олимжон ака, кетманг, наҳот, менга раҳмингиз келмайди?

- Меднай бўлимида рўйхатга ёзилганман. Кетадиган кунимиз ҳам аниқ айтилган. Энди қайтиш йўқ. Пул ишлаб келиб, уйларимизни қайта курмоқчиман. Очиғини айтсам, ҳозир бирорни бошлаб киришга уяламан!

- Шу ерда ишласангиз бўлмайдими?..

Олим бир нафас жим қолди.

- Менбоп иш йўқ!

- Топиб берсам-чи?

Олим ўзини ноқулай сезди. Фурури бош кўтариб, кайфияти бўлинди. Қиз бола иш топиб берса, эшитганлар кети билан кулмайдими? Шунчалик лапашант, ландовур бўлмаса?!

- Мен бирорнинг ёрдами билан кун кўришни истамайман!

- Мен сизга бегона эмасман-ку!

- У маънода гапираётганим йўқ. Муаммоларимни ўзим ечмоқчиман! Ортиқча бош қотиришингизни истамайман!

Интизор охирги гапни бу ҳақда бошқа гапирманг, дегандай тушунди. Бошқа мавзуда суҳбатлашмаса вазият чукурлашиб, кайфиятга путур етиши мумкинлигини ўйлаб ўзини тийди.

- Келинг, ака, ҳозир бу тўғрисида бош қотирмайлик, водийга борганда ўйлармиз. Қолаверса, сиз билан биз ақл билан ечолмайдиган масала йўқ-ку!

Олим энди ўзини бирмунча эркин, юрагини хижил қилаётган масалалардан ҳоли сеза бошлади. Сархуш кайфияти қайтиб келди, Интизорнинг қулидан ушлаб, ўзига тортди. Ва умрида илк бор ундан бўса олди! Кўнгилдагидек ўполмаган бўлса ҳам илк бўсанинг мазасини татиб кўрди.

Қиз лабларини қимтиб ўзини маст кишидек сезди, қизариб бўзарип, уялганидан ерга қараб қалбида ширин тўйгулар мавж ураётганидан беҳад шод ва баҳтиёр эди... Шу пайт Интизорнинг телефони жаранг берди.

- Инди, водийга жўнаяпмиз, қаердасизлар?

- Ҳозир боряпмиз! - у кулимсираб Олимнинг кучогидан чиқаркан, тотли лаҳзалар тугаб қолганидан норози эканлигини яширмас эди...

Машиналар тўхтаган жойга ҳамма йигила бошлади. Олим хат бергандан буён Интизорнинг юраги ғаш бўлгани учун Нигинага дардини айтмоқчи бўлиб чеккага тортди.

- Нигина, - деди бироз маъюслик билан.

- Нима гап, туғилган кунимда нега бунчалик хафасан?

- Юрагимнинг бир чеккаси ғаш, - деди у ерга қараб, - Шоҳбоз ҳақ экан!

- Тушунтириб гапир, Инди!

- Олим акам менга ёзған хатида ўғрилигини тан олибди. Нигина бироз ўйланиб қолди. Аввал олисларга, кейин Интизорға қараб чуқур ўйга толди.

- Балки сени синааб күраётгандир?

- Иўқ! Бизникига тушган ўша экан! Мени яхши кўриб қолгани учун тилла буюмларимга тегмасдан расм билан китобимни ва Шоҳбознинг хатини олиб чиқиб кетибди.

- Ишондингми?

- Нега ишонмай?

Нигина фикрларини жамлади шекилли, дадил бош кўтариб, Интизорға қаради.

- Ҳар ҳолда тилла буюмларни олмабди-ку! Қолаверса, дугонажон, бу ҳаётда ким адашмайди, хато қилмайди? Ҳеч ким авлиё эмас! Сен билан биз ўғрилигини кўрмаганмиз, эшифтмаганмиз. Шоҳбознинг гапи билан нотўғри фикрга борма. Бобом ойимга ривоят айтиётгандарида эшитувдим: душман нималар демас, тушга нималар кирмас!

Нигина унга синовчан назар ташларкан, қалбидаги шубҳалар тарқалаётганини сезди. У отига қамчи босди.

- Эсингдан чиқармагин: ҳозир Олим акага қўл силтасанг, уни илиб кетадиганлар тайёр турибди!

Интизор чўчиб тушди. Улар - Нигина, иккинчиси Зарина, учинчиси... суқланиб қараётгандар... Рашки аланга олар, акасини ҳимоялаш учун нимадир қилиш лозимлигини ҳис этиб бораарди.

Аммо Шоҳбозга ўхшаган пасткашлар дадасига қўнгироқ қилиб, "қизингиз бир ўғри билан апоқ-чапоқ бўлиб юрибди", дейишдан тоймаслигини ўйларкан, яна юрагини изтироб қоплай бошлади. Бугунги ҳаракатлари Олим тўғрисидаги гапларга ишонмаслигининг белгиси эканини билади, аммо ихтиёрига зид равишда ҳижилликни тарқатиш учун баҳона қидираётганини ўзи сезди. Кимдир юрагидаги губорларни тарқатиб юбориши керак!

Олим акаси хатига жавоб кутаётган, лекин унинг Россияга кетаётгани борган сайин қиз кўнглини ғаш қилаётган эди...



Олим бувисига дори олиш учун дўконга бурилаётганда бирор ингичка овоз билан чақиргандай бўлди. Қараса, ўн беш метрлар нарида бир қиз турибди.

- Олим ака, мен - Заринаман! - деб унга яқинлашгандан кейин таниб қолди.

Олим уни уй кийимида кўрган, ҳозир кўчалик либосларда бўлгани учун танимай турганди. "Очилиб кетганини қаранг!"

- дилидан ўтказди.

Киз шаддодлик билан келди-да, Олимга қўл узатди.

- Бир неча кундан бери сиз билан гаплашмоқчи бўлиб, телефонингизни қидираман, акам билмас экан, Инди эсидан чиқарибди...

"Интизор қизғонгани учун бермаган!" - кўнглидан ўтказди Олим.

- Қандай ишингиз бор эди?

- Ака, рўпарадаги кафеда хотиржам гаплашсак бўладими?

У ортиқча ўйланиб ўтирумади. "Шундай қиз билан бирпас ўтирибман-да!" деб йўл четидаги кафега киришди.

- Сўраш сал ноқулай, аммо билмагунча кўнглим тинчимайди!

- Эшитаман, Зарина!

- Диёра ҳақида нохуш гаплар эшитяпмиз. Акам унга ўйланishiда қанчалик ҳиссангиз борлигини билмоқчиман, айрим қариндошларимиз фотиҳани бузайлик, дейишяпти...

- Бу хосиятли иш эмас!

- Биламан, аммо акам ундан бошқасига ўйланмайман дейяпти, қариндошларимиз эса ҳар куни аллақаердаги ифлос гапларни топиб келишдан чарчашибмайди. Сиқилиб кетдим, дадам эса "Боланинг кўнглига қарайман-да", дейдилар.

- Акангиз ўйлаб иш қилаётган, Диёра - яхши қиз!

- Гапларим учун хафа бўлмайсизу, қизни "чаккиbosar" дейишяпти!

- Бекор гап! - бирдан тутоқиб кетди Олим, - ҳаммаси ёлғон, Диёра ўзига мустаҳкам қиз, ишонмаётган бўлсангиз, Шоҳбоз билан очиқасига гаплашинг, борини айтиб беради.

- Ҳаракат қилдим, аммо тил топишиб бўлмади, чунки акамни кўп танқид қилганим учун мендан хафа.

- Нега танқид қылгансиз?

Қиз ўйланиб қолди, Олим унга синчков назар ташлаганда ўзи билан боғлиқ воқеаларни муроҳаза қилаётгани сезилди.

- Бир вақтлар Инди опани севарди, энди эса Диёрага ёпишяпти. "Ака, сиз ўзи кимни севасиз?" - десам, "Ҳозир ҳисоб берадиган вазиятда эмасман!" дейди. Қолаверса, сизга ҳам бир вақтлар зўравонлик қилган. Бу ҳақда кўп тортишганмиз!

Олим Заринага қаради-ю, кўзларидан ёғилаёттан адолат ҳиссини, ҳар иш виждан амри билан бўлиши керак, деган тушунчасини англаб, унга ҳурмати ошди. Шоҳбоздай зўравон, бефаҳм боланинг теран фикрли, вижданли синглиси борлигини ўйлаб, ҳайратда қолди. Ҳатто у билан руҳан яқинлиги борлигидан қувонди.

- Шоҳбоз хатоларидан бирини тўғрилаяпти!

- Қандай хато?

- Акангиз Индига куч ишлатган, аммо ниятига етолмаган. Диёра эса ҳимоясиз, ожиз, алдовга ишонгани учун акангизнинг ёвуз нияти ҳосил бўлган! Кимсасиз, ожиза қизни зўравонлар хўрлайвериши керакми?

- Олим ака, Диёра - ожиза, ёлғиз эмас!

- Шунақа деб ўйлайсизми?

- Сиздай суюнчиғи бор қизни кимсасиз аташ мумкинми?

Олим Заринага тикиларкан, нигоҳларида ўзи куттан маъно балқиб туарди.

- Мен мажбур қилдим уни ўйланишга! - овозини баландлатиб шиддат билан гапирди Олим, - акс ҳолда қиз тубаликда қолиб кетарди. Амалдорларнинг эркаси ожиз қизларни бузиб, фоҳишаҳонага ташлашига тоқат қилиб бўладими? Ахир, қачонгача замона зўрники, томоша кўрники бўлади? Шу абллаҳларни ер кўтарганига ҳайронман!! Сизнинг кўзингизда адолат туйғусини, ҳалолликни кўрдим, қалбингиз тозалигига аминман! Аммо акангиз сизга ўхшамайди. Агар Диёрага ўйланиб, уни ҳурматлаб юрса, инсондай муносабатда бўламан, акс ҳолда бўғиб ўлдираман! Керак бўлса дадангизга ҳам айтиб кўйинг, мен номардлардан кўрқмайман, битта билагим тўртта Шоҳбозни янчиб ташлайди!!

Зарина Олимнинг кўзидағи ёввойи Қудрат, ваҳший шиддатдан чўчиб кетган бўлса ҳам мард, кучли бўлгани учун

хурмати ошли. Вужудини орзулар ушалганда пайдо бўладиган эҳтирослар, жўшқин туйғулар қоплади. Йигит вужудидан ёғилиб турган куч, шиддат уни тамомила асир қилиб қўйган эди. Кўзлари катта-катта очилиб, ҳайрат алангаси билан тўлди.

- Орамиздаги гапларни бошқаларга айтиш ниятим йўқ!

У, қизнинг ўзимга яраша ақлим бор, хоин эмасман, бугунги сұхбат билан сирдошга айландик, демоқчи бўлганини тушуниб, "Бунга арзийсан, қизалоқ", дегандай маъноли қараб қўйди. Акаси ҳақидаги бор ҳақиқатни сукут билан тан олди. Адолатга, мардликка бош этгани учун Олим ундан хурсанд бўлди.

Зарина чиройли кўзларини юмганида киприклари янғифи узра чизиқчалар ҳосил қилганга ўшшар, очганда эса нигоҳлари баҳтиёрикдан порлаб кетарди, ўзига асир этмоқчидай бир неча марта унга қаратилди. Яна Олимнинг янги қиррасини очганидан қувониш ҳисси билан чараклаб кетди.

- Сиз менга ёқдингиз, Зарина! - деди Олим - ниҳоят жайдий термулиб, - дўстлашиб қолишни истардим, аммо ҳозир иложи йўқ!

- Нега? - қизнинг қувноқ кўзларини таажжуб эгаилади. Майнин шамол қоп-қора соchlарини юзи узра ёйганида яннам очилиб кетгани учун Олим бир нафас тўхталиб қолди. Қиз соchlарини қўлдоги билан боши орасига қистира бошлади.

- Яқинда Россияга кетаман! Бир-икки йилсиз қайтмасам керак!

Зарина жим қолди. Нималарни ўйлаётгани Олимга қоронғи, аммо пойдевори қўйилган дўстлик давом этишини истаётгани сезилиб турарди.

- Кетманг, Олим ака, яқин дўстингиз бўлишга ваъда бераман!

- Телефонда гаплашиб турамиз...

Зарина Олимнинг юрагига ўрнашиб қолди. Аммо куз яқинлашиб, ҳаво бироз совиб қолгани, Интизорнинг илтимоси уни Россияга кетиш фикридан қайтаролмагани каби унинг илтижоси, дўстлик ҳақидаги ваъдаси ҳам фикрини ўзгартиролмади. Қанча тез кетса, олдига қўйган мақсадига етиши осонлашишини мулоҳаза қилиб, самолётга чипта олиш ҳақида ўйлай бошлади.

Кечки пайт бувисига дориларни бераётib, бу ҳақда

шиппитди.

- Мен ўлсам ким күмади? - күзига ёш олди бувиси.
- Буви, сиз ҳали күп яшайсиз!

Овози "Сиз ўлмас Кашейсиз", дея масхара қилгандай хақоратомуз эшигилгандай бўлди ўзига. Аммо бувиси ерга тикилиб тургани учун сезмади. Мухитдан чиқиб, узоқларга кетиш истаги, омадини излаш, баҳтини синаб кўриш туйғуси бир нафас тинч кўймаяпти. Қизларнинг илтижолари қулогига кирмаяпти. Уни узоқларда янгилик кутаётгандай уйда туролмай қолди...

Икки кундан кейин Зарина қўнғироқ қилиб, акасининг тўйига таклиф қилди. Ҳатто кечки пайт таклифнома олиб келди.

- Акам билан муносабатингиз совуқлигини биламан, аммо бошланаётган дўстлигимиз ҳурмати борсангиз, бошимиз осмонга етарди!

- Афсус, боролмайман!
- Нега?

Зарина таажжуб билан Олимга тикилди: "Хафа қиляпсиз, дўстим!"

- Диёра - қариндошимиз, хизматда бўламан!
- Буни эшигтанман, шу холосми?
- Ҳа!

- Мени десантиз, вақт топиб борасиз, Олим ака!

Олим унинг илтимосида жиддий, Шоҳбоз билан орамиздаги муносабатларни тозалайдиган ният бор, деб ўйлади. Аммо кўнгли тоза қизда шум режа бўлмаса-да, "Одамларга ишониш қийин, - ўйлай бошлади у, - Шоҳбоз пулни олиб келгач, далага етиб борганимизда пичоқ кўтарганини аниқ эслайман. Наҳотки, синглисидан фойдаланиб қасос олмоқчи бўлса?!"

Эрталаб Шоҳбоз келди. Олимнинг хаёлига Зарина таъсир ўтказган, деган фикр ўрнашиб қолди.

- Шанба куни синфдошлар йифилади. Якшанбада тўй, албатта боргин! - деди нотаниш бир самимият билан, - мен гина-кудуратларни унутдим. Айтгандай, мен Диёрадан хурсандман!

- Қайси маънода?
- Шунча вақтгача менга содиқ қолган экан!

- Мен ёмон қизни тавсия этармидим!..
- Тўйдан кейин алоҳида гаплашамиз...

Олим боришга қарор қилди. Кейинги вақтларда, айниқса, Россияга кетиш фикри қатъийлашгандан кейин синфдошлари билан хайрлашиш маъносида учрашишни кўнглига тугиб қўйган эди.

Бундан ташқари, Шоҳбоз бойваччалар билан "тап" еса ҳам, тўй-маросимларда янги машинасини кўз-кўзлаш ёки бизнесда миллионларга қодирлигини мақтаниш учун синфдошларига қўшилиб туришини яхши билади. Уйлансам, бошқа синфдошлар қатори Шоҳбоз атрофида юрадиган Санжарсифат беш-олтитаси келиши учун ҳам "тўйга бораман!" деган ҳукм ўтди кўнглидан.

У Россияда кийиш учун иссиқ кийимлар олгани шаҳардаги марказий бозорга борганида тасодифан Интизорни учратиб қолди. Сўрашиб бўлгач, савол назари билан қаради.

- Курсдошлар билан айланниб юрибмиз, сизни учратганимдан хурсандман, Олимжон ака.

Кувноқ кайфияти ва порлаб турган кўзларидан соғинч нафаси келарди. Дугоналаридан ажраб, Олим акасининг билагидан ушлаб олди.

- Сизга ўзим нарса танлашиб қўяман!

Интизорнинг диди баланд экан, Олимнинг хаёлига келмаган, замонавий, ҳозир йигитларга урф бўлган ноёб кийим-кечаклар олдириди. Олим мўлжалдагидан икки баробар сарфлаган бўлса ҳам ачинмади. Интизорнинг қистови билан жемферни магазиндаёқ кийиб, ўзини ойнага солувди, шаҳарлик олифта, бизнесменларга ўхшаб қолганидан қувониб кетди. Айниқса, бозордаги энг катта дўкондан харид қилинган хорижий русумда тикилган шим бошқа одамга айлантириб қўйди. "Тавба! Одам кийим билан экан-да!" Интизор Олим акасининг жилмайишида "Сизни учратганимдан хурсандман", деган миннатдорчилик борлигини тушунди ва қўлини маҳкам қисиб қўйди. Сўнг бозордаги энг қимматбаҳо шарфни сотиб олди-да:

- Мендан совға! - деди Олимнинг бўйнига солиб қўяркан.

Атрофдаги йигитлар ҳавас билан, ҳатто суқланиб қарашаётгани Олимнинг гурурини кўтарди. Рашқ туйғуси тўполон қила бошласа ҳам ўзини босди. Илк бор қиз меҳрини

ҳис этиб, ўзига кўрсатилган эҳгиromдан кўнгли кўтарили.

- Дарсингиз йўқми? - кутилмаганда сўради Олим.

- Учи:чи "пара"да бўш эдик. Тинчликми?

- Ҳамма нарсани олдик, кеч қолмаслигингиз керак! - деди Олим йигитларнинг Интизорга қадалган нигоҳларини ҳис қиларкан.

Қиз ичиди қувонди. Ва Олим акасининг билагидан боягидан кўра маҳкамроқ ушлади.

- Аэропортга кузатаётгани чиққандаям қўйиб юбормайсизми? - ҳазиллашди у.

- Ҳа, - деди ҳаяжондан энтиккан Интизор кулиб қааркан, - ҳозир машқ қиляпман, унда оғзингиз очилиб қолади...

Интизор таксига ўтириш олдидан Олимнинг қўлини ушлади.

- Тўйга борасизми?

"Қизлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмас экан-да, қаердан била қолдийкин?"

- Кетиш олдидан синфдошларимнинг дийдорига тўймоқчиман!

- Ака, - деди ноз билан эркаланиб, - Зарина - маккор қиз, у билан яқинлашманг!

Олимнинг кулгиси қистади.

- Интизорхон, - деди овоғига жиддий тус бераб кулимсирад экан, - мен фақат сизни севаман, Зарина менга дўстлик таклиф этди, холос!

- Қабул қилдингизми?

- У - ёмон қиз эмас, адолатсизликни ёқтирумайди. Ҳатто сизга қилган зўравонлиги учун акаси билан уришиб қолган! Назаримда, у яқин дўст, суянчиқقا муҳтож!

- Суянчиги бўлмоқчимисиз?

Интизорнинг арази ошиб, кўзларида ёш милтиллади.

- Акасидан тополмаган меҳр ва адолатни бошқалардан қидирияпти!

- Сиздан топишини хоҳламайман!

- Мен дўстликни давом эттиrolmasligimni айтдим...

- Ростданми? - деди тўсатдан ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб, аммо бир сонияда қўзлари қаҳрли тусга кирди, - унга ишонмайман, у сизни мендан тортиб олмоқчи! Дўстлик ҳақидаги чўпчакларига ишонганингизга ҳайронман! Охири

кунларда бекорга юрагим ғаш бўлмаган экан!!

Киз кўз ёшларини тиёлмади. Руҳияти оғирлашиб бекат ўринидигига бориб ўтирди-да, тиззасига бошини қўйиб йиглаб юборди...

- Мен сизсиз яшолмайман! - деди Интизор бошини қўтариб, - доим сизни ўйлайман, қўнғироғингизни кутаман, излаб келишингизни хоҳлайман, кечгача йигитини қўлтиқлаб юрган тантиқ қизларга ўхшамайман, аммо эътиборсиз қолишниям истамайман!

Кўз ёшларини бармоқлари билан артаркан, нам киприклари қароқларига ўзгача чирой бағишлар, руҳини қисган алам туйғуси, аччиқ изтироблар қўзидан ёш бўлиб қўйилар эди. Йўловчилар назарига тушмаслик учун ўзини босиб йигидан тўхташга ҳаракат қиласа ҳам ўпкаси тўлиб, хўрлангандай ёш қўйиларди. Яна бошини тиззасига қўйиб унсиз йиглади...

- Бошқа қизлар ҳақида гапиришингизни сифдиромайман!

Олим қизнинг ёнига ўтирди-да ўйланиб қолди. Иғи аралаш силкинаётган бошини силагиси келди.

- Интизор, мендан нотўғри хафа бўляпсиз!

- Маккор қизлар аввал дўст бўлайлик дейди, кейин хаёлингизни ўғирлаганини билмай қоласиз!

- Уларга ишонмасангиз, менга ҳам ишончингиз йўқми?

Қўллари ипакдай майин соchlар устидан равон юараркан, қиз йигидан тўхтади, бошини кўтартмади.

- Юрагимга бошқа қиз сифмайди! Сиз ягонамсиз!

- Ростданми? - қиз бошини қўтариб Олимга қаради, - ваъда берасизми? Қасам ичин!

Олим мийигида кулди, қизнинг боладай беғуборлигидан кувонди.

- Асалим, - дея кулганча қизнинг қўлидан ушларкан, Интизор ҳам яқинроқ сурилди, - Озодбекнинг ашуласини эшигтганмисиз?

- Қайси?

- Йигит қасам ичмайди, Йигитнинг сўзи қасам!

Интизор зардасидан тушиб, жилмайди, енгил хўрсингандадарди кетиб, Олимнинг елкасига бошини қўйди.

- Келинг, ярашайлик, Индиҳон! - дея Олим кичкина бармоғини букиб қизга узатди. Қиз кулимсиради ва у билан бармоғини бирлаштирди. Олим чап қўли билан унинг

елкасидан күчиң күзига қаради.

- Йигламайман, деб вәйда беринг!

Интизор ерга қаради, күзларини артиб, Олимга тикилди.

- Йигламайман!...

- Кетдик, дарсга кеч қолмаслигингиз керак!

Улар ер ости йулидан бекатта чиқишишганда тушлик вақти бўлганди. Интизор қўл телефондаги соатини чиқарди.

- Тўртингчи "пара"га улгуролмайман, сиз билан тушлик қилмоқчиман, шошмаяпсизми?

- Мен фақат сизнинг олдингизга шошилишим мумкин, асалим!

Интизор эриб кетди, Олим йўлни "Нилуфар" кафесига бурди.

- Бугун сизни сийлайман! - деди Интизорнинг қўлидан ушлаб, - кейин вақт бўлмайди!

Интизор хотиржам тортиди. Фикрлари хulosага айланди: Олим акаси писмиқ дугоналаридан узоқда бўлгани яхши экан...



Олим тўйдан олдин Диёраларникига борди. Елкасидан олиб сўрашганидан билдики, у Олимдан хурсанд. Овозини эшитиши билан буви уйдан отилиб чиқди.

- Умрингдан барака топ, болам! Сени бир умр дуо қиласман, шу қизимни шармандаликтан тортиб олдинг! Ичкарига кир, болам. Бир пиёла чой ич.

- Мен хизматга келдим!

- Э, болам, отаси қиломаган ишни қилиб қўйдинг, энди бу сенга қиёматлик сингил бўлди.

- Унда қамишдан белбоғ боғлаб хизмат қиласман!

Буви ақлига қойил қолгандай, кўзларини катта-катта очиб, бошини силади.

- Сен ҳам етимликда ўғсансан, илоё, йигит бошингт омон бўлсин, бошингта бахт қуши қўнсин! Шундай забардаст йигит бўлганинглан минг марта хурсандман! Онанг билан гаплашиб турасизларми? Майли, уям омон бўлсин! Инсоф берган куни келади...

Буви кўзиға ёш олди, енги билан кўзларини артиб:

- Ичкари кир, болам! - деб яна таклиф қилди.

Олим бувиси юборган латта-пуггаларни унга бераркан, Диёрага кўз қири билан қаради. Буви ичкарига кириб кетиши билан қизни чеккага имлади.

- Бувим иккаламиз роса ҳайрон бўлдик, - шошилиб гап бошлади Диёра, - Шоҳбоздек одамни ким йўлга солади, деб? Жавоб тополмай жинни бўп қолай дедик. Унаштирилганимдан кейин Шоҳбоз ўзи...

- Дадил бўл, Диёра, у сени бир умр хурмат қиласди...

- Орангиздаги ишларни кейин эшитдим...

- Шарт эмас! Қандай ёрдам керак?

- Ҳаммаси жойида, дадам кеча минг доллар пул жўнатибди.

Олим Диёраникидан қайтаркан, Интизор ҳақидаги бояги хаёллар давоми миясини қоплаб олди. Автобусга ўтирганда ўзини койий бошлади.

"Шунча вақт университетга излаб бормадим, музқаймоқ ё кинога таклиф қилмадим. Ишим тушгандагина таплашдим. Дугоналарига мақтанган бўлса, улар олдида етаклашиб юрмадим-ку! Ҳатто юрагини "жиз иллатадиган совға бериш ҳақида ўйлаб кўрмабман. Кўнгли тоза, самимийда! Доим ўзи излаб келади, қўнғироқ қиласди. Айримлардек устамон бўлганда сим ўтказиб оларди".



Олим саҳарда уйғонди. Аллақаерда бўри увлагандай, сўнг ўлжага яқинлашиб ҳансираф нафас олгандай бўлди. Девор ортидами, дараҳтлар панасидами ўзаро гингшиб гаплашганга ўхшардилар. Таажжуб, овозлар руҳнинг олис қаъридан келдими, қулогига шунчаки эшитилдими - Олим аниқ билолмади. Юраги орзиқиб, даст ўрнидан туриб, астойдил қулоқ солди. Ҳансираш шарпаси шамол олиб кетаётгандай секин-аста узоқлашиб, Олимни изма-из юришга ундаётгандай эди. Кийиниб кўчага чиқди, машина ва одамлар шовқини шарпаларни босиб кетар, руҳидаги овозлар чўл бағрига оҳанрабодай тортарди. Кўз олдига бесарҳад кенгликлар, ўша хужум қилган бўри келди. Аллақачон ўлган, териси шилиниб тузлаб қўйилган бўлса-да, алланарса демоқчи бўлиб, атрофида айланәётганга ўхшарди...

У такси ушлади. Ва чўлга ташлаб кўйишни илтимос қилди...

Тоғ ортидан кўтарилаётган қуёш кимсасиз бу маконда ҳам сеҳрли гўзаллик, туйғуларни жунбушга келтирувчи тароват яратмоқчидай алвон ранг сочарди. Шаҳар, тирикчилик, Диёра ва Шоҳбоз билан бўлган можаролар, Интизор ҳақидаги хаёллари миясидан бутунлай чиқиб кетган, аввал ҳам бўлмагандай эди. Қовжираб бораётган саксовуллар ва шувоқларни босиб кенглик томон юрди. Кузнинг хазин гўзаллиги ўзини кўз-кўзлар, гоҳ сукунат ва гоҳ шамол кўшиғи орасида қолиб сокин туриши англаш қийин бўлган фалсафани эслатганлай бўларди. Олимнинг назарида, бу фалсафа шаҳардаги гавжум ҳаётдан, турфа одамлар орасидаги содда ва мураккаб муносабатлар мантиғидан кучлироқ эди. Уни теран ақл, тафаккур ва заковат кучи билангина англаш, қалбдан ҳис қилиш, руҳий қувват воситасида у билан гаплаша олиш мумкин эди. Айни пайтда Олимнинг кўзлари атрофга тенгсиз ташалик билан боқар, назарида бу чўллар унинг руҳиятида минг йилдан бери яшаб келаётгандай эди.

Бу дақиқалар афсуний қуввати, таранг маҳобати билан сидирилиб ўтиб, ҳаёт пучмоқларидан келтирган ноёб хазиналарини қалбга тўкиб кетаётгандай эди. Ярим соатча айлангандан кейин бўри овози эшитилди. У шоша-пиша овоз келган томонга аввалгидаи кўрқа-писа эмас, қадрдон дўст чақириғидан ҳушёр тортган одамдай ўтирилди. Тез-тез одимлаб кетётганини, оҳанрабо тортаётганини билмас, овоз берётган бўрини кўрса, руҳиятида чароғонлик, ҳаётида ёввойи баҳтиёрлик туғиладигандай саксовул илдизларига қоқилиб кетишига эътибор бермай интилар, номаълум куч эргаштириб кетаётганини хаёлига келтирмас эди. Овоз тинди, Олим ҳам тўхтади. Атрофга алантларкан, адашиб қолган боладай қаёққа юришини билмас эди. Кумда бўрининг изларини кўрди, ортидан боргиси келди, аммо бироз юргандан кейин очиқ гўр олдидан чиқиб қолди. Ўтган сафаргидай турибди. У чуқурга астойдил разм солиб, Шоҳбознинг уришлари, тепиши, хақоратларини эслагиси келмади. Шиша синифи бўрининг қонини ичганини эслатарди. Шу ерда илк бор ваҳшнийнинг тулкилай айёрлиги, доно ва эпчилигидан воқиф бўлган, бу номаълум қирраларини кашф этган эди. Тупроқ уюми ортида бўрининг катта-катта изларини кўриб,

яна ортидан боргиси келди. Қандай күч тортиб кетаётганини билмас, ихтиёридан ташқаридаги истак из ортидан боришга ундарди. Бүрининг изларини оёқлари билан босиб, бўрига ўхшаб ҳаракатланар, ичидан увлаганга ўхшаш овоз келаётгандай ҳис қиларди ўзини. Гўё ичига бўри жойлашиб олгану, унинг руҳини, қалбини уйғотмоқчи бўлаётгандага ўхшарди. Бир оз юргандан кейин ичидаги овоз билан олисдан кслаётган улиш қўшилиб кетди. Олим хаёлида бир-бирини топган жониворлардай бўри билан искаша бошлади. Теграсида замин, тепасида осмон айланётгани хаёлига келмас, бўрини кўриб, ичидаги аллақандай ташшалик қонсагина кўнгли хотиржам бўлиши мумкинлигини сезиб олдинга интиларди. Қанча юрганини билмайди, тиконлар, шувоқ ва саксовулларнинг қуриган шохлари оёғини тилиб юборишига қарамай олға интилар, бўри овози яқинлашган сари орзуси ушалаётган одамдай суюнар, улкан бир тошқин кўксини ёриб чиқмоқчи бўларди. Шу тошқин унга куч берар, қийинчиликларни енгиб интилишга мажбур этарди.

Қирга ўхшаш жойга яқинлашганда овоз жудаям яқинга келгандай бўлди. Адир айланиб шимол томонга ўтгач, қир тепасидаги иккита кулранг бўрига кўзи тушди. Одд оёқларига тиравланча орқаси билан чўккалаб, осмонга дардини айтиб, Аллоҳдан мадад сўраётгандай улир, борлигини ёки қир тепасида турганини билдириб қўимоқчидай тутарли ўзини. Олимни кўргач, увлашдан тўхтаб қулоқларини чимиришди. Кўрқмай келаётганидан ҳушёр тортишди. Аммо Олим бироз юргандан кейин улар ҳам яқинлаша бошлацилар. Энди ер бағирлаб юришар, ғингшиб овоз чиқаришарди. Олим сал чўчили, ўтган сафаргидай ташланишлари мумкин. Аммо юрагида пайдо бўлган таҳайюл ҳисси қўркувни эритиб юборди. Ўрнида тўхтаб, бўриларни кузатди. Оралиқ масофа ўн метрча. Бирдан Олимда ҳаётдан қоникиш пайдо бўлиб, интилиш ҳисси йўқола бошлади. Энди бўриларга қарашиб ҳам, улар билан имо-ишоралар билан мулоқотта киришиш ҳам уни қизиқтирумас, жониворларни ўз холига қолдириб, ортига қайттиси келарди. Сўнгги марта бўрининг қўзига қаради-ю, оч зангор нур орасидан юрагига тўкилаётган ёввойи кувватни ҳис этди. Қўлинини кўксига қўйиб:

- Энди мен кетай! - деди.

Олим одамга мурожаат қилаёттандай гапирганини ўзи ҳам сизмади. Бундай вазиятда бўрига инсонга эҳтиром кўрсаттандай гапиришни бирор ўргатиб кўйгандай эди.

Бўри олд оёқларини чўзиб қорнини ерга кўйди ва бошини икки томонга қимирлатди. Шериги ҳам унинг ҳаракатларини тақрорлади. Кўнгли хотиржам бўлгандай бошини оёқлари устига жойлаштириди.

Олим қўрқа-писа ортига тисарилди, аммо бўрилар пинагини бузмас, қулоқларини чимирганча нафас олмай уни кузатишар эди. Олим сўнгти марта қараб, хужум хавфини сизмагач, самолётдан кеч қолаётган йўловчидай тез-тез кета бошлади. Юз метрча юргандан кейин ортига ўгирилди. Бўрилар бошларини сарак-сарак қилиб, хайрлашаётганга ўхшардилар. Олим катта йўлга етганда улар қора нуқтадай туришарди.

У йўловчи машинани тўхтатиб, шаҳар томон кетаётганда қалбида енгиллик, нурли бир хотиржамлик ҳукмон эди. Узини қушдай енгил, шердай бакувват сезарди...

\* \* \*

Олим Россияга отланган куни эрталаб Интизор қўнғироқ қилиб, самолёт қаҷон учишини сўради.

- Курс машгулотидан кейин тўғри аэропортта бораман! - деди алоқани узиш олдидан.

- Овора бўлманг, Интизор, биз ўттиз киши меҳнат бўлимида тўпланиб алоҳида машинада кетамиз, аэропортда қаҷон бўлишимни билмайман, - деди Олим ўзим бемалол кетаверман дегандай.

- Хайрлашишни истамайсизми, Олим ака?

Олим гинадан таъсиrlаниб кетди.

- Кечга қоласиз демоқчийдим!

- Сиз ташвиш чекманг, аэропортда кўришамиз.

Олим аэропорт залининг текширув салонида гурӯҳдагилар билан юкларини текширувдан ўтказаётганда ташқарида - ойна ортида Интизор қўл силкиб турганини кўрди-ю. бир несча соатдан кейин туғилган юртидан узоққа кетишини ўйлаб юраги энтикли. Ҳужжатларини ёздирилди-да, аввалроқ меҳнат

бўлимида танишган, ўзидан етти-саккиз ёш катта Одил ака деган шеригига бор гапни тушунтириб, ташқарига отилди...

Ташқарига чиқар экан, бувисининг насиҳатлари кулоқлари остида жаранглади:

- Ёмон болаларга қўшилмагин, бошлигинг гапидаи чиқма. Сени давлатнинг одамлари олиб кетаётгани эсингда турсин. Бемаҳалда кўчада юрма, ичиб-чекувчиларга ошна бўлмагин! Хўтми, болам?

Насиҳатлар бир неча кундан бери қайтариластган. Олим зериккан бўлса ҳам индамай қулоқ соларди.

- Ишлаб топган пулларингни, - давом этади бувиси, - маҳкам беркитгин, киссанурлар кўриб қолмасин, билса олмасдан қўймайди, яшшамагурлар!

- Хўп, буви, - деди охири Олим, - ахир, ёш бола эмасманку! Бўлди-да энди.

- Ёш бола нимани билардинг, пулларингни битта-яримта қизга жўнатиб юрмагин! Қўшнимизнинг келини шундан аразлаб кеттанини биласан, а? Кейинги вақтда сениям қизлар излаб кслалиган бўп қолувди...

- Буви, - деди кулиб Олим, - пулни тўғри сизга жунатаман.

- Шундоқ қилгин, ахир қслинга атаб сеп олишимиз керакда! Бўпти бошинг тошдан бўлсин, ой бориб омон келгин, омин!!

Олим гоҳ мийифида кулади, гоҳ жиддий тортади.

Хозир Интизор билан қўлтиқлашиб, асосий бино ёнидаги хиёбонга юраркан, эшитганларини эслаб, яна бир марта жилмайиб қўйди. Айниқса, кўнглига офтобдай ёққан дуоларини ширин хотирарадай миясига муҳрлаб олди.

Атроф неон лампалари билан ёришиб турган бўлса ҳам хиёбон четлари, кафе ортидаги яшил майдонлар қоронгилик билан қопланган, ўринлиқларни ёшлар эгаллаб бўлган эди. Интизор сайр қилишни афзал кўрди. У Олимни маҳкам қўлтиқлаб олган, учиш вақти яқинлашган сайн пинжига суқилиб борарди. Олим унинг илиқ ва ёқимли нафасини ўз танасида ҳис қилиши билан кайфияти кутарилди. Имкони бўлса ундан ажралгиси келмасди. Интизор ҳам шундай ниятда, аммо бунинг иложи йўқлигидан ташвишда эди.

Кўнгил қоронги жойларга бошлади. Туйгулар жўш уриб, бир-бирига бўлган интилиш ортиб борар, тортинчоқлик

куёшда эриган тумандай йүқолиб борарди. Мажнунтол панасига ўтишгач, Олим қизни елкасидан ушлаб ўзига тортди. Юзларидан силаб, аввал кулдиргичидан, ҳаяжонланиб нафас олаётганини сезғандан кейин эса, лабларидан ўпди. Интизор ёшлиқ әхтироси ва қалб истакларига бўйсуниб, унга қаршилик кўрсатмади, аксинча, йигит кучогидан иссиқ ҳарорат туйиб, ўзини баҳт қасрида ҳис эта бошлади. Иккала қўлини Олимнинг бўйнига ташлаб кўксидаги юрак дукурини ҳис қиларкан, ҳар бир зарби муҳаббат ва гўзал номи билан чулғанганини сезиб, бир дунё гуур туди.

- Сиздан айрилтим келмаяпти, Олим ака!

- Эртагаёқ согинишимни сезяпман!

- Сизсиз қийналаман

- Тез-тез гаплашиб турмиз, асалим!

- Бормаганингиз минг марта яхши эди.

- Тақдир шамоли учирив кетяпти, шекилли...

Қанча вақт ўтганини билишмади. Тўсатдан:

- Олим ака,- деган овоз чўчитиб юборди, овоз келган томонга ялт этиб қарашди.

Чиройли ва ихчам ғиһимлари ўзига ярашган, гўзаллик ва латофат билан чулғантан Зарина уларга қараб жилмайиб турарди. Олим уни кўзи-ю, учрашувга тишга босгудай сабаб ва маҳсус тайёргарлик билан келганини, дилидагини айтмасдан кетмаслигини сезди.

Интизор иблисни кўргандай вужудида нохуш кечинмалар туғилди.

- Нима гап, Зарина? - ғазабланди Интизор.

- Дўстим билан гаплашишга озгина имкон берсангиз, Интизор опа!

- Топган вақтингни қара!.. - кўзларидаги нафрат рўпарасида турган қизга унчалик таъсир қилмади.

- Боринг, - деди кайфияти тушиб кеттан Интизор зарда аралаш Олимни билаги билан туртarkan, - дўстингиз кутиб қолди...

- Нотўри тушунманг, келишидан бехабарман...

- Беш минутда гаплашиб бўларсиз?!

Интизор ростмана аччиқланди. Зардаси қайнаб, ўзини кўярга жой тополмасди. Заринани овозсиз тўлпонча билан

отгиси келар, айни дамда икки дўст нималар ҳақида сұхбатлашишларини билолмай бетоқат бўларди.

Интизорнинг рашки Олимга ёқарли. Зарина билан фаввора томонга юрди. Учрашув ҳайратини юракка сифдиролмай турганда Зарина олдинга ўтиб қўлини кўтарди.

- Шу ерда бирпас тўхтайлик, Олим ака!

- Нима гап?

- Кўзингиз фақат Инди опани кўриб, дўстингиз билан хайрлашишни унутиб қўйибсиз!

Олим таънани тушунди, аммо қизни хафа қилгиси келмади.

- Москвадан кўнгироқ қилиб, сизни ҳайратда қолдирмоқчи эдим!

- Ростданми? - ҳаяжонланиб кетди Зарина.

- Дўстимни алдармидим?

- Мени эслаб туришингизни истардим, сиз юрагимдасиз!

- Зарина кўксига кафтини кўйди.

Олим қиздаги янги туйғуларни тушунди. Телефондаги фотоаппарати билан расмини олди.

- Сизнинг суратингиз телефонимда бор! - деди қувонганча қиз. Улар аэропорт томон юришди.

Олим яқинлашишни хоҳламаса ҳам Зарина тасодифан бўлаётгандай унга елкасини теккизиб олар, Интизор кўриб қўйишини хоҳлаётгандай эди.

- Сизга хат бераман, фақат илтимос, Москвага борганда ўқийсиз!

- Нега?

- Сюрприз! Интизор опа билмасин! - у Интизор томонга ишора қилиб чимирилиб қўйди.

Олим хатни эпчиллик билан чўнтағига солди...

Қайтиб келишганда Интизор чимирилганча рашк ўтида ёнаётгани яққол сесилиб турарди.

- Сизга оқ йўл! Яхши етиб олинг, Олим ака!

Зарина узоқлашган сари Интизорнинг ҳаяжони босилиб борса-да, уни ёмон кўраёттанини яшиrolмасди.

Олим унга қаради. "Бемаъни раشكдан узоқман, аммо у билан дўстлигингиз менга ёқмаяпти, ўз қадримни пасайтиришни истамайман, у билан дўст бўлсангиз мен сиздан кечаман!" демоқчи бўлганда кўзларида хавотир ва

жиддийлік зохир эди. Қызниң бир сүзли, қатый иродали эканини Олим яхши билади.

- Нотұғри тушуняпсиз, дүстлашиш ёмон одат эмас-ку! Қолаверса, олдингизда гаилашдик. Сизни хафа қиласынан иш бўлмади-ку! Интизор, Сизни чин қалбимдан севаман, ўрнингизни бошқа қиз эгаллай олмайди. Битта қалбга иккита мұхабbat сифаслигини биласиз-ку!

Интизор ўрнидан туриб дараҳт тагига борди. Ерга қаради, бир неча дақиқа олдин ўпишганларини ўйлаб, юзига табассум ёйилди. Шу пайт Олим шиддат билан келди-да, уни даст күттарди.

- Истасангиз, Сизни ҳам олиб кетишім мүмкін!

Ҳаяжондан, уялиб типирчилаган Интизор ерга тушмоқчи бўлар, аммо Олим уни енгилтина қўгиричоқдай кўтариб олганини сезиб, кучлилиги ва забардастлигини ҳис қилганча ҳайрат дарёсига фарқ бўлди.

- Ҳей, жинни, одамлар кўриб қолади...

Қиз еттинчи осмондан тушгиси келмай қолди. Аммо шу пайт Одил ака келиб, гуруҳ раҳбари чақираёттанини айтгач, учрашувга нуқта қўйилди. Радиокарнайдан самолётта йўловчилар чиқариластгани хақида хабар тарқалгач, икковлари аэропортга югуришди, кираверишда қучоқлашиб ҳайрлашишаркан, Олим қызниң бағридан тараалаётган сқимли ҳароратни ўзида сақлаб, йўловчилар томон югурди...

Интизор Олимни зарда билан қузатишини истамаган эди. Зарина билан боғлиқ гумонлар ўртаётган бўлса-да, узоққа кетаётган одам кўнглини ғаш қилишни эп кўрмади. "У нега хат берди, нималарни ёзган?" Изтироб, шубҳа-гумонлар ўртаётгани учун таксида уйига етгунча миясига дурустроқ хулоса келмади. Кечкурун хонасида Олимниң телефондаги суратига қаради. "Наҳотки, менга хиёнат қилиб, у билан учрашаётган бўлса?" Кўнглида хижиллик, хира туйгулар қора шарпадай айланана бошлади... Аммо Олим акаси эсон-омон манзилга етиши учун дуо қилиши кераклиги хаёлинини бошқа томонга буриб юборди.... Кутилмаган кўнгироқ ўйларини парчалаб ташлади.

- Инди, - бу қувноқ кайфиятдаги Нигина эди, - Олим акани жўнатдингми?

- Раҳмат, учиб кетди, - унинг овози сўлғин эди.

- Нега кайфиятинг йўқ?
- Зарина қандай қизлигини биласанми?
- Нега сўраяпсан?
- Ўзим...
- Ушлаган жойини узадиган қиз. Яқинда Олим ака билан боғда кўрувдим...

Интизор миясига зарб теккандай юраги ҳапқириб кетди, аммо Нигинага билдирамди.

- Иккови эканми?
  - Музқаймоқ дўконида ўтиришган экан...
  - Нега ўша куниёқ айтмадинг?
  - Жаҳлинг чиқишини истамагандим..
  - У Олим акамга дўстлик таклиф қилибди.
  - Дўстликнинг охири нималигини биласанми, Инди?
  - Нега билмас эканман...
  - Эҳтиёт бўлмасанг...
  - Олим акамни тортиб оладими?
  - Ҳар балони кутиш мумкин...
  - Лекин йигитим кўзини сузган қизларга учеб кетавермайди!
  - Зарина акасининг душмани билан дўстлашиб олишида бошқа мақсад борлигини сезмаяпсанми?
  - Билишниям истамайман!
  - Лекин билишинг керак.
  - Нима учун?
  - У Олим акани севиб қолган!
  - Ўйлаб гапиряпсанми, Нигина? - уни таажжуб ва ғашлик қийнарди.
  - У Олим аканинг орқасидан Россияга кетмоқчи, содда бўлма, Инди!
- Интизор йиглаб юборай деди. "Е тавба, билдирамсан тортиб олмоқчимикин? Нигина рост гапиряптимикин?"
- Сен қасрдан биласан, Нигина?
  - Олим акантдан қўнғироқ қилиб сўра!
  - Телефонини билмайман-ку!
  - Топиб бераман.
  - Қандай?
  - Олим ака стиб борибок, Заринага қўнғироқ қилади...
- Интизор шошиб қолди. Томонига аччиқ нарса тиқилиб,

алами құзғалди. Ҳатто ўзини ғофилликда айблаб, кимга ишонишни, воқеаларни измиға солишин билмай боши қотди! "Писмиқ, ичидан пишган, севишимни била туриб мен билан курашга чиқмоқчими? Ор қилишни билмайдиган иблис! Бахтини менинг баҳтсизлигим устига қурмоқчими? Яңчиб ўтиб топилған баҳт вафо қылармикин? Нигинадан шубҳаланибману, Зарина режа түзіб юрганидан бехабар қолибман! Ушлаган жойини узадиган қызлиги түғри шекилли... Энди нима қиласаман?! Олим акам Заринаға құнғироқ қилишини мен билмайман-у Нигина қаердан билади? Зарина учови тил бириктиргандай ишонч билан гапиради-я! Тавба, ё мен лақма, ғофилман, ё бу қызлар устамон. Нигина Заринадан күра менга яқын, аммо Олим акам түғрисидаги маълумотларни иккови билгани ғалати!"

Юрагини талваса, фам-андуұ босиб борарди. Ҳамма нарсаны унұтди. Зарина билан курашга чиқишиңа қарор қилды...



Самолёт күтарилиб, ўз йўлига тушиб олғач, бириңчи марта учаётган йўловчилар ҳам ўзларини босиб олдилар. Олим ҳозиргача бу қадар узоқ үчадиган рейсларда бўлмаган. Авиасалон тингач, юраги бир маромда ура бошлади. Энди самолётдаги хавотирли вазиятни эмас, боягина ерда бўлган воқеаларни ўйлай бошлади. Ўриндиққа қистирилган рангли журнaldаги чиройли қизни кўриши билан Зарина хаёлига келди. У эски дўстдай ўзини яқын олади. Боқишлири сирли, аммо бошқача маъно туйиш қийин. Бугунги ташрифи ҳайратга солди, Интизор олдида хижолатта кўйган бўлса ҳам кутимаганда беркитиб хат бериши қизиқишини оширди. Ёнидаги Одил ака кўзини юмиб кетаётгани учун чўнтағидан хатни оҳиста чиқарди-да конвертни очди.

"Олим ака, бу хатни Интизор опа асло билмаслиги керак! Орамизда дўстликдан бошқа муносабат бўлмаса-ю, нотўғри тушунса одамга алам қиласи.

Акам унаштирилгач, очиғи тепа сочим тикка бўлиб кетди. Диёра мардикорликка чиқиб юрганда акам билан ишқий муносабатда бўлган, сўнг Нигор қўшмачиникида яшаган экан. Телбаларча севиб қолса ҳам ғурурли йигит унга

уйланмайды. Күча-күйдагилар устимиздан кулмасин деб, акам билан бирга-бир гаплашдым. Фикрларим хато - акам уни мажбур қылган экан! Диёра Нигор құшмачиникида мажбуран яшаган ва оғир меҳнатта гирифтор бўлса ҳам орномусини сотмабди. Мажбурашганда ҳам енгил йўлга юрмабди. Очиги, бўрилар ичидагитта қўён тирик юрганига ишонмай, Нигор қўшмачидан сўрасам тан олди... Сўнг Диёра билан учрашдим, у бор гапларни очиқ айтди. У очилиб кеттан, ҳатто мендан ва Интизор опадан ҳам чиройлироқ... Юзқўзларida ҳаё, ибоси жойида. Шундай чиройли келинчак бўлдики, шаҳарда бунақаси йўқ, айниқса, меҳнаткашлиги ва саришталигидан онамнинг бошлари осмонда.

Очигини айтсам, аввалига акамни Диёрага унаштирилишига сиз сабабчи эканингиздан ғазабланган эдим, адолатсиз душман, дея сизни ёмон кўриб қолгандим. Диёра ҳақидаги яхши гапларни эшитганимдан кейин эса ҳалол қизни шармандалик ва иснод балосидан асраб, акамга катта хатосини тўғрилаш учун имкон яратганингиз, оиласизга фариштадай келин келишига сабабчи эканингиздан жуда жуда хурсанд бўлдим. Очиги, бунақаси ҳаётда кам учрайди.

Акам Интизор опани тоғдаги дала-ҳовлимизга олиб кетганини битта дугонам кўрган экан, мен буни кейин билдим. У ерда нима бўлгани менга қоронғи. Аммо кўпчилик Интизор опа ҳақида ҳар хил гаплар айтиб юради. Гўё уйига ўғри тушганда унга зўравонлик қылган эмиш... Хато эшитиб, ранжитган бўлсан узр... Интизор опадан кўнглингизни қолдирмоқчи эмасман, эшитганларим ҳақида ДЎСТИмни огоҳлантиromoқчиман, холос...

Олим ака, сиз билан доим суҳбатлашгим келади, аммо иложи йўқ. Ишга жойлашиб олгач, тез-тез қўнғироқ қилинг, соғинадиган дўстингизни унутмаслигингизни истардим. Ҳар эҳтимолга қарши телефон рақамимни ёзиб қўяман. Хайр, сизга Худодан омонлик тилайман!"

## 2 - ҚИСМ

Инсон тақдиридек сирли, ўқиш қийин бўлган битик борми?

Албатта, йўқ!

Тақдир шамоли тинмай эсади, баъзан бўронга айланади, кимни қаёққа учиради, қайси манзилларга ташлайди? Билишга қодир эмасмиз. Аммо ҳаёт қўлимиздан етаклаб нотаниш кўчаларга олиб кирганда довдираб қолмайлик, манзилларга сочиған ризқимизни топишга ўзимизда куч, файрат ва ақл ҳосил қилишимиз лозим эмасми? Синовларга чидамасдан фарёд чекиш номарднинг иши...

Бугун - ҳаёт шиддаткор ва бешафқат, бирордан муруват кутиб эмас, ўз ҳақингни олиб яшашингга тўғри келади...

Аслида у кўпчилик ҳавас қиласидиган одамдай яшаши мумкин эди. Фақат тақдири тўғрисидаги ишорани сезмади, бошқача айтганда, кўнгил кўзи билан тақдир битикларини ўқий олмади. Бу кўз лоқайдлик ва ўз тақдири учун қайғурмаслик ҳисси билан берклиб қолган. Бунга ҳар бир инсон имтиёз ва имкониятлардан тўғри фойдалана олмагани сабаб эмасми? Энди бошига нима тушса кўришга мажбур. Унинг бошқа йўли йўқ....

Оғайнисининг укаси Сардор вилоятдаги йирик заводга директор бўлди-ю, Ботир ака Одилни ишга жойлаш тараддудига тушиб қолди. Кўча-кўйда, тўй- маросимда учраб қолишини кутмай, тўғри қабулига кирди.

- Одилбек ўзи қани?

Ботир ака ўелини бошлиб келмаганига хижолат бўлди.

- Узр, аввал сиз билан гаплашай, дегандим.

- Амаки, ўттиз ёшли йигит муаммосини сизга юкламай, ўзи кеслин, гаплашай, маъқул кеслса ёнимга оламан.

Одил эътиборли бўлимлардан биринга жойлашди. Аввалига

топиш-тутиши яхши эди. Тадбиркорлар билан алоқа боғлаб, бизнес қилди. Машина, квартира олди, аммо заводни тошкентлик корчалонлар сотиб олгач, асосий бўлимдагиларни ишдан бездириш учун турли баҳоналар ўйлаб топишиди. Вақтингчалик қийинчиликка чидамаган Одил кутилмагандан ишдан бўшаб кетди. Бир йил ишламади. Топган-тутгани охирлади, оиласида етишмовчилик бошланди, болалари катта бўлаётганди.

- Шу болага бирор жойдан иш топинг, дадаси, тирикчиликдан қийналиб қолди, - деди Шарофат опа бир куни кечки пайт.

Ботир ака Сардорнинг гапини эслади.

- Қачонгача иш топиб бераман? Ёшлиги қолдими, юкини ўзи кўтарсинг-да! Энди уйдан у-бу тушиб беришни тўхтат.

Хотини норози оҳангда ерга қаради.

Хаёлдан нималар ўтаётганини Ботир ака яхши билади. Лекин энди парво қилмасликка қарор берганди. Ана шундай ҳолатда олти ой ўтди. Кечки пайт Одил ҳовлиқсанча кириб келди:

- Россияга кетаман! - деди кепкасини пешхонга уриб. - Қачонгача гадойга ўхшаб юраман.

- Қачон? - бепарво сўради Ботир ака.

- Мехнат бўйими ўн кундан кейин Москвадаги "Мир" қурилиш фирмасига усталарни жўнатаркан, ёзилиб келдим. Йўлкирамни топиб берсанглар кетаман.

- Қароринг қатъиими?

- Ҳа!

- Иўлкираниям ўзинг топ!

Одил кутилмаган гапдан бўшашиб қолди. Жаҳли чиққанини яширишга уриниб, онасининг олдига чиқиб кетди. Бироздан кейин кирган Шарофат опа эрининг йўлкира топиб бермайман, деган гапига норозилик билдиргандай, чойнакни дўқ этиб қўйди-да, пиёлани арта бошлади.

- Болани ташлаб қўямизми?

Ботир ака шифтга қараб ўйланиб турди-да, қалдирғоч, полапонларини кўрсатди.

- Шулар ҳам учирма бўлгандан кейин ўзи овқат топиб ейди. Онгсиз парранда бўлса ҳам! Одил олий маълумотли,

ақыл одам-ку!

- Ахир боламиз-ку!

- Э, бола, бола дейверрасан, ўзбек! Калласини ишлатсinda! Қачонгача муаммосини биз ечи берамиз? Бу туришда әлликка кирсаям йиғламсираб тураверади. Гап тамом, кетишга қарор қилдими, йўлкирасиниям ўзи топсин. Ҳа айтгандай, кетса, пул юборгунча оиласига етадиган маблағ қолдирсинг!

Шарофат опанинг кўзи хонасидан чиқиб кетай деди.

- Қаердан топади?

- Болани танбал қилиб қўйганмиз! Ўзи бош қотирсин. Қийинчиликни ентиб чиқмаса мустақил бўлолмайди.

Одил отасини ёмон кўриб кетди. Бегонадай муомала қилаётганини ичига сифидиролмади.

Ота гўдайиб турган ўглиниңг олдига келди-да:

- Эсингдан чиқмасин: сени қийинчилик, шароит тарбияламаса, мен тарбиялай олмадим. Ҳозир уйдан чиқиб кет-да, масалангни ҳал қил, тушундингми?! - деди.

Одил уйига бориб хотинига ҳасрат қилди, дадасини ёмонлади. Аммо Мунаввар унга қўшилмади.

- Рост гапирибдилар. Сиз қанақа одамсиз ўзи - озгина муаммо чиқса ота-онангизга югурасиз?! Ўзингиз каллани ишлатинг-да!

Одил хотинини бир солгиси келди-ю, фикридан қайтди. Ўзини кўчада калтак еб, уйга йиғлаб келадиган болага ўхшатиб, ижирғаниб кетди.

Шундан сўнг уч кун югуриб қарз берадиган одам топди.

- Беш юз доллар бераман, икки ойдан кейин етти юз доллар қилиб қайтарасан! - деди Али полвон деган "процентчи" оғзидан бемалол тутун чиқариб.

- Олти юз олинг! - ялингандай бўлди Одил.

- Бир сўм ками йўқ, хоҳлассанг шу!

Зада бўлаётган Одил таваккал қилишга мажбур бўлди...



Москва. Домодедово аэропорти минглаб келиб-кетувчилар билан тўла. Одил оқ-қора, қизил башараларга, ярашиб-ярашмайдиган ранг-баранг кийингланларига қараб ҳайратга

ғарқ бўлади. Қаердан келиб, қаерга, қачон кетишига ҳайрон. Бу жой - аэропорт эмас, кинолардаги қасрга ўхшар, адашиб қолмай, аниқ манзилига ошиқаётганлар унинг назарида энг хушёр, олий даражада ривожланган одамларга ўхшарди.

Ўзбекистондан борган ўттиз нафар одам кутиб олувчини пойлаб йўлакларда, бино бурчакларида икки соатдан кўпроқ туриб қолиши. Уларни давлат томонидан расмий равиша олиб борган Башир қўл остидагиларга билдирамай безовта бўла бошлади. "Ярамас Мўмин Гена билан кутиб олиши керак эди-ку! Орага шайтон аралашдимикан?"

Ҳамма айланиб келиб, Баширнинг оғзини пойлайди. Уларга "фирма раҳбарлари "Мерседес" автобусида келади. Мехмонхонага жойлаштиришади", дейилган эди.

Башир норози нигоҳлардан қочиб, кўчага чиқди. Бир қаричдан кўпроқ қор. "Пул деса одамлар ҳамма нарсага тайёр!" - ўйлади аэропорт рўпарасидаги қор босган ўрмонга, сўнг икки томонга тинимсиз юраётган, машинага чиқиб манзилга кетаётганларга қараб, - дунё ҳаромга айланиб кетди, ҳамма бир-бирини алдайди. Пулини олиб кўяди, бирорларни хўрлаш, ишлатиш ҳисобига бойишга, ҳузур-ҳаловат топишга уринади. Афсуски, ўзи ҳам ўшаларнинг бири эканлигини бугунги одамларнинг бузилиб кетгани билан оқлашга уринади, аммо виждан олдида бу иш гуноҳ ва фирибгарлик эканини тан олгиси келмайди.

Ҳамма кутишдан зерикди. Эрталаб Башир автобус толиб келди.

- Ҳамма чиқсан! - дея кўполлик билан буйруқ берди.

Москвадан олтмиш чақиримча юришгандан кейин пардози битмаган, аммо эшик-деразалари қурилган икки қаватли бинога жойлашиши. Уларни аллақайси туман ва "МИР" фирмаси раҳбарлари кутиб олиши, иш ҳақи, шароитлар ва бошқа масалалар билан таништириши ксрек эди, аммо ҳеч ким қабул қилмади. Эрталаб паспортларини йиғиштириб олган Башир Гена билан Михайл Дронкинни кўрсатиб:

- Сизлар "МИР" фирмаси раҳбари ва менежерининг буйруги билан ишлайсизлар! - деди-да, ҳовлидаги эски автобусга чиқишиларини буюрди.

Улар кетишигач, бояги икки шахс билан ичкарида, ўзларига тааллуқли масалани муҳокама қила бошлашди.

- Ҳаммасига йўлкирани мен тўладим! - деди Генага, - аввал харажатимни тўлайсан, кейин ҳар бирининг устидан уч юз доллардан берасан, тўплаб олиб келиш осон бўлмади. Мана паспортлари!

Гена сал хирадлик қилди-ю пулни берди. Шу кундан бошлаб Башир қорасини кўрсатмади. Телефонига кўнғироқ қилиб, ҳеч ким тушолмади.

Водийда у "Бизни Москва шаҳар ҳокимииятидан маҳсус вакиллар кутиб олади, замонавий ётоқхоналарга жойлаштиришади. "МИР" фирмасида мутахассислик бўйича буйруқдан ўтиб ишлайсизлар. Ҳафтада икки кун дам олиш кунлари, бемалол Москвани сайр қилишинглар мумкин, ҳамма шароитлар муҳайё бўлади. Ойига беш юз доллардан ортиқ маош оласизлар, ойнинг бешинчи кунигача иш ҳақингиз қўлингизда бўлади", деган эди. Ваъдалар бажарилмади. Мутасаддилар уч ой ишлатиб, бир тийин ҳам беришмади. Ҳамма уяли телефонлар олиб қўйилгани учун ҳеч ким уйига кўнғироқ қилолмади. Шаҳар ва уй билан боғланиш, кечқурун ёки ишдан бўш пайтларда қишлоқ марказига бориш тақиқлаб қўйилди. Михайл Дронкин билан Гсна уларга қулдек муносабатда бўлар, Башир вазда қилган шароитларни бажаришни истамас эди. Энди очик-ойдин норозилик кучайди. "Паспортизни бер, бошқа ердан иш топамиз!" - дея тўйполон қила бошладилар.

- Аввал сарфлаган пулларимни тўлаб қўй!

У Башир олган пулларини ҳисоблаб берди.

- Вой абраҳ-еї, - деди туман марказидан келдган Раҳим, - Самолётта билетни ўзимиз олганмиз-ку!

- Мен тўладим сенларга! - бақирди Гена.

Раҳим устун келишга интилди.

- Бизни лақиљлатомайсан, уч ойлик ҳақимизни чўзиб куй, акс ҳолда прокуратурага, элчинонага борамиз.

- Истагаң жойингга бор, лекин аввал қарзингни тўла.

- Уч ой текинга ишлаб, яна қарздор бўламиزمи?

- Ҳе, энангни...

Раҳим башарасига тушган муштдан орқага эгилиб қолди, ўзини ўнглаб улгурмай иккинчи, учинчи зарбага учради, кўзидан ўт чиқиб боши айланди-ю, турс этиб ерга қулади. Корнига, қовурғасига тепки еб ихраб юборди...

Хушига келганда нотаниш овоз дўқ ураётганди.

- Бирортанг бир оғиз гапирсанг бундан бешбаттар буласан, бу ерда прокурор ҳам, қонун ҳам менман!

Ичкаридан сигарета бурқсатиб чиққан Михаил Дронкин қиличга ўхшаган пичоқни кўрсатиб, дағдаға қилди.

- Бирортаси қочишга ёки ишдан бўйин товлашга ҳаракат қиласа, калласини узаман. Сенлар бу ерда қулсанлар, яна бир ой текин ишлайсан, ундан кейин тўрт томонинг қибла!

Фазабланган ўттиз нафар "кул" саросимада ерга Қаради. Аммо қони қайнаб вужудида ваҳшиёна куч қўзғолаётган Олим атрофдагиларга нафрат билан тикилди-да, гудраниб сўқинди.

- Ҳей, нега жим турибмиз, бизни олиб келишашётганди минг доллардан ойлик оласан, ётоқхона, озиқ-овқат бепул, шароит зўр дейишганди-ку! Нега буларга кул бўлишимиз керак?

Хеч кимдан садо чиқмади. Йигитлар қўрқишаётганди, фазабланган бўлса-да, аллақандай андиша, қўрқоқлик ҳисси гап айтишга йўл бермасди.

- Мен бу ердан кетаман! Паспорт ҳам, пул ҳам керакмас!

У ётоқхона томон юрди. Михаил Дронкин пичоқни полга санчди-да:

- Ҳей, тирранча, - леди Олимга, - олдимга кел-чи?

Олим тўхтади. Кўзида ғазаб, нафрат ёнарди.

- Ўзинг кел!

- Шунақами?

- Ҳа!

Михаил Дронкин йигитларни икки томонга суриб, шиддат билан унга яқинлашди. Олимнинг бўйнига тепмоқчи бўлиб оёғини кўтарган эди, у бошини эгди, Михаил Дронкин мувозанатни йўқотди. Унг оёғи намда сирпаниб, думбаси билан полга ўтириб қолди. Аммо бир зумда сакраб турди-да, Олимга ёпишди. Олим икки қўли билан унинг билагини сидириб ташлади.

- Менга буйруқ беришга ҳаққинг йўқ, тушундингми? Бирортамизга фирмант номидан ишлашга рухсатнома олмагансан, вақтинча яшовчилар ҳисобида эмасмиз. Қурилишда жароҳат олсак, елкангдан масъулиятни ошириб ташлайсан! Бунинг устига иш ҳақимизни бермайсан! Мен сендан пул олмаганман, ҳозир бир чертсанг, эртага

каллангни олдираман, ишонганларим сеникidan кучлироқ, уша Башир ўз миллатдошларини сотадиган аблар, пасткаш тушундингми? Ҳаммамизни аллаб, Россияда йўқ фирма номидан Ўзбекистонга ишчилар керак, деб хат жўннаттирган. Вазирликдаги "калласи катталар" сохта хат бўйича бизни тўплаб юбориш ҳақида туман ташкилотларига буйруқ берган. Энди керак бўлса ўшалар ҳам жавоб беради. Башир эртага оёғимга йиқилиб, кечирим сўрайди. Энди йўлимни тўсма!

Олим рус тилида бехато гапираварди. Ҳақиқий ҳолатни очиб ташлагани учун Михаил Дронкин уни органнинг одами бўлса керак, деб ҳам ўйлади. Режаси барбод бўлаётгани ёдидан чиқди ва қўрқиб кетди Нима қилиш керак? Паспортини бериб боши оққан томонга чиқариб юборса, қолганлар устига ёпирилади. Кўйиб юбормаса, қочиб кетиб, прокуратура ёки элчинонага боришдан тоймайди!

- Сен билан алоҳида гаплашмоқчиман!

- Шу ерда гапиравер, булардан яширадиган ишим йўқ! Мен битта ўзимни эмас, буларни ҳам сендақаларнинг чангалидан кутқаришим керак!

- Олим, сен мени тушунгин, - ён бера бошлади Михаил Дронкин, - уч ойдан бери озиқ-овқат еяпсизлар, автобус ташияпти, ҳаммаси харажат. Буни ким тўлайди?..

- Ҳаққимизни бер, тўлаймиз!

- Сенлар қилган қурилиш давлат стандартига жавоб бермайди. Бир неча кун олдин мутахассислар келиб брак қилиб кетишли.

- Бекор гап! - бақириб юборди йигитлар ўртасида ғазабланиб турган Дилшод, - мен қурилиш мутахассисиман, ўтган сафар Москвада турк фирмасида ишлаганман, мен терган гишт дунё стандартига тўғри келган, энди сенинг стандартингга тушмай қолдими? Брак қилган мутахассисни олиб кел, исботлаб бераман!!

Михаил Дронкиннинг оғзи очилиб қолди. Булар бало эканку, ҳеч нарсани тушунмайди, деб хато қилибди шекилий...

Анграйиб турганлар Олим билан Дилшоднинг дадил ташлашаштанига, тилни аъло даражада билишига ҳайратда қолишли. Аввал Михаил Дронкин уни ер билан яксон қиласди, деган қўрқувда турган бўлсалар, энди енгиб чиқишига, ҳатто одамларният қутқаришига ишона

бошладилар.

- Нима гап бўлса шу ерда гапир!

Михаил Дронкин уни ичкарига бошлади. Дилшод боравер, дегандай имо қилди.

Хонага киришлари билан Михаил Дронкин эшикни куфлади. Стулга ўтириб икки рюмка ароқ қуиди.

- Томокни хўллаб олайлик!

Олим хушомадни сезиб дадилланди. Уни гапиртирмаслик учун ичиди тайёрлана бошлади.

- Мен ичмайман!

- Россияда бу гап ғалати эшитилади. Бир стакан ичиб кур, бошқача ароқ!

- Россияда зўрлаб ичириш ҳам нормал ҳолат эмас.

- Ихтиёргинг... Лекин сен билан тил топиша олармиз, деган умиддаман.

- Қанақасига?

- Сен аввал ўзингни ўйла, тил билган одам экансан, менга ёқдинг. Паспортингни берсам, истаган жойингдан иш топиб оласан!

- Эплай оламан.

Унинг мағрурлиги, енгиб бораётганидан Михаил Дронкиннинг ғаши келди. Аммо яксон бўлмаслик учун баланддан кела бошлади.

- Ниманита бунчалик кериласан? - ижирганиб сўзларди у.

- Ўзимга.

- Қандай?

- Қандай бўлса шундай.

Михаил Дронкин куттилмаганда стол тортмасини очди-да, тўппонча олиб, унинг пешонасиға қадади.

- Бу ер Россия! Ўзингта бино қўйма, ҳозир пешонантдан дарча очиб қўйсан, анави шерикларинг уч ой финг дсмай ишлайди.

Олим кўрқиб кетди. Аммо шу лаҳзада негадир хаёлидан "Отолмайди!" деган фикр ўтди.

- Мени ўлдириб ҳеч нарсага эришолмайсан! - деди.

- Нега?

- Йигитлар орасида мендан зўрлари бор. Охи ини кутиб турибди. Бугун-эрта талабимизни бажармасанг. Ўзингни нариги дунёда кўрасан!

Олим Михаил Дронкиннинг қўлига бир уриб, тўлпончани учирив юборди. Оёғига тепиб, полга қулатди ва қўлини орқасига қайриб, диванда ётган кўйлакнинг енги билан боғлади. Додлаганини эшикни шериги эшикни тепа бошлади. Олим парво қилмасдан, оғир креслони тортиб келди-да, полда юзтубан ётган Михаил Дронкиннинг оёғини бостириб, тўлпончани олди.

- Эшикни оч, акс ҳолда наряд чақираман!

Олим эшикни очди. Гена отилиб кириши билан оёғидан чалиб, полга қулатди. Устига минди-да, сочидан чангаллаб бошини кўтариб, чаккасига тўлпонча тиради.

- Ҳозир ҳамманинг паспортини, ҳақини берасан ёки икковингни ўлдириб, ўрмонга кўмиб кетамиз. Тезроқ танла!

- Сен анавиларни аралаштирма! Сочимни кўйвор, гапимга кунсанг, ўзимга ёрдамчи қилиб оламан, ҳар ой минг доллардан ойлик бераман.

- Керакмас, Башир сотиб кеттани етар! Танлаб бўлдингми?

Михаил Дронкин жаги ва елкаси билан тиранганча дивандаги кўл телефонига интилаётганини кўрган Олим аппаратни мўлжаллаб ўқ отди. "Нокиа" парча-парча бўлиб, тутаб кетди. Михаил Дронкин осиёлик ваҳший бизни ўлдириб қўяди, шекилли деб, бошини полга тираганча инграй бошлади. Ташқаридан оломон ёпирилиб кирди ва бирорвга ўқ тегмаганига ишонч ҳосил қилгач, кираверишда тўхтаб қолди. Михаил Дронкиннинг ингрокларига эътибор бермаётган одамлар воқеаларнинг охирини кута бошлади.

Олим оломонга қаради:

- Ҳамманг ташқарига чиқ! Одил ака, сиз қолинг!

Гена нима бўлаётганига тушунмади. Олим Одилга юзланди.

- Москвалдан таксичи қариндошингизни чақиринг, яrim соатда етиб келсин!

- Нима гап?

- Булас хужжатларимизни ва паспортимизни бермаса, отиб ташлайман, ўрмонга кўмиб келасизлар! Искович ит ҳам тополмайдиган йўлини биласиз, а?

- Биламан!

У қариндоши Маъмурга қўнғироқ қилди.

Михаил Дронкин билан Гена шошиб қолишиди.

- Олим, сен таклифимни ўйлаб кўр!

- Вакғни чўзма, ўнгача санайман, гапирмасанг отаман!

Олим тўўпончани унга тўғрилаб, тепкини босишга тайёрланди. Вазият қалтис. Олимнинг шахдини сезган иккаласи чиндан қўрқиб кетди.

- Олим, - деди Генса ялинчоқ овозда, - ҳозир бизда пул йўқ, бошлиқ бир ҳафтадан кейинга юз минг доллар вайда қилган, ишлайверсаларинг, беш юз доллардан пул бераман!

Олимнинг жаҳли чиқди. Тўўпонча тепкисини Генанинг кулоғига олиб келди.

- Яна шунақа эртак айтсанг, бўғзингдан отаман. Уч ойдан бери лақиллатганларинг етар! Бир, икки, уч, тўрт... Одил Олимга кўз қисиб:

- Менда таклиф бор! - деди кутилмагандা, - Буларни отмаслик керак!

Михаил Дронкин билан Гена умид билан унга тикилди.

- Қандай таклиф?

- Икковини қарағайга осиш керак. Ўзига ўхшаганларга ибрат бўлади!..

Олим тўўпончани туширди. Шеригии тушуниб етган эди...

- Ақдли гап! Илгариям бунақаларни дорга тортишган, биз ҳам 20 метрли қарағайга осамиз, гўштини қузгуналар еди

Гап тугаётганда ташқаридан Одилнинг қариндоши сигнал чалди.

- Бўлди, - деди Михаил Дронкин юзини у томонга бураб,

- Ҳаммани ҳисоб-китоб қиласман. Менга ўз ҳётим керак! Кизим отасиз ўсишини хоҳдамайман! Қўлимни еч!

- Охирги марта эслатиб кўяй: ҳийла ишлатсанг, тўўпончадаги ўқларни икковинг бўлиб ейсан!

Олим Одилга имо қилиши билан у Михаил Дронкиннинг кўлини ечди. Олим уни тўўпонча билан кузатар экан, ечишган кўлини силаб, бир шумликни ўйлаётганини сезди-ю, орқасига зарб билан тепди.

- Беш минутда пулни топмасанг, ўлигинги бирор тополмайдиган қилиб отаман!

- Пул юқорида! - деди у иккинчи қаватни кўрсатиб, - Истасант, бирга чиқамиз!

Олим икки кишини олиб, юқорига кўтарилди. Хона бурчагидаги парда ортида пўлат сандиқ бор экан.

Кутилмаганда Михаил Дронкин ваза билан ойнани синдириди-да, ўзини ерга отди! Бироқ Олим ушлаб қолди. Белидан пасти осилиб, кийими йиртила бошлагач, орқадаги икки киши қўлидан тортиб, хонага отиб юборди. У ўрнидан туриб қочди.

Олим газабга тўлди. Назарида, ташқаридаги бўри увлали. Осмондан гирдоб ёпирилиб кирди-да, ўртасида бўри пайдо бўлди ва бир лаҳзада шаффоғ рангта айланиб, Олимнинг вужудига сингиб кетди. Унинг вужудига ваҳшиёна шиллат, асов куч кириб, Михаил Дронкинга етиб олди. Ҳамма ҳайрон.

Михаил Дронкиннинг бўйни ва оёғидан ушлаб, боши баробар кутариб полга урганда у додлаб юборди. Иккинчи марта урганда хушидан кетишига бир баҳя қолиб бақиришга кучи етмади. Жон талвасасида типирчилади, салкам юз килю келадиган танасини бемалол кўтариб, полга ураётган бу осиёликка ҳайрат ва кўркув билан қарап, катта-катта очилган кўзларида ўлим ваҳимаси кўриниб турарди.

- Бўлди, бас. Ўлдириб қўясан, тўхтат, ҳамма айттанингни қиласман!

Олим уни бир боғ ўтиндай қўлтиқлаб, дераза олдига олиб келди.

Ҳамма ундағи куч ва бешафқатликни кўриб, юрагини ҳовучлаб турарди. Михаил Дронкин ерга тушиши билан мажолисизликдан чўккалаб қолди. Олим бир вақтлар Шоҳбозни кекирдагидан бўғандай, темир панжаларини унинг бўғзига ботириди.

Кекирдаги суғуриб олинаёттандай Михаил Дронкиннинг кўзидан ўт чақнади, нафаси ичита тушиб, полга қулади. Шериклари Олимга қараб нима қилиб кўйдинг, дегандай ув тортиб қурқиб кетди. Аммо Олим юзига икки марта шапатилаши билан Михаил Дронкин ҳушига келди-ю, ташқарига қочли Бироқ коридорга чиққанида рақиб чангалига тушди.

- Кўл-оёғини боғлаб, машинага ташла!

Михаил Дронкиннинг кўз олдига йигирма метрли қарагайдага осилиб турган ўз мурдаси келди. Олимга ялнишга ҳам мажоли етмаёттандай эди.

Унинг додлагани Генага эшитилиб турар, буларни ҳеч бир куч тўхтатиб қололмаслигини тушуниш азобига азоб

қүшарди. Михаил Дронкин айюқаннос солишига қарамай, мурда сингари машинаға юклашди.

Үн километрча юргандан кейин ўнгга бурилиб, ўрмон ичкарисига олиб киришди. Қарағайға арқон солиб, сиртмоғи Михаил Дронкиннинг бошиға олиб келинганда, у типиричилаб қолди.

- Мен олдин ҳам учтасини осғанман! - ёлғонни ўхшатди Олим унинг күзларига шиддат билан қараб, - сен түртингчиси бўласан! - сўнг шерикларига қаради, бўйнига сиртмоқ солинглар!

Ўлим талвасаси Михаил Дронкиннинг вужудини қамраб олди, вужуди титрар, оғзидан латтани олиб ташлашта имо қиласди. Олим тушунди.

- Бу йўлни ўзинг танладинг!  
- Олим, мен хато қилдим, кечир! Калит сейфда қолди. Борайлик, пулни олиб бераман, чин сўзим, алдасам ўша ерда итдай отиб ташла! Розиман!

- Чўпчагингни дўзахдаги шерикларингта айтасан! - деб у йигитларга қаради, - Бошла!

Арқон учини пастга тортишди. Сиртмоқ Михаил Дронкиннинг бўйини қисди. У дод деб юборди, бир дақиқадан кейин овози хириллаб жони узилаётган одамга ўхшарди. Ранги кўкариб, юзи бўғриқди. Йигитлар унга ачингандай Олимга маъноли қараб кўйишли. Олимнинг имоси билан арқон бўшатилди. Михаил Дронкин сувдан чиққан одамдай оғир-оғир нафас олар, кўз олди қоронғилашиб кетганди.

- Ҳали жонинг кўзингга кўрингани йўқ, ердан икки метр кўтарсак, азоилни кўрасан!

Улар арқонни қаттиқроқ тортишди, бу сафар кўпроқ ушлаб туришли, нафаси қисилиб тоқати қолмаган Михаил Дронкин арқонда салобат билан билангарди. Қўйворишганда ерга "шилқ" этиб тушди. Шериклар ўлдириб кўйдик, деб қўрқиб кетишли, аммо Олим хотиржам, ҳуштак чалиб турарди.. Жонсиздай ётган Михаил Дронкин кутилмаганда йўталиб юборди. Ранги кўкимтири товлаб кетган, жони кўзига ўхшарди.

- Бўлди, ортиқ чидолмайман, ўлсам қизим етим қолади. Менга ишон, Олим, ишонмасанг, одам юбор, сейфдаги

пулларни олиб келсин!

Олим аранг гапираётган Михаил Дронкиннинг тепасига келиб энгашши.

- Сейфда қанча бор?
- Юз минг!
- Кўқиданми?
- Ҳа, сейф очиқ турибди...

Шерикларидан бири машинани миниб, ётоқхонага жўнади.

- Битта чектири! - деди Михаил Дронкин аянчли оҳангда Олимга қараб.

- Мумкин эмас.
- Нега?
- Осон ўлишингта ёрдам бермайди.
- Ҳозир пулни олиб келади-ку!
- Сен айтган жойда пул борлиги ҳали аниқ эмас, пулни олиб келса, бир дона сигарет бераман.

- Қўйиб юбормайсанми?

- Паспортлар нима бўлади?

- Э, у шаҳарда эди...

- Демак, сен ўлгандан кейин Гена топиб беради.

- У қаердалигини билмайди-ку! - Михаил Дронкиннинг кўзлари совуқ йилтиради. Олим у ёлғон гапираётганини сезди.

- Бу сафар уч метр кўтарсак, ёлгонингни тан оласан! Кўтар! Михаил Дронкин додлаб юборди. Аммо улар парво қилишмади. У икки қули билан сиртмоқни ушлаб, бўйнига енгиллик бермоқчи бўлганида, Олим қўлига чунонам тепдики, у жони чиқаётган одамдай ингради.

- Кўлингни сиртмоқقا олиб борсанг, иккала слкангдан отиб, узиб ташлайман!

Бўйнидаги қийилиб, кўкарган жойлар оғриёттани учун ногиронга ўҳшаб, Олимнинг кўзига жовдирар, қалтирас эди.

- Олим, - деди у ниҳоят мунгли овозда, - паспортлар подвалдаги сандикда!

- Ростданми?
- Бирга борайлик, ҳаммасини ўзингга топшираман, шерикларинг хоҳлаган томонига кетаверади. Сиртмоқни еч! Мен яшашни истайман!

Сиртмоқни ечишгандан кейин Михаил Дронкин сал ўзига келди, Олимга күтилмаган назар билан қараб-қараб қўярди.

- Менда битта таклиф бор, - деди у ниҳоят бўйинини ушлаб, - хоҳласанг, икковимиз катта пул топишимиш мумкин, жуда катта пул...



Ҳамма паспорт ва пулларини олгач, озод қилинган қул эркинликка кўниколмагандай бирданига қаерга кетишни билмай қолишиди. Аммо одамларни Одил билан Олим ҳушига келтирди. Нима қилиш кераклигини яхшилаб тушунтиришиди, тўдалашиб юраверсак, милиция назарига тушамиз, дарров олиб кириб қўяди, дея ҳушёр тортиришиди.

Марказдаги автобус бекатига боргач, баъзилар танишларига қўнғироқ қилиб, айримлар қишлоқлардан иш излашга шўнгишиди. Оила паноҳида бўштоб ўсиб, қийналиб қолганлар эса, ота-оналари илтимосига кўра, уйга кетишга қарор қилдилар.

Қолганларнинг ўпи Михаил Дронкин билан Гена биздан қасд олмасин, деган ҳадикда узоқ вилоятларга жўнадилар.

Олим Одил билан қишлоқ марказига борди-да, Интизорга қўнғироқ қилди.

- Тинчман, соппа-соғман, хавотир олман! - дейиши билан Интизор тувақиб кетди.

- Вой Олим ака, одам деган шунаقا бўладими, сиқилиб ўлиб қолай дедим-ку! Ҳар куни нафас олмасдан қўнғирогингизни кутаман, кечаси телефон экранига қараб ётаман, қани энди сиздан садо келса?! Тавба, ўзингиз яхшимисиз?

- Раҳмат, яхшиман, биз ишлаётган қишлоққа телефон келмаган экан, сотка ишламас экан!

- Тавба! Россияда шунаقا жойлар борлигига ишонгинг келмайди!

- Энди иш жойим марказга яқинлашди, тез-тез қўнғироқ қилиб тураман!

- Аэропортда Зарина сизни бир бало қилиб қўйган! У билан тез-тез гаплашиб турганингиз учун эсингизга келмаганманда!

- Нотұғри хаёлга бормаң, қийинчилік ўтиб кетди. Сиздан битта илтимос, бизнигің бориб, бувимга тушунтириб құйсанғыз, хавотир олмасынлар!

- Айтаман! Аммо менға ҳар куни құнғироқ қиласын, деб въяда беринг!

- Хүп!..

Алоқа узилди. Улар Одилнинг қариндошига құнғироқ қилишди. Москва чеккасіда міжоз олиб кетаётган экан, бир соатдан ксійин етиб боришини айтди. Икковлари катта йўл бўйидаги ишчилар кафесига киришли.

- Одил ака, - деди Олим жиддий назар ташлаб, - кетасизми, қолиб иштайсизми?

Одил оғир хўрсинди. Чукур ботган кўзларидаги изтироб қуюқлашди. Кўзларини узоқча тикиб жағига тиранди.

- Ишламасам бўлмайди!

- Нега?

У ҳаммасини айтиб берди. Олим ачиниш ва раҳм-шафқат туйғуси билан унга қааркан, ўз ахволи дуруст эканини ўйлаб, енгил тортди. Худога шукронга келтирди.

- Қарзим фоиз туғиб ётган бўлса, - давом этди Одил, - муаммо чуқурлашиб кетган. Хотиним, болаларим нима қилишашётган, онам қай ахволга тушдийкин? Уч ойдан бери миям тарс ёрилай деяпти. Иш топишим шарт!

- Топамиз! - деди қатъий Олим, - битта адрес бор, қўшнимнинг жиянлари беш йилдан бери ишлайди...



Интизор Олим акаси дам-дараксиз кетган уч ойда бувисининг олдига бир неча марта борган, бир соат-ярим соат гаглашиб ўтиришган, бир-бирларига далда бўлишган эди. Интизор Олим билан муносабатлари ҳақида гапирмаган бўлса ҳам буви қизнинг туйгуларини сезган ва бўлажак келин тайёрлигидан севинган эди.

Бу сафар янгилик билан борганда буви анча чўкиб қолган, кўзлари хавотир ва қайғу билан тўла эди. Интизорни кўриши билан ичи ёришгандай ўрнидан туриб кетди.

- Кел, қизим,вой, бўйларингдан ўргилай, яхшиям

бахтимга сен борсан!

- Суюнчи беринг!

- А, нима? - буви қўзларини жовдиратиб турди-да, - Қанақа суюнчи? - деб сўради гангиб қолган одамдай..

- Олим акамни топдим, бувижон!

Буви Интизорни бағрига босди. Кучогидан тараалаётган иссиқ ҳарорат унга хуш кайфият бағишлади. Ҳали замон Олим келадигандай Интизорнинг елкаси оша кўчага бўйлади. Қўллари ва танасидаги титроқдан ҳаяжонлангани аниқ билиниб тураг, қизни маҳкамроқ бағрига босарди.

- Вой, Ҳудойим-эй, ўзингга шукр! Қаерда экан, соғ-саломат, тинч-омонми? Нега йўқ бўлиб кетибди? Ахир, бир оғиз телефон қилиш шунчалик қийин бўлтими? Уч ойдан бери бир хабар йўқ, қўзимнинг оку қораси қаерда қолди, деб еган-ичганимни билмайман!

- Хотиржам бўлинг, бувижон, Олим акам соғ-саломат юрибдилар, ишлари телефон чиқмайдиган чекка қишлоқда экан, энди марказга кўчибди.

- Хайрият, энди ўзимга келдим, раҳмат сенга, қизим!

- Бувижон, қўнгироқ қилсалар, сиз билан боғланишларини сўраб, телефонимни олиб келаман! Ўзлари билан тўйиб-тўйиб гаплашасиз.

- Умрингдан барака топ, қизим!

- Бормасалар бўларкан, бувижон!

- Э, қизим-а! Роса гапирдим, қайсар бола гапга киармиди? Эр йигитнинг ризқини Аллоҳ ҳар ерга сочади! Пешона-да! Кел, ичкарига кирайлик, бир пиёла чой қиласай!

- Раҳмат, бувижон, Олим акам қўнгироқ қилсалар, албатта, келаман!



Одилнинг қариндоши келавермагач, бекатга чиқишиди. Қўчада одам сийрак, онда-сонда бир-иккита иш билан юрганларни ҳисобга олмаганда гоҳ-гоҳ ўтиб турган машиналардан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўриндиқقا ўтиришлари билан улар олдида қоп-қора "Мерседес" тўхтади-да, ҳайдовчи ойнасини туширди, бирорвни қидираётгандай таассурот қолдириб, Олим билан Одилнинг қиёфасини эслаб

қолмоқчидай, уларга тикилди, сўнг кўзини олиб қочди. Олимда ҳадик, шубҳа туғилиб тескари қарали. "Наҳотки, Михаил Дронкин билан Гена ортимдан одам кўйган бўлса!" Одил сезмади, хотиржам тишини ковларди. Ҳеч қанча ўтмай "Мерс" тезликни ошириб, жўнаб кетди. Олим бекатдан кетишни ўйлаб турганда иккита қоп-қора "Жип" шамолдай тез келиб, бекатда илкис тўхтади. Орқа эшиклар очилиб, тўртта шкафдай-шкафдай полвон тушли-да, икковининг қулини қайриб, машина томон судраги. Гангид қолган Олим бор кучи билан қаршилик қилди, аммо тўрт кишига кучи етмади.

- Овозингни чиқарсанг ҳозир отиб ташлаймиз! - деди чандиқли киши.

Одилни биттаси эплади. Уларни машинага олишгандан кейин иккала "Жип" боягидан каттароқ тезлик билан шамолдай учеб кетди... Ёмон туш кўргандай Одил саросимага тушиб қолди. Оғзи боғланган, гапиришга имкон йўқ. Қишлоқдан чиқишигандан кейин кўзларини боғлаб қўйиши. Қаршилик бефойдалигини сезган Олим қимирламас, қаёққа, нима учун олиб кестилаётганини, кутулиш йўлини мулоҳаза қиласади. "Анави икковидан қутулиб, эркин нафас ола бошлаганимизда бу фалокат қаердан келди? Тавба! Россияга кслганимдан бсри бошим кулфатдан чиқмайди, бирор атайлаб ташкил қилаётгандай воқеалар зараримга рўй беради-я?"

Бир соатдан сўнг гавжум кўчага бурилишганини англади. Сўнг ўйлим-чуқур қишлоқ йўлидан юришди. Машиналар ўнгга бурилгач, филдиракли дарвоза очилиб, ичкарига киришди. Зинадан кўтарилиб, коридордан ўтишли-да, икки метрча пастга юришди. Темир эшиклар очилиб, ҳамма ичкарига киргандан кейин кўзларини ечишди. Залга ўҳшаш хона нимқоронги. Ўнг ва чап девор томонга диван қўйилган, деразалар икки қават темир панжара билан ўралган, бурчакдаги кузатув камераси эътиборга тушмаслиги мумкин эди.

- Шу ерда яшаб турасизлар! - қатъий кесиб қўйди чандиқ юзли чечен, - муаммо тугилса кинопкани босасизлар! - дея девордаги нуқтани кўрсади у.

Соқоли ўсган одам Олимга яқин келди.

- Ўзингни эҳтиёт қил, болакай! - деди сўнгра меҳрибонлик билан, - ҳали кўп ишлар қилишинг керак!

Унинг гапида жиддий маъно бўлса-да, Олим тагига етолмасдан юрагида хижиллик пайдо бўлди.

- Бизни нега олиб келганларингни билмоқчиман!

Чандиқли киши саволни кутмаган эди. Лаблари титраб, ўзини ноқулай сезди. Олим билан Одилнинг қўли боғланганлиги учун икки киши хонадан чиқиб кетди. Қолган иккитаси ўзини осмонда санаб, улар атрофида у ёқ-бу ёққа юрар, қиёфасидаги кибру ҳавони яшириб ўтирасди.

- Ҳозирча билиш шарт эмас! Икки кундан кейин ҳаммаси аён бўлади.

- Қўлимизни ечинглар! - дея соқоли ўсган кишига жиддий тикилди Олим.

- "Кавказ асираси" фильмини кўрганмисан?

Олим уни тушунди.

- Тўполон қилмайман!

- Ваҳшийлигинг тутиб қолса, сен осиёликларни жиловлаб бўлмайди.

Унинг кўзида нотаниш ҳадик бор эди.

Бирдан ўлжасини қуваётган бўрининг ҳансираган овози эшишилди, сўнг тишларини қайраб турган қиёфаси жонланди. Бўри шаффоф рангли гирдоб ичилади бир айланди-ю, Олимнинг вужудига сингиб кетди...

У ёввойи шиддат, енгиг бўлмас шафқатсизлик билан тўлиб бораради. Фалати шарпа уни хушёр бўлишга мажбур қиласарди. Соқолли одам ўзгаришларни сезиб, чўчиб кетди. Олим кутилмаганда бор кучини бошига жамлаб, соқоллининг пешонасига калла берди. Соқолли миясида бомба портлагандай ҳушидан кетиб, полга қулади. Шериги кўксига кетма-кет зарба еб, орқасига ағдарилди.

- Қўлимни ечинг! - деди шошилиш керак деган маънода Одилга орқа ўтирапкан.

Одил қўрқанидан титради, аммо вазиятни тушуниб чўккалаган кўйи тиши билан арқонни ечди. Ҳеч қанча ўтмай, Олим уникини ечиб, иккала арқонни чўнтағига солди.

- Овоз чиқармай юрамиз! - деди у ташқарига бошларкан.

Чўзилиб ётганлардан бири инграй бошлади. Олим эшикни кулфлади-да, калитни коридорга отиб юборди. Сўнг боя келган томонларини мўлжаллаб юришди. Нимқоронги коридордан ўтишгандан кейин фойедан икки кишининг

аввал сояси ынчиди, сүңг шарпаси эшитилди. Девор ортига беркиниши, шарпалар писиб келаётгандай уларни пойларди. Бироқ кутылмаган важоқат билан бириңчиси улар олдида пайдо бўлди. Олим нафас олишга ҳам қўймасдан пешона ўртасига урди, у гурс этиб полга қулади. Орқасидан келган иккинчисининг жагига зарба берди. У боши билан деворга урилиб, гангид қолди. Шиддат билан ташқарига отилиши. Темир дарвоза рўпарасида олд эшиги очик "Мерс" турарди...

- Машинани мина оласизми?
- Ҳа!
- Тез ҳайданг!

Машина тезлаб, ярим километрча юришгач, Олим орқани кўрсатувчи ойнага қаради, қувиб келаётган машина кўринмади.

- Худога шукр! - деди у Одилга назар ташлаб хотиржам нафас оларкан. Аммо шу пайт кутылмаган ҳодиса рўй берди. Забардаст билак Олимнинг бўйнидан бўғиб, бошига тўппонча тиради.

- Хотиржам бўлишга ҳали эрта, оғайнини! - деди у маҳкамроқ бўгаркан. Одил саросимада уларга қараши билан иккичи одам унинг ҳам бўйнидан қўлини ўтказди ва орқасидан пичноқ қадади.

- Машинани чапга бур! - буйруқ берди у. Одил тўғрига кетаверди, аммо бўғаётган киши пичноқни озгина ботирган эди, икки кураги ўртасига иссиқ қон қуюлди. Нозик жойи оғириб, ўзини беҳол сезди.

- Шу кўчага бурил! - у пичноқ ушлаган қўли билан кўрсатди. Олим аранг унга қараб, бурилавер, дегандай бўлди. Одил ноилож бурилди. Бирдан иккови буйруқ бераётган - Михаил Дронкин эканини таниб қолиши. "Хотиржам бўлишга ҳали эрта, оғайнини", дегани эса Гена экан.

- Тўхтама, ҳайдайвер!

Одил қишлоқ йўлидан машинани учириб кетди. Бироқ Гена бўш келмади. Одилнинг пешонасига тўппонча тўғрилаб:

- Учгача санайман, тўхтамасант отаман! - дея бақирди. Машина зовурга ўхаш ариқ ёнидан ўтаётганди: - бир, икки уч!

Ўқ овози ҳамманинг қулоғини тешиб юборай деди, машина ичи сийрак тутун билан қопланди. Олим ўқ ўзига тегмаганига

амин бўлгач, Одилга қаради, газни босиб турган оёғидан қон оқарди. Ўқ туфлидан ўтиб оёғини тешиб кеттанди. Машина секинлаб тўхтади. Шу пайт ғалабадан кувонишни бошлаган Михаил Дронкин қошининг ўртасига зарба еб орқасига қулади. Қўли қаттиқ тишлиланган Гена додлаб юборди. Шу заҳоти кекиртагида Олимнинг темирдай бармоқларини ҳис қилиб нафас ололмай қолди. Олим тўппончани олиб, Генани ташқарига судраб тушди, ўтлоқ устида ётқизиб юзига сув сепди.

Михаил Дронкин орқа ўринидикда хўксиз ётарди.

Одил азобни енгиш ва қон кетишини тўхтатиш учун тўпигининг тепасидан иккала қўли билан сиқиб турарди. Олим қўлтиғига кириб, елкасига олди-да, Генанинг ёнига ётқизди. Гена инграй бошлади. Олим чўнтағидан арқон чиқариб, унинг қўлини боғлади Сўнг Михаил Дронкинни судраб тушиши. Иккинчи чилвир унга ишлатилди.

Ботинкани ечишиди. Ўқ тешган жойдан қон оқар, атрофлари тинмай оғрирди. Олим машинадан стакан олиб келди-да, муздек сувда жароҳатни ювгач, қон тўхтагандай бўлди. Сўнг дастрўмоли билан ярани боғлади.

- Бирпас чиданг, Одил ака! Туриб кўринг-чи, товон билан юрсангиз бўлар

Одилни суяб турғизди. У кафтини қўймай, товонини босди.

- Эплайман! - унинг ичида ингрок сезилди...

- Олим!

У чўчиб кетиб, Михаил Дронкиннинг овози келган томонга ўгирилди.

- Нафас олишим қийинлашяпти, қўлимни ечиб юбор!

- Қўлингни ечишга ҳали эрта, оғайни!

Михаил Дронкин кўзини юмди, аммо шу заҳоти жаҳли чиқиб бақириб юборди. Олимга еб қўйгудай бақрайиб қаради.

- Чандиқли чеченнинг гапини эслайсанми?

- Эслайман, аммо сенлар билан қиласидиган ишим йўқ!

- Бизни нотўғри тушуняпсан! - Михаил Дронкин унга жиддий қаради, - илтимос турғазиб қўй!

Олим уни ўтқазиб қўйди.

- Биз гаплашиб олишимиз керак.

- Нимани ҳам гаплашардим, абллаҳ ва зўравонсан!

- Сен бир нарсани билишингни истайман!

- Нимани?
- Ҳамманинг иш ҳақини сен учун ҳисоб-китоб қилдим, паспортларини бериб юбордим.

- Нега?

- Ўтизта мардикордан битта жангчи яхшироқ пул топади!

Олим қизиқсиниб қаради. Михаил Дронкиннинг кўзларида ростлик борга ўхшарди.

- Қандай қилиб?

- Сен шердай кучли, маймундай чаққон экансан! Битим тузсак, пул тикиб ўйналадиган жангларда албатта ютасан!

- Қаердан билдинг?

- Шафқатсизлигингдан!

Михаил Дронкин нишонга урган эди, Олим ишона бошлади, аммо кўнглида ҳадик бор.

- Сенлар билан келишиб бўлмайди...

Олимнинг кўзига қараб, ён бериши мумкинлигини сезган Михаил Дронкин отни қамчилашга тушди.

- Ишонавер, сўзимда тураман. Ҳатто олдиндан пул тўлашим мумкин!

Бу гаплар қўлдан кетган пул ва мардикорлар учун қасос олиш йўлида гапирилаётгандай туюлса-да, иш ва яшаш жойи қидираётгандарда умид пайдо қиласарди. Олимнинг қалбida бир қатим нурдай ишонч пайдо бўлиб, ўйланниб қолди.

- Олим, сен эркаксан, ҳадеб ўйланаверма! Ҳаммагаям бизнес таклиф қиласермайман!

- Бу иш жуда хавфли... Таваккал қилишга тўғри келади... Кейин шеригим ярадор бўлди...

- Энг зўр врачлар билан гаплашиб, ўн кунда даволатиб юбораман!

- Нима учун менга ёпишиб олганингни тушунмаяпман.

- Сенда куч ва бағритошлиқ бор, енгишингга ишонмасам пул тикармидим?

- Ёввойи кучим келса, менга бас келадигани топилмайди. Аммо кучимдан фойдаланиб, катта пул топади-ю, хўрозқанд билан алдайдиганлар кўп. Энди кўзим очилди: алдаганинг кекирдагини суғуриб оламан!

Михаил Дронкин ўша аъзосидан айрилаётгандай чўчиб кетди. Олимга яна бир карра ишониб, даста-даста юз долларликлар кўз олдига келди-да, тезроқ тил топишишга

киришди.

- Сени етарли шароит билан таъминлайман. Рўйхатдан ўтказаман, Москванинг энг зўр ресторонларида истаган вақтингда дам оласан, биринчи рақамли жононлар хизматингда бўлади.

Михаил Дронкин унинг оғзидан суви келади, деб ўйлаган эди, аммо Олим бир чимирилди-да, ўрнидан туриб, Михаил Дронкиннинг яқинига келди.

- Эртакка алданадиган аҳмоқ йўқ. Уч ой тутқунликда дийдам қотиб қолди, сен билан алоқа қилган одам фақат ёмонлик кўради, холос. Мендан бошқа одам бўлганда аллақачон биқинингдан дарча очиб, ўрмонга кўмиб ташларди. Мен нон-тузинг ҳурмати сени тирик қолдиряпман.

Олим ваъдалар тагида найранг сезгандай бўлди, аммо Михаил Дронкин самимий гапираётганга ҳам ўхшарди. Иккиланиб у томонга қаради.

- Тўғрисини гапир, пулга туширганим учун қасд олмоқчимисан?

Михаил Дронкин адирлик ортидаги ўрмонга қаради-да, бироз хаёлга толди. Ёмонликни ўйлаётган одамга ўхшамасди.

- Нотўғри тушуняпсан! Мен кек сақламайман. Пулга ачинмайман. Мардикорларимни йўқотиб, катта зарар кўрмадим. Фойдам озроқ бўлди, холос. Лекин ўрнини бошқа бизнесдан қоплай оламан.

- Қандай қилиб?

- Сенга аниқ режа асосида иш таклиф қиляпман. Кел, келишайлик, янгича муносабат, ҳамкорлик ўрнатайлик.

Олим ўйланиб қолди. Энди Михаил Дронкин артистлик қиляпти, деган ўй чекиниб бормоқда эди.

- Алдасанг, бўғиб ўлдираман, одамларинг менга бас келолмайди.

- Розиман! - кўзлари чақнаб кетди Михаил Дронкиннинг.

- Қўлимни еч!

- Ҳали мени ишонтиrolмадинг.

- Яна нима дейишим керак?

Олим бир нуқтага тикилиб қолди. Олдидаги одам чин дилдан гапираётганига ишонаётган бўлса-да, яна бир карра синааб кўрмоқчи эди.

- Очигини айтсам, осиёликларни иккинчи даражали одам ҳисоблардим. Аммо рус тилида яхши гапиришинг ва кучингни кўриб, хурматим ошди. Бу ёғига дўстона ҳамкорлик қиласиз, менга ишонавер.

Олим унинг кўлини ечди.

- Ҳозир меҳмонхонамга борамиз. Одилни докторга кўрсатаман. Эрталабгача дам олинглар. Нонуштадан кейин ҳаммасини гаплашиб оламиз.

Улар туман марказига бориб жойлашишгач, Михаил Дронкин Олимга тўппонча узатди.

- Ҳалиям ишонмаётган бўлсанг, мана буни ол. Ўзингни ҳимоя қилишга керак бўлади.

Олим аввал қуролга, кейин унга қаради.

- Михаил Дронкин, - деди вазмин овозда, - Худо асрамаса, ядро қуроли ҳам ҳимоя қилолмайди. Мен билан ишласанг, бу матоҳ сенга ҳам керак бўлмайди, ма, беркитиб кўй!...

Михаил Дронкин тўппончани орқасига қистирганча чиқиб кетди...

Эртаси куни уларни ўзига қарашли икки қаватли уйга кўчирди. Хизматкор тайинлади.



Интизор университетдан чиққанда хаёли паришон, кўзлари йиғлагандай қизарган эди. Чорраҳдан бурилиб, китоб дўконига кираётганда Заринани кўриб, у томонга югурди, машиналар тирбандлиги асабига тегди. Кетма-кет сигналлар, машина шовқинлари дунёни тутиб кетгандай эди.

- Зарина! Зарина! Бир минутга тўхтаб тур!

У Интизорни эшитмади ёки атайлаб қулоқ солмади. Йўл очилгунча таксида жўнаб кетди. Интизор қўнғироқ қилди, аммо у кўтартмади. Интизорнинг шубҳаси яна кучайди.

Уч ойки, у Олим акасига нималарни ёзганини билолмай азобда. Нигинанинг гапларини эслаб, юраги тирналади. Кечалари тикон устида ётгандай тўлғонади. Ўлганнинг устига тепгандай Олим акаси бирор марта қўнғироқ қилмади. Нега? Бирор фалокат содир бўлдимикин?

Зарина Олим акамни оғдириб олган, деган гумонлари ўзини кўпроқ қийнарди. Аммо Олимнинг бувиси олдига

боргандан кейин хотиржам тортди. Буви йиғлаб-йиғлаб ҳасрат қилди.

- Ёшлигидан емасдан едириб, киймай кийдириб боқсан кўзимнинг гавҳари эди. Нега жим кетади? Битта-яримта шайтон йўлдан оздирган бўлса, ёмон болаларга қўшилиб бизни эсдан чиқардимикин?

- Олим акам Москвадаги шайтонларниям тумшугини ерга ишқаб қўядилар!

Буви Интизорга қараб кўнгли юмшади.

- Болам шердай бақувват, маймун сингари эпчил, аммо бегона юрт одамларига ишониб бўлмайди-да. Кошки боламни ўзига тент кўриб ишлатса экан!

Интизор Олим акаси қўнгироқ қилмаганига ишонди. Хотиржам бўлгандан кейин уни дуо қила бошлади. Аммо хатта қизиқиш сўнмади. Заринани уйига излаб борди, йўқ, лицейдан тополмади. Яқин дугоналаридан янги телефон рақамини олиб қўнгироқ қилди, у трубкани кўтартмади. Бироннинг телефонидан қилиб кўрди, рақамига тушиб бўлмади. Зарина қочиб юрган кийикка ўхшарди.

Интизорнинг ҳолати оғир. Дарсда ҳам, оила аъзолари билан овқатланаётганда ҳам кўксини рашк тимдалар, ҳатто ўзидан безор бўлиб, яшашдан зерикиб кетарди. Буви билан учрашгандан кейин азоблари бироз камайди, аммо рашк, Заринанинг хати кўксидаги зулматни кенгайтирас, гоҳо ярим тунда уйғониб кетса, хаёллар азобига азоб қўшарди... Аммо афсуски, уч ой бекорга қийналибди!

Кутилмаганда Зарина билан "Таманно" кафесида учрашиб қолди-ю, жони томоғига тиқилиб, бирга-бир гаплашишни илтимос қилди.

- Нималарни сўрашингизни биламан, опа! - деди хотиржам Зарина, - Ҳамма шубҳаларингиз ноўринлигини сезиб, ортимдан кувмайсиз деб ўйловдим. Аммо уч ойки, ҳеч нарсани тушунмадингиз! Бунчаликка борасиз, деб сира ўйламаган эди. Унча-мунча майда туйғулар, кўнгилни хижил қиласидиган фикрлардан баланддасиз, деб ўйлардим!

- Нега?

- Олим ака билан ўртамиизда оддий дўстлик бор, холос. Ишонмасангиз ўзидан сўранг, ҳали бирор марта қўнгироқ қилмадилар.

- Наҳотки?
- Сиз құнғироқ қилмаслигини тайинлагансиз, деб үйлагандим!

Интизорнинг нафрати, ғазаби тумандай тарқаб, юраги бүм-бүш, ҳатто енгил хотиржамлик билан тұлиб қолди. "Наҳотки, уч ой беҳуда азобланған бўлсан?"!

- Сизни бошқача тасаввур қиласдим! - давом этди Зарина,
- Олим акага бошқа маънода гап қиласдиган қизга ўхшайманми?! Муносабатингизда ҳақорат сезяпман. Шоҳбоз акамга ўхшатган бўлсангиз, хато қиласиз! Характеримиз бошқа-бошқа! Аммо оддий дўст сифатида Олим акага хат ёзишим мумкин эмасми? Хотини бўлган тақдирингиздаям эркимиз ўзимизда қолади! Севги - бошқа киши устидан хукмронлик, муносабатларни чеклаш ҳукуқини бермайди!

Бир газ пастга тушган Интизор қизариб ерга қаради. Ўшанча баланд кўтарилган Зарина эса қаддини ғоз тутиб сўзларди.

- Рашкнинг чегараси бор, опажон! Мен енгилтак эмасман! Узимга яраша фуурли, ориятлиман! Орамиздаги тиниқ сувни лойқалатиб, муносабатларимизга рахна согланлар иғвогарлигини унутманг!

Интизорнинг миясида чақмоқ чақди. "Наҳотки, Нигинанинг гаплари уйдирма бўлса?! Мен лақма чиппа-чин ишонибман-а! Устамонлигига қойилман. Роса вақтида гапирган экан!"

- Хотиржам бўлинг, Олим ака қилганини бошқаси эплолмайди. Ваҳоланки, унда таниш эмасдинглар! Одамийлити, мардлигига қойил қолганим учун дўстлашдим. Мен хато қилмадим.

Интизор чуқур ўйга толди, бир неча дақиқа сўзсиз, узокларга тикилганча ўзи билан ўзи олишди, Нигинанинг устамонлигию, ўзининг соддалигидан қайғуга ботди, Заринанинг фаросатига қойил қолди! Фикри теран, воқеаларни тўғри идрок этади, бор бўйича баҳолай олади. Қалби тоза, оқибати жойида. Адолатга суюнади. Интизор шуларни ўйларкан, шубҳалари тарқаб кетди ҳисоб.

- Сизни тўғри тушунаман, аммо йигитим билан боғлиқ нарсаларни билишга ҳаққим бор-ку! - бўш келишни истамади Интизор.

- Аммо мен ҳақимда Нигинага айтганларингизга чидаб бўлмайди, сиздан номингизга ярашмайдиган бемаза гаплар чиқишини кутмаган эдим.

Интизор ҳайрон, ҳатто озгина жаҳли чиқди.

- Мен Олим ака билан сиздан олдин телефонда гаплашиб, орқасидан Россияяга кетмоқчи эмишман! Латифаларни қаердан олганингизга ҳайронман, сиз ўйлаб гапирдингизми, опа?

Интизор ўртаниб кетди. Юрагига аччиқ алам, эговладиган изтироб ёпирилиб кирди. Дўстим деб юрганинг, наҳотки, уялмай-нетмай олчоқлик қилса?!

Индамаётгани айбига икрорликдай туоларди.

- Нигина ростдан шундай дедими?

- Худди шундай!

- У менга ҳам шундай деган, Зарина!

Интизор алам билан сўзлар, қароғида ёш йилтиради. Дугона хиёнати қаттиқ таъсир қилгани хўрсишиларидан сезилиб турарди.

- Ишонмасангиз, юзлаштираман.

- Ҳозироқ борамиз!!



Олим тушга яқин айланиб келиш учун кўчага чиқди. Москва атрофлари одатдагидан илиқ бўлгани учун одамлар енгил кийинишган. Гавжум кўчалар машиналар билан тўла. Тезлик ақлни шоширади.

Уй яқинидан қўзғалган машина Олимнинг ёнидан ўтаётиб, фарасини ёқиб ўчириди. Қорайтирилган ойна орқасидан бирор қаради, аммо қўз очиб юмгунча узоқлашиб кетгани учун таниб бўлмади.

Олим яхши дам олган, руҳи тиниқ бўлгани учун кўнглига ёмон фикр келмади. Музқаймоқ дўконидан ўтиб, озиқ-овқат магазинига етганда оппоқ шим, куртка кийган қиз яқин танишидай жилмайиб қўйди. Қизнинг сирли ва чиройли юзи тухумдан янги чиққан жўжани эслатар, табассум билан очилган қўзларида оҳори тўкилмаган ишқий ташналик борга ўхшарди. Ёнидан ўтаётганда юзига иссиқ нафаси урилгандай, ҳатто билаги кийимига тегиб кетгандай бўлди. У қизнинг

сузилган күзларига маҳлиә бўлиб, ўтиб кетганини билмай қолди.

Бир неча ойдан бери муаммолар гирдобида, ғам-ташвишлар билан яшаган қалби қизнинг табассумидан яйраб кетди.

Ярим соатча айланиб, шаҳар ўтгасидан ўтган кичик дарё бўйидан чиқди. Соҳилдаги яшил майдонга қараб Ўзбекистонни, уйини эслади. Бир неча дақиқа ўриндиқда дам олди. Соғинч ва хотиралардан яйраб, хузур-ҳаловат түя бошлади. Шу пайт ортидан яқинлашган шарпа ҳаёlinи бўлди. Елкасига бирор туртди.

- Сигаретадан ол!

Олим шошиб ортига ўтирилди. Алкашбашара одам оёқда аранг турар, қўлтиғига ярми ичилган вино қистирилган эди. Вино ҳиди танасининг сассиги билан қўшилиб, кўнгилни бехузур қиласидан даражага етган, унга сигарета бериш тугул олдида туришга чидаб бўлmas эди.

- Кел, танишамиз, мен Игорман!

- Олим!

- Чекишдан ол, ҳозир болаларни чақираман, қўл-оёғингни боғлаб дарёга улоқтиради, ҳамма юртошларинг йифилсаям тополмайди, тушундингми?

Олим ўзини босди. Михаил Дронкин кечакурун бирор муаммо чиқса, кўнгироқ қиласан, леб телефон берган, ҳозир чўнтағига қўлинни солди-да, уни уйда қолдирганини сезиб, афсусланиб кўиди.

- Мен чекмайман!

- Нега, нега чекмайсан?

- Мутлақо чекмайман.

- Мен учун чекасан, бор, сигарета топиб кел!

У қўлтиғидаги винони ёнига қўйиб, чўнтағидан стакан олди. Озгина қўйиб, Олимга узатди.

- Мен ичмайман!

- Ие! Ичмасанг, чекмасант, аёллар билан ҳам юрмасанг керак, а?

- Шунақа!

- Одаммасакансану! Дунёдан фариштага ўхшаб ўтиш жалкамасми, а? Бўпти, бор сигарета топиб кел, иккаламиз ошна бўламиз! Тур ўрнингдан!

Игорь ростмана бақириб юборди, Олим бир чўчиб тушди.

- Нима гап, Игорь, сени ким хафа қыляпти?

Орқадан эшитилган овоз дағал ва кескин эди. Олим ялт этиб қаради. Иккى барзанги улар олдига айланиб ўтаётган эди. Бири ёнига ўтириб, иккинчиси иккى қадам олдинда тұхтади.

- Қаердан келгансан? - савол терговчиникидай кескин эди, Олим сал чүчи迪, аммо ўзини дадил тутиб ўрнидан турди.

- Михаил Дронкиннидан келдім, нима ишиңг бор?

- Қанақа Михаил Дронкин? Бу ерда сен айтган мишиқи яшамайди.

- Керак бұлса күрсатиб құяман, юр.

- Алик, эшитяпсанми, у менга күрсатиб құярмиш! - истекゾ билан шеригига қаради.

- У иккаламизни лақыллатяпти. Тумшугига солиш керак!

- дея ўрнидан турди Алик.

Олим кутылмаганда жағига зарба еди. Эгилди-ю, йиқілтмади. Ўзини ўнглаб олгунича, бүйніга иккінчи мушт түшди. Юрагини аламзадалик ҳисси қоплаб, ғазаби қайнади. Бирдан... бирдан күз ўнгіда чүл, бўрилар пайдо бўлди. Аллақайдан гирдоб келди-ю, шаффоф туман йўқолиб, ўртасида шаффофранг бўри қўринди ва сувдан чиқиб қоқингандай бошини силкиди-да, югуриб келиб Олимнинг вужудига сингиб кетди.

Унинг танаси мислсиз кучга тўлиб, тишлари фижирлади. Устига девдай бостириб келаётган Аликка чап берди, рақиб боши билан ерга қулади, аммо шу заҳоти ўрнидан турди-да, яна ташланди. Бу сафар Олим иккى биқинидан ушлаб, боши баробар кўтариб ерга урди. Қимирлашига йўл қўймасдан товони билан кўкрагига тепди. Аликнинг қўзлари олайди, оғир-оғир нафас олиб кафти билан ерни урди. Аммо Олимда ваҳшиёна куч қайнай бошлагани учун аямади. Жағига иккى мушт уриб, ҳушидан кеткизди.

- Дронкин! - бақири Игорь шиша тутган қўлинини баланд кўтарганча, - Нега қараб турибсан, ўлдир анави мишиқини!

Олим қўлларини ёзиб, бошини силкиб турганда Дронкин оғигига тепди, унинг ғазаби қайнади. Темирдай мушти билан шундай урдики, рақиб кўзидан ўт чиқиб кетди. Куч ва шафқатсизликни кутмаган Дронкин чўзилиб ётган Аликка бир қаради-ю, катта-катта очилган қўзларига қўркув тўлди.

Аммо енгилишни истамасди. Бор кучини билагига тўплаб, бақирганча Олимга ташланди. Кўксига ва бўйнига икки марта зарба беришга улгурди. Аммо кекирдагини темирдай бармоқлар қисганида, нафас ололмай хириллаб юборди. Бир неча сонияда типирчилаб нафаси бўғилди. Талвасага тушиб, жони кўзига кўриниб кетди. Олимнинг юз-кўзларини тирнай бошлади, аммо бу узоқча чўзилмади. Тинкаси қуриб, боши "шилқ" этиб ёнига тушди

Алик инграб ўзига келаётган эди.

Алкаш шиша кўтариб унга ташланди. Олим битта сакрадида, елкасига тепди. Игорнинг шишаси яшил майдонга учиб кетди, ўзи ўриндиқ ортига қулади.

Олим атрофга аланглади, узоқ-яқиндан ҳавас ва ҳасад билан, қўркув билан кузатиб турган ҳар хил нигоҳларни кўриб хавотирга тушди. Михайл Дронкинига қандай этиб келганини билмади...

Врач билан ҳамшира муолажасидан кейин Одил ўзини енгил ҳис эта бошлади. Оёгини меъёрида босолмаса ҳам ўзини тетик сезарди. Уй хизматкори келтириб берган қўлтиқтаёқ билан ҳовлида айланди. Тушлик арафасида унинг телефонидан уйга қўнғироқ қилди.

Олим кириб келганда яхши кайфият билан оёгини силаб ўтиради.

- Пулни олишибди! - деди уй билан гаплашганини билдириш учун, - хотиним бувингизга беш юз доллар бериб қўйибди.

- Раҳмат, ака!

Одил унинг кўзи, бўйни ва жағидаги кўкариб қолган жойидан кутимаган воқеа рўй берганини билса ҳам ўзидан гап чиқишини пойлади. Олим ҳеч нарса демасдан ўрнига чўзилди.

- Хизматкор тушликка боришингизни тайинлаганди, - деди Одил ниҳоят. - Михайл Дронкин келгунча тайёр туриш керак эмиш!

Олим хомушлик ва норозилигини тарқатиш учун Одилга қаради.

- Бошим қотиб қолди, Одил ака!

- Нега?

- Бирор бошинг ғалвадан чиқмасин, деб қарғаб кўйгандай, қаерга борсам муаммо чиқяпти, ё уйга кетсақмикин?

Одил далда кераклигини тушунди.

- Ёмон кунлар ўтди, Олимжон, буёғига ақлни ишлатиб яхшигина ишлаш мумкин, ҳамма нарсани кўнгилга келтираверманг!

Эшик шиддат билан очилиб "Комарово"ни айтганча Михаил Дронкин кириб келди-да, столга бир даста юз долларлик ташлади.

- Биринчи синовдан "беш"га ўтдинг, табриклайман! Чўнтағингта солиб кўй!

Олим бояги олишувнинг моҳиятини энди тушунди. Кайфияти кўтарилиб, Одил билан кўз уриштиргандан кейин Михаил Дронкинга қаради.

- Бу ёғигаям маҳкам тур, шафқат қилма! Темир муштларинг билан ҳали кўп ишлаймиз! Юр, бирга тушлик қиласиз! Фақат чиройли қизларга чалғиб, телефон ўғирлатиб юрма!

Михаил Дронкин пул ёнига телефон аппарати қўйди. Бу Олимга берилган "Нокиа" эди.

Интизорнинг машинада қолган телефон аппаратини қайтариб бергани ёдига тушиб, жилмайганча ўйга толди. Кайтар дунё экан: ўшанда Интизорнинг аппаратини қайтармаганимда, ҳозир меникиям ўша қизда кетаверармиди? Ёки ўшанда Интизор мени синаш учун қолдириб кетганмиди? Балки Михаил Дронкин қиз орқали ҳушёрликка чақирмоқчидир?

Аммо минг ўйласа ҳам жилмайган қиз аппаратни қандай олганини тушунолмади.

Михаил Дронкин унинг кўкарған жойларига қараб, сал ўйланди, аммо шахди сўнмади.

- Майли, - деди кайфиятини туширмай, - Суворов айтганидек, машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади! Олға, Олимчик!



Нигина ҳеч нарсани тан олмади. Ҳатто икковини ифвогар, бирорвнинг ишига тумшуғини суқиб юрадиган гийбатчи хотин деб, шундай шаллақилик қилдики, ҳурматсизлик ва

әлғонга биринчи дуч келган қызлар ҳайратдан ёқа ушлаб қолишиди.

- Тавба! - деди Зарина ичига туфлаб күзларини катта-кatta очаркан, у томонға имлади, - шу Нигина опами ё қиёfasига бошқа одам кириб олғанми? Наҳотки, гапларидан тонса?! Худди душманга үхшайди-я!

Интизор ундан бешбаттар изтироб кечәёттган эди. Аммо Заринадан үтказиб гап айттолмади.

- Дүстликни бир зарб билан яксон қилди-я?! Эртага юзимизга қандай қарашини үйламасмын?

- Э, опа, шармандага шаңар кенг! Аммо мен вазият туғилғанда қызлар олдиде шарманда қиласаман!

- Бешбаттар қилиш керак! Үзимга тенг күриб, ҳурмат қилардым, орқасидан Олим акамни бошлаб, Тошкенттата борибмиз! Ҳурматта арзийдиган одаммасакан!

Зарина үйланып қолди. Нималарни мuloҳаза қилаётганини билиб бўлмас эди.

- Мен билан шунчаки таниш эди, аммо у сизга хиёнат қилди. Юзингизга оёқ қўйди. Бетига туфлаш керак у абраҳмининг!!

- Гаплари ботиб кетди! Ҳалиям үзимга келолмаяпман!

- Бу қиз - одам эмас! - деди Зарина кескин холосага келгандай.

- Шарманда бўлишдан қўрқиб, шаллақилик қиляпти! - изтироб ичиде гапга якун ясади Интизор, - ҳали унга кўрсатиб қўяман!

- Совунимга кир ювмабди, ичи қора ифлос, шайтондан дарс олган

Уйгача ҳасратлашиб кетишаркан, губорлар тарқаб, икки қалбда яқинлик, бир-бирини тушуна олиш хислати теранлашди... Музқаймоқ дўконига бориб, бир соатча диллашгандан кейин уйларига тарқаб кетишиди.



- Олим акамни қачон уйлантироқчисиз? - Интизор бувиникига боргач, биринчи саволи шу бўлди, - мўлжаллаганингиз борми?

Буви қизнинг кўзларидаги қувончни кўриб, дили яйради.

Уни келин қилиш истагини озгина билдириш мавриди пайдо бўлганини англади.

- Бегонани олармидим? Сенга ўхшаб тушунган, неварамни ҳурмат қиласиган қизни келин қиласманда, болам!

- Қачон уйлантирасиз у кишини?

- Насиб қилган куни-да, болам! Бегона юртларда ризқи қўшилган экан, бир куни қозигини толиб келади. Шартта тутволиб, бошини иккита қилиб қўяман.

- Буви, келинингиз уйда ўтириши керакми?

- Э, қизим, тан-жоним соғ бўлса, ўзимни ўзим эплайман. Неварам билан ўзидан тиниб, ўниб-ўсиб юрса бўлди.

Интизор кулимсираб, унинг елкасига бош қўйди. "Бунча яхшилиз, бувижон!"

Интизор бугун бекорга келмаганди. Яқинда Интернет орқали Америка олий ўкув юртларига Тойфл тестини ечиб жўнатган, ўн битта ўкув юртидан бирида таҳсил олиш имкониятини қўлга киритган эди. Кувончи ичига сифмай, отасинин бўйнига осилди. Ҳовлида ёш болага ўхшаб сакради. Онасини кучоқлаб эркаланди, укасини кўтариб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпди. Наримон акага қўзини қистганича, қўлини силкитди. Курсдошларига қўнғироқ қилди. Заринага озгина ёрилди. Аммо Олим акасининг телефони ўчирилган экан. Ҳозир бувига бу ҳақда айтамиштади, деб иккиланиб турибди.

Ўйлана-ўйлана Олим билан гаплашгандан кейин айтишга қарор қилди.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Елкасига сумка осиб, тор шим, майкача кийган Нигина пайдо бўлди. Интизорнинг тепа сочи тикка бўлиб, даст ўрнидан турдиди, олдини тўсди.

- Нега бу ерга келдинг?

- Сен аралашма, бувимда ишим бор!

Таажжуланган буви Нигина билан кўришиш учун ўрнидан турди.

- Кел, қизим!

- Бувижон, яхшимисиз?

Буви хушламаса ҳам Нигина унинг икки юзидан ўпди,

қайта-қайта ҳол сўраб қулини кўйвормай турди.

Интизорнинг тоқати тоқ.

- Олим акам қўнғироқ қилган бўлсалар, билиб кетмоқчи эдим. Ўртоқлари сўрашган эди.

- Вой болам-эй, - жилмайди буви, - мен телефон тутишни билмайман-ку! У фақат Интизор қизим ё Заринага қиласди. Ўртоқларини танийсанми?

Нигина ялт этиб Интизорга қаради. Фазаб ва нафратни кўриб, юраги шув этди. Сезмаганликка олиб, орқасига ўгирилди.

- Бувижон, яхши қолинг, Заринадан сўрарман. Унда номерлари, манзилларигача бор.

Нигина белисандлик билан туфлисини "так-так" латганча кўчага чиқиб кетди.

- Укасининг майкасини кийганми? Тавба, қиз болаям шунаقا юрадими? Биз тўлиғимизгача кўйлак-лозим киярдик, қўлимиз енг учидан кўринмас эди. Рўмолсиз юрмаганмиз, тор шим тушимизгаям кирмаган. Ҳозирги ёшларга ҳайронман... Киндигини очиб юрган қизларга бирор уйланармикин?

- Нуури бўлса, уйланмайди!

- Ҳа, албаттат...

Интизор буви билан хайрлашиб чиқаркан, тезда Заринага қўнғироқ қилишни кўнглига тутиб қўйди...



Уч қаватли бинонинг ертўласи спорт анжомлари билан жиҳозланган, шуғулланиш учун ҳамма нарса муҳайё. Энг муҳими, яп-янги, энг замонавий. Югуриш учун мўлжалланган зал четлари бир метр кенгликда асфальт рангига бўялган. Ўртадаги тўшамалар ўмбалоқ ошиш, қўлни ерга теккизмай сакраш, елка билан туриб турли машқлар бажаришта, панжара тўсиқлар эса машқлардан кейин баландликка сакрашга мосланган. Бокс қопи ўнг томондаги бурчакка жойлаштирилган. Турник ва дорсифат жиҳозлар унинг ёнида турибди. Шифтга осилган, учига пластмасса халқа боғланган, тортиладиган арқон эса зинама-зина кўтариладиган жиҳоз ёнига қўйилган эди. Зал

түрида янги тренажёр бор. Ҳамма ёқ топ-тоза, ҳар қандай танбал ҳам ҳавас билан юргиси, турникда тортилиб, шуғуллангиси келади.

Олим машқларни югуришдан бошлади. Түртингчи марта айлангандан кейин ёнида аллақандай нафас сезди. Қаради, ҳеч ким йўқ! Бироздан кейин бўрининг ҳансираши эшитилди. Олдидами, ортидами у билан бирга шерик бўлиб эмас, куч-қувват бағишлаб, тезликни оширишга ёрдамлашиши учун югуратди. Яна бир айлангач, шарпасини янам яқинда сезди, ҳансирашларини эшитади, аммо ўзини кўрмайди. Руҳидами, қалбидами, миясининг аллақайси нуқтасидами у билан бирга юрибди! Олим шундай югуряптики, бир юз йигирма тезликда кетаётган машина ҳам етолмайди.

Югуришни тўхтатиб, тўшамада ўмбалоқ ошди. Қўлини ерга теккизмасдан сакради, кўприк усулида туриб ўнгга, чапга айланди. Турникда тортилиб айланди. Ўн дақиқача тренажёрда ҳар хил машқлар бажарди. Сўнгра бокс кўлқопини кийгач, вужуди қизиди. Мускуллари бўртиб, ердан кўтарилаётгандай енгил тортди. Бир сакраса қанот чиқариб учадигандай...

Айланиб қопни ура бошлади. Оёқлари енгил ҳаракат қиласи, тобора кучга тўлади. Баданида чўғ бордай ҳарорати кўтарилади, куч-қуввати ортиб, қопни ёриб ташлагудай муштлайди. Урган сайин ургиси келади. Файрати қайнаб, чаққонлиги кучаяди, тер босиб, вужудидан аланга чиқаётгандай бир ерда туролмайди. Шиддат билан ҳаракат қилса ҳам кучи камаймади. Қопга ёриб ташлагудай зарба бераверди.

Олим секинлаб, Михаил Дронкин томонга қаради. Кўзлари катта-катта очилиб, қойил қолганча кулиб турарди.

- Сен ҳали зўр бўлиб кетасан, Олимчик!
- Мен оддий каратэчиман, холос!

Олим сакраб-сакраб, Михаил Дронкиннинг атрофида айланарди.

"Хозир мени битта урса энамни кўраман!" - дилидан ўтказди Михаил Дронкин.

- Мусобақаларда қатнашганимисан?

- Республикада иккинчи ўринни олғанман.
- Нега бириңчини эмас?
- Очигини айтсам, унда ёввойи күчим йўқ эди.
- Ёввойи күчинг йўқолиб кетмайдими?
- Йўқ!
- Нега?
- Уни Худо берган! Аммо қайтариб оламан деса, бир минутда олиб қўяди.
- Қайтариб олмаслиги учун нима қилиш керак?
- Унга ишониш керак!
- Тўппа-тўғри! Сен Худога ишонасанми?
- Аллоҳ - қалбимиизда, дилимизда!

Олимнинг кўзидағи сирли, ғайри-табиий маъно Михаил Дронкинни сеҳрлаб қўйди. "Бу болада бир хислат бор. Мақтаниши, керилишни билмайди. - Михаил Дронкин қалбидаги адолат туйғуси ўз күчини кўрсата бошлади. - Аммо бегона юртларда сотилиб юрганига ҳайронман!"

Залга киришдан олдин эшик тирқишидан анча кузатганди. Чайир бадани, кўзларидаги шиддат, енгил ҳаракатларига мафтун бўлишдан ташқари, чарчамаганига қойил қолди. Аввал сотиб олинган полvonлар ярим соатда тили осилиб қоларди. Бу эса шуғулланган сайин кучга тўлиб, шиддати кучайиб боряпти. Ҳозир Москвадаги энг зўр полvonни олиб келсам, ўн минутда ер тишлатиб қўяди.

Михаил Дронкин унга ноёб хазинадай қаради. Қўз олдига катта-катта жанглар, юз минглаб доллар пуллар келиб, тамшаниб қўйди.

- Бир ҳафтадан кейин ўйин бўлади, Олим, яхшилаб тайёргарлик кўр, ўзингни кўрсатишинг керак.

- Ҳаракат қиласман.

- Сен чўчима, жанглар қоидасиз дейилгани билан ўз тартиби бор: оғирлиги тенг полvonлар курашади. Куч ва маҳорат ишлайди, холос! Бу адолатни бузганлар ўйиндан чиқади ва албатта мол-мулки йўқ қилинади! Расмий мусобақалардан фарқи шуки, ғолиб фахрий ёрлиқ ёки чемпион унвони билан тақдирланмайди, у олқишиланади ва катта пулга эга бўлади. Юз минглаб доллар тикадиган фанатлар бор. Ютаверсанг, тарафдорларинг кўпаяди. Чўнтағинг қаппаяверади. Фақат тайёрлан, сенга астойдил

ихлос қилдим! Курашда битта нарсани ҳисобга ол: енгилсанг руҳинг тушиб кетиши, майиб-мажруҳ бўлиб қолишинг мумкин, ҳатто хайр-маъзурни насия қилиб анжир пойлагани кетиб қолиш ҳам эҳтимолдан холи эмас! Шунинг учун фақат ғолиб бўлишни ўйла!

Михаил Дронкин юқорига кўтарилигач, Олим бокс қопини қучоқлаганича, орқасидан қараб қолди. Сўнг икки марта зарба берди-да, ювениш хонасига йўл олди...



У биронинг туртишидан уйғониб кетди. Ўгирилиб қараса, қўлтиқтаёққа тиранганча тепасида Одил турибди. Қўзлари таажжуб билан тўла.

- Тушда бўрилар билан юрдингиз шекилли, а?
- Нега ундан деяпсиз?
- Бўридай увладингиз, хонамда йиртқич юргандай, чироқни ёқсан, овоз сиздан келаётган экан. Ҳазиллашяпсиз деб ўйласам, астойдил, ўхшатиб овоз бердингиз.
- Билмасам... Алаҳсирагандирман...
- Ҳайронман...

Олим вужудида катта куч тўпланганини ҳис этди. Қул-оёқлари, бутун танаси шиддатга тўла. Дивандан сакраб тушди-да, ярим кеча бўлишига қарамай, залга тушиб кетди.

Кечкурун жанг...

Танасини эгаллаб бораётган ёввойи куч тобора кўпираётганидан севинади. Аммо рақибини ўйласа, юрагида чўчиш пайдо бўлади. Сал орқага тисарилади. "У абжир бўлса, кўпчиликка шарманда бўлгандан кўра, Михаил Дронкинга айтиб, қатнашмай қўя қолсаммикин?"

Катта пул ишлаш ниятида юрган одам рози бўлмайди. "Ўлсанг ҳам курашасан, енгишинг шарт!" деб туриб олади.

Тушликда қувватни оширадиган овқатлар, меса шарбатидан беришли. У кўплаб киноларда қоидасиз жангларни кўрган, бошланишидан олдин жангчига допинг ва шунга ўхшаган дорилар ичиришганини билади. Аммо ҳозир Михаил Дронкин шунаقا таклиф айтса, фирром ўйнамаслигини тушуниради. Кўнглидан

кечаётганлар Михаил Дронкинга аён бўлди, шекилли:

- Кучингта ишонасанми? Ё допинг берайми? - деди.

Олим унга ўқрайиб қаради. Михаил Дронкин кўзини олиб қочди.

- Бу ўйинда адолат бор дегансиз-ку!

- Ким қойилмақом ютишни хоҳламайди?

- Фирромликка бошласангиз, мардикорликка қайтаман!

- Ухў! Нуруринг баланд-ку! Ташвишланма, - унинг тасига қўлини қўйди Михаил Дронкин, - Мен азиллашдим. Сен, албатта, ютасан!!

- Кечирасиз, Михаил Дронкин, - деди Олим, қўлидаги сумкани столга қўяркан, - Ютишимга астойдил шонишингизнинг сабаби нимада?

Михаил Дронкин ўйланиб қолди, дераза олдига бориб зоқقا тикилди, ҳатто хўрсингандай бўлди. Бироздан кейин Олимнинг олдига келиб, қўлини мушт қилди.

- Сен, - деди у қатъий, - Кучли ва шафқатсизсан! Бу ислат бизда энг зарур фазилат ҳисобланади. Умид қиласанки, жангда фикрларимни ҳисобга оласан!

Кечки пайт врач Одилни қайта текширувдан ўтказди, жароҳатини очиб малҳам қўйди, уколларни қилгандан кейин:

- Кутганимдан яхши тузаляпти, чайир экансан! - деди унинг кайфиятини кўтариб, - Бир ҳафтадан кейин белалол ёраверасан!

Одил эса Олимнинг жангни кўрмоқчи эканлигини ўтишга оғиз жуфтлаши билан:

- Бу сафар дамингни ол, - деди Михаил Дронкин унинг юзига шапатилаб, - яна бир ҳафта сабр қилсанг, каттароқ жангни кўрасан, ҳозир юриб қўйсанг, тузалишинг чўзилиб кетади!

Соат олтига яқин янги, қоп-қора "Мерс"да икки тансоқчи Михаил Дронкин билан Олимни олиб кетгани келганида, Одил дуога қўл очди...

Шаҳар марказидаги ўн беш қаватли бино ертўласида шиқибозлар тўпланган. Катта-катта бизнесменлар, кўзга кўринган арбоблар, наркокорчалонлар завқа тўлиб қийқириш учун ўзини шайлаб турганга ўхшар, чиройли, ёш қизлар назокат билан хизмат қилар, тансоқчилар гоҳо

хұжаси олдида ўтирап, тоқо атрофни айланар, ишқибозлар бинога текшириб киритилған бўлса ҳам шубҳали ҳаракатни кўздан қочирмасликка ўрганиб қолишганини намойиш қилишарди.

Олим уларнинг салобати, жамиятдаги катта-катта мавқеини ўйларкан, бир нарсага ҳайрон бўлди. Икки кишини уришигириб, бир-бирини эзиб ташлашини томоша қилишнинг нима қизиги бор? Ким кучли, эпчил бўлса шеригини енгади, уни майиб қиласи ёки бир умр рингга чиқолмайдиган қилиб қуяди, тўғри, жангда, эпчиллик ва куч, айниқса, шафқатсизлик кишини ҳайратга солиши мумкин, аммо унинг замарида инсонга хос бўлмаган, ҳайвоний қизиқиш ва эҳтиросларнинг жунбушга келиши ва фожия бор, холос-ку?! Наҳотки, шу оддий нарсани кўргани, бақириб-чақириб ўтириш учун юз минглаб доллар тикишса, кимницир ногирон қилинса ёки нариги дунёга жўнатилса?! Ваҳоланки, дунёнинг кўплаб жойларида аёллар, болалар, ёшлар оч-ялонгоч, битта пенициллинга муҳтож, бир хонали бошпанага зор бўлиб юрибди! Икки соатли эҳтирос алансини ёқиши учун тикиладиган ўша пулларни анавиларга хайрия қилинса, дунёнинг бир кемтиги тузаларди-ку!

Михаил Дронкин уни зал тўридаги эшикка бошлади. Жангчилар ва мураббийлар тўпланган хонада жангчиларнинг оғирлиги. Қон босими, юрагининг уриши, ўзини қандай ҳис этаётгани, кийимида қурол ёки жароҳатловчи темир бор-йўқлиги текширилали.

Олим етмиш беш кило-ю беш юз грамм чиқди, ўзидан кейин тортилган негрнинг вазни билан тенг экан.

- Шу билан курашсам керак! - хаёлидан ўтказди у - , Аллоҳ, ўзинг қўлла!

Ҳакамга ўхшаб кийинган, кўзойнакли новча жаноб ўйин шартларини тушунтириди. Кеча кечқурун Михаил Дронкиндан ҳамма тушунтиришларни олган бўлса ҳам астойдил кулоқ солди.

- Рингга икки киши чиқади, енгилган майдонни тарк этади, ғолиб эса навбатдаги жангчи билан курашади, агар бир жангчи тўрт марта кетма-кет ғолиб бўлса, босқич ғолиби сифатида унга дам берилади. Мағлуб енгилиш

ишорасини қилғандан кейин ғолиб ўзини босиши шарт, мағлубни бир чертса ҳам ютуқдан маҳрум қилинади. Ўйин тугагандан кейин жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Жангчи ўлиб қолса, ҳеч ким жавобгарликка тортилмайди.

Мутлоқ ғолиб иккинчи босқичда аниқланади ва қанча пул ютгани эълон қилинади. Эсингизда бўлсин, у тикилган пулнинг етмиш фойизига эга бўлади. Бир йилда ўн марта ўтказиладиган жанг ғолибига тақасига олтита олмос кўз жойланган камар тақдим этилади. Кейинги йил ғолибига уни олиб берилмайди. Умрбод сақлаш учун ўзида қолдирилади.

Ўртада рингга ўхшаш майдон, атрофи резина арқон билан ўралган, рингдан фарқи - каттароқ. Қарама-қарши бурчакларга жангчилар танаффусда дам олишлари учун иккита стул қўйилади.

Олим хаёл билан турганда занг чалинди. Биринчи жуфтликла красноярсклик Александр билан москвалик Николай рингга чиқди. Ҳакам уларни саломлаштиргач, шиддат билан жангга киришишди.

Олим шериклари билан хона олдига ўрнатилган маҳсус ойна ортидан кузатиб турарди.

Иккови узоқ курашди. Аммо тез чарчаб қолишишди. Жанг зерикарли бўлди. Томошибинлар гап-сўзлар, шовқин-сурон билан рингни тарк этишга мажбур қилишарди. Аммо жангчилар парво қилмас, бир-бирини кучоқлаб, бир неча сония дам олгандан кейин бирларига бир-икки мушт солиб қўйишарди. Бирдан тақириб Николай Александрнинг ҳаво йўлига кучли зарба берди, рақиб гангиб қолди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди, хушёр тортиб, унга зарба бериш учун қулай фурсат кута бошлади. Ва бирдан сакраб Николайнинг киндинига тепди. У йиқилиб тушди.

- Сашага ўн минг тиқдим! - бирдан ўтирганлар орасидан семиз одам қийқирди.

- Мендан ҳам ўн минг! - келганидан бери сигарета тутатаётган кўзойнакли жаноб ҳалиги семизга қўшилди. - Бўш келма Саша, ур. Сакраб теп! Эзиб ташла!

Зал жимиб қолди. Иккала пулдорнинг жасоратидан кейин бирор пул тикишга журъат этолмади. Аммо жанг

суст кетаётгани учун кўпчиликнинг жаҳли чиқа бошлаган эди.

- Коля, сенга нима бўлди? Кучингни кўрсатиб қўй!

Николай Александрдан узоқлашди-да, югуриб келиб унинг жагига тепди, оёғи ерга тегар-тегмас, башарасига кетма-кет зарба берди.

- Баракалла, Коля! Ёриб ташла, қайтиб турмайдиган қилиб йикит! Сенга ишонаман, паҳлавоним!!

- Сенга йигирма минг тикаман!

Николайчинг шиддати кучайиб борар, ўзини тўхтатолмаётгани билиниб турарди. Олим кутилмаган жангни кўриб, уларда ҳам ёввойи куч бор, деб ўйлай башлади. Аммо Николайнинг чап томони очиқ турса-да, Александр зарба бермаётганига, етарлича эпчиллик қилолмаётганига ҳайрон қолди. Иккаласи илк бор жангга кирган одамларга ўхшарди. Бироқ шу пайт калласига бир фикр келди. "Сен ўзи бунақа жангда бўлганмисан? Узингдан пастларни уриб, енггансан, аммо ўзинг тенгилар билан курашмагансан-ку! Яна уларнинг камчилигини топасан! Кучингни жамла, хаёлингни йифиштир".

Олим рақибни пойлаш, ожиз томонини кузатиш ва унга зарба бериш кераклигини, имкони бўлса ўзингни ожиз кўрсатиб, кутилмагандан зарба берган дурустлигини англади!

Олим учинчи жуфтлиқда, кўнглига келганидай негр билан рингга тушди.

Тушди-ю, дастлабки дақиқада тўрт марта зарба еди. Бешинчи зарба очиқ турган кўксига тушди. У ўзини йўқотиб, букланиб қолай деди. Зални қийқириқ, хуштак овозлари босиб кетди. Ҳамма ер тепиб негрни олқишилар, катта-катта пул тикар эди.

- Олим, ўзингни қўлга ол, сакра, теп! Нега серрайиб турибсан?

Михаил Дронкиннинг жаҳли чиққани, алам қилаётгани яққол сезилиб турар, фазабланиб тишини тишига қўйиб титраётганидан шериклари хавотирда эди..

Олим ўзини қўлга олмаса, бир неча дақиқада енгилиб, Михаил Дронкиннинг олдида хижолатда қолиши ёки майиб бўлишини ўйлаб, дадилланди. "Ёввойи кучим қани, нега келмаяпти? Наҳотки, биринчи жангда синсам? Йўқ,

бўлиши мумкин эмас, эй, Худо, шарманда қилма, ўзинг кўлла!!"

Шу пайт гувиллаган овоз эшистилиб бўрон кўпгандай бўлди. Шаффоф туман ичидаги бўри пайдо бўлди-ю, бир сонияда танасига сингиб кетди. У бир сакраб, бир метр баландга кўтарили.

- Ий-яя!

Зал гув этиб ҳаяжонини билдири. Оёғига тепмоқчи бўлган қора танли бир айланди-да, мувозанатини йўқота бошлади. Олим унинг икки елкасига бор кучи билан тепди, елкаси оша ўтаётганда куратига зарба бериб энкайтириб қўйди. Залда қийқириқ, ҳуштаквозлик бошланди. Боягина негрни олқишилаб турган оломон энди Олим томонга ўтди. Унинг кайфияти кўтарили.

- Шу болага мендан ўн минг!

- Мендан йигирма!

- Ўттиз минг тикдим!

Олим муштини ишга солиб, рақиб башарасига шундай урдики, унинг кўзларида ўт чақнади. Боягина сипо, нуфузига яраша маданият билан ўтирган катта-катта одамлар бирдан жазавага тушиб қийқира бошлаши.

Негр шаштидан тушди. Бу Олимга қўл келди. Шиддат билан олдига борди-да, энкайиб туриб, уни боши баробар кўтариб, зарб билан ерга урди.

Бир сонияда рўй берган бу воқсадан ҳамма ўрнидан туриб кетди. Михаил Дронкин кувончдан қийқираради. Олим парво қилмасдан, негрни яна бир кўтарди-да, орқаси билан ерга урди. У туролмали. Ҳакам рингга чиқди-да, Олимнинг олдини тўсади. Олим тишларини фижирлатганча у томонга интиларди.

- Ўзингни бос, Олим! - қийқирди Михаил Дронкин.

Негр аранг бош кўтариб, ҳакамга қаради ва кафти билан ерни урди.

Олим голиб, деб эълон қилинди. У машина моторидай қизиб, кучга тўлиб борар, навбатдаги рақиб чақирилгунча ринг атрофини бир неча марта айланиб чиқди.

Чеченга ўхшаган ўрта бўй, гўла жангчи пайдо бўлганида Олим югуришдан тўхтади. Жанг шиддат билан бошланди. Олимнинг тезлиги фанатларни ҳам шошириб қўйди, битта

кутилмаган зарбасига олқыш тугамай иккинчиси бошланар, кейин учинчиси... Чечен ётиб қолганды ҳакамнинг хуштаги Олимни ўзига келтирди. У Михаил Дронкиннинг иккала қўлини кўтариб, сакраб-сакраб бақираётганига қувониб турганида ҳакам уни ғолиб чиққанлигини эълон қилаётган эди. Бу жангда эллик минг тикишиди.

Тўртинчи жангдан кейин унга дам беришиди.

Охирги босқичдаги душанбелик рақиб Олим сингари абжир ва бакувват экан. Аммо кутилмаганда мувозанатини йўқотиб, орқа мияси билан йиқилиб тушди. Ҳакам учгача санагандан кейин турди-ю, Олимнинг биттагина зарбасига бардош беролмай, ёнга қулади, қўллари шалвираб ўрнидан туролмади...



- Сен менинг хазинамсан! - Олимдан бир соатча кейин келган Михаил Дронкин хонага кирибоқ шахдам ҳолатда кулимсиради ва олдига бир даста юз долларлик ташлади.  
 - биринчи катта ғалабанг билан табриклайман, яна ютсанг, катта бошлиқ олдига олиб бораман.

Олим пулга эмас, Михаил Дронкинга қаради.

- Ўн минг камми?

- Мен ундей деганим йўқ!

- Пулга назар ҳам солмаяпсан?

- Қоғоздан инсон қимматли эмасми?!

- Шарқона фалсафа дегин, майли, бугун сени ресторонда сийлайман, кийиниб ярим соатдан кейин кўчага чиқиб тур, бир жойга бориб келаман.

Олим индамади. Михаил Дронкин савол назари билан қаради.

- Шундан бошқа кийимим йўқ ...

- Э, содда одам, боя айтмасмидинг, супермаркетга кирадик.

- Ресторанни энди эшитдим-ку.

- Ҳа-я... Майли, муаммо йўқ. Йўлда ҳал қиласиз.

Михаил Дронкин шошганича чиқиб кетди. Олим жанг тафсилотларини гапириб беришга чоғланганда хизматкор

аәл кирди.

- Олим ақа, ҳаммомни тайёрлаб қўйдим, бемалол  
кі ришингиз мүмкін.

- Раҳмат, ҳозир бораман.

Хизматкор аәл чиқиб кетгандан кейин Одил мийифида  
кулди.

- Орқангизни ишқалаб қўяди, шекилли...

- Э, ҳазиллашманг, ақа, ўзим эплайман.

- Шундай жонон кўзини сузиб турганида тескари қарааш  
гуноҳ...

- Сизга шундай туолгандир...

- Уйланмагансиз-да, хотиннинг мазасини билмайсиз!

Менга ұхшаб соғинсангиз, нима деётганини қарашидан  
тушунасиз!..

- Мазаси қанақа бўлади?

- Иссиқ бағрига кирганда биласиз.

- Олқочинг -а...

Ҳаммомнинг иссиғи меъёрида экан, Олим ярим соатча  
ювиниб, қушдай енгил бўлиб чиқди, Одил эса бояги  
ҳазилкаш кайфиятда жилмайиб турарди.

- Қалай, уқалаб қўйдими?

- Ким?

- Хизматкор аәл-да...

Олим унинг кўзига қараб аәлга соғинч сезди, Интизорни  
кўргиси келган пайтларда ўзида ҳам шунақа туйғу пайдо  
бўлишини ўйлаб, Одилни тушунди.

- Ўзингиз уқалаб қўйишини истаяпсиз шекилли, а?

Одил қизарип кетди...

"До утра" ресторани хорижий мижозлар билан гавжум,  
залнинг шинам, орасталиги, Европа услубида жиҳозланган  
ҳайратда қолдиради. Ёритгичлар, устунлардаги гуллар,  
деразалардаги пардалар, официантларнинг чиройли ва  
хушмуомаласи ҳайратига ҳайрат кўшар, оғзини очганча  
атрофга алангларди.

- Узингни бос, Олимчик! - деди кутилмаганда Михаил  
Дронкин, - Ғалабани бой бермасанг, ҳали бунақа  
ресторанларда кўп ўтирасан! Конъяқ ичасанми, ароқми?

У охирги марта Шоҳбознинг тўйида синфдошлари билан  
"Осие" ароғидан бир пиёла ичган, аммо аччиқ таъми

ёқмагани учун зўрлашса ҳам ичмаганини эслади.

- Мен ичмайман!
- Иштача учун, озгина.
- Менга ароқ ёқмайди шекилли...
- Бу ерники тоза, бир рюмка ичиб кур...

Михаил Дронкин овқат ва салатларга қўшиб, "Граф" ароғи буюрди.

Биринчиси силлиқ кетди, иштаҳани очди, баданни қиздириб, хуш кайфият бағишлий бошлади. Мусиқали чироқларнинг ёниб-ўчиши, раққосаларнинг европача ўйинлари (гарчи ярим яланғоч бўлса-да), ёшгина хонанданинг ёқимли ва шўх қўшиги кечагина қулдай юрган одамни жаннатий оламга олиб киргандай бўлди.

- Биринчиси билан иккинчисининг орасидан қил ўтмаслиги керак! - деди Михаил Дронкин қадаҳ узатаркан,

- бугун дам оласан, эртадан яна машқларга шўнгийсан, ол!

У Михаил Дронкиннинг гапига эътиroz билдиrmай, қадаҳни қўлига олди. Томоғини билинар-билинмас қиздириб ўtdи. Хуштаъм салатлар кавказча кабоб - таом мана бундай бўлади, дегандай оғзида мазасини қолдириб томоқдан силлиқ ўтарди. Олим бундай ёқимли, тотли таъм бўлишини энди биляпти.

- Кабоб - кийик гўштидан! - деди Михаил Дронкин тарелкадаги бўлагини вилкага санчаркан, - бунақасини Европа ресторонларида ҳам тайёрлай олмайди, ол, тортинма, дунёда одамдай курашиб, одамдай яашаш керак! Кучлиларга тан бериш, уларни қўллаб-куватлаш ҳам мардлик! Олдинроқ билганимда уч ой сарсон бўлиб юрмасдинг!

Олим қулликда ўтган дамлари эсига тушиб, икки оғиз гап айтмоқчи бўлди-ю, мавриди эмаслиги учун индамади.

- Аммо-чи, - кўзини қисиб, чимирилгандай жилмайди Михаил Дронкин, - Кўтариб полга урганингда ўлдириб қўяй дединг! Қарағайга осганингда кетворсам, нима бўларди?

- Улмасдингиз!
- Қасрдан биласан?
- Менга ўхшаб жонингиз қаттиқ.

- Ҳа, - парда ортидаги гулга қараб ўйланди. - Кел, яна бир рюмка ол.

- Менға бўлди, анчадан бери ичмаётгандим. Лекин ўша шафқатсизлигимдан ҳозир ҳижолатдаман. Қуллик жонга текканди. Ҳаммаси учун узр сўрайман.

- Ҳожати йўқ, лекин у воқеалар дарс бўлди, сенлар билан ҳазиллашиб бўлмас экан! Индамай юрганинг билан жаҳлинг чиққанда унча-мунчасини яксон қилиб ташлар экансан! Майли, ҳаммаси ўтиб кетди, энди биз ҳамкормиз. Ҳеч қачон сени ташлаб кўймайман. Сени бошлиққа тавсия этсам, синааб кўр, деганди. Илк бор ташқарига чиқиб, скамейкада ўтирганингда жанжал чиқарган болаларни адабини бердинг. У "Мерс"да кузатиб турганди, сакраб тепишингдан завқланиб, "Браво!" деб қийқириб юборди. Сўнг "Буни қўлдан чиқарма!" дегандан кейин сени менга Худо етказди, деган хуносага келдим. Соғлиқ учун, ол!

- Ёнингизда беш минут ўтирсан майлими? - Олим газак қилаётиб, овоз келган томонга қаради. Новча, қирқ ёшлардаги боши ялтираган одам муғомбirona ишшайиб турарди.

- Бемалол! - деди Михаил Дронкин, аммо ташриф ёқмагани ижирғанишидан сезилиб турарди. - Олимчик, таниш - бу Анатолий Петрович.

- Ҳурсандман, Алик, бутунги жанг мен кўрганларнинг ҳаммасидан зўр ўтди. Биринчисидаёқ ҳаммани ўзингга қаратдинг, баракалла! Фақат ғалаба тилайман!

- Раҳмат! Сиз залда бормидингиз?! - унинг кўзлари кувончдан порлаб кетди.

- Бўлмасам-чи, сенга ўхшаган шиддатли, бешафқат жангчиларни кўриб мазза қиласман! Фақат бошланишида ўйининг қовушмади, кейин бирданига илҳомланиб кетдинг! Биз фанатлар ана шунаقا бўрон билан селга ўхшаб келадиган кучли жангларни кўришни истаймиз. Менимча, бугун ҳамма мазза қилди.

Олим мақтovдан эриди. Михаил Дронкинга зимдан разм солди. Анатолий Петрович бу гапларни бекорга айтмаётганини аллақандай ташвиш билан мулоҳаза қилиб ўтирас, мавзуни бошқа томонга буриш мавридини кутаётгани бетоқат кўзларидан сезилиб турарди. Аммо

Анатолий Петрович ҳам режалаштиргандай гапни гапга улаб кетавсарди.

- Кел, Алик, бутунги ғалабанг учун эллик граммдан отайлик!

Михаил Дронкин эътиroz билдиrmоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Олим уни тушуниб етди.

- Мен бошқа ичмайман!

У кесиб кўйгани учун Анатолий Петрович қайта таклиф қилмади. Михаил Дронкин ўрнидан турди.

- Яхшиси, рақс тушайлик, мен ҳозир туркча мусиқа буюраман!

Михаил Дронкин туриб кетганидан кейин Анатолий Петрович шошилганча у ёқ-бу ёққа қаради-да, Михаил Дронкин эшитиб қолишидан чўчигандай унга энгашди.

- Кўзиқоринга ишлайсанми?

- Қанақа Кўзиқорин?

- Михаил Дронкиннинг "шефи"да! Анави, - Михаил Дронкин кетган томонга имо қилди у, - Битта жангга қанча беряпти? Жа берса, ўн минг бергандир-да, а?

Олим бош қимирлатиб қўйди, холос.

- Бугун сен учун қанча тикишганини биласанми?

- Йўқ, қанча?

- Уч юз минг кўкидан.

- Йўғ-э??

- Жанг билан овора бўлиб билмагансан, ўн минг доллар жами ютуқнинг уч фоизи, холос! Кўзиқорин иккови мана шунчаям қадрингга етмайди. Аммо мен билан ишласанг йигирма фоизини оласан! Бу - бугунгидай жанг бўлса, 55-60 минг доллар дегани! Михаил Дронкинлар билан уч йил жанг қилсанг ҳам, пул орттиrolмайсан! Таклифимни ўйлаб кўр!

Олим кўнглида ғалати бир хижиллик сезиб, ўйланиб қолганидан фойдаланган Анатолий Петрович ташрифномасини узатди.

- Гап орамизда қолсин, Михаил Дронкин келяпти!

У туриб кетди. Биринчи таомни еб бўлишгач, оппоқ, енгиз кофта кийган, оқ шими ўзига ярашган чиройли қиз Олимни рақсга таклиф қилди. Қиз кўзига иссиқ кўринар, аммо қаерда кўрганини эслолмасди. У бир-икки

жилмайиб, мийигида кулди. Михаил Дронкин битта аёл билан рақс түшиб, улар ёнига келди-да:

- Алик, телефон ёнингда бўлса, менга бериб кўй! - дегач, Олим қизни эслаб кулиб юборди, уни қаттикроқ бағрига босди.

- Шундай гўзал қиз телефон ўғирлаши хаёлимга келмаган эди.

- Галина каби гўзаллардан ҳамма нарсани кутса бўлади. Аммо энди сеникини олмайман.

- Нега?

- Ҳозир қучоқлашиб турибмиз, кечқурун тўшакда бирга ухлармиз, яқин танишларни чув тушириш инсофдан эмас!

Галина мушукдай мулойимлик билан кўйнига кириб кетганини Олим билмай қолди. Қучоги иссиқ ва ёқимли, кўксидан таралаётган фаранг атири кайфиятини қўтарди. Сочларини силаркан, Интизорни эслади, юрагига соғинч, ҳижрон дарди ва гўзал хотиралар ёпирилиб кирди. Парда орқасида ё бурчакда Интизор кузатиб хиёнатидан газабланяётган, ҳатто кўзларида ёш билан қараб тургандай юрагида ёқимсиз туйғу сезди-да, қиздан ўзини тортди.

Михаил Дронкин уларни ресторандан чиқариб юбориб, официант билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин, бояги аёлни бошлаб чиқиб, ўзи рулга ўтиреди.

Иккови орқада ўтирап, қиз ўзини кайфликка солиб, Олимнинг елкасига бош кўйиб эркаланаар, иссиқ нафасини теккизисиб, эҳтирос билан кўксини силарди.

Иккови дала-ҳовлида қолди, Михаил Дронкин аёли билан шаҳарга қайтди...



Интизор кечки пайт оила аъзолари билан авқатланиб ўтирганида, телефони жиринглаб қолди. Экранга қараса Россия рақами. Дарров ташқарига - сўриток тагидаги ўриндиқقا ўтириб, у билан паст овозда гаплашди, сўнг хонасига кириб кетди.

Бугун тушга яқин банкдан ўн минг доллар олгандан кейин Олим акаси ҳазиллашмаганини тушунди. Битта юз долларликни майдалади-да, бувига олиб борди. Буви дуога

## Кўл очди

- Болам пишиқ пухталигини билардим, менинг тарбиямни олган-да! - дея суюниб, қувончдан энтикли, хира кўзлари порлаб кетди.

Интизор ярим соатча буви билан суҳбатлашиб ўтиреди. Кетаётганда момо унинг билагидан ушлади.

- Бирор кун мени бозорга бошлаб борсанг, қизим, келинга атаб бир-иккита кийимлик олмоқчидим.

- Қачон?

- Вақтингга қараб келавер, мен доим уйдаман-ку!

- Шанба куни тушга яқин машинамда келаман. Тайёр туринг, бувижон!

- Бўйларингдан бувинг айлансин, қизим!

Буви кўчагача кузатгани чиқаркан, меҳри товланиб икки юзидан ўпди. Сочларини силаб хайрлашди.

Олимнинг илтимосига кўра, Интизор қолган пулни Миллий банкда халқаро пластик карточкага, омонатга қўйди. Аммо кутилмагандан банкдан чиқаверишда Нигинани учратиб қолди. Ўша кунги воқеадан кейин тескари қараб ўтаётгани учун ҳозир ҳам кўриб кўрмаганликка олди.

- Дугонажон, нега сўрашгингиз келмаялти? Арзимаган хатога эски дўстни унутиш экан-да!

У, кўзида олчоқлик, лаганбардорлик, дўстликка масъулиятсизлик балқиб, ўз ролини қойилмақом уддалаётган артистга ўхшаб тиржайиб турарди. Интизор жаҳлини ютиб кўл узатди.

- Дадамдан беш минг евро пул келиби, юр, ресторонда меҳмон қиласман.

Зарба беришга баҳона пайдо бўлганидан фойдаланиб, кўлини қуйвормасдан Нигинанинг кўзига қарали.

- Олим акамдан ўн минг доллар келган экан, пластик карточкага қўйгани келувдим.

- Ўзи яхши эканми?

- Жудаям зўр! Ойига ўн минг доллар ишлайди-ю, ёмон бўлармиди? Яқинда келиб, "Каптива" оларкан! Хайр!

- Меҳмон қиласмадим, дугонажон!

- Ресторонлашгани вақтим йўқ. Тайёргарлик кўришим керак.

- Нимага?
- Эртага соат ўнда Америка элчихонасида биринчи котиб билан суҳбатлашаман..

Интизор йўл бўйида турган машинаси пультини босиши билан "вип" деган овоз эшитилди. Рулга ўтириди-ю, кўз очиб юмгунча машиналар денгизига қўшилиб кетди. Нигина ҳasad ва алам билан у томондан кўзини узди-да, эшикни силтаб очиб, банкка кириб кетди...



Тушликдан кейин телевизор кўриб зериккан Олим кўччанинг у бетидаги кафега кирди. "Кола"дан бир стакан ичиб, иккинчисини қуиши билан сочини елкасига туширган йигит индамай келди-да, олдига ўтириди.

- Анатолий Петровичнинг таклифини ўйлаб кўрдингми?
- деди куттилмаганда.
- Қанақа таклиф, кимсан?
- Мен Женяман. Ресторандаги Анатолий Петрович ёдингдан чиқдими? Қўнғироғингни кутяпти!

Олим ичимликдан бир хўплади-да, дала-ҳовлидан қайтган кунги воқеани эслади.

Михаил Дронкин икковини олгани борганда Олим Петрович берган қоғозни столга кўйиб, унинг таклифини айтди. Михаил Дронкин бир оғиз ҳам гапирмасдан телефонини олиб, икки-учта тугмачасини босган заҳоти Анатолий Петрович билан Олимнинг ресторандаги суҳбати эшитилди.

- Столимизга бекорга келмаган!

Олим ҳайратда қолди ва бор тапни Михаил Дронкинга айтганига севинди.

- Тўғри иш қилдинг, сендан хурсандман. Ундан йироқ юр. У даромаднинг йигирма фойизини ваъда қиласи, аммо ҳаётда бермайди. Аммо мен кеча ўн минг берган бўлсан, кейинги сафар йигирма минг оласан! Ўн қаватли бинога ҳам зинама-зина чиқиласди-ку! Мен ҳам ўз муаммоларимни енгиг, сенинг қийноқларингни унтиб, шу даражага чиққанимни эсдан чиқармагин!

- Яхши.

- Бундан ташқари, пулнинг бир қисмини бошлиққа бераман, клубга тўлайман, икковингиз еб-ичасиз, уй ҳақи деганларидай... Сен шиддатингни йўқотма! Фақат ютишни ўйла! Петрович - ичи қора одам!

Олим хаёлини йифиштириб, йигитга қаради. У илондай тикилиб туар, кўзидаги қитмирликни тушуниб бўлмас эди.

- Анатолий Петровичга айтиб қўй, - деди Олим жиддий, - маслаҳати учун раҳмат. Михаил Дронкин билан келишиб олдим.

Жавоб қониқтирмади шекилли, бир қимирлаб олди-да, юзига айёrona тус берди. Мақсадга етиш учун яна бир уриниб кўрмоқчи бўлди.

- Михаил Дронкинни билмайсан: бугун айтади, эртага қайтади, - деди ишшайғаннамо, - Озгина фойда келса, шайтонни ҳам алдайди... Ўтган йили иккита жангчини чув туширгани учун продюссерлиқдан ҳайдалган. Яқинда қайта қўшилди. Соддалик қилсанг, бир йил илондай аврайди-да, яланғоч қилиб кўчага ҳайдайди!

Олим атрофга аланганди.

- Чўчима, - деди Женя хотиржам қилмоқчи бўлиб, - Михаил Дронкин мендан гумонсирамайди...

- Сен жангни кўрдингми?

- Сен учун йигирма минг тиккан одамнинг ёнида Петрович билан ўтирган эдик. Шиддатингта тан бердик.

Анатолий Петрович шоҳона уй беради, ишонмасанг, ҳозир бориб кўриб келишимиз мумкин! Сен хаёлингга ёмон нарсани келтирма, яхши ниятда ҳамкорлик таклиф қиляпмиз, холос. Ҳа айтгандай, сен билан дала-ҳовлида ётган аёлдан эҳтиёт бўл!..

Женя секин-аста авраб бораётганини Олим сезди. Озгина турса бирга кетиб қолишини мумкинлигини сезиб, ўрнидан турди-да, муҳим нарса эсига тушгандай:

- Кечирасиз, озгина ишим бор эди, хайр! - деди.

- Бир минутга тўхта! Муҳим гап бор.

Олим ноилож ўтирди.

- Анатолий Петрович сенга ўхшаганларни кафтида олиб юради. Москва ташқарисидан алоҳида уй, хизматкор, спорт залга олиб борадиган машина ва ҳайдовчи ажратади. Шерингинг Одил тузалган бўлса, сени олиб юради, беш юз

доллар ойлик олади... Яна сенга нима керак?

Яна бир нарсаны унутма: Петрович бир ишга құл урдими - ниятига етмай қўймайды. Ўчакишгандарни эса - Женя бироз тўхталди, нигоҳлари ҳозир айтадиган гапимни яхшилаб ўйлаб кўр, деган маънони зуҳур қилиб турарди, - керак бўлса гўшт майдалагичдан ўтказади, тушундингми, энди кетавер, хайр!

Олим уйта кириб Галя билан бўлган кечанинг ҳар бир соатини бирма-бир элакдан ўтказди, аммо бирорта шубҳали нарса сезмади. Эртасига "Софинсанг, кўнғироқ қил", деб SMS жўнатганини ҳисобга олмаганда, Галя билан бошқа алоқала бўлмади.

Аммо Женянинг гапи юрагига ҳадик соларди, ўзини тузоққа илинаётгандай, юртига эсон-омон кетолмай қолаётгандай туюлаверди. Залда ҳам хижиллиги ортиб борар, ҳар кун иштиёқ ва шиддат билан бажарадиган машқларни кўнгилсизлик билан адо этарди. Нега ҳар қадамда таъқиб қилишяпти? Ўтган сафар кўчага чиққанимда бир алкаш жанжал кўтариб, жанг бошланганди, бу сафар ҳаётимга таҳдид борлигини эслатяпти! Кимлар орасидаман? Катта даромад келтираётганим учун шундай бўляптими? Гирдобга тушиб қолсам, билак кучи билан чиқиб кета оламанми? Ҳаммаси бойлик учун бир-бирини ғажишга тайёр. Кучингдан фойдаланиб, катта-катта пул топса бас! Роботга ўхшайди, кўнглингдан нималар кечётгани билан иши йўқ! Бу - тақдир жазосими, синовми?

У туғилиб ўсган юртини эслади. Соғинч юрагини чўғдай күйдиради.

Камситса ҳам, калака қилса ҳам ўша синфдошлари, кўни-кўшни болалар яхши - бари ўзингники. Душманлик қилса ҳам Шоҳбоз яхши. Ўлсанг ҳам ўз одаминг кўлида жон берганга нима етсин?!

Ишсиз юрсам-да, ўз қишлоғим, туғилган жойим, бувимнинг пастаккина уйи тузук. Кўчага ҳадиксирамай, бирор таъқиб қилишидан чўчимай чиқасан. Таниш қиёғалар, самимий одамлар... баъзиларини умрингда биринчи марта кўраётган бўлсанг ҳам ётсирамайсан, кўзида юрагингга ёқадиган алланарса бор, у нима? Ватандошлиқ,

бир жойда туғилиб ўсганлик, бир юртнинг сувини ичиб, ҳавосидан нафас олганлик түйгусими? Тўй-маъракаларда бир дастурхонда ўтириб овқатланиш, гурунглашишданми? Туз-намак бўлганмиз деб бекорга айтишмас экан-да! Уша яқинлик одамларни бир-бирига тортиб, меҳр уйғотиб турдими?

У беш-олти ойдан бери бегона юрга кўниколмаяпти, омонатдай, тақдир шамоли кутилмаганда белгисиз томонга учириб кетадигандай сезяпти ўзини.

Хозир юрагини куйдириб, ҳаяжонга солаётган ВАТАН түйгуси аввал ухлаб ётганмиди? Уни соғингани учун энг тоза, бегубор булоқдай юрагидан қайнаб чиқяптими?

У Ватанини, юрга меҳр-муҳаббатни ҳеч нарсага тенглаб бўлмаслиги, она, жон, юрак битта бўлганидек, Ватан ҳам битталигини теран англаб етди. Бағрида яйраб-яшнаб юрган вақтда қадри, меҳри ҳамма нарсадан теран ва чуқур эканини унчалик ўйламаган. Фақат Ватанинн умрбод севиш, ардоқлаш лозимлигини, барча орзу-ниятлар паноҳи, Худо пешонамизга битган баҳт эканини теранроқ тушуниб етапти! Тупроғи, чанги ҳам, ариқларида оққан лойқа сувлари ҳам, олистан кўриниб турадиган тоғлари-ю, боғлари ҳам аллақандай мўъжизага ўхшаб, қалбига бостириб кирди-ю, хижиллик, қоронгуликни ҳайдаб чиқарди, фурури кўтарилиди, ўзини енгилмас паҳлавондай сеза бошлади. Уша туғилиб - ўсган, бир умр меҳрини берган Ватани бор экан, на Москвада, на Европада ҳеч кимдан қўрқмаслигини ўйлаб, ўз қисматига зга инсон сифатида ўзида дадиллик сезди.

"Кетаман! - ичиди кескин сўзларди у. - Ҳаётимни гаровга қўйиб, бирорларга пул ишлаб бергандан кўра, киндик қоним тўкилган юртимга озгина наф келтиришни истайман. Кекса бувимнинг дуосини олай! Шафқатсиз жангларда топилган минглаб доллар пул бувимнинг биргина дуосича, қариндош-уруғларимнинг олқишича келмайди. Бу ерда қачонгача юришим мумкин? Яна бир йил, икки йил юрарман, Женя айтмоқчи Михаил Дронкин ялонғоч кўчага ҳайдаб солса, кимга додимни айтаман! Айни кучга тўлган пайтимда бегона юртларда кучимни тўкиб юрсам, Ватан олдида ким, деган одам бўламан? Йўқ, бунақаси кетмайди. Қўлимдан нимаки қелса, Ўзбекистон шон-шавкати учун

қиламан!

Бир вақтлар республика чемпионатида иккинчи ўринни олганимда вилоят, туман раҳбарлари ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида гулдасталар билан кутиб олишган, бошларига кўтаришган, совға-саломлар беришганди, ҳамма ерда ҳурматим баланд бўлган. Чунки юрт учун, элимиз учун рингга чиққанман, ҳозир фақат пул ва бошқалар чўнтагини қаппайтириш учун жонимни гаровга қўйганман!

У узоқ ўйлади. Яна икки-учта жангни ўтказиб, эллик минг доллар пул қиласи-да, Михайл Дронкиннинг розилигига қарамай, битта баҳонани топади ва уйга равона бўлади, миллион доллар бераман, деса ҳам қайтиб келмайди!!

Кечки пайт Одил билан ҳасратлашиши, кетишга қарор қилганини айтди, бу оғир мавзу ҷарчатиб, телевизордан саргузашт фильм томоша қила бошлашганда Олимнинг телефони садо берди.

- Алло, Олим бу мен - Ботирман, Астанадан қўнғирок қиляпман!

- Ботир?! - Олим таажокуб ва ҳайрат ичидаги танишини эслади, - рақамимни қаердан топдинг? Тавба, ўзинг яхшимисан?

- Ҳаммаси жойида, яхши ишлайпсанми?

- Раҳмат.

- Гапни қисқа қилақолай. Анатолий Петровичга ўтиб ишлайвер, улар Қўзиқориннинг одамларига қараганда мардроқ. Яхши тўлашади. Қолаверса, ҳозир Михайл Дронкин юрган гуруҳда майдакашлар тўпланган. Тушундингми?

Олим нима дейиши билмай гангиг қолди. Кутитмаган воқеа саросимага солиб қўйганди.

- Эшитяпсанми, Олим?

- Ҳайронман, аслида уйга кетмоқчиман, энди ўйлаб кўраман, шекишли...

- Тез ўйлаб Анатолий Петровичга ўт, Москвада ҳеч ким сенга дахл қилолмайди, биринчи катта жангингни дисқда кўрдим, гап йўқ, янайм маҳкам ушла! Айтгандай, Галия билан иккинчи учрашма!

- Нега?
- Яқында туғилған күнимда уйға бораман, сен ҳам стиб кел, гаплашиб оламиз, бўпти, хайр!

- Хўп...

Ярим соат у ёқ-бу ёққа юрди, ташқариди айланди, спорт залида шуғулланди, аммо таажжуби тарқалмади. "Ботир номеримни қаердан билган? Нега Галядан эҳтиёт бўлишимни айтди? Анатолий Петровичга ўтишимнинг унга фойдаси борми ёки бироннинг илтимоси билан Астанадан кўнғироқ қиляптими? Ҳаммаси занжир бўлиб спектакль кўймаяптимикин?"

Юрагини ғашлик қоплади. Михаил Дронкинга айтсими ёки сир сақлагани яхшими? Билиб қолса хирадик қилмайдими?

Кечки овқатдан кейин кўчага чиқди. Кафега яқинлашиши билан ўша кунги йигит ўзини эркин тутганича, худди музқаймоқ ейиш масаласини ҳал қилаётгандай олдига келди.

- "Шеф"га нима деб қўяй?

- Ҳали ўйлаб кўрмадим! - Олим хотиржам гапиради,

- эртадан кейин айтаман.

Йигит кипригини қимирлатмай, йўл бўйидаги стулга ўтиреди.

- Бу - кўп ўйлайдиган муаммо эмас! Эрталаб юргани чиққанингда жавоб олишим керак. Ботирга ҳам ишонмайсанми?

Олим ялт этиб унга қаради. Бирпасда етиб борибди-я! Кўзиқоринга ишлаётганим алам қиляпти ёки мен енгандардан бири уларнинг одами!

- Бундан ташқари, тикилған пулга зор эмасмиз, - бепарво давом этди Женя, - ҳаммасини ўзинг ол, аммо бизнинг одам бўлиб ютишинг шарт!

Олим ҳозиргина ўйлаган фикри тўғри чиққанидан дадиллашди.

- Нега шошилтираяпсизлар, ҳайронман? Бундан ташқари, Михаил Дронкин кўнмаслиги мумкин-ку!

- Олим, бунчалик содда бўлма! Навбатдаги жангда бизнинг номимиздан рингга тушишинг ва албатта ютишинг керак. Бизнинг "шеф" обрўда ҳам, бойликда ҳам одамларининг кўплигига ҳам Кўзиқориндан анча баландда,

фақат ўтган ўйинда улар номидан бизнинг жангчини ютганинг алам қилди! Умид қиласанки, кейинги ўйинда ғалаба биз томонда бўлади. Михаил Дронкин кўнмайди, деган фикрни каллангдан чиқариб ташла, ким билан ишлашни ўзинг ҳал қиласан, эсингдан чиқмасин!

Олим индамай ерга қаради. Оддий масалани ҳал қилолмайсанми, дегандай Женя тепасида жавоб кутарди.

- У Тверга кетган!

- Жуда яхши! Бизга ўтганингдан кейин учрашиб қолсанг, Анатолий Петрович билан ишлашга қарор қилдим де! "Шеф"нинг номини эшитса, оёғи қалтираб қолади.

- Ҳавфсизлигимга кафолат борми?

- Москвада бизни ҳеч ким сўрамайди, биз ҳаммани сўраймиз! Тушундингми? Эрталаб саккизда сизларни шу ердан олиб кетамиз.

Олим бир соатча айлангандан кейин уйга кирди. Вазиятни тушунтиргач, Одил ташқарида иш қилаёттан ва деразадан кўриниб турган хизматкор аёлга қаради. Олимнинг кўнглида бир неча кун олдин туғилган шубҳа жонланди ва кулимсираб қўйди.

- У ҳам биз билан кетсинми?

Одилнинг юзи олмадай қизарди.

- Тушунган аёл экан! - дея қўзини олиб қочди...

"Женя сизларни шу ердан олиб кетамиз, деганда Одил аканинг истагини ҳам сезганмикин? Ер тагида илон қимирласа биларкан-да булар!!"

Эрталаб Олим кийимларини йигиштираётганда ёстиги остидаги ўн минг долларга кўзи тушди-ю, юрагини тушуниксиз туйфу қоплади. Михаил Дронкинга бир оғиз айтмасдан кетиб қолаётгани - туз берган одамга хиёнат қилаётгандай дили ғаш бўлди. Кўз олдида Михаил Дронкин пайдо бўлиб, "Нега номардлик қиляпсан?" дейтгандай муштини тугаётганга ўхшарди. Пулни ушлаб бироз ўйланди. Ҳатто ярмини ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо шу пайт телефони жиринглади.

- Эшитаман.

Женя панадан кузатиб, ҳал қилувчи дақиқада қўнфироқ қилаётгандай туюлди унга.

- Тезроқ чиқ, машинада кутиб турибмиз, тушгача дала-

ховлига жойлашишинг керак!

Шу пайт калласига бир фикр келди-ю, Олим ўйланиб қолди. "Михаил Дронкин кечқурун ёки эртага эрталаб келади. Нега тез олиб кетишмоқчи? Москвада қирол бўлиб юришармиш-у, оддий Михаил Дронкин келгунча ишни ими-жимида иш битириб олишмоқчилиги менга қизиқ туяляпти! Михаил Дронкин келса уялганимдан кетолмай қолишимни сезишдимикин?"

Одил жўнаётуб бир неча марта хизматкор томонга қараб кўйган бўлса ҳам, Олим атайлаб индамади. Ташқарига чиқишгандан кейин Женя:

- Аёл қани? - деганидан кейин Одил ялт этиб Олимга назар ташлади-да, шошилиб уйга кириб кетди. Целлофан сеткага солинган кийим-кечаклари билан аёлни олиб чиққанида, Олим мийигида кулиб кўйди, Одил қизарганча машина эшигини очди.

Женя уларни Москва яқинидаги ўрмонга, кўл бўйидаги дала-ховлига жойлаштириди. Беш хона яшаш учун, ванна, ҳожатхона ва ошхонадан иборат энг замонавий усулда жиҳозланган оромгоҳ Олимнинг тушига ҳам кирмаган, ҳатто москваликлар ҳавас қиласиган ажойиб маскан эди. Кўл бўйида йигирма сотихча майсазор майдон куннинг исталган вақтида шуғулланиш учун Олимга тайёрланган, вақти-вақти билан чўмилиш учун қирғоқдан жой ажратилган эди. Олим Михаил Дронкиннинг ертўласини эслаб юраги орзиқди, майдонга астойдил назар ташларкан, руҳиятини кенглик шукуҳи эгаллаб, ўзини эркин қушдай сеза бошлади. Ҳозир ечиниб, майдонда чопгиси, кўл атрофида юргургиси келди.

Женя ошхона ва музхонадаги озиқ-овқатларни кўрсатиб вазиятни тушунтириди. Кечқурун "шef" келиши, Олим билан суҳбатлашиши мумкинлигини айтиб, костюмини елкасига ташлади.

- Бирор мумаммо туғилса менга қўнғироқ қиласизлар! - деди-да, дераза пардасини суриб ташқарига қаради. Ҳозиргина келган машина ҳайдовчисига имо қилди.

Бир лаҳза ўтмай ҳайдовчи эшикни тақиллатиб кириб келди. Унинг қўлидан калитни олиб, Одилга узатди.

- Олимни истаган жойига олиб борасиз!

Одил ҳайрон бўлиб Олимга қаради, сўнг оёғини имо қилди.

- Олаверинг, оёғингиз ярайдими?
- Ярайди, лекин бирданига...
- Фақат битта шартим бор! - деди Женя ўзини сипо тутиб,
- Қаерга бормоқчи бўлсангиз, менга айтиб кетасизлар!
- Ҳа...
- Яна бир масала. Олим, сен бугундан Россия фуқаросисан!
- Нима?

У ҳайратини яширишга имкон тополмади.

- Бугундан бошлаб Мамедов Аликсан! Татаристонда туғилиб катта бўлгансан, Уфада жисмоний тарбия институтини битиргансан.

Женя унга янги, чўйдай қип-қизил паспорт узатди. Олим таажӯуб ва бегона бир туйғу аралаш паспортни қўлига олиб ва рақлади. Ҳаммаси табиийдек. Ичиди беш-олтида юз долларлик...

- Кундалик харажатларга ишлатасан, сендан талабим: ичмагин! Ҳар куни битта қўй сўйиб е, аммо аёлларга илакишишма!

"Тавба, - деди Олим ўзига-ўзи, - Михаил Дронкин жангдан кейин ресторонга олиб борган, сўнг Галини мен билан дала-ҳовлига ташлаган эди. Женя эса тескарисини талаб қиласяпти! Нега?"

Женя ҳайдовчи билан чиқиб кетгандан кейин аёл уларга чой қўйиб берди.

Ҳамма жиҳозлар жойида, аммо бир неча кундан бери одам яшамаётгани учун оҳори сезилмай қолгандай хизматкор қайтадан артишга тушиб кетди. Олим билан Одил дивонга чўзилиб сархуш ҳаёлларга берилишиди. Кеча қулдай ишлаб юрган одам бугун жаннатга тушиб қолгандай, ўзини еттинчи осмонда сеза бошладилар.

- Менда бир таклиф бор! - деди тўсатдан Одил, - балконда қармоқ бор экан, балиқ овламаймизми, бу иш менинг жону дилим-да!

- Ёмон таклиф эмас! Тутган балиқларимизни опа қовуриб берадилар, - дея хизматкорга ишора қилди Олим, - Қўллари ширин бўлса керак, а?

Одил қизарди. Аёл ишини тұхтатиб, чүнгагидан дастрұмол олиб, терларини артди.

- Сизларга ёқадиган қилиб пишириб бераман!
- Менга ёқмасаям, Одил акамга ёқсін-да! - дея күлдіда, даст ўрнидан туриб ташқарига отилди. Улар қай ахвозда колишганини тасаввур қилолмади...

У озодликка чиққан күшдай күл бүйига учиб борди. Завқшавққа тұлғанича, үзіда янги күч-ғайрат түйіб югурға бошлади. Иккінчи айланишида аллақаердан бүри овози әшитилди. Шундоқ ёңгинасида у билан бирга югуриб боряпти Гоҳ олдинда, гоҳо ортига ўтади. Баъзан эса елқасига чиқиб олғандай, ҳансираған овози күлөғи ёнида әшитилади. Аммо бир неча дақықа ўтгач, бүри ундан үзоклашиб кетди. Секин-аста шаффоғ тұлқинга айландіда, гирдобдай осмонға күтарили. Сүнг пастға тушиб Олимнинг вужудига сингди. Энди у кийикка үхшаб жуда тез югуруар, атрофидан зувиллаб ўтаётган шамол күлөғига қалинмас, даражалар, күл, олисдаги мовий тоғлар ҳам күзига ташланмас эди. Күлни неча марта айланғанини билмайди, яшил майдонда машқ қилиш истаги пайдо бўлғандагина тұхтади. Ташқаридан қараган одамға оғирлігіни йўқотган, кўкка учишга чоғланған қушга үхшарди. Ҳар сакраганда ердан бир метрдан кўпроқ күтарила, ҳавода турған пайтда ҳам бемалол гавдасини айлантираверар эди.

Кўл сувини симиллатиб, яшил баргларни шитирлатиб эсаётган шамол танага роҳат бағишишлар, Олимнинг ғайратига - ғайрат қўшарди. Сакраб сальто қилиши, кўприк усулда туриши, мускулларининг офтоб нурида ялтираши ўғача кайфият туғдиради. Бокс қопини ураётгандай ҳаракатлари эса шиддатини авжига чиқараётган эди.

Машқ охирида иккала қўлини ерга тираб оёғини осмонға кўтарганда ёш, чиройли қизга кўзи тушди. Ер осмоннинг ўрнига чиқиб қолғандай қизнинг ҳам оёғи осмонда турарди. Қиз фариштадай пайдо бўлдими, сув парисидай кўлдан чиқдими - билолмасдан ҳайратда.

- Браво, браво! - деди у чиройли қўллари билан қарсак чалиб, - спортчимисиз?

Унинг қизиқиши билан жилмайиши ўзбек қизлариникидай чиройли ва беғубор эди.

Олим оёғини тушириб, ерга күрпачадай тұшалған үт устига ўтири.

- Спортта қизиқаман! - шу пайт Женяның "Қозонда физкультура ва спорт институтини битирғансан!" деган гапи эсига тушиб, - Ёшлигимдан, - деб қўиди.

- Сиз жудаям эпчил, бақувватсиз, менимча, бу дунёда ҳеч ким сизчалик тез югуrolмайди. Оддий қизиқувчига ўхшамайсиз!

- Жисмоний тарбия институтида ўқиганман!

- Фикрим түғри чиқди, аммо ишонаманки, сиз билан ўқиганларнинг бирортасиям одамни бунчалик ҳайратда қолдиролмайди.

Киз Олимга яқын келиб қўл узатди.

- Аня!

- Хурсандман, Алик! Шу ерда яшайсизми?

Киз қўлини тортиб олмоқчи эмасди, аммо мажбур бўлди.

- Хув, анави дала-ҳовлида турамиз, ҳафтада икки кун!  
Сиз-чи?

Олим қўнган жойини кўрсатди, қиз сал чўчигандай тисарилди... Нега бундай қылгани ғалати туюлса ҳам Олим яхши тушунмади. Сабабини сўрамоқчи бўлди, аммо мавриди эмаслигини ўйлаб тилини тииди.

- Бугун келдингизми?

- Ҳа.

- Эртага кетасизми?

- Қанча туришимни билмайман.

- Бир-икки ҳафта бўларсиз?

- Балки кўпроқ яшарман, аммо бу менга боғлиқ эмас.

- Мусобақаларга тайёргарлик кўрляпсизми?

Олим ёлғон гапиргиси келмай, бошини қўмирлатиб қўя қолди. Терлаб кетгандай баданини сочиқ билан артаркан, Қиздан узоқ туришга интилар, тана ҳарорати ўзига ҳам сезилаёттани учун ҳиди чиқаётгандай хижолатда эди. Киз унга ҳавас ва қизиқувчанлик билан қараб, гапта солмоқчи бўларди-ю, жалб қыладиган сўз тополмай қийналаётганга ўхшарди.

- Сиз ҳаммани шунақа кузатиб турасизми?

- Йўқ. Нега сўрайапсиз?

- Мени анча бери кузатаётганга ўхшайсиз.

- Зерикиб ташқарига чикувдим. Қарасам, осмонда учеб юргандай, оёғингиз ерга тегмасдан ютуяпсиз, машқлар бажаряпсиз. Маҳлиё бўлганимни билмай қолибман!...

- Аслида сизга қараган ҳар қандай йигит маҳлиё бўлади...
- Билмадим...

Қизнинг овозидаги ишва Олимга таъсир қилди.

- Келинг, соҳилда ўтирамиз. Бироздан кейин тушлик бошланади.

Қиз Олимнинг ёнига шунчалар яқин ўтирдики, ёқимли ва йигитни маст қилувчи бионури бир сонияда таъсир қилди. У ўзини эркин қўйиб, ўтлардан узиб-узиб лаби билан чимчиди-да, сувга ота бошлади.

- Чўмилмайсизми?
- Ҳозир мумкин эмас!
- Нега?
- Жудаям терладим. Кечга яқин кўлни синааб кўрмоқчиман.
- Мен синааб бўлганман.
- Чукурми?
- Ўрталари мени қўмади.
- Чеккаси-чи?
- Белимдан келади.

Қиз кафтини қорнига кўндаланг юргизгач, Олимда содда ва самимийлиги ҳақида Фикр уйғонди. Боқишиларида ўйчанлик ва муҳаббатга ташнали... Йигит аввалига кўзини олиб қочди, аммо нигоҳларидаги жозиба қалбини боғлаб олди. Ширин кечинмаларини билдирамаслик учун кўзини олиб қоча бошлади. Тавба! Бирласда иккови ўртасида сирли воқеа содир бўлгандай яқинлашиб қолдишиди. Бу нима? Самимийлик ёки қизнинг қизиқиш билан қараётганими? Ҳозир бу саволга жавоб топиш қийин!..

Олим артиниш лозимлиги учун хайрлашишга мажбур бўлди.

- Бугун-эрта шу ердаман, Алик, яна гаплашамизми?
- Албатта, сизни чакираман.

Қиз жилмайганча қўлларини силкиди ва Олим узоклашгунча термулиб қолди...

Хонага кириши билан хизматкор аёл катта сочиқ узатди, ҳатто артинишга ёрдам таклиф қилди. Олим:

- Ўзим эплайман! - деди бепарвогина.

У диванга чүзиларкан, бирдан Интизорни эслади.

Доим шунақа: чиройли қызларға дуч келганды ёдига у келади. Хиёнатдан асрамоқчидай маъюс қиёфаси пайдо бўлади-ю бирга кечирган ширин дамларни кино лентасидай кўз олдидан ўтказа бошлайди.

"Хозир нима қилаётган экан? - ўйлади кўзларини юмиб ва бирдан хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. - Кўнгироқ қилсан-чи?"

У ташқарига - каттакон ўриндиққа чиқиб, рақам терди. Икки марта гудок кетгандан сўнг Интизор билан боғланди.

- Қызлар билан тушлик қилаётгандик, - деди саломалиқдан кейин Интизор, - Боғланганимиз жуда яхши бўлди, Олим ака!

- Мен ҳам хурсандман!

- Ўзим сизга кўнгироқ қилмоқчи эдим.

- Нима гап?

- Кеча элчихонада суҳбатдан ўтдим, бир ҳафтадан кейин Америкага жўнайман! Университет ва ўзимга зарур маълумотлар билан танишаман. Ўқиш бошлангунча тилни мукаммаллаштираман!

- Борганимда кўришолмаймизми?

- Шунга сиқиляпман. Келишингиз яқинлашганда мен кетиб қолаётганимни қаранг! Душманнинг сценарийси билан бўлаётганга ўхшайди-я!

Интизорнинг овозида ўпкаланиш, рашқ бор, аммо бу тўйғу қандай пайдо бўлганини Олим тушунмади. Уларни қисмат узоқлаштираётганга ўхшарди.

- Пешонага ёзилгани-да, асалим!

Интизор бироз сукут сақлади.

- Пешонам курсин! - деди сўнг асабийлашгандай, - Сизга яқинлашмоқчи бўлавераман, тақдир узоқлаштираверади.

- Сиқилманг, асалим!

- Нега сиқилмай? Беш ойдан бери кўришмаймиз! Сиз соғинч нималигини билмайсиз-да! Мен билан ишингиз йўқ! Заринага ўхшаганлар кўнгироқ қилаётган бўлса, бир соатлаб ширин суҳбат қураётгандирсиз?

- Э, кўйсангиз-чи, Интизорбегим! Ундан кўра бошқа нарсани ўйланг!

- Нимани?
- Яқында устимиздан учиб ўтасиз! Учувчига беш-үн сүм киистирсангиз, Москвада пастлаб учади, ойнадан қараб қўл силкисангиз, сизни кўриб оламан! Ёки мен ётган дала-ховлига беш минутга қўнса, учрашув ташкил қиласардик!

Интизор бироз жим қолди. Нафас олаётгани эши билар, ҳаяжони сезилиб турарди.

- Шундай қилса бўладими?
- Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор, асалим?
- Ўла қолинг, мени мазах қиляпсиз, а?
- Ҳазил, асалим, ҳазил!.. Сизни соғинидим, аммо орамиз узоқ, овозингизни эшиганим билан ўзингизни кўролмай қийналдим. Қанотим бўлса-ю, учиб борсам, ёки сеҳргарга айланиб, куф-суф деб, олдингизда пайдо бўлсам!

- Мен учун қуш ҳам, сеҳргар ҳам бўлишингизни истардим! Аммо унгача кўлдан келган ишни қилиб турайлик.

- Яъни?
- Мен Наманган - Москва, Москва - Вашингтон йўналишига чипта олдим. Москвага қўнгач, олти соатдан кейин Америкага учаман. Суперучрашув қилсак ҳам бўлаверади!

- Ура! Ғалаба! - қарсак чалди Олим, - Браво, каллангизга қойилман, жонгинам!

- Сизни деб, адамга "Баҳонада Москвани кўриб олай", деб ёлғон гапирдим!

- Худо кечирсинг! Нафас олмасдан кутаман, кечалари ухламасдан минут санайман! Роса хурсанд қилдингиз!

Олим ҳовлида сакрай бошлади. Озодбек Назарбековнинг "Яна соғинидим, яна" қўшигини айтиб рақсга тушар, Одил билан хизматкор аёл кузатаётганига парво қилмас, завққа тўлиб, ич-ичидан севиниб ўйнарди. Сакраб-сакраб, дараҳтлар баргини узиб, ўтзорда ўмбалоқ ошиб завққа чулғанарди.

- Туяңгиз эгиз туққандай қувоняпсиз, Олимбек, тинчликми?

- Тинчлик, опажон, тинчлик! Мен бугун жудаям баҳтиёрман, лотореяга бир миллион доллар ютиб олсам ҳам бунчалик хурсанд бўлмайман!

- Сизга илҳом бергани билсак бўладими?
- Бўлади, опажон, бўлади!

- Ўша баҳтли қиз ким?

Олим ўйланиб, тортиниб ўтиrmади. Юрагини ларзага солиб турған исмни тиiliга чиқарди.

- Интизорбегим!

Хизматкор аёл деразадан бошини чиқарып турған Одил билан күз уриштириб олди. "Ҳамшаҳрингиз чакки эмас-ку!"

- Энди айтинг-чи, - деди Олим унга астойдил назар ташлаб, - Түшликка қандай таом еймиз, иштаҳам карнай! Дунёни ютвorgim келяпти!

- Сизга ёқади!

- Құлингиз ширинлигини биламан, аммо янги жойда янги таом емаймизми?

- Балки паловни хохлаётгандирсиз?

- Ох, ох, ох! - деди Олим бурни билан атрофдан ис олаётгандай, - Тилингизга шакар, юрагимни қаердан билдингиз, сеҳргармисиз, дейман?

- Балки... - у күзларини сузганча Одилга қаради. Аммо Одил күрмади.

- Аёллар фаришта, сеҳргар, она, гүзал ёр, хокисор буви ва ҳоказо... Сиз қайси турига кирасиз?

- Истаган туриңгизга құшаверасиз, - деди-ю қип-қизарып ошхонага кириб кетди.

Учовлари иштаҳа билан овқатланиши. Аёл идиштөвөкларни йиғишириб, ошхонага равона бўлганда Олим билан Одил ташқарига чиқиб, суҳбатга шўнғиб кетиши. Одилнинг оёғи деярли тузалиб кетган, кескин ҳаракат қилсагина, сал оғриқ сезилади. Кечагина Женя олиб келган врач бир нечта таблетка бериб:

- Уч маҳалдан ичиб турсангиз, бир ҳафтада тўла тузалиб кетасиз! - деганди.

Улар машинага чиқиб, ўрмон четига бориши. Ҳозирча номини билишмайдиган кичик дарё бўйида бир соатча суҳбатлашиб ўтириши.

- Хизматкор аёл билан муносабатим ҳақида ёмон фикрга борманг! - деди Одил ерга қараб, - эри уч йил касал ётиб, бандачилик қилибди. Иккита боласи билан бошидан анча ишлар ўтиби, пул топмаса бўлмас экан! Дардини айтиб, кўнглини бўшатди. Одам тафтини одам олади-да, ука!...

Имкони бўлса бироз ёрдам бериб турсак, ёмон бўлмасди...

Олим аёл ҳақида ёмон фикрга бормаганидан хурсанд бўлди.

- Ёшингиз катта эркаксиз, мендан яхши биласиз. Мени нотўғри тушунади, деб ўйламанг! Ёрдам беришга қаршилигим йўқ!

Олим бироз маъюс тортиб қолди. Озгина сукут сақлагандан кейин Одилга қаради.

- Мен ҳам бувимнинг қўлида ўсганман! Отасизлик азобини тушунаман! - билинар-билинмас хўрсинди у, - бу аёлга қантчалик қийинлигини билмайману, аммо бувиси болаларни осонликча боқмаётган! Битта кампирнинг нафақаси уч жонга нима бўларди? Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек... Аёлга ёрдам берсак, савобга қоламиш!

- Фикрингизга қўшиламан, мениям иккита болам бор, аммо уларга онаси, бувиси билан бобоси қараб туришади. Ишламаётган вақтимда ҳам зориққанларини билмайман, топиб-тутиб, едириб-ичирганман! Қийинчилик нималигини билмай ўсишяпти!

- Тўғри! Бизнинг юртда меҳр-оқибат бор! Йиқилганни суюйдиган, йиғлаганни юпатадиган оқибатли инсонлар бисёр! Кўчада қолсанг, жой беришади, оч қолсанг, тўйдиришади! Дардингга малҳам қўядиган, юраги бутун инсонлар бошқаради бизнинг мамлакатни! Бу ерларга ҳар биримиз ҳам бир сабаб билан келиб қолганимиз, аслида ўшандай юртда яшаётганимиздан гуурланишимиз керак! Худога минг марта шукур қилишимиз керак!

- Сизга қойилман, Олимжон! Ёшсиз-у тўғри фикрляяпсиз, ВАТАН маъносини теран тушунаяпсиз, юртга меҳрингиз, соғинчингиз - имонингиз поклигидан далолат! Мусоғир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан деган, бу ерларда тобланиб, чиниққач, ватанга чин дилдан хизмат қилиш насиб этсин, деб умид қиласмиш!

- Шундай ниятдаман, бугунги ишлар тайёргарлик, холос! Худо хоҳласа, ҳаммаси олдинда!

- Ниятларимиз амалга ошсин!

Улар ватан ҳисси, соғинчи билан анча суҳбат куришиб. Қалблар секин - аста очилиб борар, ёниб турган кўзларидан

туғилған гүшани соғинганлари сезилаёттан эди. Олим бир нафас сукут сақлади-да, Одилга қараб кулимсиради.

- Қизиқ ҳолат, Одил ака, мусобақаларга борғанда вилоятта бир неча кун қолиб кетсам шаҳарни, ҳовлимизни, бувимни соғинардим, бир ҳафтага ё үн кун Тошкентта борсам, вилоятимизга қанот чиқарып учтим келарди. Энди эса бутун Ўзбекистонни, Ватан дейилгандын чексиз сарғадни, жаңнатмакон гүшани соғиняпман, одамларини, қызыларини, қариндош-уруғларимизни, айниқса, синфдошларимни, у ерда яшайдиган барча катта-кичикни соғиндим, ҳозир ўша ерда бўлсан гиёхларини, тупрогини тўйиб-тўйиб ҳидлардим, айниқса, ёз кунлари кечга яқин ҳовлига сув сепганда, ер ҳиди анқиганда, Ватан, ризқ-рўз ҳиди, орзу ҳидини сезгандай бўласан!

Икковлари машинага ўтиришганда руҳлар тиниқ, енгил тортиб қолишган, юраклардан губор кетиб, кайфиятлари кўтарилиган эди.

Дала-ҳовлига етиб келишганда аёл Олимнинг телефонини кўтариб чиқди.

Телефонини қолдиргани эсида йўқ экан.

- Зудлик билан Анатолий Петровичга қўнғироқ қиласкансиз, - деди аёл. У негадир гуноҳ иш қилгандай кўзини олиб қочарди...

Олим унга парво қилмасдан рақамни топиб қайтарди.

- Қалай дам оляпсан, тайёргарлик яхшими? - шошилиб сўзларди Анатолий Петрович.

- Зўр деса бўлаверади.

- Эслаб қол. Бир ҳафтадан кейин жанг! Сен билмаган жангчилар келади, ҳар қандай вазиятга тайёр тур, "шеф" олдида бизни уятта қўймагин, хўпми?

Олим шошиб қолди. "Бир ҳафтадан кейин Интизор келади-ку! Жанг вақтини ўзгартириб бўлмайди". - унинг миясида чақиндай шу фикр айланди.

- Яхши, Анатолий Петрович.

- Маҳкам ушла, Алик, ғалаба биз томонда!

- Есть!

"Суперурчашув" мўлжалланган вақтда мусобақа қизиган бўларкан. Интизор билан Кремль ва Останкино биноси олдида суратга тушмоқчи эди. Уни хурсанд қилиш учун

тузилған режа барбод бўларкан-да...

Кутилмаганда янги фикр келди: чилтани бир кун  
кейинги рейсга алмаштириш Женянинг қўлидан келади!

У билан қачон кўришади? Жангдан бир соат олдинми  
ёки унгача келиб қолармикин? Балки эртага қўнғироқ  
қилиб, кўришишини илтимос қиласар!...



**Интизор** университетга бориб тегишли ҳужжатларни  
топширмоқчи, Америкага кетиш билан боғлиқ майда-чўйда  
масалаларни гаплашиш учун элчинонага қўнғироқ қилмоқчи  
эди. Ойиси билан хайрлашиб, кўчага чиққанида дарвозахона  
олдида Зарина уни чақирмоқчи бўлиб турган экан.

- Вой, Интизор опааа! - деди ҳаяжонини яширмасдан, -  
мунча очилиб кетибсиз, қандай баҳтлисиз-а! Бутун шаҳарда  
дув-дув гап!! Океан ортига ўқишига кетяпсиз, ҳавас қилдим  
сизни!

- Албатта етасиз, асалим!

- Сиздан Олим акамнинг телефон рақамини берсангиз,  
деб илтимос қилиб келувдим...

- Заруми?

- Менга эмас, акамнинг муҳим гаплари бор экан!

- Телефонингизга ёзиб олинг...

Зарина рақами олгандан кейин ҳам кетгиси  
келмаётгандай тураверди.

- Москвага, Олим акамнинг олдига қўниб ўтармишсиз,  
деб эшигдим.

- Ер тагида илон қимиirlаса биласиз-да! - кулди у.

- Акам хат бериб юбормоқчилар, оғирлик қилмайдими?

- Нега энди, сумкамда кетаверади.

Зарина орзуси ушалгандай кўзлари порлаб кетди. Ёш  
қизчадай сакраб, чапак чалиб юборай деди.

- Раҳмат опа! Кетишингиздан бир кун олдин олиб  
келаман!

- Яхши!

"Шоҳбоз хатда нималарни ёзиши мумкин? Зарина билан  
боғлиқми ё шунчаки синфлошлар саломини етказмоқчими?"

Интизор узоқ ўйланмади. Қисқа мулоҳазадан сўнг:

- Шоҳбоз ?Олим акамдан ноёб нарса олиб келишини илтимос қилади, мендан сұрашга уялган! - деган холосага келди. Бироздан кейин бу фикридан қайтди. "Мен ахмоқ нега Заринага телефон рақамини бердім?! Ака баҳона дийдор ғаниматмекин?!" Юраги хижил бўлди. Кечки пайт компютерда кўп ишлаб, ярим тунда ётса ҳам уйқуси келмади. Ҳаёлида Зарина Олим акасига кўнфироқ қилиб, ораларига рахна солган!

Олим акаси билан боғланмоқчи бўлди, аммо ҳозир у ерда ярим кечалигини ўйлаб, эрталабга қолдириди. Ва кўрпага бурканганча, Москвада у билан нималар ҳақида гаплашиш, Америкада ўқиш бошлагандан кейинги алоқаларини ўйлай бошлади. Шу пайт компютери ёнида турган телефони тилга кирди: "Яна соғиндим, яна!"

У сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо ўйланниб қолди. Ярим кечада ким кўнфироқ қилиши мумкин?

Экранга қараши билан таниш рақам: Олим акаси! Юраги дукиллаб кетди. Наҳотки у ҳам мени ўйлаб ётган бўлса?

Салом-алик ҳаяжонли бўлди.

- Америкага учишингизни бир кунга кечиктирасак бўладими? - деди Олим кутилмаганда.

- Нима учун?

- Ўша кунга зарур иш чиқиб қолди, майлими?

Интизорнинг назарида жуда муҳим ишга ўйлади, аммо қандай ишлигини билолмай хавотир бўлди.

- У ёққа бир кундан кейин борсангиз бўлаверадими?

- Аэропотда кутиб оладиганяар овора бўлмасликлари учун кўнфироқ қилиб кўйишим керак.

- Илтимос, шундай қилинг!

- Яхши...

- Келганингизда ҳаммасини тушунтираман!

Алоқа узилгандан кейин Интизорнинг хавотири кучайди. Зарина таъсирини ўтказиш маъносига фитна ўйлаб топғанмекин ёки Олим акамнинг ишида муаммо туғилғанми? Нега очиқ гапирмади? Ишқилиб, тинчмикан?

Миясига ўрнашган саволлар жавобсиз қолаётгани учун асабини эговларди. У ташқарига чиқиб айланди, қафасдаги қўшларига дон берди, баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб сипқорди, ҳовли этагидан келаётган ялпиз ҳидини

искаб кўрди, сал енгил тортиб жойига кирди. Олим тўғрисидаги хаёллари тиниқлашиб, уйку кела бошлади. Ташибшили хаёллар тушга уланиб кетганини билмай қолди:

Ўртада ҳайбатли дарё пишқириб оқади. Яқинлашган одамни домига тортади, атрофда бегона кимсалар ўрмалар, нариги қирғоқдаги Олим акаси олдига ўтмоқчи бўлар, аммо улар йўл қўймайди. Бирдан қора ниқоб кийган икки киши келди-да, уни панжара ортига қамади, кўзларини боғлаб, кўлига кишан солди.. Интизор Олим акасининг олдига ўтмоқчи бўлиб гирён айланар, ўртадаги дарё ҳайбатидан, вахший тўлқинлар домига тушиб кетишдан кўрқар эмиш...

Ярим кечада терлаб-пишиб уйғонди. Кўнглида ноҳушлик сезди. Туш маъносини тушунмагани учун хижиллиги тарқалиб кетмади. Эрталаб уйғонганда ҳам ярим тундаги оғир хаёллар руҳиятини эзиб турар, назаридаги ҳали - вери йўқолиб кетадиганга ўхшамасди... Университетга боргандан кейин Москвага қўнғироқ қилиб, Олим акасининг вазиятига аниқлик киритишини кўнглига тушиб кўйди...

Зарина келишилгандан икки кун олдин келди, аммо унда хат йўқ эди. Буни Интизор сезганини билиб, ўзини оқлади.

- Акам Олим акам билан боғланолмабди. Телефон рақамлари ўзгарган бўлса, билгани келувдим.

Интизор бу гапга унчалик ишонмади. Зарина ўзи қўнғироқ қилиб тушолмаганидан акасини баҳона қилиб келган. Лекин уни изза қилгиси келмай, вазиятдан чиқаришни лозим топди.

- Балки териб берганлар адашгандир, - деди халқаро телефон станциясидан боғланмоқчи бўлишгандир дегандай,

- Мен доим бир мартада тушаман, ҳозирам гаплашишим мумкин.

У телефон хотирасидаги Олим акасининг рақамини топиб, қайта терувчи тутмачани босди. Бир неча сонияда гудок кетди.

- Алло, Интизор!

Зарина юрагига яқин бўлиб қолган овозни эшитиб, ҳаяжонланиб кетди. Туғён ураётган кечинмалар кўзларида

акс этгани учун Интизорга қаролмас, Олим билан гаплашгиси келаётгани порлаб кетган күзларидан яққол билиниб турарди. Аммо Интизор телефонни бермади, Олим акаси билан бир неча дақықа гаплашганидан кейин:

- Аканғизга нотұғри териб беришган! - деди кескін хulosса қилиб.

Интизорнинг назарида, Зарина атайлаб келганига хижолатда қолаётгандай эди.

Ү ҳавас ва ҳасад қилаётганини чақнаб турған күзларидан Интизор сезди, ўзини сипо тутгани учун Зарина ортиқча ҳаракат қылолмади, аммо кетгиси келмас эди.

- Опа, сизга мазза, а?

- Нимаси мазза?

- Эрта-индин Москвани күрасиз, Америкада ўқийсиз!

Интизор унинг ҳавасини күриб, ич-ичидан гуурланиб кетди. Зарина аввало Олим билан Москвада учрашишини ҳавас қилаётганини сезган бўлса ҳам сир бой бермади. Унинг ичини куйдириш учун:

- Олим акам Москвани айлантираман, бир кундан кейин Америкага учеб кетаверасиз, дедилар, дея мақтанишга ўтди,

- Майли дедим, у ердаги танишларига айтиб, билетимни бир кун кейинга сурдириб берарканлар.

Зарина оғзининг суви келганини яширолмай қолди.

- Опажон, мениям олиб кетинг! - лаганбардорларча ялинди Зарина.

- Бўпти, бирга борамиз! Олим акамни кўргандан кейин мен Америкага кетаман, сиз Тошкентга учеб келаверасиз!

Интизор чиндан гапираётгандай, Зарина кувонди. Қани энди, самолётга чиптаси бўлса-ю Интизорнинг ёнида учса, Олим акасини ўттага олиб, Москвани айланишса!

- Мен яна келаман, - деди Зарина у билан хайрлашиб эшик томон юаркан, - Омадингизни берсин, опажон!

- Раҳмат!



Жанг кеч соат еттига, ўтган сафарги жойга белгиланган эди. Олим, Одил ва Анатолий Петрович олтиларда жўнаб кетишлари, унгача Домодедово аэропортига бориб,

Интизорни кутиб олишлари, хизматкор аёлнинг олдига жойлаштиришлари керак эди. Олим кечада Анатолий Петрович билан аэропортга бориб, чипта муддатини ўзгартишга борганда келишишган эди.

Самолёт қўнишидан аввал аэропорт ташқарисида, кейинроқ кутиш залида ўтиришди. Олим қўлида гулдаста билан бетоқат айланар, залга кириб ўтирас, аммо вақт ўтмаётгандай йўлга қаради. Кўнгли нотинч. Буни узоқ кўришмаган ошиқларнинг висол олдидан бўладиган кечинмаларига, соғинч қийноғига йўйди, аммо таскин топмади. Самолёт қўнгани эълон қилинганда эса, юраги кўксини ёриб чиққудай дукиллаб кетди. Аэропорт катта, беш минутда бир неча самолёт қўниб участгани учун қайси йўловчи қайси рейс билан келганини билиб бўлмас эди. Кутилмаганда Олим уни тополмай қолди. Унинг рейсида келган йўловчилар юкларини олиб, залдан чиқиб кетишса ҳам Интизорни топишолмади. Ичини ташвиш ва аллақандай изтироб қоплади.

- Энди нима қиласиз, Анатолий Петрович? - деди унга ташвишли нитоҳларини қадаб.

Олим ўзини босишига ҳаракат қилса ҳам нохуш хаёллар тинчлик бермас, юрагини тирноқлар эди. Кечада Олим Интизорга аэропортга кирибоқ, менга қўнғироқ қиласиз, телефон орқали топишиб оламиз деган эди, аммо у қўнғироқ қилмади. Нега? Қаерда қолиши мумкин?

Улар эълонлар бўлимига кириб, масъул ходимга учраши, мақсадни тушунтиришди. Бироздан кейин диктор Интизор Аҳмедовани қариндошлари кутишаётгани, Москва шаҳрига қараган тўртинч эшик олдига келишини бир неча марта эълон қилди. Беш дақиқадан кейин эълон яна тўрт марта қайтарилди. Аммо Интизордан дарак йўқ, сойга тушган тошдай дом-дараксиз. Олим гирён бўлиб ҳар ёққа югуради, сал таниш башара кўринса, одамлар тиқинини ёриб олдига чопади, бегоналигини билгач, ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтади. Одил акаси билан Анатолий Петрович ҳам тинч туришмайди, аввалига парво қилишмаган бўлса, қиз топилавермагач, юракларини ташвиш қоплаётган эди.

"Михаил Дронкиннинг одамлари қўрқитиб қўймоқчими?" Ёки Анатолий Петрович қўрқитиб қўйиш учун саҳна ташкил

құлдимикин? У билан ҳаммасини келишиб олғанмиз, Михаил Дронкинни ташлаб, унга үтгандан-ку!"

Анатолий Петрович нега саволига жавоб бермай күзини олиб қочяпты ёки бирор чорани мулоқаза қиляптыми?

- Агар Михаил Дронкин қылган бўлса, тумшуғини ерга ишқайман! - деди Анатолий Петрович муштини тутиб.

Ростмана жаҳли чиққан, жанг олдидан туғилаётган бу муаммони қандай ечиш йўлини ўйлаётгани ташвишли кўзларидан билиниб турарди.

- Қўзиқорин, доим майдакашлик қилиб юради-да!

У аллакимга қўнфироқ қилди, четроққа ўтиб гаплашди, аммо ташвиши тарқалмади. Яна бир неча киши билан боғланди.

- Алик, - деди сўнгра қовогини уйиб, - хизматкор аёлга қўнфироқ қил, Интизор олдингга бормадими, деб сўра! Жавобига қараб иш қиласиз.

Олим Анатолий Петровичнинг нега бундай деганини тушунмади. Михаил Дронкиннинг одамлари билан алоқаси бормикин? Биз билан келишининг сабаби - Михаил Дронкиннинг гуруҳига маълумот етказиб, фитнани амалга оширишда уларга кўмаклашишми? Жа унақа шпионга ўхшамайди, ўзини муштипардай тутяпти-ку!

Аёл трубкани кўтарди. Аммо овози ташвишли эди. Олим вазиятни тушунтиргандан кейин у шошиб қолди.

- Менга ҳеч ким қўнфироқ қилмади, бу ерга ҳам келмади.

Гапга кулоқ солиб турган Анатолий Петрович телефонни олди.

- Сен қўшни дала-ҳовлига бориб, "Сизларни кига Ўзбекистондан меҳмон келмадими?" деб сўра, уларнинг жавобини тезда бизга етказ!

- Ҳўп бўлади...

Аёлнинг шашти паст эди. Гуноҳ қылган одамдай гапни қисқа қилди.

Олим ҳар бир дақиқани игна устида ўтказарди. Мияси карахт, фикрлай олмасди. Анатолий Петрович ташқарига чиқиб кетди. Олим билан Одил иложсизликдан ўриндиқка ўтирганча ўйланишарди. Тўсатдан унинг телефонини жиринглаб қолди. Экранга қаради: хизматкор аёл.

- Нима гап?

- У ерда битта нотаниш қиз юрибди, аммо Ўзбекистондан эмас, тожикистонлик, дейиши.

- Юзида холи бор эканми?

Аёл жим қолди. Нафас олмай туришидан ўйлаётганга эмас, сир яшираётганга ўхшарди

- Эътибор бермабман! - деди аёл кескин.

- Э опа, бу оддий воқеа эмас, инсон тақдиди қил устида турибди. Боринг, билиб чиқинг!

Аёл индамади.

- Бегона жойга ҳадеб чиқавериш нокулай...

Олим шартта алоқани узди-да, Анатолий Петровичнинг орқасидан ташқарига чиқди. У аллаким билан телефонда гаплашарди. Олимни кўриши билан олдига имлади.

- Сен асабийлашма, Москванинг ярмига ўт кўйиб бўлса ҳам қизингни топтираман! Бу ишни ярамас Қўзиқорин қилган бўлса, шаҳардан бадарға қилдираман! Чет эллар билан алоқасини кестираман.

Шу пайт Одил ҳаллослаганча аэропортдан чиқди.

- Қизнинг юзида холи бор экан!

Петрович вазиятни тушуниб, буйруқ қилди.

- Машинага!

Улар дала-ҳовлига яшин тезлигида етиб бориши. Аммо кутилмаган воқеанинг устидан чиқиши. Ҳоналар кулфланган, хизматкор аёл кўринмас, кўшниларницида ҳам ҳеч кимнинг шарпаси эшитилмас эди. Ҳамма ҳайратда, лол.

- Аблаҳ! Хизматкор жосуслигини билардим, аммо сотқинлиги устида ушлаб, таъзирини бермоқчидим.

Олимнинг мияси "чақди". Анатолий Петровичга қўнғироқ қиласканси, деганда, нега кўзини олиб қочганди? Телефонимдан Интизорнинг рақамини олиб Қўзиқориннинг одамларига берганми? Улар Интизор билан боғланиб, менинг одамим бўлиб кутиб олишганмикин?

Олим бу фикрларини Анатолий Петровичга сўзлаб берди.

- Тўгри! Ақлинг кечроқ киряпти-да! Телефонни бегоналар олдида қолдириш қанча зиён келтиришини тушуниб ол! Энди кетдик, шошилмасак бўлмайди.

Ўн беш дақиқача шаҳар ташқарисига юришгандан кейин Анатолий Петровичнинг телефони жиринглади.

- Қизнинг оти Интизорми? - деди у томондан русчалаб.

- Худди шундай!

- Уларнинг қўлида, аммо бизнинг назоратимизда турибди, сен ташвишланма Петрөвич, унга тикан ҳам кирмайди, жангда шарт қўйишса, аввал хўп денглар, аммо бажармайсизлар, зиён етказмоқчи бўлса, кулини кўкка совураман!

Телефоннинг овози баландлиги учун уларнинг гапини ҳамма эшилди. Олимнинг кўнгли сал хотиржам бўлди.

- Машинани қайтар! - деди Анатолий Петрович Одилга. Улар шаҳарга кетиши.

- Мен уни кўришим керак, иложи бўлса тезроқ, Петрович!

- деди Олим ташвишли нигоҳларини унга қадаб.

- Ҳозир иложи йўқ! Жангдан кейин одамларимиз эсономон олиб келишади. Сен хотиржам бўлавер. Қизинг душманнинг қўлида эканини билмайди.

- Ҳеч бўлмаса овозини эшитиш мумкинми?

- Ишни бузиб қўясан, улар ичидаги одамимиз фош бўлмаслиги керак, бу сенинг қизингдан муҳимроқ!

Олим вазиятни тушунди, типирчилаган билан фойдаси йўқлигини англаб, ўзини босди. Дала-ҳовлига боришгандан кейин эса, асабларини дам олдириш учун диванга чўзилди. Бироздан кейин Одил кўзларида ҳайрат билан унинг олдига келди.

- Олимжон, манавини ўқиб кўринг!

Бир варақ дафтар қоғозига қўйидагилар битилган эди.

"Одил ака, келганимдан бери турли гуруҳлар қўлида ўйинчоқ бўлишдан чарчадим. Энди уйга қочиб кетаман. Естиқ тагидаги пулларингдан икки минг доллар олдим. Рози бўлинглар, хайр!"

- Ана тушунган аёл-у, мана тушунган аёл! - деди Олим ҳуштак чалиб. - "Маҳаллада дув-дув гап"даги Марям Ёкубованинг машхур гапини эслаб, - Оддий қишлоқи аёлда шунча ҳунар бор-а! Дунёнинг содда одамлари ўзимиз экан, а, Одил ака?!

Одил аёлдан кўра пулга кўпроқ ачинди, ҳатто кеча уйига жўнатиб юбормаганига афсус чека бошлади. Кўзларига қайғу ўрмалаб чиққанини кўрган Олим:

- Бизга Худо берсин, ака! - деди гарчи пулни ўзи ишлаб топган бўлса ҳам Одилни юпатиб. - Болаларига

сарфлаёттанды дуо қылса, жантада голиб чиқишиимга ёрдами тегар... Сизга манзитини айтганды?

- Чалароқ айтувди шекилли...

Олим мийигида кулди.

- Рост айтган бўлса, Москвадан кетгандан кейин излаб топарсиз?

- Вакт қайда!

- Унинг учун топасиз-да! Ахир, яқин бўлиб қолувдинглар, сизга телефон қылса керак?

- Бети чидармикин?

- Сизга хат қолдирибди-ку!

- Виждони бор экан! Интизорнинг телефон рақамини сотгани учун юзимизга қарашибдан уялиб кетган...

- Ҳалол деёлмайман, пулнимизни ўйирлагани-чи?

- Ўгри деб бўлмас...

- Биронникини сўрамай олгандан кейин ўгри-да!

Унинг тарафини олавериши Олимда нотўгри таассурот қолдириши мумкинлигини ўйлаб, Одил тилини тийди. Аммо Олимдан кейин нимадир дейиши кераклигини ўйлаб:

- Ҳар нарса дейишга ҳаққингиз бор! Пулни сиз топгансиз-да! - деди.

Гапларга ҳазил аралашган бўлса-да, Олимнинг кўнглидаги ғашлик тарқалмаган, севгилисидан хавотир бўлаётган эди. Бу хавотир дақиқа сайин бутун руҳияти, қалбининг нозик жойларини тўла эгаллаб бормоқда эди. У бугун машқ қўймайди, аммо кўл бўйида бироз югурмоқчи бўлди.

- Бизга тушликни ким тайёрлайди, Олимжон? - деди Одил аллақандай ҳафсаласизлик билан, - бир соатдан кейин нима еймиз?

Олим унга қаради-ю, уйини эслади.

- Ўз қўлингиз билан водийча ош дамламайсизми, Одил ака! - деди унинг иштиёқини уйғотишга уриниб.

- Шу гапингиз керак эди, ошни ўйнатиб юбораман. Сиз бемалол шугулланаверинг!

Олим қўйлаганини ечиб ташлади-да, майка-трусилик бўлиб олди. Кўлни иккинчи марта айлана бошлаганда қўшниларницидан Алла Пугачёванинг саксонинчи йиллари хит бўлган "Миллион роз" қўшиғи янгради. Олим

илхомланар, қуввати кучайиб бораётганга ўшарди. Бирдан дала-хөвлида боя одам йүқлиги, Интизорни ўғирлаганлар билан у ердагиларнинг алоқаси ҳақида гап бўлганини эслаб, хушёр торти.

Дераза очилиб, Аня кўринди. Янги оқ гулли кўйлак кийган, ўн олти яшарли эркатой қиздай сочини диккайтириб олган эди. Олимнинг юраги бир ҳапқириб тушди. Вужудини ташвишлардан холи қилувчи, дунё муаммоларидан узоқлаштирувчи масъулиятсизлик ва чиройга маҳлиёлик ҳисси қамрай бошлади. Олим қизни кузатаркан, боядан бери қараб турганини сезди. У бирордан кейин ташқарига чиқди. Учинчи марта айланиб келганда қиз кўл бўйида оқкушдек нозланиб туради.

- Салом, Алик!
- Яхшимисан, Аня?
- Аъло, ўзингчи?
- Мен зўр, аҳволлар яхши. Бугун севгилимни қароқчилар ўмарид кетишид!
- Қандай қилиб?
- Россияда бачкана ўғрилар борлигини билмаган эканман, курашсанг мен билан кураш, аҳмоқ! Лекин-чи?
- Ҳа...
- Бирортасини тутиб олсан, суюкларини битталаб синдираман, агар қизимга озгина зиён етказса, ҳаммасини асфаласофинга жўнатаман!
- Ҳозир нега жим юрибсан? Тезроқ синдиrmайсанми?
- Мавриди эмас...
- Аҳволи нима кечдийкин? - ачингандай сўзларди Аня.
- У ҳам каратэчи, унча-мунча эркакнинг жигарини эзib қўяди! - бемалол ишонтириб юборди Олим.
- Ростдан-а?
- Эртага келса таништириб қўяман! Курашиб кўрасизларми?
- Гап унда эмас, сендай зўр йигитнинг қизи қанақалигини кўрмоқчиман, чиройли бўлса керак, а?
- Ёмон эмас, менга ёқади!
- Қачондан бери севасан?
- Минг йилдан бери. Туғилмасимдан аввал - онамнинг қорнидалигимда уни тушимда кўрганман.

- У дамларни ҳозир қандай эслаяпсан?
- Менда алоҳида қобилият бор, - деди у одатдаги машқларни давом эттиаркан, - Ҳатто дадамнинг белида юрган вақтларимни ҳам эслай оламан!

Аня ишониб-ишонмай, ноз-у ишва билан кулимсиради. Гаплари қизик туюлаётгани учун олдидан кетгиси келмаётган эди. Олим эса жанг олдидан кайфиятини яхшилаш, ташвишларни унущиш учун жўрттага бўлар-бўлмаслар ҳақида сўзлаб бераётган эди.

- Алик, мени лақиллатмоқчимисан?
- Нега энди?
- Гапларингдан шунинг иси келяпти...
- Унча-мунчага лақма бўладиганга ўхшамайсан!
- Лақма қилмай қўймайсан, шекилли...

Олим бир нафас тин олтандан кейин машқларни тўхтатди-да, қизга яқинроқ келди.

- Яхшиси, ўзинг ҳақингда гапириб бер.

Олим аввал зътибор бермаган экан, Аня жуда чиройли, истараси иссиқ қиз экан, қошлари ўзига ярашган, юзи тиник, кўзлари ва нигоҳларида юракни дарров тортиб оладиган аллақандай жозиба, оҳанрабо бор...

Қиз ўзини бошқа нарсаларни ўйлаётган кўрсатмоқчидай узоқларга тикилди. Аммо йигитнинг илтимосидан қувониб кетганди. Олим буни тўла тушуниб етмаган бўлса ҳам шунга ўхшаш туйгуни сезгандай бўлди.

- Ҳаммасини сир тутгинг келяптими, одамлар ёпиқ картага қизиққанларидек, сирли қизларга ҳам кўпроқ интиладилар, тўғрими?

- Буни йигитлар кўпроқ билади...
- Ёпиқ карта қанчалик сирли бўлмасин, бироз қизиқиш ўйғотишдан бошқасига ярамайди. Аниқ хулоса қилиш учун ҳеч нарса бермайди, ҳатто очилгандан кейин эса ҳафсалани пир қилиши мумкин. Лекин сен - мен қизиққан рақам бўлишингни истайман. Дўстлашиб қолармидик...

Аня ўт устига кўксини бериб ётди-да, бир туп майсани узуб тишлади, сўнг лабига қистирди. Озгина тишлаб пуфлаб ташлади-да, Олимга термулди.

- Ҳақиқатан менга қизиқяпсанми?
- Сендай гўзал қизга ҳар қандай йигит қизиқади-да!

- Оширворма, Алик! Ҳозиргина дүстлик ҳақида гапирудинг...

- Йшонмасанг гаров бойлашамиз.

Қизнинг күzlари порлаб кетди, юрагида қувонч пайдо бүлгани яққол сезилиб турар, Аликдай йигит уни деб гаров бойлашмоқчи бўлаётганидан боши осмонга етганди.

- Шу йил Москвада мактабни битиряпман. Аммо ўқишга киришим номаълум.

- Нега?

- Мен Оксфордга бормоқчи эдим, аммо дадам кўнмаяптилар.

- Сабаб?

- Ўзимизнинг МГУ Оксфордан яхшироқ ўқитармиш...

- Дадант ҳақдир?

- Э, эскича фикрлайдилар. Биз билан миллиардернинг қизи Маргарита ўқыйди, Оксфордга жўнаяпти-ку. Мактабни битиргунча ўндан ортиқ давлатлар ўқитиш тизимини ўрганиб келди, билмаса бормасди-ку. Қолаверса, душманларингнинг ичини ёндириб, Европанинг энг зўр жойида ўқиш мазза-да!

- Душманларинг борми?

- Азизим, Алик! Душман ҳар бир одамда бўлади! Курашиб, рақобатга чиқиб олға юрасан!

- Гапинг тўғри, аммо кураш ҳалол бўлиши, адолат қоидаларига амал қилмасдан бирорни босиб-янчиб ўтмаслик керак!

Олим нималарни назарда тутганини Аня тушундимиш ўқми, билмади. Аммо у йигитнинг гапларига жим қулоқ солаётганидан Олим ўзини дадил сезиб, гапини давом эттириди.

- Емон кўрганим - гирромлик! Ўзини дўст кўрсатиб, душман йўлини туваётганлар!

- Мениям ундейларни кўргани кўзим йўқ! Лекин атрофга қара, адолатта амал қилаётганлар бармоқ билан санаарли, улар ҳам ғолиб чиқаёттани йўқ!

- Мен барибир соф адолатта ишонаман!

- Сен кураша оласан! Кучингта ишонасан, бобонгиз Амир Темур: "Куч - адолатдадур" деганми ёки "Адолат - кучдадир" деганмиди?

- Сен буни қаердан биласан?

- Тарихни яхши күраман.

- Менимча, "Куч - адолатдадир", деган.

Қиз бироз ўйланиб турди-да, бошини даст күтарди.

- Алик, менимча, хато қиляпсан!

- Нега?

- Куч бўлмаса адолатга эришиб бўлмайди. Амир Темур ҳам аввал куч тўплаб, кейин Ватанидан душманларни кувиб солган ва тарихий адолатни тиклаган!

- Гапинг тўғридир, аммо унга адолат туйфуси куч берган, шуни англаб етмаганида буюк зафарларни қўлга киритолмас эди.

Икковлари жим қолиши. Ўзларини ҳақ деб ўйлашаётгани, фикрларига изоҳ қидиришаётган эди. Олим уни хушига келтирди.

- Атайлаб гапни чалғитяпсан, Аня!

- Нега бунақа фикрга бординг?

- Ўзинг ҳақингда гапиришни истамаяпсан, мени лақма қилмоқчимисан?

- Бўлди, бўлд! Ҳозир бошлайман. Хуллас, Оксфордга бормасам бўлмайди, деб туриб олганман. Дадам эса ҳозиргача тайинли гап айтишдан қочиб юрибди.

- У ернинг харажатлари кўпдир-да!

- Дадамда пул етарли. Номи чиққан миллиардер бўлмаса ҳам Москвада бирордан кам эмас! Фақат якка-ю ягона қизим олдимда юрсин, демоқчилар. Мен мустакил бўлишни истайман, ахир қизалоқ эмасман-ку! Баъзан туйгуларимга ҳам аралашадилар, айтишларича, бола учун ота-онадан яқинроқ киши бўлмаслиги керак! Сен шунга қандай қарайсан?

- Ёмон фикр эмас, аммо ҳар кимнинг ўз фикри, дунёқараши бўлгани дуруст.

- Тўғри! Бу гапни отамга сингдиролмаяпман.

- Сен яна асосий мавзудан чалғиб кетдинг. Ўзинг ҳақингда...

Аня узр сўраб жилмайганида чиройининг янги қирраси очилгандай, Олимнинг юрагини жизиллатиб юборди. Қиз чордона қуриб олди-да, яна унга термулди.

- Ҳозирча шаҳарда дадам, ойим ва укам билан турамиз,

үйимиз беш хонали, Санкт-Петербург яқинида, Финляндия чегарасида дала-ҳовлимиз бор. У ерда икки марта бўлганман, холос. Мен шу ерни яхши кўраман..

- Нега?
- Ҳавоси ёқади, тинч. Қолаверса, Москвага яқин.
- Оксфордга кетиб қолсанг, кўришолмай қоларканмизда!
- Мен сенга қўнғироқ қиласман.
- Балки мени ҳам у ерга чақиравсан.
- Борасанми?
- Жон деб борардим-у бу ерда ишларим кўп.
- Менга тансоқчи бўлардинг, агар рози бўлсанг дадамга айтаман...
- Бу менга боғлиқ эмас, яххиси, кейинроқ гаплашайлик. Олим у билан хайрлашиб, дала-ҳовлига келди. Одил кузатиб турган экан.
- Янги танишингиз кетворган эканми?
- Ёмонмас...
- Олимжон Марускалар билан ош-қатиқ бўлиб юрибди, деб эртага Интизорга айтиб бераман.
- Майли, - илжайди Олим, - Аразлаб кетса, Аняга уйланаман, дадаси даҳшат бой экан. У тансоқчи бўлишимни сўради.
- Зўр-ку! Қанча бераркан?
- Миллион рубль..

Ҳазил-мутойибани тўхтатиб, Олим ошхона томон бурилганда, паловхон тўранинг ёқимли, иштаҳани қитиқлайдиган ҳиди димоқقا урилди.

- Оҳ, оҳ, ўзимизнинг паловга нима етсин? Қачон пишади, ака?

- Бироз дам есин.
- Петровични чақирмаймизми? Умрида бунақасини емаган бўлса керак.

Олим рақам тергач, Анатолий Петровичнинг овози эшитилди. Таклиф мазмунини эшитгандан кейин "Кутинглар", деган овоз эшитилди.

Одил унинг келишига помидор, бодрингдан Фарғонача салат тайёрлади, дача ҳовлисидағи кўқдан узуб келиб, ёнларини безаб чиқди. Болгар қалампиридан тайёрлангани

эса мутлақо бошқача таъм берарди.

Анатолий Петрович кирибоқ ошнинг ҳидини туйиб, дили яйраб кетди.

- Ўзбек паловини кўп эшигтганман, аммо емагандим. Бир кўрай-чи?

- Палов емаган бўлсангиз, ҳали дунёга келмабсиз. Мазаси оғзингизда қолади, бир-икки кундан кейин яна пишириб бер, деб келасиз.

- Ҳали еганимча йўқ, аммо қозондан келаётган ҳиди ажабтовур таом эканини билинтириб туриди.

Одил катта лаганга ошни тоғсимон сузиб келганда Анатолий Петрович кўзлари катта-катта очилиб, ҳайратда қолди.

- Буни тарелкага оз-оздан солиб еймизми?

- Ҳаммамиз лаганнинг ўзидан қошиқда еймиз, одат шунаقا! Асли ота-боболаримиз қўлда ейишган, биз ҳам шундай қилсак бўлади-ю, жа замонавийлашиб кетдик-да!

Шу пайт Олим Анатолий Петровичнинг ошга суқланиб қараганини кўриб, мен қўлда ейман, деди.

- Қандай қилиб?

- Ҳозир кўрасиз!

Паловнинг ёқимли иси хонани бутунлай эгаллаган, ҳамманинг иштаҳасини қўзғаган эди.

- Тезроқ бошлайлик, - деди Анатолий Петрович сабрсизлик билан қўлларини бир-бирига ишқаб. У ош таъмини билишга қизиқкан сайин оғзининг суви келарди,

- Иштаҳам ўлиб қолади.

- Шошилманг, Анатолий Петрович, ош ейиш таомилларига амал қилиш керак, аввал ош устидаги манави гўштни майдалаб тўғраймиз, кейин сиз каттамиз сифатида бошлаб берасиз.

Гўшт тўғраб ош устига босилгандан кейин:

- Қани бошланг, Анатолий Петрович, - деди Одил.

Петрович ошнинг тепасига қошиқ солди. Икковлари кулиб юборишиди. Ҳижолатда қолган одам:

- Менга ўргатинглар-да! - деди гина қилгандай.

- Анатолий Петрович, менга қараб туринг, мана, - деди Одил қошиқни ошга ботириб тўлдиаркан, - Қошиқни ош томонга юргизасиз, тўлгандан кейин оғизга олиб борасиз.

Иссиқ бўлса емайсиз...

Анатолий Петрович Одил айтгандай машқ қила бошлаганда телефони жиринглаб қолди.

- Улар қизни чиқариб юборишиди?

- Ийе, нега?

- Алик тутиб олсан, суягини битталаб синдираман, деганини эшитиб қолишибди, бирортаси ҳам асфаласофинга кетмоқчи эмас! Ҳозир қизни дала-ҳовлига олиб бораверайми?

Ҳамма эшитди, Анатолий Петрович Олимнинг "Обкелаверсин!" деган имосини тушунгач, тез етказиб келишларини буорди.

- Интизорни кутамиз! - деди Олим қувноқ кайфиятда, - усиз ош ўтмайди! Анатолий Петрович, хафа бўлмайсиз, кутсак майлими?

- Бемалол. Мен кўникиб кетганман.

Олим қўлини артиб мулоҳаза қиласкан, Аня - Қўзиқориннинг одами - душман томон эканлигига шубҳаси қолмади. Сир олиш ва жосуслигини яшириш учун лаганбардорлик қиласётган экан-да! Иблис! Яна тансоқчи бўлинг, дейди-я! Энангта бориб айт, бу эртагингни! Аммо мулоҳим супургига ўхшаб, ўз ролини қойилмақом ўйнаркан.

Кўп ўтмасдан "Мерседес" овози эшитилди ва кўз очиб - юмгунча ҳовлида пайдо бўлди. Олим Интизорни кўриши билан кўзлари чақнади. Анатолий Петрович унинг қулогига: "Қиз гаровга олинганини билмасин, бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган!", деди. Олим "Бу - навбатдаги ўйинмасмикин?" деган хаёлга борди, аммо қизга пешвуз чиқаётганда "Е ҳаммасини ўзлари ташкил қилишдимикин?" деган фикр туғилди миясида.

Олим машина ёнида тортинибгина турган Интизорнинг олдига қандай етиб келган бўлса, шундай тез тўхтади.

- Яхши келдингизми, Интизор?

- Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз?

Олим қизнинг бир кўлидан ушлаб, белидан оҳиста кучдида, юзини юзига теккизди, сўнг билинч-билинч ўпиди. Бир нафас кўзларига термулиб тургач, елкасига қўлини ташлаб ичкарига бошлади.

- Танишинглар, энг яқин дўстим - Интизорбегим!

- Эсон-омон келдингизми, Интизорхон?

- Раҳмат, ишлаб турибсизларми?
- Узукка кўз кўйгандек ярашиб турибсиз, кўз тегмасин!- деди Одил уларга қараб.
- Қанақа дўст, - деди Анатолий Петрович мутойиба аралаш, - Кўзларингдан бир-бирингга ким эканлигинг билиниб турибди-ку!

Анатолий Петрович кафтини юмиб, бош бармоғини тиккалаб кўрсатди, - Ҳақиқий ўзбек гўзали, мен Анатолий Петровичман! - у қизга қўл узатди, - Тортинма, ўз уйингдай ўтиравер!

- Петрович, отини айтишга қийналмай, Инди деяверинг, у Ҳиндистонда яшаган!
- Браво! Бахт тилайман, Инди!
- Энди у грант асосида Америкада ўқииди!
- Ие, бу хазинанинг ўзи-ку! Маҳкам ушла, Алик, керак бўлса, унга жонингни фидо қил!
- Хўп бўлади...

Қани, совимасин ошдан олайлик, Интизорхоннинг қайнонаси суръ экан, ош устидан чиқди! - Одил уларни паловга таклиф қилди.

Мириқиб овқатланишди. Ярмига борганда Анатолий Петрович мен ҳам қўлда есам бўладими, деб қошиқни қўйди, аммо бир-икки марта ҳаракат қилувди, кафтидан ош тушиб кетаверди.

- Алик, менга ҳам ўргатиб қўй!
- Қадрдоним Анатолий Петрович, - ҳазил аралаш жилмайди Олим. - Одил акага бир кило ош харажатини берсангиз, ўргатиб қўяман! Бу осон иш эмас!
- Оббо айёр-эй! Нозик жойидан ушладинг! Майли, кейинги сафар ош мендан! Агар бутун голиб чиқсанг, кийик гўштидан кабоб қилиб бераман, қизил икра билан есанг, Шварцнегерниям қулатиб ташлайсан! Гўзал мсҳмонимиз ҳам бир мазза қиласи!

Интизор аввалига тортиниб турди, аммо ош жуда мазали бўлганидан тортинчоқликни йигиштириб қўйди. Олим сукунатни бузиш учун Одилга қаради.

- Гурунчини ўйнатиб юборибсиз-ку, ака?
- Алик, бу овқатнинг таъми бутунлай бошқача, - деди Анатолий Петрович ҳам чин дилдан қувонганча наfbатдаги

лукмани оғзига соларкан, - Ҳидини айтмайсанми, ҳидини, ох, ох, тананг яйрайди-я, тананг! Раҳмат сенга, Одил! Бунақа мазали таомни биринчи ейишім!

- Энди Петрович, түрт пиёла күк чой ичмасанғиз, еганингиз ҳазм бўлмайди.

- Йўғ-э?

- Шунақа! - деди Одил қулимсираб унга чой узатаркан. Анатолий Петрович учинчى пиёлани ичгач:

- Ёрилиб кетаман! - деди қорнини ушлаб.

Учовлари шарақлаб қулиб юборишиди.

Анатолий Петрович "Сизларни олти яримда кутаман!" дея чиқиб кетди. Одил идишларни йигишириб қолди. Олим билан Интизор кўз уришириб, кўл жанубидаги ўрмонга кетишиди. Одил улар ортидан ҳавас билан термулиб қолди...

Интизор кўл ёнидан ўтаётганда күёшда товланаётган сувга қарапкан, ҳайратини яширолмасди. Руҳига ором бериб, асабини аллалаётгандай бўлар, кўнгил пучмоқларида янги ва тоза тўйғулар униб чиқаётгандай эди. У Олим билан қўлтиқлашиб олган, борган сайин бир-бирларининг пинжига кириб боришарди. Олим гапни нимадан бошлишни билмас, Интизорнинг атрофга тўйиб бўлишини кутар эди.

- Мазза жойда яшаркансизлар, а, Олим ака, чиройлилигини қаранг?

- Чидаса бўлади, - деди Олим бепарвогина, - Лекин барибир ўзимизнинг Ўзбекистонга етмайди, у ерни ҳар куни соғинаман, боя сиз билан сўрашганимда иккаламиз учрашган хиёбонлар, шаҳар ва юртимиз нафасини сезгандай бўлдим, маҳкам бағримга босгим келди-ю, ёнимдагилардан уядим.

- Хайрият уялибсиз, бўлмаса қовурғамни қайириб кўяркансиз!

- Ҳечқиси йўқ, врачлар сероб, ярим соатда ҳаммасини тўғрилаб кўйишиди.

Ўрмонга киришгандан кейин Олим уни бағрига босди, лабларидан тинмай бўса олар, қайноқ соғинч, ёшлиқ ва гўзаллик нафаси таралиб турган ёқимли вужудини бағридан бўшатгиси келмасди. Икки жон бир-бирига сингиб кетишига тайёр. Бироздан кейин Олим уни сал бўшатиб, елкаларидан ушлади. Кўзларига тикилди: маъноси теранлашган, юзидағи

ифода кучайган, нигоҳларида улғайин сезилади, кейин яна... яна нимадир ўзгариш бор! Ўща нима? Олим тополмай бироз ўйланди, сезиб турибли-ю англаб ололмаялти. Ҳа, Топди! Интизорнинг бўйи сал ўстган! Илгари елкаларидан ушлаб кучоқлаганда, лаблари пешонасига тегарди, ҳозир эса кўзига тегди, қадди-қомати тўлишиб, янада кўркамлашган, Олим севинаркан, уни яна бағрига босди, қалбида бироз қониқиши ҳосил қилгандан кейин йиқилган дараҳт танасига ўтириши.

- Энди гапиринг, у ёқда нима гаплар? Таниш-билиш, ошна-оғайнилар тинч-омонми?

- Ҳамма ёқ сув қўйгандек жим-жит. Фақат сизсиз қийналдим. Ота-оналарим яхши, бувингиз соғ-омонлар, сизга салом айтдилар.

- Келмаяпти деб жаврамаяптиларми?

- Э, дом-дараксиз кеттан пайтингизда йиғладилар, сотиб юборрганларни роса сўқдилар, руҳлари тушиб кетганди, ҳозир сопла-соғлар, ҳа айтгандай тунов куни иккаламиз бозорга бордик, иккита долларни майдалаб келинга сеп олдилар.

Интизор кулимсираб, ерга қаради. Олимнинг кўлларини силаб, тиззасига қўиди.

- Ҳамма кийимларни менинг бўйимга ўлчаб олдилар...

Порлаб турган кўзларида бахт жилва қиласар, Олимнинг елксига бош қўиши миннатдорчилик ифодаси эди.

Бир соатдан кўпроқ айланиши, дала-ҳовлига қайтиб келишганда эшик тутқичига хат қистирилган экан.

"Мени Анатолий Петрович чақиртириди, бир соатдан кейин келаман. Хавотир олманг!"

Улар меҳмонхонага кириб кетишаётганида, Олим Интизорнинг белидан кучиб олган эди...



Олим нима иш қилаётганини Интизорга билдиришни истамасди. Ҳайрият, боя Анатолий Петровичнинг гапини тушунмади. Бахтига, Интизор "Бирданига катта пул жўнатдингиз, нима иш қиляпсиз?" деб сўрамади. У қизни меҳмонхонада телевизор кўраётган ҳолда қолдириб, ётоқхонага кирди.

Уйга кетишга қарор қилгандан бери жангда албатта ғалаба

қилиш ва катта пул ишлаш фикри билан тайёргарликни күчайтирган эди. Ҳозир ҳам озгина мизғиб олиб, күл бўйида шуғулланмоқчи, жангда шиддатни ушлаб туришга замин яратмоқчи эди. У хонадан чиқаётганда "Кечкурун икки-уч соатлик ишимиз бор, сиз унгача дам олиб турасиз, деганди, аммо жанг пайтида бегона жойда Интизор ёлғиз қоладими?" деган фикр миясига қуишиб, Анатолий Петровичга қўнғироқ қилди.

- Сен буларни ўйлама, Алик, қизга билдирамасдан кўриқчилар тайнлайман! - деди у.

Олим ёстиқقا бош қўйиши билан уйқуга кетди, икки соатдан кейин худди санаторийда бир ой дам олгандай мияси тиникиб, танаси кучга тўлиб уйғонди. Кўзини очиб қараса, тепасида Интизор турибди.

- Уйқучи, туринг кеч бўлай деди!

Қиз унинг бошини меҳр билан силади, елкасига бошини қўйди, бирпас бағрида эркаланди.

Олим даст ўрнидан турди-да, соатга қаради, ҳаммаси режа бўйича кетаётганига ишонч ҳосил қилгач, енгил кийимларини танасига илди.

- Мен кўл бўйида бир соат шуғулланаман, сиз дам олинг!  
- дея ташқарига отилди. Интизор бир сонияда рўй берган воқеадан ҳеч нарсани тушунмади.

Деразасидан кўл томонга қараганда Олим соҳил бўйлаб шамолдай югурап, кўрганлар учиб юрибди, деб ўйларди. Интизор ҳам шу хаёлга борди. Унинг шиддати ва кучи унчамунча одамнинг ақлини шошириб қўярди. Интизор бу ҳолатни илк бор кўргани учун ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Ва севгилисининг янги қиррасини кашф этгани, бу қира балолардан асрәётганини ҳис этгандай бўлди...

Аслида, Интизор келгандаёқ Олимнинг танаси тўлишиб, мушаклари бўртиб чиққанлиги, нигоҳидаги маъно чуқурлашиб, танаси кўркам ва шиддатли бўлиб кетганини кўрганда ундаги ўзгаришлар ҳақида ўйлай бошлаган эди. Сабабини ўзи айтар деб кутди, аммо гапирмагани учун сўрашга тортинди. Ҳозир ҳаракатларини кузатар экан, илгари каратэ билан шуғулланган дамлари ҳақида галириб берганини эслади, дискотекада иккита муштумзўрни боплаб адабини берганини ўйлаб, мийифида кулиб қўйди.

Интизор кўп масалаларни гаплашиб олишни режалаштирган эди, тушгача мўлжалдаги ишлар амалга ошмаган бўлса ҳам, янги одамлар билан танишли, қайноқ таассуротлар олиб, Москвага келганидан хурсанд эди. Бироқ Олим билан кўришгандан кейинги воқсалар кутганидай рўй бермаётир. Ўрмонда бир соат сайд қилганларини ҳисобга олмаганде у билан гаплашолмади, боз устига кечроқ икки-уч соатлик ишим бор деялти, яна кетиб қоларкан-да! Салкам бир йилда кўришсагу мени ёлғиз ташлаб кетаверадими??

Олим машқдан қайтганда Интизор ҳайрат ва таажжуб билан кутиб турарди. У катта сочиқ билан артинаётганда бўлиқ ва чайир танасига ҳавас ва эҳтирос билан термуларди.

- Олим ака, савол берсан майлими?

- Бемалол, асалим!

- Кўл бўйила юураётганингизда ёнингизда шеригингиз бордай, у билан гаплашиб кетаётгандай бўлдингиз, ё менга шунаقا туюлдимикин?

Олим кулимсиради. "Интизор бўри ҳақида билиши шарт эмас!"

- Асалим, ёнимда кўринмас одам бор эди, у билан кейинги режалар ҳақида суҳбатлашдик.

- Топган вақтингизни қаранг... Кейинги режалар ҳақида мен билан гаплашиш ўрнига кўринмас одам билан...

- Кўриб турибсиз-ку, доим бандман.

- Яна битта нарса: қандай қилиб учиб кетаётгандай тез югурдингиз?

- Сиз келганингиздан илҳомланиб кетдим шекилли...

- Мен йўғимда нима қилувдингиз?

- Сизни ёнимда тасаввур қилиб югураверадим!

- Наҳотки?...

- Ёлгон гапирсам, тил тортмай...

- Ийй, жим, Олим ака! Қасам ичманг!

- Нега?

- Йигит қасам ичмайди. Йигитнинг сўзи қасам!

Олим уни бағрига босди.

Йигитнинг гаплари ҳазилми, чинми - Интизор билмай қолди...

Ташқарида машина овози эштилгач, кўрсаткич бармоғида калитларни айлантириб, Одил кириб келди.

- Кетдик, Олимжон!
- У гапириб бўлмай ортидан Интизор тенги қиз пайдо бўлди.
- Салом! - деди аллақандай хуш кайфиятда.
- Ҳаммалари тенгидан салом беришди.
- Бу - Анжелика! Анатолий Петровичнинг қизи.
- Анжелика, таниш: бу Инди, Аликнинг дўсти!
- Хурсандман, - қўл узатди қиз. - Яхши дам оляпсизми?
- Раҳмат. Аликнинг гапи бўйича, чилдаса бўлади.
- Ҳазилкаш экансан, менга ёқдинг.
- Уйлайманки, - деди хонадан чиқаётуб Одил, - Икковингиз тил топишиб, дугона бўлволасизлар!

Шу пайт Интизор Анжелика Олим акасига суқланиб қараб турганини кўрди-ю, "Наҳотки, иккови..." дея ғалати бўлиб кетди.

- Алик, - деди Анжелика кўзлари порлаб, - сенга омад тилайман, ўйлайманки, ҳаммасини эзib ташлайсан!
- Худо хоҳласа... ҳаракат қиласман!

Олим Интизорга хавотир билан қаради, у алланарсани мулоҳаза қилиб турар, Олим қўлини ушлаб қисгандагина хушига келди.

- Яхши бориб келинг, aka!..



Ўтган сафарги жанг қаҳрамонини кутишаётган экан, Олим залга кириши билан ҳамма ялт этиб қаради. Келишидан олдин ўзи ҳақида анча гап бўлган шекилли, кўзларда ҳасал ўти ёнарди. Янгилар кўпроқ кузатиши, ҳатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор билан қараашарди. Олим уларга бир қур назар ташлади, орасидан биттаси эътиборини жалб этди. Қараашлари теран, майкасини туртиб чиқсан мускулларидан бақувватлиги сезилиб турар, аммо унинг вазнига мос жангчи борми-йўқми, билиб бўлмасди. У Олимдан беш-ўн кило оғир, демак, у бошқаси билан рингга тушади, ундан чўчимаса бўлади.

У кўлчиликнинг салобатини енгиб, кийим алмаштириш хонасига равона бўлди. Қайтиб чиқиб, стулига жойлашганда ҳам кўлчилик назарини ҳис қилди. "Бувим: Назар ёмон нарса, болам..." дегучи эди. Ташқарига чиқиб айланниб

тураймикин?"

Шу пайт Анатолий Петрович кирди-да, Олимни ташқарига имлади. "Айни муддао бўлди!"

- Дадил бўл, Алик, - деди Анатолий Петрович коридор тўридаги дераза олдига боргач. - Ютиб чиқсанг, келишганимиздек ҳақ оласан, бундан ташқари, "шеф" билан танишираман, уйингга бориб келишга рухсат бераман, эрталика иккита чипта буюраман! Кизингдан хавотир бўлма, хавфсизлиги таъминланган! Бўлти, омад тилайман!

Анатолий Петрович залга кириб кетгач, Олим ташқаридаги бироз айланди, вақт ўтганини билмай қолган шекилли, ичкарига чақиришгандагина ўзига келди.

- Сен анави грузин билан тушасан! - деди ташкилотчи Игорь.

Сочлари жингалакка мойил гуржи йигит Олимга ўткир нигоҳларини тикиб турарди.

- Уни енгсанг, анави чечен сенинг рақибинг бўлади, - Игорь унинг кўлини қисди. - Маҳкам бўл Алик, катта "шеф" шу ерда!

Олим унинг кўзидағи хайриҳоҳликни кўриб, "Ўзимизнинг одам экан!" деган хulosага келди, демак, ҳар қанча дадил бўлишга имконим бор!

Биринчи жангдаёқ ҳамма ҳаяжонланиб кетди, тоҷик йигит билан армани шундай шиддат билан бошладики, ким кимни ураётганини билиб бўлмасди, ҳакам ажратиб қўйса ҳам бир-бирига чирмашиб уришавердилар. Ниҳоят, ўн дақиқадан кейин икки дақиқалик танаффус берилди-ю, жанг қоидаларини қайта тушунтириб қўйишга тўғри келди.

Иккинчи раундда улар ҷарчаб қолишли, соддалик қилган армани юзини очиқ қолдирган экан, тоҷик йигит жағига шундай ўҳшатиб солдики, армани бир қоп сомондай учиб кетди. Резина арқонга урилиб, ринг ўртасига отилди. Лабининг бурчагидан отилган қон ҳамма ёқни қип-қизил рангга бўяди. Дарров унга тиббий ёрдам кўрсатилди ва тоҷик голиб, деб эълон қилинди.

Кейинги ўйинда тоҷик қотма негр билан рингга тушди. Иккови ҳам бошқаларга ўҳшамаган усулда курашар, рақибга ўзини ушлатмасликка тиришар эди. Танаффусга ҳам чиқишишмади, тоҷик ҷарчаб қолган экан, негрнинг бўйнидан

құлни солиб бүғиб тураверди, сұнг устидан ошириб отди. Тожик енгилганини билдири.

- Алик, негрға тушасан, ҳаракат қил! - деди Игорь кутилмаганда. - Усулини билиб олдинг-а? Үзингни ушлатма, күч билан ташлан!

Олим шиддат билан рингга түшганды қаҳрамонни күтлагандай ҳамма қарсак ва ҳүштаклар билан кутиб олди. У рингни айланди, үзини күрсатиб қўйиш учун эмас, шиддатга кириш учун айлана бошлади. Ниҳоят, ҳакам тўхтатди. Ва икковини сўраштириб, жанг бошланганлигини билдири. Олим ундан узоқлашди, ютуриб келиб, елкасига миниб олди ва оғирлиги билан уни ерга қулатди, ундан бир метр узоқлашиб, ўрнидан туришини кутди. Шу пайт шаффоғ гирдоб ичилади ёввойи кучи - бўри келди-ю, негр атрофини айланди, сўнг ундан узоқлашиб, Олим томонга учил келди, Олим қучоғини очганда вужудига сингиб кетган эди. Олимда бекиёс куч-ғайрат ва абжирлик пайдо бўлди. Шиддат билан негр томон югурди-да, кўксига боши билан урилди, негр қулаги тушди, у дарров турди, аммо тепасида турган Олим уни даст кўтарди! Томошибинлар "Ур! Ур!! Урсанг-чи!!!" - дея қийқириб юборишли. Аммо Олим уни қўғирчоқдай, иккала биқинидан эзиг ушлаб тургани учун негр типирчилар эди.

- Ур, Алик, сенга эллик минг тикдим! - деди ўртадаги кўзойнакли бақалоқ.

- Мен олтмиш минг тикаман, ур, Алик! - деди жазавага тушиб ўрнидан туриб кетган гавдали одам.

Олим уни ерга урди, аммо негр енгилмоқчи эмасди, аллақандай кутилмаган шиддат билан Олимга ташланди, ташландию... кекирдагида Олимнинг темир панжаларини ҳис қилди. Олим томоғидан қисганда нафас олиши қийинлашиб, ранги кўкариб кетди.

- Алик, қўйворма, сенга етмиш минг тикаман, уриб ташла!

- Бу доим қўлида бокал ушлаб турадиган Москванинг энг йирик бизнесменларидан бири эди.

Олим қўйвормади. Негр нафас ололмасдан, оғриқнинг зўридан шилқ этиб үзини ташлади.

Ҳакам Олимни ғолиб деб эълон қилди.

- Дам олмайман, - дея шивирлади Олим ҳакамнинг

кулоғига.

- Түшундим!

У шиддатини йўқотиб қўймаслик учун рингни тинимсиз айланар, қўли билан тиралиб, ўмбалоқ ошарди. Ҳамма уни олқишилар, қўлларини кўтариб бирга эканликларини билдиришар эди.

Гуржи йигит аввалги жанг таъсирида шекилли, бироз чўчиб турди. Жанг бошланганда эса тўсатдан Олимни кўтариб олди.

- Алик, сенга нима бўлди, жағига сол!

Олим унинг қўлтиғидан қўлини солиб, орқага қайирди, у ингроққа ўхаш овоз чиқарди-да, рақибини қўйиб юборди. Аммо ҳаво йўлига зарба бериб, бир қарич ортига суриб юборди. Олим эса жаҳли чиққан одамдай шиддат билан сакраб, унинг елкасига тепди, яна бир сакраб қорнига зарба берганда гуржи эгилиб қолди, бундан фойдаланган Олим орқа томонига дўл сингари мушт ёғдирди, рақиб чуқур нафас олишга эришиб, қаддини кўтариши билан тумшуғига икки марта мушт еб ёнига қулади. Ҳакам тепасига келганда у кафти билан ерни урди ва қўзларини юмди...

Шу пайт Одилда турган Олимнинг телефони жиринглади. У экранга қаради. Ўзбекистондан! Уланиш тутмасини босди.

- Алло, эшитаман!

Одил гаплашган сайин ранги ўзгариб, қўзларини чукур қайғу эгаллади. Алоқа узилгандан кейин эса машина эшигини беркитиш эсидан чиқиб залга, Анатолий Петровичга югурди.

- Ўзингни бос, нима гап? - деди.

- Олимнинг бувиси...

- Ҳаммасини жангдан кейин гаплашамиз, Олимга ҳеч нарса айтмай тур, у билан ўзим гаплашаман, хўпми?

- Хўп...

Кейинги икки жанг ҳам бундан шиддатли ва қизиқарли ўтди, пул тикадиганлар кўпайди, энг муҳими, Олим чарчамас, борган сайин шиддатга тўлиб борарди, фақат баъзан ўзи билмаган ҳолда бўридай увлаб қўйганда одамлар қийқириб юборарди. Доим қўлида бир бокал пиво ушлаб турадиган йирик бизнесмен дарров унга "Дикий волк" деб

лақаб қўйди. Бу ҳаммага ёқди, шекилли, ҳал қилувчи жанг охирлаганда ҳамма бир овоздан "Дикий волк", деб қийқира бошлади...

\* \* \*

Интизор рус тилини яхши билмаслиги ҳақида ўйлаб турганда Анжелика буни сезди шекилли:

- Балки инглиз тилида гаплашармиз! - деб қолди.
- Урее! - Интизор чапак чалиб қийқириб юборди. - Юрагимдагини топдинг, Анжелика!
- Олим сенга ким бўлади, Инди?
- Сенингча кимга ўхшайди?
- Йигитинг, тўғрими?
- Топдинг? Аммо сен ҳам яқинсан шекилли? - Интизорнинг кўзларида рашк ўти аланга олаётган эди.

- У ҳақда кўп эшитганман, дискини кўрганман, аммо ўзи билан бугун учрашишим...

Анжелика қайсиadir таниқли хонанда тўғрисида гапиравтандай туюлди Интизорга. Интизор дискка аниқлик киритиб олишини кўнглига тугди.

- Қанақа диск, тушунмадим?
- Нега тушунмайсан? Алик Москвадаги энг зўр жангчига айланганини билмайсанми?
- Йўўқ! - Интизорнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.
- Фуу! - деди Анжелика истеҳзо билан кулиб. - Сен Аликнинг севган қизимисан, ё бегонамисан? У ҳозир ҳам жангда. Менимча, бугун ҳам ютади, ёввойи кучи бор, беш-олтитаси билан курашса ҳам чарчамайди, ҳамма шундан ҳайратда, москвалик қизлар дискини эрталабдан кечгача ётволиб кўришяпти.
- Балки битта-яримтаси яхши кўриб ҳам қолгандир?
- Унисидан бехабарман! Аммо у яхши кўришга арзийдида! "Килич ва қалқон" бадиий фильмни янги чиққанда Олег Янковскийга Москвадан ўн мингта қиз "Сизни севаман, сизга турмушга чиқиши хоҳлайман", деган мазмунда хат ёзган экан. ӽшандай қизлар ҳозир ҳам юз минглаб топилади!
- Наҳотки?

- Ҳа, жонгинам, Аликни эҳтиёт қилмасанг, қизлар бошини айтантариб ўйинчоқ қилиб олишади!

Интизорнинг юрагига аввал ғулғула, кейин ваҳима тушди! Дарров хаёлига доим унинг ёнида бўлишим керак, деган фикр келди, аммо иложи йўқлигини ўйлаб ташвиши кучайди.

- Ҳозиргача у бирортаси билан юрмадими?

- Мен қаёқдан билай, бугун учрашлим деялман-ку!

Анжелика аллақандай зарда билан гапиради. Аликни ҳамма севиши мумкин, аммо кимни севишни ўзи ҳал қиласди. Севгилиси бўлсанг ҳам бу масалада унга буйруқ беролмайсан, демоқчидай гапиради.

Учовлари дала-ҳовлига кириб келишганда, икки қизнинг суҳбати тутамаган, ҳали талайгина гаплари бор эди.

Анатолий Петрович Олим билан Одилни меҳмонхонага бошлаб кирди-да, эшикни ёпди. Столга қора цellofan ҳалтада пул қўйди, у эллик минг доллардан кам эмаслигини Олим яхши билар, уйга кетиш масаласини тезроқ гапиришга ошиқарди.

- Олим, - деди Анатолий Петрович вазмин оҳангда, - бувинг неча ёшдалар?

Анатолий Петрович ҳеч қачон бундай вазмин оҳангда гапирмаган, кўзларида аллақандай мунгга ўхшаш қайфу ҳам кўринмаган, шунинг учун Олимнинг қалбida ҳайронлик, ҳатто таажжуб пайдо бўлди.

- Нима гап, Анатолий Петрович? Бувим саксондан ўтиб кетганлар.

- Шунчаки ўзим, сўрайлман?

- Бирор сабаби борми?

- Бугун яна голиб чиқдинг, хурсандман, анчагина пул ишладинг, анави елим ҳалтада олтмиш минг доллар бор, ўн мингини Одилга берасан, қолгани сеники!

- Раҳмат, Петрович!

- Мен ваъдманинг устидан чиқдим.

- Сизга ҳам омад тилайман!

Анатолий Петрович бироз тўхталди. Сўнг Одилга қараб алланарсани имо қилгандай бўлди. Аммо Олим ҳеч нарсани тушунмади.

- Чамамда уйга бориш учун рўхсат сўрамоқчи бўляпсан, шундайми?

- Ичимдагини топдингиз, Анатолий Петрович, телепатмисиз, дейман?

- Бир жойда ишлаб, дардингни билмасам, инсон бўлиб, нима қилдим?!

- Раҳмат.

- Одил икковинг уйга бор. Беш-үн кун дам олгандан кейин менга қўнғироқ қил. Нима қилишни айтаман. Қозогистондан ўртоғинг Ботир келади. Сизларга тунги рейсга чипта олдириб кўйдим. Қизинг эса бугун бизникида қолади. Эртага Анжелика билан бирга жўнатиб юборамиз, бу ёғидан хавотир бўлма!

Олим масала тез ва осон ечилганини ғалаба билан боғларди. Москва корчалонлари, мана-ман деган бизнесменлар олдида ғолиб чиққани учун "шеф" мукофотлаяпти, деб ўйлаётганди. Кечинмаларини яширишга ҳаракат қилиб, Одилнинг кўзига қаради. Тушуниб бўлмайдиган манзара - муҳим гапни яшираётганга ўхшайди. Яширадиган қандай сир бор? Э, тўхта, тўхта! Нега Петрович бувимнинг ёшини сўради? Бир гап бормикин? Кейин Одил акадан сўрайман.

Анатолий Петрович ён чўнтағидан иккита чипта олди ва Одилга узатди. Бироздан кейин ўрнидан қўзгалди. Одил билан Олим ҳам унинг ортидан кўчага чиқишиди.

- Кечаси аэропортда кўришамиз! - деди у кўзини олиб қочиб, Одилга қаараркан. Олимнинг кўнглидаги шубҳа яна кучайди...

Анжеликанинг таклифи билан кечки овқатни ресторонда қилмоқчи бўлишди. Шунинг учун Одил билан гаплашолмай қолди. Ресторонга етиб боришганда Анжелика ўртага турди-да, ўнг томонига Интизорни, ёнига Олимни турғизди, ўзи чап қўли билан Одилни қўлтиқлаб, ресторанга кириб боришиди. Ходимлар уни ўзгача тавозе ва ҳурмат билан кутиб олишганига Интизор ҳайратда қолди.

- Бугун сизларни мен меҳмон қиласман! - деди Анжелика хушнуд кайфиятда.

- Мен турганда сизга йўл бўлсин, хоним! - деди Олим қаддини кериб. - Эркак киши турганда аёл киши пул тўлаши бизнинг қоидаларга тўғри келмайди.

- Азизим, Ўзбекистонда эмас, Москвада турганингизни

ёддан чиқардингиз шекилли...

Уларни зимдан кузатаётган Одил гапга қўшилди.

- Бизда меҳмон битта - Интизор, ҳаммамиз уни сийлаймиз!

Анжелика ўйланиб турди-да, Одилга қаради.

- Умуман тўғри, майли, шундай бўла қолсин!

Залга ўтишганда шоҳона безатилган стол атрофида ёшгина официант таъзим ва табассум билан кутиб турарди...

Зиёфат шоҳона бўлди, авжига чиққанда Анжелика Олимни рақсга таклиф қилди, у билан роса ўйнади, озгина кайфи ошганини ҳисобга олмагандан ҳаммаси одатдагидай кетаётганди, қиз сумкасидан фотоаппарат олди-да, официантга айтиб, Олим билан кучоқлашиб, бўйнига осилиб, белидан қучиб, бетидан ўпаётуб, кўксини кўксига теккизиб, суратга тушди. Ҳатто дастурхон атрофида ўтириб, елкасига севгилисидай бош қўйиб, суратга тушганда Интизорнинг жаҳли чиқа бошлади. Анжелика бунга эътибор бермас, ҳаётининг Олим билан ўтган тотли лаҳзаларини расмларга муҳрлаб, эртага дугоналарига мақтаниш - Интизорнинг кўнгли оғришидан ўн чандон қимматли эканини ўйларди, холос... Бундай енгил табиатли қизга илк бор дуч келаётгани учун қалби ҳайрат ва таажжуб билан тўлган эди.

Интизор Олим билан икки марта суратга тушди, кайфияти тушиб, фотоаппарат қаршисида туришни истамади. Анжелика "Мен Алик билан биринчи учрашишим", дегани фирт ёлғон, Олим иккови муносабатларини усталик билан яширяпти, деган хаёлга борди. Анжелика унга француз виносидан таклиф қилди, аммо ичмади. Ҳатто Олим икковингиз ичаверинг, деб зарда қилгандай юзини четга бурди...

Одил зиёфатдан кейин ҳаммасини Интизорга тушунтириб қўяман, деган фикрни дилига туғиб қўйганди. Ташқарига чиқишаётгандан Анжелика ўзига алоҳида машина чақирди.

- Инди мен билан кетали! - деди куттилмаганда.

Қиз унга қаради-да, аллақандай тунд қиёфага кирди. Анжелика бир кулимсираб қўйди-да, бошқа гапирмади.

- Мен дала-ҳовлида қоламан! - деди Интизор кескин оҳангда.

- Фалати экансан-ку, Инди, улар ярим кечада кетишади,

ёлғиз қолмоқчимисан?

- Майли, меп ҳеч нарсадан құрқмайман!

Олим Анжеликага күз қири билан қаради-да, Анатолий Петрович билан боради, дегандай имо қилди...

Улар жүнаб кетишиди. Дала-хөвлига етиб келишганды салқам ярим кеча бўлган, ҳавода аллақандай намхушлик бор эди. Интизорга ёқди шекилли, ҳовлида бирпас ўтирайлик, деб таклиф қилди. Одил чой қўйди. Ярим соатдан кўпроқ чойхўрлик қилишиди. Интизор Олимнинг Анжелика билан расмга тушганлари, қизнинг унга сўйкаланишларини ҳали унотолмагани учун у ҳақда гап очишга юраги дов бермас, Олим алланарсалар деб ўзини оқламоқчи бўлса, асаби бузилишидан зада эди.

Ниҳоят, Одил гап бошлиди.

- Сиз анави қиздан хафа бўлманг, Олимжон уни аввал кўрмаган. Бошлиқнинг қизилиги учун силтаб ташлагиси келмади. Ўлганининг кунидан расмга тушди. Биз тун-у кун биргамиз, қиз билан гаплашишга вақти ҳам, имкони ҳам йўқ, ҳар куни машқлар, шуғулланишлардан бўшамайди. Бундан ташқари, хаёлида фақат - Сиз! Соғингандан мен билан дардлашади...

Интизорнинг кўнгли сал ёзилди. Олим нима иш билан шуғулланётганини билиш мавриди келганини сезди.

- Дарвоқе, Олим ака сиз бу ерда қандай иш билан шуғулланасиз, сир бўлмаса айтинг-чи, ахир, ўша Анжелика билган ишни мен ҳам билишга ҳаққим бордир?

Рашкидан гоҳ қулиб, гоҳ ғаши келиб ўтирган Олим уни хотиржам қилишга шошиларди.

- Бу ерда қаратэ билан шуғулланаман, бугун маҳаллий мусобақа бўлди, айрим ўйинчиларни ютиб чиқдим. Буни ҳеч қандай сирли жойи йўқ!

Олим нігоҳига бор кучини тўплаб, Интизорга қаради. Интизор унинг кўзларидаги қатъиятни кўриб, ҳеч қандай шубҳага бормади, ишонди. Енгил тортиб, табассум қилганидан фойдаланган Олим гапни тезлик билан давом эттириди.

- Анави қиз масаласида нотўғри хаёлга борманг, уни ҳақиқатан биринчи кўришим! Каттамайзнинг қизи, сал таңтиқ экан, елкамга осиладими-ей, қучоқлаб, расмга

тушадими-ей! Сўкиб, силтаб ташлагим келди. Мен сиздан бошқасини ўйлаган эмасман!

Интизор унинг кўзига қараб тўғри галираётганига ишонч ҳосил қилди ва қалбидаги губорлар тарқаб, хижиллиги ёзила бошлади...

Бироздан кейин Олимнинг ёнидаги стулга ўтиб ўтирди...

"Интизор сал озибди, аммо аввалгидан чиройли бўлиб кетган. Кўзлари хуморга ўхшайди. Эҳтимол мени соғинганидан шундай кўринаётгандир., Мен уни шундайлигича яхши кўраман!"

Олим уни елкасидан қучиб, ўзига тортди.

- Аэропортга кетгунча телевизор кўриб вақт ўтказайлик,
  - деди Олим унга қараб, - ётсак ухлаб қолишимиз мумкин!
  - Менга барибири!
  - Айтганча, Америкала қанча бўласиз?
  - Ҳозирча бир неча ой.
  - Кейин-чи?
  - Асосий ўқиш бошланиши олдидан келиб, бир ойча тураман, кейин яна кетаман!
  - Сизни соғинчб ўларканман-да!
  - Мен-чи? Соғинмайманми?
  - Сиз ўқийсиз, дарсларга тайёрланасиз, вақт ўтганини билмай қоласиз.
  - Иложини қилиб олдимга бориб турарсиз?
  - Бўлади! - деди Олим хурсандлигидан қийқириб юборгудай бўлиб. Чунки Россия фуқароси эканлиги эсига тушиб қолган эди. У Интизорни бор кучи билан бағрига босди...
- Учовлари Домодедово аэропортига етиб келганларида Анатолий Петрович қизи билан кутиб турарди. Олим юкларни машинадан тушириб, катта сумкани елкасига илаётганда, Анжелика пайдо бўлди. Кўзлари қувончдан порлаб Олимнинг бўйнидан ушлади-да, икки юзидан чўлпиллатиб ўпди. Интизор жаҳли чиқиб, Олимга қаради. Қиз билан сўрашишни ҳам истамай юзини ўғирди. "Мунча сурбет бўлмаса?".
- Инди, сен нотўғри хаёлга борма, - деди у беҳаёлигини оқламоққидай, - уни дўстимдай яхши кўраман!
  - Тушунаман...

Самолётта чиқиш яқынлашган сайин аллақандай безовталиқ, Интизор қоластганидан ташвиш, она юртига тағпиниш түйгүсі, соғинч ва изтироб, ғамларни енгіб үтиш иштиёқи аралашиб, Олимга күч бериб турарди. Тезроқ Ўзбекистонга борса-ю, она тупроғини ҳидласа! Файзли, нурли күчаларини сайд қылса, бувисини түйиб-түйиб бағрига босса, күчоғида ёш боладай эркаланса! Синфдошлари билан чин дилдан сұхбатлашиб ёзилса!

- Алик, - деди кутилмаганда Анатолий Петрович, - сен Индидан хавотир бўлма, Анжелика икковимиз уни жўнатиб юборамиз! Унгача бизникида туради.

- Раҳмат, Петрович!

Олим "Уришиб қолмайсизларми?" - дегандай Интизорга қаради. У жилмайиб қўйди...

Олимнинг телефони жиринглаб, хаёlinи бўлди.

- Алло!

- Эшиштаман.

- Алик, ёнингдагилар билиши шарт эмас, иккинчи эшикдан бир минутга ташқарига чиқсанг, илтимос! - овоз сири ва таниш эди.

Кетиш олдидан кўнглisisзлик бўлмасмикин, дегандай Олимнинг юраги шув этди. У эшикдан чиқиши билан:

- Салом, қочоқ! - дсан овоз эгасига урилиб кетди. Олдида кўзлари қувончдан порлаб Галия турарди.

- Четроққа ўтайлик. Нега индамасдан кетяпсан, хайрлашишга арзимайманми?

- Э, мен яқинда келаман.

Бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини билмай қолди.

- Ростданми? Очифини айтсам, сени соғиндим!... Уша тундан бери сен ҳақингда кўп ўйладим, аммо ўзимча қўнғироқ қылгани ботинолмадим. Дискингни кўрдим, жуда зўр, Москвада сендақаси йўқ, ҳатто ўртоқларимга мақтандим.

- Раҳмат, мен энди борай..

- Алик, - деди Галия унинг бўйнидан қучоқлаб, - тезроқ кел, сен билан қиласиган муҳим иш бор!..

Улар ҳужжатларни расмийлаштириб, учиш майдони томон юришганда, Интизор хайрлашгани борди, сўнг Анжелика Олимни қучоқлади. Охири Анатолий Петрович яқынлашди.

- Алик, имкони борича тезроқ қайт. Ишларимиз кўп!

- Қандай ишлар?

- Европага борамиз!

Олим Анатолий Петровични тушунган бўлса-да, атайлаб талмовсиради.

- Каерга?!

- Аниқроғи, Италияга!

\* \* \*

Самолёт осмонга кўтарилиганда юраги соғинч ва Ватан туйфуси билан ҳапқириб, Узбекистон сари интилаётган Олим билан Одил кўзларини юмганча тугилган гўшани, яқинларини ўйлаб боришар, Интизор билан Анжелика ўртасида кетаётган Анатолий Петрович эса Римдаги ҳамкорларига кўнғироқ қилаётган эди...

**БИРИНЧИ ФАСЛ ТУГАДИ.**

9900

Адабий-бадиий нашр

Боқий МИРЗО

## ЎФРИНИНГ МУҲАББАТИ

Роман  
(Биринчи фасл)

Муҳаррир: Нурбек Абдуллаев.  
Тех. муҳаррир: Собитхон Абдуҳамидов.  
Дизайнер: Темур Ҳасанов.  
Мусаҳдиқ: Улугбек Умаров

2012 йил 4 январда теришга берилди. 2012 йилнинг 5 марта босишига рухсат этилди. Бичими 60x84. Ҳажми 15 босма тобоқ. Нашриёт босма тобоби -15. Офсет усулида 2000 нусхада чоп этилди. № 590 - сонли буюртма.  
Баҳоси келишилган нархда.

"Наманган" нашириёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кӯчаси, 36-уй.

Нашриёт лицензия рақами АН - 156.  
2009 йил 14 августда берилган.

Китобнинг оригинал макети "Заковат" НУ МЧЖ матбаа бўлимида тайёрланиб, шу бўлим босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
Чорбоғ кӯчаси, 17-уй.